

Муродхон ҲОШИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ТУРИЗМИ

Монография

«Zarafshon» nashriyoti ДК,
Самарқанд – 2009

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ТУРИЗМИ

Монография

«Zarafshon» nashriyoti ДК, Самарқанд – 2009, 220 бет.

Жамиятнинг табиатга таъсир этиш муаммолари ҳамда Ўзбекистон
Экологик Туризмига оид ушбу китоб кенг китобхонлар оммаси,
туризм соҳаси мутахассислари, илмий туризм соҳаси билан
қизиқувчи ходимларга ва талабаларга мўлжалланган.

**Китоб Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси ҳомийлигида чоп этилди.**

Масъул муҳаррир: Самарқанд вилояти табиатни
муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
Х.С.Аззамов

Такризчилар: География фанлари номзоди, доцент
А.Раҳматуллаев
География фанлари номзоди, доцент
И.Усмонов

ISBN 978-9943-379-601-5

© Муродхон ҲОШИМОВ

Мазмуни

- Кириш
- Экотуризм маъносини аниқлаш
- Экотуризм турлари
- Экотуризмнинг таркибий қисмлари
- Экотуризм мақсади
- Экотуризмнинг табиатдан фойдаланиш турлари
- Экотуризмнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари
- Китоб геологик қўриқхонасининг экосайёҳик ресурслари:
 - Китоб қўриқхонаси геологик-туристик ресурслари;
 - Қўриқхона экосайёҳик ресурсларини аниқлаш тарихи;
 - Қўриқхонанинг экотуризм ресурслари;
 - Ўсимликлари;
 - Ҳайвонот олами;
 - Қўриқхонада нима ишлар бажарилади?
 - Қўриқхона этнографик тарихи – археологик изланишлар учун манба;
 - Қўриқхона майдонидаги сайёҳлар учун хавфли табиий жараёнлар;
 - Қўриқхона олдида турган вазифалар.
- Миллий боғлар
- Зомин миллий боғи
- Кичик қўриқхоналар
- Табиат ёдгорликлари
- Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий табиат ёдгорликлари
- Табиий тарихий даралар:
 - Темур дарвозасидан Темир дарвозагача;
 - Тош қотган излар тарихи;
 - Уч ўчоқ;
 - Чортанги;
 - Миқ;

- Нодир ландшафтлар:
 - Етти тепалик устида;
 - Денгиз тўлқинланган жойда;
 - Хазина ғаладони;
 - Қайта тикланаётган тепаликлар;
 - Оҳалик;
 - Омонқўтон (Фарахбахш дара ва тарихий давон ҳақидаги ўйлар);
 - Ер ости сув омбори (Қирқтоғ);
 - Тоғлар қабристони;
 - Кўксарой.
- Тоғ зоналар ва улардаги экосайёҳлик олами:
 - Ургут;
 - Ойқор;
 - Бахмал;
 - Кетмон чопди ва Кампир кўл;
 - Қирқ кизлар;
 - Қўйтошдаги “тош қўйлар”;
 - “Муқаддас тош”;
- Текислик ландшафтларидаги экосайёҳлик манбалари:
 - Қуруқликдаги орол;
 - Сахро медальони;
 - Тим;
 - Қизил туз.
- Экоспелеотуристтик манбалар (жануби-ғарбий Ўзбекистон ғорлари);
 - Дарёли ғор;
 - Амир Темур I ғори;
 - Бойқобил ғори;
 - Авлиё ғори;
 - Хўжа Гургур ота ғори;
 - Суратли ғор;
 - Ибтидий одам макони;
 - Бўри уяси;
 - Ажинакамар ғори;
 - Амир Темур II ғори;

- Шифобахш ғор;
- Тош туяли ғор.
- Табиати алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларининг ривожланиш тарихи.
- Экологик туризмнинг асосий жиҳатлари:
 - Ижтимоий жиҳатлар;
 - Иқтисодий жиҳатлар;
 - Экологик жиҳатлар.
- Экологик туризмдаги табиати алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш усуллари
- Экосайёҳик имкониятларни баҳолаш
- Табиатни муҳофаза этиш тартибини сақлаш
- Экологик ва техник муаммоларни ўрганиш
- Рекреацион босим ҳисоби
- Экологик туризм ўтказиш тажрибасини ўрганиш
- Туризмда табиатни қўриқлаш туркумлари
- Туризмда табиатни муҳофаза қилиш намуналарини ишлаб чиқиш:

1. Кириш вақтидаги суҳбат;
2. Қўлланма;
3. Маслаҳат;
4. Ўлкашунослик сайёҳлиги;
5. Табиатшунослик сайёҳлиги;
6. Музей сайёҳлиги;
7. Табиатни ўрганувчи саёҳат;
8. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ва илмий мавзудаги суҳбатлар;
9. Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари тўғрисида суҳбат;
10. Табиатни муҳофаза этишдаги эстетик ва этик мавзу бўйича суҳбатлар;
11. Амалий дарслар;
12. Ўқув-машқ қилиш жараёни;
13. Йўл маълумоти;
14. Дам олишдаги учрашувлар;

- 15.Тўғарақлардаги бажариладиган вазифалар;
16. “Сен табиатни биласанми?” номли экологик ўйин;
- 17.Табиат музейини ташкил этиш;
- 18.Сайёҳ сўқмоқларини аниқлаш ва жиҳозлаш;
- 19.Маршрутларни белгилаш;
20. Ўқув экологик сўқмоқларини шакллантириш;
- 21.Туристлар жойлашадиган жойда табиатни муҳофаза этиш бўйича тайёргарлик;
- 22.Тунаш жойлари, гулхан ўринлари ва ўчоқларни жиҳозлаш;
- 23.Туристлар томонидан ўрмондаги экиш ишлари;
- 24.Ландшафтни эстетик жиҳозлаш;
- 25.Маршрутларда эътиборни чалғитувчи, соғломлаштирувчи ва билим берувчи жозибадор объектлар қуриш;
- 26.Тўсиқлар ясаш;
- 27.Ўрмон хавфсизлигини таъминлаш;
- 28.Ўрмонга қараш;
- 29.Ёнбағир эрозияси билан кураш;
- 30.“Жар” операцияси;
- 31.Микроқўриқхоналар яратиш;
- 32.Рекультивация;
- 33.Миллий боғларда маршрутларни барпо этиш ва жиҳозлаш;
- 34.Маршрутларни режалаш;
35. Табиат муҳофазасига йўл-йўлакай ёрдам;
- 36.“Тез ёрдам” ва қутқариш ишлари;
- 37.Назорат-қутқарув хизматининг фаолияти;
- 38.Туристик хўжаликларда санитария-гигиена талабларини бажариш устидан назорат;
- 39.Табиат муҳофазаси чораларининг амалиёти устидан назорат;
- 40.Туристик жиҳозларни конструкция ва модернизация қилиш;
- 41.Туристик сайёҳатларнинг ривожини ва келажagini режалаштириш;
- 42.Муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларини ташкил этишга ёрдамлашиш;
- 43.Табиатни муҳофаза этиш корхоналари билан ҳамкорлик;
- 44.Ихтисослашган илмий-амалий йиғилишлар ташкил этиш;
- 45.Йиғилган манбаларни чоп этиш;
- 46.Тозалаш сафарлари.

КИРИШ

“Туризм” ва “Турист” сўзлари илмий адабиётда XVIII аср охирларида пайдо бўлди. У французча “tour” — саёҳат сўзидан келиб чиққан. Биринчи марта Буюк Британиядаги ёшлар континентга ўқишга кетган вақтидан бошлаб қўлланилган. Аниқроғи бундай саёҳат “grand tour” деб аталган, саёҳатчиларни сайёҳлар, деб аташган (10,105).

Яна туризм сўзининг келиб чиқиши тўғрисида спорт туризми ёки алпинизмда бошқа тушунчалар бўлиб, унда спортчилар ёки алпинистлар чўкки устига чиққан вақтларида унга тошлардан конуссимон алоҳида белги - “тур” қўйишади ва бу белги уларни шу нуқтагача етиб келганини кўрсатиб туради.

Кенгроқ тушунча сифатида, асосан, “туризм” тушунчаси турган жойидан ташқарига чиқиш, гўзал жойларни, тарихий ўлкаларни, янги шаҳар, архитектура, ландшафт, рельеф, иклим ранг-баранглигини кўришдир. Бунинг ҳаммаси аҳолининг табиат қўйнига вақтинча миграциясига сабаб бўлади ва бу чиқишлар борган сари кенг қўламда амалга ошмоқда.

Шу йўл билан жамиятнинг табиатга таъсир этиш муаммоси келиб чиқади ва кўпинча бу муаммо табиатнинг фойдасига ҳал бўлмайди. Ю.К.Ефремовнинг географик кузатувларига кўра, Туризм ва табиат муҳофазасининг уч кўриниши бўлиб, улар биогеоценозлар деградациясида, табиий ёнгинлар келиб чиқишида ва ландшафтнинг бузилиши шаклида кўриниши мумкин. Асосий сабаб – сайёҳларнинг ҳаддан ташқари “фаоллиги” ва ундан келиб чиқувчи ҳолатдан табиатни қўриқлашдир. Яна туризм инсон фаолияти сифатида табиий асосиз иш юритиб бўлмайди. У табиатнинг ҳолатига ўзининг махсус талабини қўяди, махсус ресурслар бўлишини талаб этади.

Қисқаси, туризм, инсонни табиий муҳит билан чамбарчас боғлаб туради, табиатга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди, уни муҳофаза этишга рағбат уйғотади, ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди.

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этишнинг асосий омили шулардан иборат (13,3).

Шундай қилиб, туризм ва табиатни муҳофаза этишни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- а) табиатни туризмдан муҳофаза этиш;
- б) табиатни туризм учун муҳофаза этиш;
- в) табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш.

ЭКОТУРИЗМ МАЪНОСИНИ АНИҚЛАШ

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш муаммосини ҳал этиш натижасида қисқача “экотуризм”, кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Лекин кўпгина изланувчилар фикрича, “экотуризм” сўзининг чегараси тушуниб бўлмас даражада бўлган. Чунки, маркетинглар бу сўзни дастлабки ишлатган вақтда табиатга интиланган ва уни муҳофаза этмокчи бўлган сайёҳларга таклиф этишганда, унинг маъносини таҳлил этишмаган ва хаттоки, бундай туроператорларни табиатни муҳофаза этишни тушунишмай, табиатга саёҳат нуқтаи назаридан қарашган. Шу сабабли туризм назариячилари бунга анча вақтгача кинояли қарашган.

Шу сабабли экотуризмни биринчи бўлиб ўрганган В.В.Хребовченконинг фикрича, “экотуризм” сўзининг тушунчаси – “экологик туризм” сўзининг қисқартирилгани, лекин унинг ишлатилиши экология фани нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас” деб ёзганди(26,29).

Экотуризмнинг биринчи ва анча тўғри тушунчасини Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Е.В.Клименко 1997-йилда берган: “Экотуризм асосида табиатни муҳофаза этиш ташвишлари ётади” (8,18). Бундай саёҳатда олдинги кам сонли саёҳатчилар гуруҳини табиатга чиқиб, табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича ҳар турли проектларни амалга ошириш учун қилган ишларини тушунилади. Бу тушунча – халқаро экотуризм жамияти-нинг тушунчасига ҳам тўғри келиб унда ёзилишича, экотуризм – “табиат зоналарига масъул саёҳат бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи муҳофаза этилади”(26,29).

Табиатда олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатди-ки, муҳофаза ишлари ер шарининг турли регионларида, айниқса, тоғли районларда муҳофаза ишларини “ер билан эмас, одамлар билан олиб бориш керак” ёки “маҳаллий аҳолининг яшаш муҳитини бошқариш, уларнинг ўй-фикрларини авлодларнинг келажагини муҳофаза этишга йўллашдир. Бу омилларнинг биронта компоненти

бўлмаган тақдирда, экотуризм тўғрисида ўйлашнинг ҳам кераги йўқ” (30,12-15).

“Нима учун?” деган саволга жавоб бериб, биз қандай қилиб ва қайси йўл билан экотуризмни ривожлантириш, кимга суяниш ва қайси ерда учрашини билиб олган бўлар эдик. Экотуризм сайёҳларнинг истеъмол талаблари натижасида, баҳс хулосалар йўли билан пайдо бўлади. Агар у билан бошланиш вақтида сайёҳик ташкилотлар, туризм маъмурияти сайёҳик таклифлар билан вақтида шуғулланган бўлса, ҳозир экотуризм – сайёҳик гуруҳлар сайёҳик ресурсларининг жамоат истеъмоли вақтида табиатни муҳофаза қилиш, маънавий меросни ўрганиш талаби натижасида пайдо бўлди. Шундай қилиб, экотуризм – янги ва энг ҳаракатчан туроператорларни аниқ ҳаракатга бошловчи йўл.

Бу қонуниятларни ўрганиш асосида экотуризм сўзи маъносини бундай аниқлаш мумкин: “Экотуризм – сайёҳик талабларга асосланиб, сайёҳик истеъмолга боғлиқ бўлади, экотартибларни сақлашга ҳиссасини қўшади, маҳаллий аҳолининг талаб ва қизиқишларини қўпайтиради, кўпинча, алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларда амалга оширилади” (26,208).

Бу тушунча бўйича экосайёҳик оқимларнинг географияси ва йўналишини тушуниш мумкин. У, асосан, саноати ривожланган (АҚШ, Германия, Буюк Британия каби) ёки ривожланаётган давлатлар(Непал, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия каби)га тўғри келади. Ўзбекистонда заиф ривожланган, экотуризмдан фойдаланишнинг кичик тажрибаси Китоб геологик қўриқхонасида ва миллий боғларда бор. Ўзбекистонда шу вақтга қадар – қўриқхона, миллий боғ, табиат ёдгорликлари, қўриқчалар мавжуд бўлган.

Экотуризм фақат режали туризм объекти ҳисобланади, чунки фақат угина олдиндан алоҳида табиатга кам таъсир этиладиган маршрут режасини туза олади ва бу маршрутлар алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари(АМЭТХ)даги махсус танланган “экологик сўқмоқларда” олиб борилиб, унда сайёҳларнинг тўхташ жойлари режаланиб, уларнинг табиатга таъсири ҳисобланган бўлади.

Ҳаваскор сайёҳик тўплар ва якка сайёҳлар учун АМЭТХга кириш алоҳида рухсат асосида олиб борилиши керак. Чунки бундай гуруҳлар табиатга таъсири ва ундан фойдаланишни ўз маданий

даражаси ва истеъмолчилик талаби билан олиб бориши лозим ва у экотуризм қонунларига кўп тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Бу сўз маъносини ҳаваскор сайёҳ гуруҳлари учун АМЭТХга киришни таъқиқлаш, деб тушунмаслик керак. Туризмнинг бу ички, фаол тури билан чет элларда жуда кўпчилик шуғулланса ҳам бизда ҳозирча бу тури билладиган сайёҳлар сони кам. Лекин кўплаб маҳаллий сайёҳлар ичида бу тур билан шуғулланишга иштиёқмандлар сони ошмоқда.

ЭКОТУРИЗМ ТУРЛАРИ

Ҳозирги вақтда тўрт хил экотуризм турлари мавжуд.

1. **Илмий туризм.** Бунда сайёҳлар дала шароитида кузатиш ишлари олиб борадилар, табиат изланишларида иштирок этадилар. Масалан, Лотин Америкаси мамлакатларидан бири – Колумбияда бой қушлар оламини ўрганиш учун “Колумбия қушлари” деган экотурлар ўтказилиб, унда бошқа давлатлардан келган орнитологлар ҳам қатнашиб, илмий изланишлар олиб борадилар. Бунда сайёҳлар фаол ҳаракат усуллари қўллаб, табиий гўзалликдан баҳра оладилар. Илмий туризм яна чет элга бўлган илмий-текшириш экспедициялари ва табиий факультетларда ўқиётган талабаларнинг дала практикаси ҳам киради.

2. **Табиат тарихини ўрганиш турлари.** Бу атроф-муҳитни ва маҳаллий маданиятни ўрганиш учун қилинган саёҳатдир. Улар кўпинча қўриқхоналар ва миллий боғларда ташкил этилиши мумкин. Бу турлар табиат феноменлари бор жойларда ҳам ташкил қилинади. Бунга мактаб ўқувчиларининг сафарлари ҳам кириб, унда ўқитувчи ўқувчиларга ўтилган жойларнинг табиати, тарихи тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

Самарқанд шаҳрининг жануби-ғарбида Қоратепа тоғлари жойлашган бўлиб, ундаги чўққи устида Ҳазрати Довут ғори жойлашган. Бу ғорга бориш йўли ободонлаштирилган ва унга ҳамма ҳам бориши мумкин. Лекин ғорга борган вақтда малакали экскурсия раҳбари бошчилик қилиб, ғорнинг пайдо бўлиш тарихи ва сабабларини тушунтириб берса, унда тахминларга йўл қолмас ҳамда ғор тўғрисидаги афсоналарга изоҳ берилган бўлар эди.

Бундан ташкари экосайёҳлар олиб борган тозалаш ишларида ғоричи ва ташқарисининг кўриниши кучли ўзгариши мумкин бўларди.

3. **Саргузашт туризми.** Бу тур туризм – барча фаол ҳаракат турларини ўзида жамлаган саёҳатларни ўз ичига олади ҳамда унга табиатда дам олиш турлари ҳам киради. Улардан мақсад янги хиссиётларни сезиш, таассуротларни бошдан кечириш, сайёҳларнинг физик шакллари яхшилаш ва янги спорт ютуқларига эришишдир. Бу тур туризмга алпинизм, қояларда юриш, тоғ, пиёда юриш, сув-чанғи ва тоғ-чанғи ва отда юриш туризмлари киради.

4. **Алоҳида муҳофаза этиладиган туризм.** Табиат ҳудудларига алоҳида (АМЭТХга) саёҳат этиш экотуризмнинг асосий тури ҳисобланади.

Экотуризм вазифаларининг асосий фарқи ва ўзига хослиги.

Экотуризм ўзига хос хусусиятларга эга:

- маҳаллий аҳоли ўз ҳудудларининг социал-иқтисодий ривожига иштирок этиши;
- туризм объектлари ичида табиийларининг кўпчилиги;
- мустақил табиатдан фойдаланиш;
- қувватни кам истеъмол этиши;
- сайёҳларнинг экология соҳасида билимли бўлиши.

ЭКОТУРИЗМНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

1997 йил Бразилияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Конгрессида эътироф этилган маълумотга кўра, дунё бўйича жами саёҳатга чиққанларнинг 12%и экотуризмга, яъни “яшил” саёҳатга чиқишган. Чет эллик олимлар баҳолашича, 1993-йил экотуризмдан тушган даромад 30 млрд. АҚШ долларини ташкил этган, яъни халқаро туризмдаги жами даромаднинг 10% ини ташкил этган. Саёҳатнинг бу тури, асосан, АҚШ, Канада, Австралия, Непал, Эквадор, Бразилия, Филиппин, Кения, ЖАР давлатларида тез ривожланмоқда (19,105).

Сайёҳик саёҳатларга чиқишдан мақсад – саёҳат вақтида янги жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан, тоза тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, “ёввойи” табиат бағрида дам олиш,

шунингдек, ўзга халқ урф-одати, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборатдир (23,22).

Экотуризмни рекреацион ресурсларига, табиат, тоғ ва текисликлар, дарёлар, чўл ва воҳалар, кўл ва турли ландшафт зоналари киради. Шулар асосида экотуризм қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

- Денгиз ва океанлар экотуриزمи;
- Ўрмон ва сунъий боғлар зоналари экотуризмни;
- Дарё ва кўллар экотуризмни;
- Тоғ экотуризмни;
- Тарихий обидалар экотуризмни;
- Архитектура ёдгорликлари экотуризмни;
- Экологик танг зоналар экотуризмни;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар экотуризмни.

Юқорида таърифланган экотуризмнинг таркибий қисмлари ичида охиригиси алоҳида салмоқли ўрин тутати ва кўпчилик олимлар экотуризм тушунчасига нисбатан фақат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар экотуризмни қўллашади.

ЭКОТУРИЗМ МАҚСАДИ

Ўзбекистон ҳудудида экотуризмнинг ривожини табиатдан чидамли фойдаланиш асбоби сифатида

Экотуризм – бу табиатга маъсулият билан саёҳат этиш.

Экотуризм фаолиятига қуйидагилар киради:


1. Маҳаллий аҳолини жалб этиш:
 - табиатни муҳофаза қилиш соҳасида маҳаллий аҳолининг тадбирларини ишлаб чиқиш;
 - маҳаллий аҳолининг туризм соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш, анъанавий касблар ва сувенирларни тарқатиш, экологик тоза маҳсулотларни етиштириш ва ишлаб чиқариш ишларига жалб этиш;
2. Маълумот дастури:
 - бир буклет ва Веб сайтни яратиш;

- маълумотлар негизини яратиш;
 - маълумотни тармоқ орқали тарқатиш;
3. Миллий боғлар ва қўриқхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш:
- рухсат этиладиган рекреацион босим чегарасини аниқлаш ва итоат этиш;
 - санитар экологик акцияларни ташкил этиш ва ўтказиш;
 - экологик назорат этиш;
4. Давлат тузилиши ва сайёҳлик фирмалари билан иш олиб бориш:
- Экотуризм қизиқишни ҳимоя этиш ва лоббированиа.
5. Билим олиш дастурлари:
- экотуроператорлар, маҳаллий аҳоли ва илмий ишлаб чиқариш ташкилотларига илмий семинарлар, малака оширишни ташкил этиш;
 - экоменежмент дастурини ишлаб чиқариш;
 - билим семинарлари ташкил этиш ва унга маҳаллий аҳолини жалб этиш;
 - ахборот хизматларини ташкил этиш;
 - маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналарини қайта тиклаш;
6. Халқаро бирга ишлаш дастурига киради:
- экотуризм бўйича дастурлар алмашилиш;
 - халқаро билим бериш лойиҳалари ва малака ошириш;
7. Экотуризм ривожланиш дастурини тузиш.
- Ўзбекистон экологик туризм тармоқлари бир қатор давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлардан иборат бўлиб, улар республиканинг турли бурчақларида жойлашган.

Экотуризм мақсадли гуруҳлари:

- Туризм қўмитаси;
- Маҳаллий овчилик хўжаликлари қўмиталари;
- Маҳаллий ҳокимият аъзолари;
- Ўзбекистон миллий ва тарихий миллий марказлари;
- Сайёҳ савдо фирмалари ва ассоциацияси;
- Давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар;
- Маҳаллий ташкилотлар;
- Фермер хўжаликлари ва косиблар;
- Университетлар ва ОЎЮ лари;
- Ўзбекистон фуқаролари ва меҳмонлари;
- Чет эллик волонтерлар.

Экологик туризм таркиби



ЭКОТУРИЗМНИНГ ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУРЛАРИ

Табиатдан фойдаланишнинг тўрт тури мавжуд бўлиб, уларга қуйидагича тавсир берилади:

1. Қўриқхонадаги табиатдан фойдаланиш учун асосан, илмий ходимлар тажриба ва изланишлар олиб боради, талабалар амалиёт, сайёҳлар учун қисқа вақтга кириб томоша қилишга рухсат беришади. Инсоннинг табиатга аралашуви – жониворларни овлаш ва отишга рухсат берилмайди қўриқнинг табиий ҳолатини сақлаш ва табиий комплекснинг йўқолган қисмини тиклаш учун рухсат берилади.

Қўриқхонадаги табиатдан фойдаланиш хом-ашё олиш учун эмас, табиий ресурслардан маълумот йиғиш маъносида ишлатилади. Қўриқхона ходимлар уйлари ва сайёҳлар учун меҳмонхоналар – қўриқхона ташқариси бошқа зоналарда ўрнашади.

2. Рекреацион табиатдан фойдаланиш – шаҳар ташқарисида табиий боғлар қуриш, ундан узоқ вақт дам олиш ва туризм мақсадида фойдаланиш, ўрмон ва ов хўжаликлари тузиш, табиий пичан йиғиш, яйлов сифатида фойдаланиш, яъни, табиий келиб чиқишга эга бўлган комплексларда меъёрида фойдаланилади.

Қўриқхонадан фойдаланиб экскурсия олиб борилади ва манзара катта аҳамиятга эга бўлади. Кўм-кўк майсалар устида ётишга, чўмилиш, мева ва қўзиқоринларни териш, балиқ тутишга рухсат берилмайди. Бу ерда сайёҳлик негизлари, дала уйлар, сафар сўқмоклари бўйлаб маршрутлар қатнови йўлга қўйилган.

3. Рураль (қишлоқ хўжалик) Табиатдан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишларини ўртача ва юқори даражада олиб борилади. Боғлар, полизлар, далалар, фирмалар бор жойда сув омборлари, ўрмонлар ва табиий боғлар шаҳарликларни дам олиш кунлари ўз бағрига қорлайди. Бу ерларда объект ёки хом ашёдан фойдаланиш ишлари олиб борилади.

4. Урбанизациялик табиатдан фойдаланиш шаҳар ичидаги одамнинг доимий яшаш манзиллари, жамоага хизмат кўрсатиш зонаси, саноат корхоналари кириб, улар шаҳар ичидаги боғлар ва хиёбонлар билан алмашиб туради(26,154).

Қисмларга бўлинган ландшафт уч автоном турлар: ландшафт йўлаклари, авто-улов бош йўллари ва сайёҳик шоҳ йўллардан ташкил топади ва улар тизимларнинг ишлашига кафолат бўлиб хизмат қилади, табиат, урбанизация ва рекреацияликни. Ландшафт йўлаклари бўйлаб кўриқхоналарга ўтаётган ёввойи ҳайвонлар сўқмоқлари ўтади. Авто-улов бош йўллари бўйлаб бошқа ерларга жунатилаётган юклар ва одамлар, сайёҳик бош йўллари бўйича – сайёҳлар ва экскурсантлар ҳисобланишади. Бу хил табиатдан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларга ишлатилади.

ЭКОТУРИЗМНИНГ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИАТ ҲУДУДЛАРИ

БМТ нинг атроф-муҳитга бағишланган (1992 йил Рио-де-Женейро) халқаро конференциясида биологик кўп турлилик тўғрисида Конвенция қабул қилиниб, уни ер юзидаги кўплаб давлат вакилларининг шартномаси олий ҳокимият органлари томони-дан тасдиқланади. Бунинг асл сабаби шуки, атроф муҳитга антропоген таъсири Ер қуррасидаги тирик мавжудотлар (генофондининг) қисқа-ришига сабаб бўлди. Ер юзининг кўп регионларида йўқолган ва йўқолиш олдидан турган ўсимлик ва ҳайвонлар сони ошди (Европада, Шимолий Америка ва дунё окени оролларида улар сони 8% дан 21% гача етди ва улар алоҳида муҳофазани талаб этапти).

Ер юзидаги тирик мавжудотлар генофондини сақлашнинг энг самарали усули муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишдир, бундай ҳудудлар сони ер қуррасида 3500 ва эгалланган майдони 4 млн.кв.км. Бу ҳудудлар вазифаси: ландшафтларни сақлаш, нодир ва йўқолаётган ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш, уларнинг кўпайишига шароит яратишни талаб этмоқда. Сўнгги йилларда муҳофаза этилаётган майдонлар турлари кўпаймоқда. Янги Зеландияда у 19 % майдонни, Норвегияда 9%, Японияда 3%, Буюк Британияда 4%, Чехия ва Словакияда 3,5%, АҚШ да 2,5%, Швецияда 1,3%, қадимги СССР да 1,3% (22,15).

Одатда, давлат кўриқхоналари деганда табиати кўриқланиши шарт бўлган илмий, экологик-маънавий аҳамиятга эга бўлган, табиий муҳит нишонлари, типик ёки нодир ландшафтлар, ўсимлик

ва жониворлар генетик фонди сақланадиган ва хўжаликда фойдаланишдан тўлиқ чиқарилган табиий қўриқхоналар тушунилади.

XX асрнинг 70-йилларида ЮНЕСКО нинг халқаро дастури (Инсон ва биосфера) асосида биосферали якка қўриқхоналар ташкил этила бошланди. Бундан мақсад, табиий экотизимларни ҳозирги ва бўлажак авлодга етказиш, улар табиатни муҳофаза қилиш ва илмий билимларни ривожлантиришда халқаро жамиятлар томонидан тан олинishi керак.

Ҳозирги вақтда оламда 82 давлатда 320 дан ошиқ биосферали қўриқхоналар мавжуд бўлиб, шундан АҚШ да 47 та, Болгарияда 17 та, Буюк Британия ва Испанияда 13 тадан, Германияда 12 таси жойлашган. Энг улкан биосферали қўриқхона Данияда, Греландия шимоли-шарқида (майдони 70млн.га), “Атлантик ўрмон қўриқхонаси(29.5млн. га)” ва “Бразилия шарқий қирғоғида ўлкалашган.

Экотуризм маъносини англашда “экотуризм – туризм тури, сайёҳик истеъмолга, табиатни ўрганишга ва экотизимни сақлашда ўз хиссасини қўшишга, маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондиришга қизиқишини кўпайтиришга боғлиқ бўлади ва алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларда бўлади” (26,208).

“Табиий алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар биосферани қуруқликдаги ёки акваторийларнинг юзаси ёки бутун қалинлиги бўйича ҳажмий майдонлар бўлиб, улар бутунлай ёки қисман, доимий ёки вақтинча анъанавий интенсив айланишдан олинган ва инсонни ўраб турган табиий муҳитни сақлаш ва яхшилашга қаратилган, табиий ресурсларни муҳофаза этиш ва кўпайишини таъминлаш, табиий ва сунъий табиий объектларни муҳим аҳамиятга эга бўлган тақдирда муҳофаза этишга қаратилган. Бундай ҳудудлар энг аввал ўзига хос экологик (табиий) бир бутун биосферанинг ёки қисмларининг мўътадиллигини ва одамлар ҳаёти ва соғлиғи сақлаб қолишга хизмат этадиган муҳитдир” (22,18-19).

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (АМЭТХ)га шу кунларда қўриқхоналар, миллий ва ёдгорлик боғлари, “табиатдаги музейлар”, заказниклар (якка қўриқчалар), табиатнинг нодир ёдгорликлари киради. Ҳозирги кунларда Ўзбекистон ҳудудида – қўриқхона, миллий боғлар, табиатнинг нодир ёдгорликлари бор.

Кўриқхона билан миллий боғ, кўриқчалар ва табиатнинг нодир ёдгорликлари ўртасидаги фарқ нима ва уларда экотуризмни қандай ривожлантириш мумкин, деган савол келиб чиқиши табиий.

Кўриқхоналар. “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” конун бўйича давлат табиат кўриқхоналари деб аталадиган хўжалик айланишидан тўлиқ олинадиган табиат комплекслари ва объектлари ҳисобланади. Улар табиатни муҳофаза қилиш, илмий, экологик – маърифий аҳамиятга эга бўлган жойлар бўлиб, табиатнинг табиий муҳити бўлади. Доимий ёки вақтинчалик ландшафтлар, ўсимлик ва жониворлар оламининг генетик фонди сақланадиган ерлар шу ҳисобга киради.

Кўриқхоналарнинг вазифаси: ҳудудни химоя қилиш ва шу билан биологик ҳар турлилик ҳамда уларнинг табиий ҳолатини сақлаш мақсадида муҳофаза қилиш, илмий ишлар ўтказишни режалаш, ҳамда экологик-маърифий тадбирларни бажаради.

Илмий адабиётларда кўриқхоналар гўёки нодир ўсимлик ва ҳайвонларнинг охирги жон сақлаш жойларидир. Бу ҳозирги тирик оламдаги ўтмиш ороллариidir. Ва шу сабабли кўриқхоналар, энг аввало, илмий корхоналар бўлиб, шу сабабли ҳар хил сайёҳик, рекреацион мақсадда ишлашга тўғри келмайди. Лекин, бошқа гуруҳ олимларининг ҳам фикри мавжуд. Масалан, “туризм ва рекреацион табиий ресурсларни одатдагича эмас, фойдаланиш шакллари бор. Шаҳарликлар яшил зонанинг тоза ҳавосидан нафас олса, ундан фойдаланса, гўзаллигига ҳеч қандай зарар етказилмайди (айни вақтда унинг соғлиги тикланади, меҳнат фаолияти кўтарилади). Лекин шу зонада сайёҳлар ва дам олувчи гуруҳлар билан тўлса, унда улар табиат йиғилмаларига аниқ ва катта зарар етказиши ва бундай фойдаланиш анъанавий ва ҳалокатлидир” (22,19-20).

Шундай қилиб, кўриқхонада дам олиш ва туризм – табиатга зарар етказиши аниқ. Лекин, олдиндан ҳисоблаб чиқилган зарар етказа олмайдиган рекреацион босимга унинг оптимал меъёрларига амал қилган ҳолда туризмдан бўладиган салбий ўзгаришларни заифлаштириш ва холислаштириш мумкин ва кўриқхоналардан экосайёҳик мақсадда фойдаланиш мумкин. Бу усулнинг тўғрилигини Ўзбекистондаги Китоб геологик кўриқхонасидан анча олдин ва Қозоғистонда энг кекса Аксу-Джабағли кўриқхонасидаги фойдаланишдан кўrsa бўлади. Лекин бу даврга қадар экотуризмнинг кенг ривожига собиқ совет иттифоқи даврида ишлаб

чиқарилган кўриқхона статуси бўйича кўриқхона майдонида турли инсонлар фаолияти, жумладан, туризм ҳам қатъий тақиқланган.

Бу ҳақда Ўзбекистонда табиатни кўриқлаш қонунинг олиб кўрсак, унда шу жумлалар бор: “Кўриқхоналарда ва уларнинг муҳофаза минтақларида уларга алоқаси бўлмаган ҳар қандай хўжалик ишлари олиб бориш тақиқланади”.

Шу сабабли кўриқхоналарда фойдаланишдан олдин тегишли идоралар билан келишиб, унга қўшимчалар қўшиб, сабабини аниқ изоҳлаб рухсат олишга тўғри келади.

КИТОБ ГЕОЛОГИК КЎРИҚХОНАСИНИНГ ЭКОСАЙЁҲИК РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистон жанубида Зарафшон тоғининг жануби-ғарбий ёнбағрида собиқ СССР бўйича ягона бўлган Китоб геологик кўриқхонаси жойлашган. Бу кўриқхона ҳозирги кунларда бутун МХМда ягона бўлиб, унда бошқа кўриқхоналарда олиб борилмайдиган илмий-геологик ишлар бажарилади. Ер қуррасининг табиий-илмий ёдгорликлари бўлган палеонтологик, литологик ва стратиграфик ёдгорликларни муҳофаза этади ҳамда режа асосида улар устидан илмий-текшириш ишлари олиб борилади.

1978 йилнинг ёзида 13 давлатдан келган олимлар ҳозирги Кўриқхона майдонидаги Хўжақўғон сойи бўйида жойлашган геологик қатламлардаги палеонтологик қолдиқларни ўргандилар. Чунки ўзбекистонлик ҳамкасблари палеозой эраси қуйи ва ўрта девон даври ётқизиклари ичида учрайдиган нодир тошга айланган аъзолари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган эдилар. Бу қатламларни ўрганган халқаро олимлар гуруҳи тошларда муҳр каби қотган палеонтологик қолдиқларнинг ҳақиқатан нодир эканлигини эътироф этиб, уларнинг давлат муҳофазасига олинишини таклиф этишди. 1979 йилдан ушбу майдон Китоб геологик кўриқхонаси, деб эълон қилинади ва унда кенг қўламда геобиологик илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Шу вақт ичида кўриқхона майдонидаги ўрта, қуйи ордовик, эрта ва кечки

силур ҳамда эрта ва ўрта девон даврлари катламларида 16 гуруҳ тошга айланган одам аъзолари қолдиқлари аниқланди (12,15).

1989 йилнинг 15 июлида Вашингтонда доктор В.Оливерс (АҚШ) бошлиқ олимлар гуруҳи Ўзбекистондан келган ашёларни ўрганиб чиқиб, “Ўзбекистондаги Зарафшон тоғли вилояти, “Зилзилбон кесими” халқаро эталон бўлади”, деган қарорга келади. Шундай қилиб, собиқ СССР даври тарихида биринчи бор Китоб геологик қўриқхонаси халқаро эталонга айланади.

Бу ердаги тирик мавжудотлар ва ўсимликлар тури ҳам бой ва хилма-хилдир. Уларни тўла ўрганиш ва муҳофаза этиш қўриқхона биологик олимлари хизмати ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудида 500 дан ошiq ўсимлик турлари аниқланган бўлиб, шундан 12 таси “Қизил китоб” га киритилган. У ерда 200 га яқин доривор ўсимликлар тури ўсади, 30 га яқин манзарали ўсимликлар турлари бор ва 30 дан ошiq ўсимликлардан доривор сифатида фойдаланилади.

Хайвонот олами 155 турдан иборат бўлиб, аксарият қисми ноёб ҳисобланади ва “Қизил китоб” да қайд этилган.

Қўриқхона майдони этнографик аҳамиятга эга, қишлоқда икки қадимий қўрғон излари, ибтидоий одамлар яшаши учун қулай бўлган ғорлар мавжуд. Ушбу геобиологик ва тарихий-археологик аҳамиятга эга бўлган майдонни муҳофаза қилиш, ўрганиш ва унинг илмий аҳамиятини халққа тушунтириш, ундан экотуризм мақсадида фойдаланиш муаммосини ҳал этиш учун манбалар ўрганилади.

Қўриқхоналар қандай пайдо бўлади? Ушбу тарихий қарор асосида Қашқадарё вилояти, Китоб тумани ҳудудида Зарафшон тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағрида, 5378 гектар жой ажратилиб, Давлат муҳофазасидаги геологик қўриқхонага айлантирилди. Бу жойнинг қўриқхонага айлантирилишига асосий сабаб нима? Буни билиш учун Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш Қонунини ўрганамиз. Унда қуйидагилар қайд этилган:

“Алоҳида илмий ва маданий қимматга эга табиий объектлар (типик ва ноёб ландшафтлар, ўсимликлар ва мавжудотлар туркуми, нодир геология маҳсуллари, ўсимликлар, ҳайвонлар, қуш турлари ва шу қабилар) жойлашган табиий бойликларни сақлаш ва қўпайтириш ишлари олиб борилиши лозим бўлган ҳудудлар қўриқхоналар, деб эълон қилиниши мумкин.

Кўриқхоналар ва уларнинг муҳофаза минтақаларида уларга алоқаси бўлмаган ҳар қандай ҳўжалик ишларини олиб бориш тақиқланади”.

Республикаимизда бундай қонуннинг чиқишига кейинги асрда бутун жаҳонда содир бўлаётган табиий жараёнларнинг кечиши сабаб бўлди. Яъни, саноатнинг тинимсиз ривожланиши натижасида йирик шаҳарлар пайдо бўлди, аҳоли сони кўпайиб, уларнинг миграцияси кучайди. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудида инсоннинг табиатга таъсири қадимги вақтлардан буён мавжуд бўлса-да, кейинги вақтларда бу таъсир янада кучайди.

Чўл ва сахро минтақаларидаги текислик майдонларининг ўзлаштирилиб, ҳайдаб ташланиши унинг экологик ўзгаришига сабаб бўлди, атроф-муҳитда кучли салбий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Барча тирик мавжудотлар, айниқса, инсон учун энг хавфли жараён – ҳаво ва сувнинг ифлосланиши пайдо бўлди. Бу ифлосланиш инсон аъзоси учун хавфли бўлган дефолиантлар, гербицидлар ва ўғитларнинг қишлоқ ҳўжалигида кенг қўлланилиши натижасида одамлар ўртасида касалликлар кўпайишига олиб келади.

Иккинчи хавфли жараён – тоғ ва тоғ ёнбағирларида, водий ва чўллардаги табиатнинг ажралмас қисми бўлган дарахтларнинг қирқилиб кетиши натижасида, ўрмон билан қопланган ерлар миқдори камайди. Афсуски, йўқолган ўрмонларни тиклаш энг мураккаб жараён бўлиб, кўп йиллик оғир меҳнатни талаб этади. Ўрмонларнинг йўқолиши эса унда яшаётган ўсимликлар ва ҳайвонлар миқдорининг камайишига ҳамда катта майдонларда яланғоч чўлларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Демак, тоғдаги ўрмонларнинг қирқилиши натижасида – сув эрозияси кучаяди, текисликдаги дарёлар суви камаяди, дарё қирғоқларидаги тўқайлар сийраклашади, бу эса сув буғланиш ва сарф бўлиш тартибига таъсир этиб, соф, бўз тупроқли ерларда меъёридан ортиқча туз йиғилишига олиб келди, чўлларда тўқайзорлар ва бутазорларнинг ўтин учун қирқилиши барханларнинг кўчишига ва сахрорларнинг кенгайишига сабаб бўлди.

Юкоридаги барча жараёнлар тупроқ эрозияси ва шўрланишининг кучайишига, табиий ўтлоқларнинг камайишига ҳамда бу ўтлоқлар билан боғлиқ бўлган йирик сут эмизувчи ҳайвонлар камайишига олиб келди. Оқибатда қулон, жайрон,

устюрт ва кизилкум муфлонлари сингари ҳайвонлар “Қизил китоб” га кириб қолди.

Ўтган асрларда гуллаб яшнаган водийларнинг аянчли тақдиридан вайронага айланган саройлар қолдиқлари ва қумга тўлган қудуқларгина гувоҳлик беради. Ўтган даврларда бу водийларни тўлдириб юрган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотни қоялардаги суратлар – петроглифлар сўзлаб беради.

Инсон ҳўжалик фаолияти туфайли – фақатгина ҳайвонот ва ўсимлик дунёсигина ўзгариб қолмади. Балки табиий-геологик жараёнларнинг кўп йиллик фаолиятлари натижасида ернинг устки қатлами – литосферада хилма-хил мураккаб тузилмалар ҳосил бўлди, қатламлар ичида келиб чиқишига асос бўлган ўтган даврда яшаган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг тошга айланган намуналари сақланиб қолди, ер устидаги геологик жараёнлар натижасида хилма-хил рельеф шакллари пайдо бўлиб, табиатни безатди. Айни бир вақтда ер остки қатламларидаги геологик жараёнлар натижаси таракқиётнинг асосий хом ашёси бўлган фойдали қазилмалар пайдо бўлди. Кейинги юз йилдаги шаҳарлар қурилиши натижасида табиатдаги мувозанат бузилди. Қонлар қазилиши, бинолар қурилиши натижасида ер пўсти литосферанинг ичида ва устида кучли ўзгаришлар пайдо бўлди, инсонга таҳдид солувчи геологик жараёнлар, табиий офатлар сони кўпайди.

Ер қуррасининг устки қисмларида бўлаётган бундай салбий ўзгаришлардан муҳофаза қилиш учун инсоният тарафидан янги усул ер устида табиат компонентлари бой ва ўзига хос бўлиб, кам ўзгарган ёки ўзгариш хавфи кучли бўлган экотизилмаларда инсоннинг ҳўжалик фаолиятини тақиқлаш йўли билан ўша жойдаги салбий ўзгаришларни тўхтатиш йўли пайдо бўлди. Бунинг учун кўпинча бундай жойлар кўриқхона, деб эълон қилиниб, кўриқхоналарда инсон фаолиятини тўхтатиш, ўша жойдаги табиий ўсимликлар ва ҳайвонларга тегмаслик натижасида уларни сақлаб қолиш йўли билан олиб борилди. Умуман, Ўзбекистон ҳудудида кўриқхона, деб эълон қилиниб, ўша жойнинг табиий шароитини сақлаб қолиш одати қадим даврлардан мавжуд.

Ҳозирда фаннинг берган маълумоти бўйича ҳам табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўлларида бири – табиатнинг маълум бир қисмини кўриқхона, деб эълон қилинади ва ўша жойда инсон ҳўжалик фаолияти, овлаш, деҳқончилик қилиш ман этилади. Шу

ҳолда инсон ҳўжалик фаолияти таъсирига тушмаган ерлар ўзларининг бирламчи тузулишини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолади. Қўриқхоналар ташкил этиш йўли билан табиатни муҳофаза қилиш мумкинлигини қадимий Ўзбекистон ҳудудида яшовчи одамлар билишган. Шу сабабли юртимизда қадимдан қўриқхоналар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни биз тарихий манбалардан билиб оламиз.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда қўриқхоналарни кенгайтириш йўли билан табиатни муҳофаза қилиш учун улкан ишлар қилинмоқда. Бунда, айниқса, қўриқхоналар, яқка тартибдаги қўриқхоналар, халқ боғлари очиш ишлари кенг йўлга қуйилган бўлиб, уларнинг умумий майдони республика бўйича 1,5 миллион гектарга етди. Демак, шунча майдондаги ҳайвонларни ва ўсимликларни сақлаб қолиш бўйича улкан ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 12 та қўриқхона мавжуддир. Буларга Бадай-Тўқай, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Орол Пайғамбар, Ҳисор, Зомин, Чотқол қўриқхоналари кириб, улар, асосан, Ўзбекистон ҳудудида учрайди. Ҳозир йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар турларини ҳимоя қилади.

Китоб қўриқхонасининг геологик – туристик ресурслари

Китоб геологик қўриқхонаси собиқ СССР ҳудудида ягона ташкил этилган геологик қўриқхона бўлиб, унда Палеозой эрасининг куйи Ордовик давридан юқори Девон давригача ўтган вақт оралиғида қатламлар узлуксиз ер юзасига чиқиб ётади, улар ичида ўша даврда яшаган ҳайвон ва ўсимликларнинг тошга қотган қолдиқлари кўплаб учрайди. Тошга айланган бу қолдиқлар юз миллион йиллар узок тарихни сўйловчи муҳим геологик омил ҳисобланади.

Агар сиз Зарафшон тоғларининг жануби – ғарбий ёнбағрида Жиннидарё водийси бўйлаб юқорига кўтарилсангиз, унинг чап ирмоғида Хўжа қўрғон сойи бўлиб, илгарилаб юрсангиз, олдингиздан улуғвор 2061 метр баландликдаги Бурси Хирмон чўққиси кўкка бўй чўзиб туради. Чўққининг икки ёнида Зилзилбон ва Хўжақўрғон сойлари жойлашган. Улар, асосан, Палеозой даври ётқизикларидан ташкил топган. Четрокда эса ўша ётқизиклардан

иборат Новобок сойи жойлашгандир. Бу сойлар ва умуман барча кўриқхона майдонининг ҳаммаси жуда узоқ даврлар, 300-420 миллион йиллар олдин мавжуд бўлган улкан Тетис денгизи тагида пайдо бўлган. Олимлар-нинг фикрича, Тетис денгизининг шаклланиши 500 миллион йил олдин бошланиб, бу жой ер юзида Палеозой даврининг денгизи сифатида тўлқинланиб турган (2,8).

Бу вақтда қуруқлик жуда кам бўлиб, у ҳам ҳаёtsiz бўлган. Барча ҳаёт денгиз остида қолган. Миллион-миллионлаб сув ҳайвонлари денгизда пайдо бўлиб, ҳаёт кечирганлар ва ўлимидан кейин денгиз тагига чўкиб, ўша пайтда пайдо бўлаётган денгиз ётқизиклари ичига тушиб қолганлар. Уларнинг юмшоқ тўқималари тезликда чириб йўқолиб кетган, лекин устидаги чиғаноқ ва бошқа қаттиқ қисмлари қулай шароитда қотиб, тош қатламларга айлана бошлаган. Маълум вақтдан кейин улар қатламлар ичида тошга айланган ҳолда сақланиб қолган. Кейинги тектоник ҳаракатлар натижасида бу қатламлар ер юзасига чиққан. Қатламларни ўрганган мутахассис геолог-палеонтолог олимлар уларни ўрганар экан, гўёки кўҳна китобни ўқиган тарихчи каби тош қотган тарих варақаларини ўқиб, ўша жойда юзлаб миллион йиллар олдин ўтган ҳайвонлар тузилишини, улар тушган қатлам ёшини ва бу қатламлар пайдо бўлган даврдаги табиий геологик шароитни ўқиб берадилар. Кўриқхона майдонида жойлашган 13 та табиий очилиб, ичидаги қатламлари кўриниб турган ёнбағирларни ўрганиш натижасида олимлар аста-секин собитқадамлик билан кўриқхона жойлашган жойнинг геологик тарихини ўқиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Кўриқхона худудида жойлашган Шаҳриомон – 1, Шаҳриомон – 2, Қорасув, Новобок, Оби-Сафит, Зилзилбон, Хўжакўрғон, Новикўшк сойларида ер юзасига чиқиб турган қирқимлар, кўриқхона майдонидаги палеогеографик шароит ва қатламларнинг ёшини тўлиқ аниқлаш имкониятини беради.

Ўтказилган геологик изланишлар шуни кўрсатдики, кўриқхона майдонидаги энг кекса қатламлар – Обикалон қатламидаги терриген ётқизикларидан ва улар тўртта пастки қатламларида жойлашган. Уларнинг заррали таркиби ва текстура-структура белгилари асосида ҳамда нодир палеонтологик қолдиқлари бўйича шундай хулоса чиқарилдики, ушбу терриген материаллар, денгизнинг шельф зонаси чекка қисмида йиғилган. Карадок асрининг бошланишида, кўпчилик майдонлари ҳар хил

кораллар, брахионидлар, трилобитлар, игнатинлилар, мшанкалар, бластиодеялар ва пелициподлар яшаган. Шу даврдаги денгизнинг марказий Осиё ва Ғарбий Европа денгиз бассейnlари билан кучли алоқаси бўлган.

Кечки карадокда ёки эрта ашгиллон вақтида сув ости вулқонлари кучайиб, тектоник ҳаракатлар активлашган ва кўриқхона майдонида янги аъзолар миграцияси кучайган. Бир-бирига яқин жойлашган Шаҳриомон – 1 ва Новобок сойлари қатламларида денгиз бассейнининг шароити ўзгарганини сезиш мумкин.

Кўриқхона майдонидаги маҳаллий стратиграфик ўлчовда юқори Ордовик Обиканда, Чашмакалон ва арчалик қатламларидан ташкил топган. Улардаги ҳар хил тошга айланган кораллар ва чиғанокли аъзолар ўша даврдаги шельфгача сақланиб қолган ва ҳозирги Хитой, Қозоғистон, қисман Сибирь, Шимолий Америка ва ғарбий Европа денгизлари билан биогеографик алоқада бўлган.

Шаҳриомон кесмаларида Олд ландоверий (силур)да бўлиб ўтган денгиз суви босиши (трансгрессия) излари яхши сақланиб қолган. Маҳаллий стратеграфик ўлчовда ўша даврда Мингкўчар қатламлари пайдо бўлиб, улар Шельф зонасининг ўрта чуқурликларида пайдо бўлди.

Мингкўчар вақтидан кейин олд Силур охириги вақтигача ва кечки Силурнинг лудлов асиригача қалин карбонатли тоғ жинслари йиғила бошлаган, (асосан Жанубий Сумсар ва арч свиталари қатламлари таҳлами шаклида), лекин карбонатли тоғ жинсларида доломитлашиш жараёни кўзга ташланиб, ушбу қатламда олдинги жониворлар тўлиқ йўқола бошлаган. Ўша вақтда пайдо бўлаётган кичик кўрфазлардаги қатламларининг баъзи биров-ларида ҳеч қандай тирик мавжудотларнинг қолдиқлари учрамайди.

Силурнинг охирида, пржидол асарида иккинчи денгиз босиб келиши (трансгрессияси) бўлиб ўтган. Кенгайган денгиз сатҳида ҳар хил фаунал шароит юзага келган. Унинг янги турлари пайдо бўлган. Геология даврининг бу қисми Оби-Сафит сойи Қоратоғнинг шимолий ёнбағрида яққол кўзга кўринади. Стратеграфик жадвалда бу вақт юқори арг ёки купрук қатламлари таҳлами шаклида кўринади. Литологиянинг доломитлар, доғли йўл-йўл доломитларнинг оҳақтошлар томон аста-секин ўзгариб бориши денгиз шароитининг кескин ўзгармасдан бир-бири билан алмашиб

борганини кўрсатади. Бу даврда фаунанинг таркибий қисми кенгайиб борган ва айниқса, силур-девон чегараларида яққол кўзга ташланади.

Девоннинг бошланиш даврида кўриқхона майдонида кеч силур даври трансгрессияси вақтидаги шароит сақланиб қолган кўриқхона майдонида лохков ва прага асрлари учун хос массив оҳақтошларнинг қатламлари 1000 метрга қадар қалинликда ётади ва “модмон қатламлар тахлами” деб аталади. Геологлар А.И.Ким, М.В.Ерина, Л.С.Анекина, А.И.Лесовой олиб борган изланишлар шуни кўрсатди-ки, модмон тахламидаги оҳақтошлар қатламлари кўриқхона майдонидан анча узоқ чўзилиб, шельфнинг марказий қисмида йиғилиб қолган.

Эрта девоннинг эм асри келиши билан кўриқхона майдонида кескин ўзгариш бўлиб, чўкиндилар йиғилиши кўрфаз шаклидан ёнбағир шаклига ўта бошлади. Седиментациянинг бу икки мустақил шаклининг тўқнашиши натижасида тинч гидродинамик шароитда мураккаб саёз сувдаги донатор ва чуқур сувдаги лойқали карбонатли чўкиндилар ва ҳар қайсисининг ўзига хос саёз ва чуқур сувдаги мавжудотлар қолдиқлари йиғила бошлади.

Кўриқхона майдонининг юқорида тарифланган ривожланиш тарихи, унинг сойлари ёнбағирларидаги 13 та яланғоч жойлашган массив оҳақтошлар, доломитлар бағрида сақланган ва ҳар қайсиси ўз уясида ўтирган қушлар сингари ўз даври асридаги қатламларда сақланиб қолган, тошқотган ва ўтган даврда яшаган ҳайвон ҳамда ўсимликлар қолдиқлари асосида яратилган. Китоб кўриқхонасининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда сойлар ёнбағирларида ўтган даврларда яшаган ҳайвон ва ўсимликлар қолдиқлари тўлиқ сақланиб қолган ва улар асосида ушбу майдон палеогеографик тарихини ўқиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, Китоб геологик кўриқхонаси ўз мавқеи бўйича ўта аҳамиятли бўлиб, у аввало, табиатнинг нодир маҳсулотларини муҳофаза қилиш учун яратилди. Яъни, Китоб геологик кўриқхонаси Ернинг геологик тарихини химоя қилувчи, табиий-илмий аҳамиятга эга бўлган палеонтологик-стратиграфик қатламларни муҳофаза этиш ва режали ўрганиш учун яратилди. У ҳозирги собиқ СССР майдонида ягона тузилган ва регионал стратиграфиянинг кўпчилик баҳсли масаласини ҳал этувчи ҳамда палеонтологик-стратиграфик қатламлардаги тузилиш ва қадимий

хайвонлар ва ўсимликларнинг тош қотган қолдиқларни режали равишда ўрганувчи кўриқхонадир.

Бу кўриқхонада олиб борилаётган илмий ишларнинг аҳамияти шундан иборатки, ҳозир ер куррасининг кўп қисмида йирик масштабли геологик харитага тушириш ишлари олиб борилиб, бу ишларни таққослаш учун ишончли эталон, намунали жой керак. Маълумки, геологик харитага олиш ишлари қанчалик сифатли бўлса, минерал хом ашёларни ёки фойдали қазилмалар йиғилиб қолган жойни топиш шунчалик тезлашади. Бу жойда сўз фақатгина палеонтологик қолдиқларга бой бўлган чўкинди тоғ жинсларида эмас, балки улар билан алоқаси бўлмаган, магматик тоғ жинслари устида ҳам бормоқда. Бу жинслар кам учровчи майдонларнинг аниқ геологик тузилишини таҳлил қилиш натижасида ундаги тектоно – магматик актив зоналарни аниқлаш ва пайдо бўлган рудали фойдали қазилмалар йиғилиб қолган майдонларни топиш имконини беради. Биринчи навбатда бундай изланишлар отротиформ фойдали қазилмалар, деб аталувчи ҳамда чўкинди ва тектоно-магматик жараёнларнинг бир-бирига таъсири натижасида юзага келган фойдали қазилмаларни топиш имконини беради.

Бундан аниқ сратиграфик жадваллар тузилиши – геологик съемкалар асоси эканлиги, айниқса, унинг марказий қисми эканлиги аён бўлмоқда. Бунинг учун чўкинди жинсларни иложи борица кўп миқдорда аниқ кўринувчи қатламларга бўлиш, ҳар бир қатламнинг ёши ва келиб чиқиши палеонтологик топилмалар асосида исботланган бўлиши керак. Фақатгина палеонтологик тош қолдиқларгина ҳар бир қатлам тўғрисида аниқ маълумот беради, структурали – фаунал зоналар чегарасини аниқ кўрсатади, регионал тўқнашиш бўлган жойлар аниқланади. Кўриқхона майдонидаги тошга айланган ўтган давр ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларини ўрганиш юқорида амалий вазифаларни ва стратиграфия фанининг умумий вазифаларини ёритиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда сайёрамизнинг кўп жойларида қадим замонларда яшаган содда ҳайвонлар қолдиқлари йиғилиб қолган тошли қатламлар учрайди. Уларнинг ҳар қайсиси фан учун ўша жойдаги тирик ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беради. Шу сабабли Қашқадарё вилояти ҳудудидаги Зарафшон тоғлари жанубий ёнбағирларида жойлашган

Китоб геологик қўриқхонаси табиат феномени бўлиб, ернинг тузилиши тўғрисидаги билимни янада яққолроқ тасаввур қилишга, мукамал ўрганишга ёрдам беради(12,23).

Ер куррасида минглаб мутахассис палеонтологлар бор. Улар органик ҳаёт пайдо бўлиши, ривожланиш конунларини ўрганади. Умуман, ер куррасининг ҳар қандай қисми геологик тузилишини билиш ўша жойдаги фойдали қазилмаларни кўр-кўрона излашга караганда осон кечиб, геолог қўлидаги палеонтологлар тузган маълумотлар асосида топилган фойдали қазилмалар анча арзонга ҳам тушади. Ҳар бир палеонтолог ўзи ўрганган регион тўғрисида маълумотга эга бўлади ва маълумотлар жойдан-жойга қисмма-қисм йиғилиб, асосий ҳужжат – геолог харитага айланади. Бутун дунё палеонтологлари ўзаро учрашишар экан, улар ўзларидаги маълумотларни алмашиб, йиғишади ва таҳлил қилинади. Шу сабабли ўша вақтда ташкил этилган Китоб геологик қўриқхонаси бу масъул вазифани бутун дунёдаги ва собиқ СССР ҳудудидаги палеонтологларнинг йиғилиб маслаҳатлашадиган марказ жойига айланди.

Қўриқхона экосайёҳик ресурсларини аниқлаш тарихи

1957 йил “Тошкентгеология” стратиграфик партиясининг ўша вақтдаги отряд бошлиғи А.И.Ким Зарафшон тоғларининг жанубий ёнбағри бўйлаб геологик суратга олиш жараёнида бу жойдаги бир номутаносибликка эътибор берди. Шу вақтгача бўлган барча геологик хариталарда бу жойда, асосан, Силур даври ётқизиклари, деб кўрсатилар эди. Лекин унинг терган литологик тош намуналаридан Ордовик, Силур ва Девон даврларига хос палеонтологик қолдиқлар ҳам учрар эди.

Бу янгилик ҳамкасблар ўртасида муҳокама этилди. Қатламларни ўрганиш ишига “Самаркандгеология” партияси бошлиғи Н.М.Ларин ва М.В.Ерина қўшилди.

Қатламларни биринчи бўлиб оммавий ўрганиш 1963-йилда ташкил этилди. Унда собиқ Ўзбекистон ССР Геология вазирлиги ва СССР Фанлар Академияси Сибирь бўлими мутахассислари иштирок этишди. Кейинроқ уларга Ленинград, Москва ва бошқа шаҳарларнинг олимлари ҳам ҳамроҳ бўлишади.

Зарафшон тоғларидаги қатламлар собиқ СССР бўйича машҳур бўлди. 1966 йилда ушбу қатламлар Бутуниттифок стратиграфик қўмитаси доимий комиссияси кўчма сессия аъзолари олдида намоиш этилди.

1978 йилда Самарқанд шаҳрида Девон даври стратиграфияси бўйича халқаро комиссия бўлимининг дала сессияси бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари дала геологик экскурсиясида бўлишди ва улар олдида юқоридаги майдон бўйича бой палеонтологик ашёлар намоиш этилди. Ушбу геологик экскурсияда 12 хорижий давлат олимлари ва кўпчилик Иттифокдош Республикалар олимлари иштирок этишди. Сессияга тайёргарлик ҳам кўпчилик томонидан амалга оширилган бўлиб, йўлкўрсаткичдан ташқари Девон асри мавжудотларининг қолдиқлари кўрсатилган палеонтологик жадвали – катта атлас кўрсатилди. Олимлар бир нарсага ишонч ҳосил қилдиларки, бошқа майдонларда бир-биридан узоқ масофада жойлашган қатламлар, ўзбекистонлик ҳамкасблар кўрсатган унча катта бўлмаган майдонда йиғилган, бир-биридан кейин стратиграфик ёши қонуни асосида ер устида, ўрганиш қулай бўлган жойда кўз олдингизда ётар экан.

Бу қатламларни ўрганиш бўйича 1978 йилгача анча ишлар қилинган, қадимги тирик мавжудотлар тош қотган қолдиқларидан коллекциялар йиғилган, лекин улар ҳар хил геологик ташкилотларнинг темир сандиқларида сақланар эди. Олимлар олдида бу нодир қазилмаларнинг аниқ ҳисобини олиш ва келажакда режали равишда улардан намуналар йиғиш вазифаси ҳамда ушбу бетакрор қатламларни муҳофаза этиш каби масала турар эди. Бу қатламларни муҳофаза қилиш шунинг учун ҳам зарур эдики, энг яхши сақланган тош қолдиқлар одатда, кураш таъсирига берилган юза қатламларда яхши сақланиб қолган ва уларни нураган майда қумли-лой қатламларнинг кетиши натижасида ўз-ўзидан бойиши ҳам юзада бўлар эди. Бундай нодир тош қолдиқларни тартибсиз, ҳар хил ташкилотлар ва коллекционерлар томонидан йиғилиши қатламларнинг камбағаллашишига, фан ва амалиёт учун нодир

бўлган кўпчилик нусхаларнинг изсиз йўқолишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Хорижлик олимлар Европа ва АҚШдаги шунга ўхшаш мисолларни сўзлаб беришди. Ушбу даврларда хорижий давлатларда тошга айланган қадимий мавжудотлар қолдиқларидан коллекция йиғиш одатга айланган эди. Натижада палеонтологик қазилмалар бой бўлган қатламлардан хусусий коллекциялар учун уларнинг деярли ҳаммаси йиғиб олиб кетилди. Шу йўл билан Германиядаги нодир “Трилобитли майдон” дан ўрта девон учун хос бўлган кам учровчи денгиз бўғиноқли хайвонларининг тош қотган қолдиқлари коллекционерлар томонидан ташиб кетилгани сабабли ҳозир “Трилобитли майдон”, трилобитсиз бир уюм шағалга айланди.

Барча фикрлар хулосаси сифатида Самарқандда бўлиб ўтган сессияда бу нодир қатламлар мавжуд Зарафшон тоғининг жанубий ёнбағрида уларни муҳофаза қилиш учун кўриқхона тузиш фикри пайдо бўлди.

Самарқанд сессиясининг қарорини кўриқхона илмий раҳбари, собиқ СССР Фанлар Академиясининг геология, геофизика, геохимия бўлими академиги Б.С.Соколов ва сессия ташкилий кўмита раиси, ўша вақтдаги Ўзбекистон геология вазирининг биринчи ўринбосари, геология-минералогия фанлари доктори В.Г.Горковец қўллаб-қувватлади, профессор В.Циглер (ГФР), профессор Г.Клаппер (АҚШ) маъқулладилар ва айtilган ғояларни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқдилар. Сессия ғоялар таъсирида фан ва амалиёт қизиқишини амалга ошириб, бўлажак кўриқхона вазифалари ишлаб чиқилди.

Ўша вақтдаги Ўзбекистон геология вазири Х.Т.Тўлаганов, вазир ўринбосари Т.Ш.Шоёкубов ва таниқли ўзбек геолог олими И.Х.Ҳамробоевлар ушбу ғояни қўллаб-қувватладилар ҳамда бошқош бўлдилар. Натижада, 1979 йил 22 март куни собиқ Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгашининг 206-сон қарори асосида Китоб давлат геологик кўриқхонаси ташкил этилди(2,10).

Кўриқхонанинг экотуризм ресурслари

Китоб геологик кўриқхонаси Қашқадарё вилоятининг шимолий шарқида Зарафшон ҳамда Хисор тоғларидаги чўкинди,

магматик ва метоморфик тоғ жинслари ер юзига чиққан жойда жойлашган (С.В.Екшибаров, 1959) ҳамда Турон муҳитининг Китоб-Шаҳрисабз физико-географик районига ўрнашган (Бабушкин, Когой, 1964).

Китоб геологик қўриқхонаси Зарафшон-Олой маълум даврдаги ер катламлари ва уларнинг тузилиши зонасининг бир қисми бўлиб, Ғарбий Помир-Олой тоғ тизмаларининг герцин тоғ кўтарилиш даврида шаклланган ва янги тектоник ҳаракатлар ёрдамида ёшарган. Қўриқхона майдонида бутун тоғ усуллари учун хос бўлган тангали – сурилмали тузилишдан ташқари ўзи учун хос бўлган хусусиятлари бор. Қўриқхона майдонида йирик тектоник қурилмалар яхши сақланган бўлиб, улар ўрта ва юқори Ордовик, Силур, қуйи ва ўрта Девон даврида пайдо бўлган денгиз чўкинди жинсларидан ташкил топган ҳамда бу катламлар стратиграфик тузилишида узилиш бўлмай, унда жуда бой қазилма аъзолар қолдиқлари учрайди ҳамда улар қузатиш учун қулайдир.

Қўриқхона майдони полеозойнинг денгиз чўкинди жинсларидан ташкил топиб, қалинлиги 4130 метргача боради. Улар тахминан 93% карбонатли тоғ жинсларидан (шулардан 36 % доломитлар, 57 % ҳар хил оҳақтошлар), 4% терриген карбонат жинслардан, 2% терриген ва 1% сув ости вулқон маҳсулотларидан ташкил топган.

Қўриқхона рельефи ўрта тоғлардан ташкил топган ва кучли бўлақланган. Асосан, 1500 метрдан 2000 метргача бўлган баландликлар учрайди. Ёнбағирларнинг қиялиги 20⁰ бўлган майдонлар 50% дан кўпни ташкил этса, қиялиги 10⁰ бўлган нишаб майдонлар атиги 8%ни ташкил этади.

Кенглик бўйлаб жойлашган тоғ массивининг чап қирғоғи Жиннидарё ва Оксув дарёлари учун сув айиргич бўлиб хизмат қилади. Қоратоғ ва Сумсар тоғлари 2600 метргача кўтарилади ҳамда энг юксак жойи 2597 метрни ташкил этса, энг паст қисми Жиннидарё қуйи қисмида, Жаус қишлоғи олдида 1200 метрни ташкил этади. Юқоридаги тоғларнинг, асосан, шимолий ёнбағирлари қўриқхона билан муҳофаза этилган бўлиб, унда кўпдан –кўп даралар, ёриқлар, тик ёнбағирли тор даралари, палеозой даври чўққиларининг қояли ёнбағирлари, ялонғочланган қисмлари кўп. Канъонларнинг узунлиги 800-1000 метрга етса, тагидаги сувнинг ёнбағирлари кенглиги 2-3 метрни, даралар чуқурлиги эса 100

метрни, сув ҳавзалари ва сув айирғичлари орасидаги масофа 900-1000 метрни ташкил этади.

Жиннидарёнинг чап ёнбағрида қояларнинг қиялиги камайиб рельеф гумбаз шаклини олади ва ёнбағирлари қиялиги камаяди.

Кучли бўлакланган рельеф, ёмғирларнинг жала шаклида ёғилиши, ўсимлик қатламининг сийраклиги тупроқ емирилишининг кучайишига сабаб бўлди ва емирилиш қўриқхона майдонининг учдан бир қисмини эгаллаган. Бу жараёнлар кейинги йилларда фаоллашган, жадвал равишда жарлар ҳосил бўлмоқда, сурилма, кўчкилар сони кўпайган. Бу жараён, айниқса, 1993-1994-йилларда кескин кўпайган. Қор кўчкилик пайдо бўлиш марказлари кам ва асосан, Қоратоғнинг чўққига яқин қисмларида жойлашган. Кучли бўлмаган заиф ва ўртача селлар бўлиш хавфи бор.

Қўриқхона жойлашган район учун қуруқ субтропик иқлимга хос белгилар кўп ва айтиб бир вақтда иқлимнинг континентал кўриниши кўзга ташланади. Иқлимнинг ўзига хослиги қўриқхонанинг ғарбдан очиклиги ва жануби-шарқдан йирик тоғ тизилмалари билан ёпиб қуйилганига ҳам боғлиқ. Тез – тез арктик, ўрта минтақалар ҳаво массаларининг босиб келиши ҳам иқлимга таъсир этади. Улар қўриқхона майдонига йилнинг совуқ фаслларида бостириб келиб, субтропик зоналар учун хос бўлмаган паст ҳароратларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ёзда эса шу ҳаво массаларининг ўзи Турон пасттекислигининг кучли қизиган майдони устидан ўтиб иссиқ ва қуруқ ёз бўлишига сабаб бўлди.

Қўриқхона қисқа ва илиқ баҳор, иссиқ ва бир хил қуруқ ёз билан алмашади ва шу аҳволда кеч кузгача давом этади. Қишда ҳароратнинг кескин ўзгариши тез-тез бўлиб, об-ҳаво муқим бўлмайди.

Январь ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати $+5^{\circ}$ атрофида, июль ойида $+18^{\circ}$. Ҳавонинг энг паст ҳарорати -20° га етиши, энг юқориси -30° бўлиши мумкин. Баҳорининг энг кечки пайтларида ҳам совуқ бўлиши мумкин (то 20 апрелгача) ёки эрта кузда ҳам совуқ тушиши мумкин (15 октябрдан). Совуқсиз кунлар сони 178 кунгача этади.

Бир йил давомида қўриқхонада 603 мм ёғин ёғади, уларнинг ярми баҳорга тўғри келади, (126 мм) март ойидан ёғади. Июнь ойидан сентябрь ойига қадар ёмғирлар деярли бўлмайди. Ҳавонинг нисбий намлиги март ойидан 65%ни ташкил этади. Ҳавонинг иссиқ ойлари унинг энг қуруқ ойлари ҳам бўлади. Август ойида намлик

25%гача пасаяди. Баъзи бир кунларда эса энг паст нуктаси – 20% га етиши мумкин, бундан пастга тушганда ўсимликлар қурий бошлайди.

Қор қоплами доимий бўлади, қалинлиги 1 метргача етади ва декабрдан то март ойигача кузатилади. Қор қопламининг узок туриши билан қўриқхона киши ўрта минтақалар кишига ўхшаб кетади. Қор қопламининг биринчи пайдо бўлиш вақти ноябрь ойининг охирига тўғри келса, кетиши март ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади.

Кўпинча шимоли-шарқдан ва шарқдан тезлиги 2-3 м/сек бўлган шамоллар эсиб туради.

Қўриқхонанинг асосий суви Жиннидарё бўлиб, унинг чап тармоқлари – Куло, Қизил олма, Новалча, Новобок, Хўжақўрхон, Оқ сув қўриқхона майдонидан оқиб ўтади. Сувга тўйиниш манбаи аралаш қор, ёмғир ва грунт сувларидир. Улардан ташқари бир қатор майда сойлар мавжуд бўлиб, улар сув билан баҳорги сув эриши вақтида тўйинишади. Жиннидарё дебити ошиғи билан май ойига, минимуми август-сентябрь ойларига тўғри келади. Палеозой даврининг карбонатли терриген ётқизикларининг кенг тарқашили, наоген ва тўртламчи давр ётқизикларининг ғоваклиги ва ёрилганлиги ер ости сувларининг йиғилиши учун шароит яратиб беради. Барча ер усти ва ер ости сувлари сифати яхши ва ичишга яроқлидир.

Китоб қўриқхонаси майдонида, асосан, тоғ субтропик тупроқлари кенг тарқалган. 1200-1500 м.баландликда тўқ кулранг тупроқлар мавжуд. Улар, асосан, лёссимон оғир соз тупроқлар устида ривожланган. Ер ости сувлари ер юзига яқинлашган жойларда кўпроқ ўтлоқ тупроқлари жойлашган. Бу тупроқлар кўпроқ дўлана, ёнғоқ, олча сувли ўрмонларда ривожланади ва гумуслик даражаси юқори бўлади. Тоғ дарёлари ва сойларининг куйи қисмида ўтлоқ аллювиал-ботқоқланган тупроқлар мавжуд.

Ҳозирги кунларда қўриқхонанинг 2793 гектарини 52.9% ўрмонлар, 25% ёнбағирлар, қоялар, тик ёки тошли майдонлардаги сурилма ва кўчкилар, қолган қисмида қўриқхона пайдо бўлгунга қадар яйлов ва экинзор сифатида фойдаланилган майдонлар эгаллайди.

Ўсимликлари

Китоб кўриқхонаси ўсимлик олами бўйича Жанубий Туркистон тоғли муҳитининг Кўхитанг округи, Ғарбий Ҳисор Қашқадарё ҳудудларида жойлашган ва хилма-хил бой ўсимликлар оламига эга. Унда ботаник Е.П.Коровин фикрга асосан, Ўрта Осиёнинг тоғли ва эндемик ўсимлик оламининг катта қисми йиғилган. Энг муҳими, асосан, фақат шу муҳитда полиморф ўсимликларнинг тарқалиш маркази жойлашган бўлиб, унда кўп шаклли уруғлардан сумбул, турнатавон, ширач, пиёз, жавдар, зопник, сигиркўйруқ ва бошқа тоғ ярим саванна ландшафти ҳосил қилувчи ўсимликлари ўсади.

Кўхистон ҳудудининг асосий ўсимликларига Туркистон-Эрон ўсимлик турлари таркибий қисмлари ва қисман мавжуд турлар ҳамда Тянь-Шан келиб чиқишига эга бўлаган ўсимликлар турлари киради.

Кўриқхона илмий ходимлари фаолияти туфайли бу ердаги ўсимликларни ҳисобга олиш бошлаб юборилган ва йўлга қуйилган. Ҳозирга қадар 60 оилага тегишли бўлган 328 турли найсимон ва ғалвирсимон ўтказувчи тўқимага эга бўлган ўсимликлар аниқланган. Улар кўриқхонада ўсувчи ўсимликларнинг 50% ини ташкил этади. Кўриқхона майдонида учровчи ўсимликларни ўрганишда кўриқхона илмий ходимларига Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий ходимлари С.С. Ковалевская, Т.И. Укертаник, И.Г. Лавичев, М.М. Набиев ва бошқалар катта ёрдам кўрсатишган.

Кўриқхона майдонида ўсимлик турларидан қирқбўғинлар оиласининг бир тури – дала қирқбўғини учрайди. Очиқуруғлилардан эса кўпчилиги қизил арча, зарафшон арчаси ва унча катта бўлмаган бутасимон ўсимлик – қирқбўғинли эфедра кўп учрайди. Ўсимликларнинг асосини бутун қадимий Ўрта ер денгизи бўйидаги каби ёпиқуруғлилар ташкил этади.

Кўриқхона майдонидаги кўпчилик ўсимликлар, асосан, мураккабгулдилар, дуккакдошлар, саёбондилар, аралашгулдилар, лоладошлар, габулдош икки паллали ўсимликлар, бир палали донли экинлар, айиқтовондошлар, мураккабгулдошлар, момақалдироссимонлар ва сигиркўйруқдорлар оиласига киради. Эрон-Туронда ўсадиган 25 эндемик ўсимлик уруғидан 19 таси

кўриқхона майдонида учрайди (Тахтаджян, 1977 йил маълумоти). Улар ичида чиннигулдошлар, қизилтиконлар, псевдекляузиялар, жадварсимонлар кенг тарқалган.

Камелин (1979 йил) маълумоти бўйича Ўрта Осиё тоғ худудининг эндемик ўсимликларнинг икки уруғидан сергия ва псевдекляузиялар аниқланган. Қўҳистон округи учун хос бўлган эндемик ўсимликлардан шоҳона юнона, кўҳистон сумбули, дробов мармараки, турнатавон ва субэндемикдан бир тури, сассиқурай аниқланган.

Васильченко, Васильлевалар 1985 йил кўриқхона майдонида ўсувчи дарахтсимон кадоқ уруғи ва ингичка кўкамаронни Фарбий Хисор эндемиклари сафига киритади.

Ўша йиллардаги собиқ Ўзбекистон ССР “Қизил китоби” га кўриқхона майдонидаги 12 турли ўсимлик, собиқ СССР “Қизил китоби” га 5 тур ўсимлик кирган. Шоҳона юнона Зарафшон тоғининг ўзига хос бўлган эндемик ўсимлиги бўлиб, унинг номи жисмига монанд келади. У кўриқхона майдонидаги Хўжа кўрган, Нови хушк, Оқ сув сойлари тагидаги қайроктошлар орасида ўсади. Нодир ўсимликларга қизиқувчилар учун камёб топилма ҳисобланган улкан лола кўриқхона майдонида кўпроқ учрайди. Бу лола гоҳида якка-якка, гоҳида тўп-тўп бўлиб қоятошлар ёки тупроқли ёнбағирларда ўсиб ётади(28,47).

Реликт ўсимлик ҳисобланган чинор борган сайин камайиб бормоқда. Ушбу тез ўсувчи ва чидамли дарахт чиройли ёғоч беради ва катта соя берувчи шох-шаббага эга бўлади. Бир неча бундай чинор дарахтлари кўриқхона майдонидаги Жаус қишлоғида сақланиб қолган. Кўриқхона майдонида Помир-Олой учун хос бўлган эндемик ўсимлик – сумбул учрайди. Маҳаллий аҳоли қадимдан сумбулдан доривор ўсимлик сифатида ва ҳидли модда сифатида кўп фойдаланган. Кўриқхона қуйи қисмининг лойли ва тошли-кумлоқ ёнбағирларида Ўрта Осиёнинг эндемик ўсимлиги Туркистон совунли илдизпоysi учрайди. Унинг илдизи нодир дорилар тайёрлашда қўлланилади(14,28).

Илмий адабиётлар “Фишер штернбергияси” деб аталувчи эндемик ўсимлик Фарбий Тянь-Шан ва Помир-Олой учун хос эндемика ҳисобланади ва уларнинг кўп бўлмаган тўпи Жаус қишлоғидаги қабристонда сақланиб қолган. Тянь-Шан ва Помир-Олой учун хос бўлган яна бир кичик гуруҳ эндемик ўсимликлар

Туркистон лоласи ва гули Салим қўриқхонанинг юқори қисмида майда донали гумусли тупроқларда учрайди, чиройли яшил рангли танага эга бўлган улкан ширач, узилган ареалга эга бўлган королков зафарони, Ўрта Осийнинг эндемик ўсимлиги ва ареали борган сайин торайиб бораётган кессилринг савринжони, анзур-пиёз ва ҳоказолар йўқолиш арафасида эди. Қўриқхона ташкил қилиниши билан ҳавфдан ҳоли бўлишган.

Қўриқхона майдонида 35 тур доривор ўсимликлар учраши аниқланди. Уларга: наматак, газанда, оққалдирмоқ, далачай, қизилпояча (чай ўти), широглин, солоб, хапри (аврук), баргчай (носбарг туясингрин), тоғ райхони, Зарафшон арчаси, вайон шатораси, қирқбўғин, қашқар сариқ бедаси, қоразирк, говзира, зира, сариқ андиз, зуфо, олкор ўти, ёввойи сабзи, чаканда, ёнғоқ, тоғ дастурбоши, равоч, ширинмия, тоғ жамбили, қора зира, бўйимордон, дастурбош, сачратки, мармарак ва бошқалар киради, буларнинг ичида бир қаторлари, кучала, харпи (қисроқ), калта, косали зизифора, соясевар турнатавон каби ўсимликлар маҳаллий аҳоли томонидан дориворлар сифатида фойдаланилади.

Қўриқхона майдонида яна 20 та декоратив ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларга Олга ширачи, Қўқон мориноси, исфарақ, уэрли юнонаси, савсаргуллар киради.

Озиқ-овқатга ишлатиладиган ўсимликлардан қўриқхонада икки тур равоч, қоразирақ, ёнғоқ, дўлана, олча учрайди. Техник ўсимликлардан занжавул ва Туркистон совунли илдизпояси мавжуд. Кўпчилик дуккакдош ва донли экинлар чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Қўриқхона майдони, асосан, тоғ ўрмонларидан иборат бўлиб, бу ерда Зарафшон арчаси кўплаб учрайди. Кенг баргли дарахтлардан бир неча хили бодом, дўлана, ёввойи олма ўсади. Бутали ўсимликлардан учқат, қизилча, қоразирақ, Қўқон наъматаги ва ҳоказолар учрайди. Қўриқхона майдонидаги жарларда ёнғоқлар, мажнунтол ва сассиққайинлар ҳамда оққаргул, илонпечак, маймунжонлар ўсиб ётади. Қўриқхона қуйи қисмида чўл зонасига хос ўсимликлар учраб, уларда, асосан, эфемерли ўсимликлар ўсади ва атрофига тоғ олди ярим саҳроси тусини беради. Ҳамма жойда ер юзига қочтошлар чикиб ётади ва улардаги ўсимлик олами камбағал бўлиб, асосан, қизил гилослар, тоғ жумрути, эфедралар ва Зарафшон арчасининг яқка турлари билан характерланади.

Ҳайвонот олами

Китоб кўриқхонаси ташкил этилганига кўп вақт ўтмаса-да ундаги ҳайвонот дунёсини ўрганиш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Экологик ўрганишлар, асосан, энди бошланмоқда.

Кўриқхонадаги ҳашаротлар олами бой ва хилма-хилдир. Биолог Ф.А.Солдатов бошлаган биологик ўрганишлар натижасида кўриқхона майдонида ҳар хил ҳашаротлар топилган ва улардан 11 хили собиқ СССР “Қизил китоби” га киритилган.

Дарёчалар ва сув ҳавзаларида хилма-хил сувда яшовчи ҳашаротларнинг йирик йиртқичи – ёғоч бешиктерватари учрайди. У яшил рангда бўлгани учун барглар орасида яшириниб, ўз ўлжасига кутилмаганда хужум қилади. Курукроқ жойларда кўпол йиртқич ҳашарот – чўл чигирткаси учрайди. Жарлардаги шохлари тарвақайлаб кетган ёнғоқ дарахтларда танаси, боши ва кўрак олди тўқ кўк рангли, қанотларининг усти зумрад-олтинранг, баъзи бир жойлари мис тусига ўхшаб кетувчи кўнғизни учратиш мумкин. У шохдан-шохга тез ҳаракат қилиб ўтади ва ниҳоят, ўзига керакли катта капалак куртини топади. Яшин тезлигидаги хужум натижасида кўнғизнинг ўткир жағлари ўлжаси танасига ботади. Бу йиртқич ҳашаротни илмий адабиётда “ҳидли красотел” деб аташади.

Баланд ғўнғиллаш овози кўк-сиёҳранг арининг яқинлигидан далолат беради. Бу ари кекса дарахтлар танасида яшайди ва 50 дан зиёд ўсимликни чанглатади. Вояга етган ҳашаротлар эркакларидан фарқли равишда доимо ўзига озик, кўнғизлар личинкаларини излаб ер остида юради.

2000 метрдан баландроқ жойларда илиқ, қуёшли кунларда илмий адабиётларда “ола-була аскалафа” деб аталувчи тез учувчан йиртқич ҳашаротни кузатиш мумкин.

Кўриқхона майдонида капалаклар кенг тарқалган. Ёз кунларида 2200-2500 метр баландликда ўзининг гўзаллиги билан гули Салим ила рақобатлаша оладиган махагон капалагини учратиш мумкин ёки бўлмаса оқ қанотлари устида ёрқин-қизил доғлар бўлган ҳамда қора чизик билан қаноти атрофи ўраб олинган аполлон-актиус капалагининг гуллар устида учиб юрганини

кузатасиз. Қўриқхона майдонида бир неча тур майхўр капалаклар бўлиб, уларнинг ичида учаётганда улкан кўршапалакка ўхшаб кетувчи кулранг капалак – Хисор майхўри алоҳида ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда қўриқхона майдонида 120 турдан ошиқ когурғали хайвонлар аниқланган. Баликлар, сувда ва курукликда яшовчи амфибиялар Зарафшон тизмасининг ҳамма жойида учровчи қора балиқ ҳамда тоғорасимон зоғорабалиқ, кўк қурбақа ва кўл бақаси кенг тарқалган. Ўн хил пентилийлар мавжуд бўлиб, улардан беш хили – илон, сув илонлар, шарқий кум илонлар, гулдор ва ҳар хил рангли чипор илонлар Ўрта Осиё региониди кенг тарқалган турларга киради. Собик СССР ва Ўзбекистон ССР “Қизил китоби” га кирган Ўрта Осиё кўзойнакли илони Зарафшон тоғлари жанубий ёнбағрида учрайди. Уч хил калтакесаклилар – Туркистон эчкиэмари, сариқ илон ва Осиё ялонғочкўз илони кўзга ташланади.

Қўриқхона майдонидаги қушлар тўлиқ ўрганилган эмас. Улар ичида чумчуқсимонлар кўп бўлиб, читтак, зарғалдоқ, пашшатутар, майкут, хинд чумчуғи кўпчиликини ташкил қилади. Йиртқич қушлардан улкан оқ бошли қумай, қора ҳаққуш қўриқхона осмонида кўплаб парвоз қилиб юради. Болтаютар ва бургутлар кўпроқ ўрта тоғ зонасида ин курадилар. Қўриқхона майдонини майда йиртқич қушлар – жиғалтой ва миққий камдан-кам ташлаб чиқади. Бойкуш, балиқчи, тентак қуш, қизилиштон, каккулардан атиги 1-2 тури, буздоқлардан 4 тури учрайди.

Ҳашоратхўр сүтэмизувчи ва кўршапалаклардан майда бургутни ва кичик тақабурунларни кўриш мумкин.

Кемирувчилар синфи анча бой, унга кулранг олмаҳон, кичиккўз сичқон, узундумли сичқон, ўрмон олмаҳонсимони, тоғ сувсари, бўрсиқ ва бошқалар киради. Қуён қўриқхона майдонининг Новдароз участкасида учрайди. Қўриқхонада яна бўри, тулки, айиқ, тоғ сувсари, бўрсиқ, тўнғизларни ҳам кўриш мумкин.

Қўриқхонанинг қуйи қисмида эфемерли чаласаҳролар фаунаси кўп учрайди, уларга – чўл тошбақаси, Осиё очиккўзи, сариқ илон киради. Қушлардан кўпроқ олтинранг кўкуноқ ва кўкқарға, сариқ чумчуқ ва қорабош сирчумчуқ учрайди. Узундумли суғирни жуда кам ҳолларда кўриш мумкин. Дарахт ва бўтазорлар хайвонлар турига анча бой. Судралиб юрувчилардан, асосан, чипор илон кўп.

Қушлардан, айниқса, чумчуқлар мўл. Дарахтзорлар ичида қорапешонали қарқуноқ ва оқ тамоқ булбуллар, қораялоқ қарға, қора қарға, бухоро читтаги, сариқ кўкракли читтак, жанубий ва оқ тамоқ булбуллар, кулранг ва жаннат пашшатутари, қорабош читтак, оқбош саъва, олашақшақ, зарғалдоқ, зағизғон инларини тез-тез учратиш мумкин. Бутазорлар орасида яна жиғалтой ва кичик бургут, кулранг бойкуш ва яполоккуш, оддий ғуррак ва катта ғурраклар тез-тез кўзга ташланади. Кемирувчилардан ўрмон олмахонсимони ва Туркистон каламуши мавжуд. Йирик ҳайвонлардан айиқ, бўрсиқ ва ёввойи чўчкалар, асосан, мевали дарахтлар орасида юришади. Қўриқхона майдонидаги арчалар сийраклашиб қолган, ҳайвонот олами ҳам камайиб кетган. Бу жойдаги арчазорлар орасида арча болтатумшуғи, Ҳимолай тоғ сичқонлари учрайди.

Қоялар атрофида Туркистон ағамаси, тоғ сувсари, сўфитўрғай каби камёб ҳайвонлар ва қушлар учрайди, гоҳида миккий, бургут, болтаютар ва ёввойи каптар учраши мумкин. Олабула ва кўк тоғ қораялоғи инларини қоядаги қавакларга қуйиши мумкин. Қояларда яшовчи ҳайвонларга айиқларни ҳам қўшиш мумкин, чунки улар кўпинча қишки уйқуни қоялардаги ғорларда ўтказишади.

Қўриқхонада учровчи умуртқалилардан бир неча тури, айниқса, кўзга ташланади. Қушлардан – бургут собиқ СССР ва Ўзбекистон ССР “Қизил китоби” га кирган ва уларнинг инларини тез-тез қўриқхона майдонида кўриш мумкин. 1984 йил июнь ойида қўриқхона ходимлари баланд қоядаги инда учирма бўла бошлаган бургут боласини кўрганлар. Ундан ҳам камёброқ бўлган қуш – болтаютар инини ҳам тез-тез қўриқхонада кўриш мумкин. Бу жойда жуда кўп ҳолларда кичик бургутлар учрайди ва табиийки, инлари ҳам бўлиши керак. Бу қушнинг қорамтир ва оқишроқ турлари мавжуд.

Қўриқхонада жуда кам бўлса-да кулранг бойкуш бор. Уни ёзда жарларда, ёнғоқзорларда яқка ҳолда учратиш мумкин.

Кўк қуш ёки кўк қарға қўриқхонанинг чиройли қушлардандир. Улар одамдан қочишмайди, қоялар ва тошлар устидан сакраб-сакраб юриб, гоҳида дарахтларга кўнишади. Кўк қарға кўпинча дарё қирғоқларида, жарлар ва шаршаралар ёнида бўлади. Улар чиқиш қийин бўлган жойларга, қоялардаги қавакларга ин қуришади. Қўриқхона майдонида уларнинг ини ичидаги бешта

тухум билан май ойининг бошидан июнь ойининг охиригача учратиш мумкин. Бу жойларда кўк қарға муқим ҳаёт кечирази, киш иссиқ келган вақтларда бир қисми тоғнинг қуйи томонларига кўчиб ўтишлари мумкин.

Жаннат пашшатутари, кўк қарға кабилар Ҳинд-Ҳимолай фаунасининг қўриқхонадаги нодир вакилидир. Унинг устидаги ёрқин рангларига қарамасдан топиш анча машаққатлидир. У очик жойларга камдан-кам ҳоллардагина чиқади, шохлар орасига яшириниб ётади ва чўчитилган ҳолда бошқа қушларнинг овозига ўхшамаган кескин овоз чиқаради. Жаннат пашшатутарининг ағдариб қуйилган конус шаклидаги ини ёнғоқ шохларининг орасида осилиб туради. Ин қуриш май ойи ўрталарида бошланади. Тухум қўйиш июнь ойи бошида, полапон очиш эса ой охирида бўлади. Полапонлар август ойининг бошларида учирма бўлиб, сентябрь бошларида учиб кетади.

Қорабош читтак кенг баргли дарахтларда, дарё хавзаларида яшовчи қуш бўлиб, умрини қўриқхона майдонида ўткази, кишнинг жуда совуқ вақтларида учиб кетиш мумкин. Кўпинча унинг ини сув юзасидан 2-4 метр баландликда, мажнунтол, ёнғоқ, дўлана, ўрик дарахтлари шохларида осилиб туради. Май ойининг бошларидан июнь ойининг учинчи ўн кунигига қадар инида муқим учрайди, май ойининг ўрталаридан бу қушчалар кўзга ташлана бошлайди.

Сўфитўрғай қоялар устида яшовчи қушларнинг ёрқин намунасидир. Унинг жуфти йил давомида ини атрофида ҳаёт кечирази. Бу қуш ини лойдан ясаиб катта ва жуда мустаҳкам бўлади. Май ойида полапонлари уяларини тарк этишади. Бирок онаси билан бирга узоқ вақтгача юради. Июль ва август ойларида уларни ҳамма жойда кўриш мумкин. Сўфитўрғайлар, асосан, жўжаларини ҳашоратлар билан боқди.

Каклик товуксимонлар оиласининг қўриқхона майдонидаги вакилидир, ундан ташқари гоҳида бедана ҳам учраши мумкин.

Сариқ дехқончумчуқ қўриқхона учун хос бўлган қушдир. Эркаклари ёрқин ранглари билан ажралиб туради. Баҳор ойларида баланд шохларда кўпроқ сайраш билан вақт ўтказадилар. Бошқа дехқончумчуқлардан фарқли равишда улар инларини ер устига қуришса, сариқ дехқончумчуқ инини ер юзидан 30-50 см

баландликдаги ўтлар ва буталар устига куради. Август ойининг охириларида улар қўриқхона майдонини тарк этишади.

Дарё бўйларидаги қоялар орасида бир неча жуфт қарғалар ин қуришади. Май ойида полапонларига ўлжа ташиётган қушларни тез-тез учратиш мумкин. Июль ойида учирма қушларни кўриш мумкин. Бундай оилалар бутун ёз ва куз давомида ҳам бўлиниб кетмайди, уларни она қушлар билан бирга то октябрь ойи охиригача кузатиш мумкин.

Сутэмизувчилардан – қўриқхона қўнғир айиғининг Тянь-шан тури учрайди. Бу хайвон “Қизил китоб”га ҳам кирган. Бу айикни ҳаётининг фаол даврида – апрель ойининг бошидан ноябрь ойининг охиригача учратиш мумкин. Апрель-май ойларида (12,56) айиклар, асосан, Жанубий ёнбағирларда равоч, сумбулнинг ёш таналарини ҳали топиш мумкин бўлган вақтларда уларни кавлаб вақт ўтказишади. Бу ўсимликлар қуриб, қаттиқ ҳолга келган вақтларда айиклар шимолий ёнбағирларга, баландликдаги субальп ўтлоқзорларига чиқади. Ёзнинг ўртаси ва кузнинг бошларида эса улар пастга, ёввойи ва маданий дарахтлар меваси пишган жойларга якин келишади ва ҳатто қўриқхонанинг муҳитига кириб қолишади.

Айикларнинг овқатланиш рационалида ўсимлик асосий ўрин тутиб, тирик аъзодан бўлган овқат миқдори жуда оздир. Айиклар овқатланган жой белгилари гилоснинг синган шохлари, олма, дўлана, ёнғоқ топталган жой, равоч, сариқ андизнинг қовлаб чиқарилган илдизлари ўрнини қўриқхонанинг кўп жойларида кўриш мумкин. Гоҳида айик суғирни инидан қовлаб олмоқчи бўлади, лекин жуда кам ҳоллардагина мақсадига эришади. Қўриқхона очилган вақтда ундаги айиклар сони уч атрофида эди, ҳозир кўпайгани сабабли у билан учрашиш сонлари ҳам ортмоқда.

Бўрсиқ йиртқич сутэмизувчидир. У қовлаб ташлаган инларни қўриқхонанинг ҳамма жойида кўриш мумкин, лекин 2000 метрдан паст бўлган, ўсимликли очик ёнбағирларда кўп бўлади. Кам ҳолларда бўрсиқлар инларини катта тошлар тагига ёки ёнбағирлардаги ёриқларда куради. Гоҳида улар учларини жайранинг ташландиқ инларига қуришади.

Жайралар қўриқхонанинг юқори қисмида кўпроқ учрайди. Улар инларини очик, ўт билан қопланган ёнбағирларда қавлаган. Қўриқхона майдонининг ҳар тарафида учровчи 20 дан ошиқ инлари бор. Жайра учун озиқ-овқат бўлиб лолалар пиёзи, сумбулнинг

тўлиқ ер ости қисмлари, ширач томирлари ҳисобланади. Боғларда бу ҳайвон ўрик, олма мевалари билан, тоғда дўлана билан озиқланади. Гоҳида сабзавотлар майдонларга ҳам тушиб туради.

Қўриқхона учун хос ҳайвон ёввойи чўчкадир. Улар билан учрашиш мумкин жойлар қўриқхонанинг деярли барча қисмида. Лекин, кўпинча улар ҳаётий фаолиятининг намуналари – туёқ излари, ҳайдалган ерлар, гўнги ётган жойлари, “ишқаланган” дарахтлар, сув ҳавзалари қирғоқлари ва сув ҳавзалари ёнидаги ўрмонли бутазорлар бўлади. Баҳорда бутазорлар ичида усти қуруқ ўт билан қопланган тоза шаббалар пайдо бўлади, бу жой тезда чўчка болаларининг пайдо бўлишидан далолат беради. Май ойидаёқ чўчка излари ёнида майда изчаларни учратиш мумкин. Ёзда ёввойи чўчкалар, асосан, ўсимликлар билан озиқланади, уларнинг илдизларини қовлаб олади ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилмайдиган турнатавон, хапругача қовлаб ейди ва майда хашоратларни ҳам еб юборади. Маданий ўсимликлар олма, нок, дўлана, ёнғокни ҳам ўз рационига қўшиб олади ва яқиндаги қишлоқларнинг таморқасини ҳам қовлаб кетади.

Қўриқхона майдонида йирткичлардан бўри кўп учрайди. Қўриқхона ишга тушгандан буён қўриқхона иш режаси бўйича ҳайвонларни асраш натижасида уларнинг миқдори кескин ошди ва айни вақтда ёввойи чўчкалар миқдори кескин камайди. Қишда қўриқхона атрофидаги қўй-қўзиларни нобуд қилиш кўпайди. 1995 йилнинг қишида улар ҳатто қўриқхона ичкарасига кириб, ундаги отлардан бирини еб кетишган. Шу йилнинг қишида бўрилар жамланиб юриши кўпайди. Қўриқхона ходимлари 11 бўридан иборат тўданинг юрганини кўришган.

Қўриқхонада нима ишлар бажарилади?

Китоб геологик қўриқхонасида ишлар уч йўналишда олиб борилади: барча табиий объектларни ҳисобга олиш ва муҳофаза этиш, палеозой эраси қатламлари кесимларини стратиграфик ўрганиш, регионда унинг геологик тарихи ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўлкашунослик тушунтириш ишлари олиб бориш.

Бу уч йўналишдаги ишлар бир хил олиб борилаётган бўлса ҳам, табиийки, кўриқхона ўз номига боғлиқ равишда геологик ишларни каттароқ ҳажмда бажаради. Буни кўриқхонадаги илмий ходимлар ўртасидаги муносабатдан ҳам билиш мумкин. Ҳозир кўриқхонада ҳаммаси бўлиб 38 ходим ишлайди, шулардан 11 нафари илмий ходим, 10 киши геолог ва 1 киши биолог. Шу сабабли илмий ишларнинг асосий қисми геологик-стратиграфик йўналишда олиб борилиб, асосан, Зарафшон ва Ҳисор тоғи мавзелари учун палеозой эрасининг Ордовик, Силур ва Девон даврларига ханостратиграфияси тузилади. Бу нима учун керак? Табиатдаги барча қатламларнинг ҳам пайдо бўлиш бўйича маълум қонуниятлари бор ва уларнинг ўзига хос ёши мавжуд.

Агар инсоннинг ёши тўғрисида тусмолни унинг пешанасидаги ажинлар, дарахтнинг ёши тўғрисидаги тушунчани унинг танасидаги ҳалқалар кўрсатиб турса, ер қурраси тош қатламларининг ёши мавжуд бўлиб, бу ёшни аниқлашнинг ҳам усуллари бор. Тоғ жинслари ёшини икки хил йўл билан, яъни абсолют ва нисбий кўринишда аниқланади. Тоғ жинсларининг йил ҳисобида ифодаланган ёши – уларнинг абсолют ёши ҳисобланади. Уни аниқлаш учун радиоактив усулдан фойдаланилади. Унда кимёвий элементларнинг (уран, калий, рубидий ва бошқалар) радиоактив парчаланишига асосланган.

Ҳозирги вақтда қадимий тоғ жинслари ёшини аниқлашнинг уран-кўрғошинли, калий-аргонли, рубидий-стронцийли, уран-гелийли усуллари, бирмунча ёш тоғ жинслари учун углеродли ва уран-ионетли усуллари мавжуддир. Бу усул ёрдамида тоғ жинслари ёшини аниқлашнинг назарий ва амалий йўллари пухта ишлаб чиқилган. Масалан, бир грамм урандан парчаланиш натижасида бир йўла қанча кўрғошин ҳосил бўлишини билган ҳолда ва шу минералда уларнинг биргаликдаги миқдори қанчалигини аниқлаб, маълум ҳисоблар орқали тоғ жинсидаги минералнинг абсолют ёшини аниқлаш мумкин. Углерод C^{14} нинг ярим парчаланиш даври 5568 йилга тенг, бу усул ёрдамида ёш тоғ жинси қатлами ёшини белгилаш мумкин. Тоғ жинслари ёшини аниқлаш геологик ишларда кенг фойдаланиладиган усуллардан ҳисобланади ва чўкинди жинсларнинг аниқ ёшини аниқлашга бағишланган изланишларда яхши натижалар беради.

Тоғ жинсларининг нисбий ёшени аниқлаш. Геологияда ер қатламларининг қайси бири олдин, қайси бири кейин пайдо бўлганини қиёсий аниқлаш усули нисбий ёш аниқлаш усули, деб аталади. Бу усулда тоғ жинси қаламларининг энг олдин пайдо бўлганини аниқлаш учун қатламлардаги ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларини топиб, уларнинг бири иккинчисига таққослаб кўрилади. Энг олдин ҳайвонлар ва ўсимликлар қолдиғи бор пастки қатлам ундан юқорида ётувчи қатламга нисбатан кекса ҳисобланади. Қатламларнинг олдин ва кейин пайдо бўлганини ҳамда таркибини литология ва стратиграфия фанлари текширади. Бу қатламлар орасида ўсимлик қолдиғи палеоботаника, ҳайвонлар қолдиғи эса палеонтология фанига оиддир. Бундай ҳайвонот ва ўсимлик қолдиқлари фақатгина чўкинди тоғ жинслари ичида сақланиб қолади, магматик ва метоморфик тоғ жинсларида улар бўлинмайди. Қатламлар ичидаги ҳайвонот ва ўсимлик қолдиқларини ўрганиб, улар қанча вақт олдин яшаганини ҳисоблаб чиқариш ва шу йўл билан унинг аниқ ёшени ҳам аниқлаш имконияти яратилади.

Китоб геологик кўриқхонасининг майдонида бундай палеонтологик қолдиқлар палеозой эрасининг ўрта Ордовик давридан юқори девон давригача пайдо бўлган карбонатли чўкинди тоғ жинслари ичида тўлиқ сақланиб қолган ва кўриқхона илмий ходимлари экостратиграфик илмий изланишлар олиб бориш натижасида бу қатламларнинг тарқалиш чегарасини, ундаги палеонтологик қолдиқларнинг ёшени, турини, пайдо бўлган вақтини ва ўша вақтдаги шароитни аниқлашади. Бу иш юзаки қаралгандагина содда ва осон кўринади. Аслида эса у ходимдан ҳам илмий, ҳам жисмоний камолот талаб этувчи машаққатли меҳнатдир. Энг олдин геолог ходимлар томонидан кўриқхона майдонидаги ҳар бир сой, дара, чўққи, ҳатто дарё тагигача ўрганиб чиқилган. Дастлаб, кўзга бу ердаги ҳамма қатламлар бир хил кулранг тошлардан иборат бўлиб кўринади. Ушбу тошлар ичида бундан миллион йиллар олдин яшаган тирик мавжудотларнинг тошга айланган қолдиқларини кўра билиш кишидан диққат, уларни бир-биридан ажрата билиш эса катта илмий маҳорат талаб этади.

Кўриқхона ходимлари ҳар бир сой ёки дарадаги қатламларни бир неча ўн ва юзлаб марта диққат билан ўрганиб чиққанлар. Уларнинг бу фаолияти натижасида кўриқхонанинг энг узок

бурчакларига ҳам яхши сўқмоқ йўллар очилган. Бу сўқмоқлар бўйлаб юрар экансиз, чўққилар учидан бошлаб, бош айланар даражадаги чуқур даралар тагида ҳам ходимлар томонидан ўчмас бўёқ билан ёзиб қуйилган белгиларга кўзингиз тушади. Демак, улар ўша жойларга тушгангина эмас, ҳар бир қатламдаги мавжудотлар қолдиғини ўрганиб, ўша аъзо қолдиқларининг ўзгариш қонуниятларини ўрганган ва шу йўл билан даврлар чегарасини аниқлаб чегара белгилари қуйиб чиқишган.

Энди навбатдаги иш қатламлар ичидаги тошга айланган қолдиқларни ўрганиш. Бу ишнинг мураккаблиги ҳам олдингидан қолишмайди. Мураккаб рельеф шароитида қатламлар орасини очиш, уларга йўл бериб бориш керак. Юқоридаги қатламлар ҳамда ичидаги қолдиқ йўқ бўш тош қатламлари олиб ташланади. Кулранг тошлар орасидаги бой тирик аъзо қолдиқларини ажратиш, бир-бирига таққослаб номини аниқлаш чуқур илмий маҳорат талаб қилади.

Илмий асори-атиқа сифатида кўргазмага қуйиладиган коралл ёки қадимий моллюска қалқонини ажратиб олиш, бу ўта машаққатли меҳнатдир. Бунинг учун тош бўлаги синдириб олинади, кир ювиш кукуни билан ишқаланади, махсус кислоталар билан қайта ишланади ва ниҳоят кўрикхона тош йўниш устахонасида олмос арра билан бўлакланади. Мана шундай оғир меҳнатдан кейингина бир вақтлар яшаган мавжудотларнинг тошга айланган қолдиқлари кўз олдингизда намоён бўлади. Худди шундай кўрикхона ходимларининг кўп йиллик оғир меҳнатлари натижасида бутун кўрикхона майдонидаги палеозой эрасининг Ордовик, Силур, Девон даврларида пайдо бўлган қатламлар ёши, чегараси, ундаги палеолдиқлар ўрганиб чиқилди ва тош энциклопедия каби 500 миллион йил олдин бошланиб, 100 миллион йил ичида кўрикхона майдони устида пайдо бўлган даврлар ётқизиқлари тўғрисида тўлиқ билимга эга бўлинди.

Геолог олимлар меҳнати натижасида кўрикхона майдонидаги қатламларнинг узлуксиз, танаффуссиз ер юзига чиқиб ётиши ва ўрганиш учун қулайлиги исбот этилди. Бу эса бутун дунё олимлари томонидан Китоб геологик кўрикхонасининг стратиграфик тузилиши ягона, деб тан олинishiга олиб келади. Дунёда Китоб кўрикхонасига ўхшаган яна 2 та кўрикхона мавжуд бўлса-да, уларда Ўзбекистон кўрикхонасидегидек мукамаллик йўқ.

Масалан: Франциядаги геологик кўриқхонада қатламлар орасидаги узилиш катта, Германиядаги кўриқхонанинг усти техника билан очилиб кўргазма қилинган ва тош билан ёпилганига қарамасдан ҳозир қатламлари жуда камбағаллашган.

Китоб геологик кўриқхонасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у худди нодир тош, олтин халқа билан ўраб олингандек, нодир тош геологик қолдиқлари, ҳозирги замон ўсимликлари (флораси) ва ҳайвонлари (фаунаси), бой ёнғоқзорлар, дўланазорлар, чакандалар, қора зирк бўтазорлари билан ўраб олинган. Улар орасида “Қизил китоб” га кирган ўсимликлар, ҳайвонлар кўплаб учрайди. Бундай шароит кўриқхона майдонида геологик илмий текшириш ишларини кенг қўламда олиб боришга имконият яратади. Шу сабабли кўриқхона ташкил этилган вақтдан бошлаб унда биоэкологик ишлар кенг миқдорда олиб борилди. Биринчи биолог олимлардан Р.Қорабоева томонидан кўриқхона майдонида 1980-1985-йилларда 119 тур умуртқали ҳайвонлар тури аниқланиб, уларнинг кўпчилиги учун экологик характеристика тузилган эди. Ҳозирга қадар кўриқхона майдонида 164 тур умуртқали ҳайвонлар аниқланиб, уларнинг турларга бўлиниши қуйидагича: балиқлар – 2 тур, сувда ва қуруқликда яшовчилар – 2 та, судралиб юрувчилар – 12 та, қушлар – 127 та, сутэмизувчилар – 21 та (16,19).

Кўриқхонадаги биологик изланишларнинг иккинчи йўналиши, яъни ўсимлик оламини ўрганиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бу соҳада кўриқхонада 1980 йилдан бери иш олиб бораётган олима Рашида Қорабоеванинг хизмати катта. У кўриқхона майдонида 200 дан ортиқ доривор ўсимликлар тури ўсишини аниқлади. Шу ўсимликлардан наматак, газанда, оққақдирамоқ, далачай, қизилпоча (чай ўти), ширилғин, салоб, хапри (аврук), баргчай (нокбарг), тоғ райҳони, Зарафшон арчаси, вайон шатораси, қирқбўғин, Қашқар сарик бедаси, қоразирк, говзира, зира, сарик андиз, зуфо, алқар ўти, ёввойи сабзи, чаканда, ёнғоқ, тоғ дастурбоши, равоч, қашқарбеда, ширинмия, тоғ жамбили, қоразира, оддий бўйимардон, дастирбош, сачратки, мармарак (марак) кабиларни тўлиқ ўрганиб, уларнинг шифобахшлик хусусиятларини кўрсатиб беради. Биолог олимларнинг хизмати натижасида кўриқхона майдонида учровчи 18 тур нодир, айти пайтда йўқолиш арафасида турган ўсимликлар аниқланиб, уларни

муҳофаза этиш чоралари белгиланади. Бундай ўсимликларга Туркистон доласи, шоҳона юнона, Коралков зафарони, кассельринг савринжони, лола, гули Салим, Туркистон совунли илдиэпоэси, анзур пиёзи ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юқоридаги доривор ўсимликларни ўрганиш натижасида уларнинг хусусиятларини табобат нуқтаи назаридан ўрганган бир гуруҳ тошкентлик доришунос олимларнинг уларни табобатда фойдаланиш учун ишлаб чиққан қуйидаги қўлланмасини кўришингиз мумкин.

“Наъматак турлари меваси таркибида витаминлардан С, В₂, К, Р, шунингдек, каротин, қандлар, органик кислоталар, флавоноидлар, ошловчи, пектин ва бошқа моддалар уруғида ёғ бор.

Халқ табобатида мева қайнатмаси ёки дамламаси бачадондан қон кетишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи дори сифатида ҳамда меъда-ичак (ич кетганда, қон аралаш ич кетганда) касалликларини даволаш, оғиз бўшлиғи касалликларида (милк яраланганда ва ундан қон оқганда) оғиз чайиш учун ишлатилади.

Мевадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйилади ва бир қошиқ майдаланган (данаклари олиб ташланган) мевадан солиб, 10 минут қайнатилади-да, 24 соат қўйиб қўйилади. Қайнатмага шакар қўшиб, қунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Илмий тиббиётда ишлатиш учун мевадан дамба, экстракт ва шарбат (хўл мевадан) ҳамда таблеткалар, холосас каби доривор препаратлар тайёрланади.

Наъматак меваси турли витаминларга бой бўлгани учун ҳам, уларнинг препаратлари авитаминоз касаллигини даволашда ва касалликнинг олдини олишда ишлатилади. Мевадан тайёрланган холосас препарати эса жигар касалликлари (холецистит, гепатит) ни даволашда кенг қўлланилади.

Кўка (оққалдирмоқ) ўсимлиги таркибида тузсиёгин ва бошқа аччиқ глюкозидлар, флавоноидлар, стеринлар, витамин С ва бошқа бирикмалар бор.

Абу Али ибн Сино кўка ўсимлиги баргини турли касалликлар-ни даволашда кенг қўллаган. Масалан, ширинча ва истиксо касалликларини даволашда ҳамда кўкрак оғриғида, нафас олиш қийинлашганда, нафас йўллари яллиғланганда ва йўталда балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатган. Булардан барг ширасини (илдиз ширасини ҳам) безгак ва ўпка сили

касалликларида, ўт ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида қўлланилган. Қуритилмаган барғни эзиб, яра ва чипқонларга боғлашни буюрган.

Баргдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйиб, барғнинг йирик қуқунидан 15 грамм солинади-да, бир оз қайнатилади. Сўнгра доқада сузилади. Тайёрланган қайнатмадан ҳар 2-3 соатда бир ош қошиқдан ичилади.

Баргдан ёки гул тўпламидан дамлама тайёрлаш учун бир литр қайнаб турган сувга қуришиб майдаланган баргдан ёки гулдан 20 грамм солиб дамланади, сўнгра доқадан сузилади. Бу дамламадан меъда ва ичак яллиғланиши жараёнини ҳамда буйрак касалликларини даволашда қунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади”(2,36).

“Газанда (қичитқўт, чаёнўт) таркибида каротин, витаминлар С, К ва В₂, панттен ва чумоли кислоталари, уртицин гликозиди, гистамин, хлорофилл, крахмал, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино газанда ўсимлиги мевасини нафас қисиши касаллигини даволаш учун, барғини эса қон оқишини тўхтатувчи ва сурғи дори сифатида ишлатган.

Халқ табобатида ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма ва порошок қўқрак оғриғи, бод, иситма, нафас қисиши, бавосил касалликларини ва яраларини даволашда ҳамда балғам қўчирувчи, ел ва сийдик ҳайдовчи, қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади.

Дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, майдаланган баргидан бир ош қошиқ солинади ва бир соат дамланади. Дамламадан қунига 3-4 маҳал овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан ичилади.

Илмий тиббиётда газанда ўсимлигининг доривор препаратлари (дамлама, суюқ экстракт) қон оқишларини (ўпқадан, буйракдан, ичакдан, бавосил касаллигидан, ҳайз бузилганда, бачадондан қон кетганда) тўхтатувчи дори сифатида ҳамда сурункали яраларни, витаминлар етишмаслигидан келиб чиққан касалликларни даволаш учун қўлланилади”(2,38).

“Вайан шотарасининг ер устки қисми халқ табобатида ишлатилади. Таркибида ақолоидлар, витамин С ва К, органик кислоталар, қандлар, смолалар ва бошқа моддалар бор. Ер устки қисмининг қайнатмаси сийдик ҳайдовчи, қон тозаловчи, иситмада

хароратни пасайтирувчи восита сифатида ҳамда бавосил, сарғайма касаллигида, баъзида кўтир, эшакем касаллик-ларини даволашда қўлланилади. Илмий таботатда суюқ экстрактни бачадондан қон кетишини тўхтатиш учун ишлатишга тавсия қилинган”(2,39).

“Далачой (қизилпойча), сарик чой, чой чўп турлари таркибида флавоноидлар (рутин, гиперозид, кварцетин ваб), антроцен унумлари, эфир мойи, витамин С, каротин, смолалар, кандлар, бўёк, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино далачой ўсимлигини оғрик қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ҳамда турли яраларни даволашда ишлатган. Халқ таботатида далачой турларидан тайёрланган дамлама буйрак, қовук, меъда-ичак (ич кетиш) касалликларини даволашда қўлланилади. Булардан ташқари, ўсимликдан тайёрланган дамлама қон тўхтатувчи (ички органлардан қон оқишда ёки қон тупурганда) дори сифатида ишлатилади. Узиб олинган янги барғни майдалаб, эзиб ярага қуйилади.

Далачой турларидан дамлама тайёрлаш учун оғзаки ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 10 грамм солинади ва дамлаб қуйилади. Сўнгра доқада сузилади. Дамламадан қунига 2-4 маҳал овқатдан кейин бир қошиқдан ичилади.

Илмий тиббиётда далачой ўсимлигининг доривор препаратлари (дамлама, настойка, суюқ экстракти, иманин ва новоиманин препаратлари) меъда-ичак (колит ва ич кетганда ичилади), оғиз бўшлиғи (гангивит ва стоматитда оғиз чайилади) касалликлари ҳамда I ва III даражали куйишларни даволашда ишлатилади. Иманин ва новоиманин препаратлари 0,5 – 1 % ли эфирма, қукун ёки суртма дори ҳолида чиқарилиб, йирингли яраларни, қуйган жойларни, чипқонни ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни даволашда ишлатилади. Улар яраларга суртилади, сепилади ёки докани шу эритмага ботириб, қуйган жойга қуйилади”(2,40).

“Арчанинг ёш новдалари ва ғудда меваси йиғиб олинади. Ёш новдалар таркибида эфир мойи ва бошқа моддалар бор. Арчанинг ёш новдаларидан эфир мойи олинади. Халқ таботатида арчанинг ғудда мевасидан тайёрланган қайнатма милк ва оғиз бўшлиғи касалликларида оғиз чайиш учун ишлатилади. Майдаланган қизил арча ғудда мевасини қунжут мойига аралаштириб қулоғи яхши

эшитмайдиган беморларга қўлланилади. Ёш новдалар кукунини бош оғриганида ҳидлаш буюрилади. Эфир мойи ярага суртилади. Арчанинг эфир мойидан олинган цедрол бактерияларнинг ўсишини тўхтатади ва яранинг тузалишини тезлаштиради. Шунинг учун ҳам илмий табобатда цедрол вазифаларининг кана-кунжут мойидаги 5 % ли эритмаси йирингли, секин битувчи, совуқ ургандан кейин пайдо бўлган яраларни ҳамда остеомиелит (суяк касаллиги) ни даволашда ишлатилади”(2,41).

“Хапри (хипри, қисроқ, аврук) нинг халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Таркибида эфир мойи бор. Эфир мойи камфен, цениол, борнеол, линалоол ва бошқа бирикмалардан ташкил топган. Бу устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси халқ орасида қўтир ва бошқа тери касалликларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисмининг сурмаси (настойкаси) ва дамламасидан тайёрланган суртмаси бактерицид таъсирига ҳамда яраларни даволаш хоссасига эга эканлиги тажрибада аниқланган ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган”(2,42).

“Қирқбўғин ўсимлиги таркибида эквизетонин сапонини ҳамда никотин, эквизетин алколоидлари, флавоноидлар, витамин С, каротин, органик кислоталар ва силикат (органик бирикмалар билан бирлашган сувда эрийдиган хилидан) кислоталар, смола, ошловчи ва аччиқ моддалар бор.

Абу Али ибн Сино қуритилмаган қирқбўғимдан олинган шира билан яраларни даволаган. Қирқбўғимнинг қуритилган ва майдаланган ер устки қисмига шароб қўшиб тайёрланган дамламани жигар шишига, қон аралаш ич кетиш ва истисқо касаллигига даво қилинган.

Халқ табобатида қирқбўғим дамламаси сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи (қон тупурганда, бурундан қон оққанда, қон аралаш ич кетганда) дори сифатида ҳамда истисно, ўпка сили, буйрак ва юрак касалликларини даволашда қўлланилади.

Ўсимликдан дамама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига қирқбўғимнинг қуритилган ва майдаланган ер устки қисмидан 4 чой қошиқ соли дамланади. Сўнгра, докада сузиб, бу дамламани иссиқ ҳолида кун бўйи оз-оздан ичилади.

Илмий тиббиётда қирқбўғим ўсимлигининг доривор препаратлари (суяк экстракти, дамама, қайнатма) қон айланиши

етишмовчилигида, сийдик йўллари касаллигида, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дала қирқбўғим ўпка сили, касаллигининг баъзи турларини даволашда ҳамда бачадондан қон кетганда, шунингдек, бавосил касаллигида қон тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади”(2,44).

“Қашқарбеда ўсимлигининг ер устки қисми таркибида кумарин, дикумарин (дикумарол), меллолотин, метилотозид гликозиди, кумар ва мелилот ҳамда эфир мойи бор. Уруғи таркибида ёғ, тригонеллин алкалоиди бўлади.

Халқ табobatiда қашқарбеда яраларни даволаш (яра ичидаги йирингни тортиб олиш) учун, ўсимликдан тайёрланган дамлама эса сурункали бронхит, бош оғриғи, гипертония ва бошқа касалликларда ишлатилади.

Қашқарбеда ўсимлигидан тайёрланган дориларни кўп микдорда ва узоқ муддат қабул қилинмайди. Акс ҳолда бош айланиши, қусиш, уйқусизлик рўй бериши мумкин. Дамлама куйидагича тайёрланади:

1. Бирор идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув куйиладида, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солиб, бир оз қўйиб қўйилади. Сўнгра, докада сузилади, кунига 2-3 маҳал чорак стакандан ичилади.

2. Бирорта оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра, докадан сузилади, дамламадан бир ош қошиқдан 2-3 маҳал ичилади.

3. Яраларни ювиш, ванна қилишда ишлатиладиган дамлама тайёрлаш учун бирор идишга бир стакан қайнаб турган сув куйилади, устига қашқарбеданинг майдаланган ер уски қисмидан 20 грамм солиб, дамлаб қўйилади, сўнгра докада сузилади.

Илмий тиббиётда ўсимликдан тайёрланган малҳам чипқони даволашда қўлланилади. Қашқарбеданинг ер устки қисми юмшатовчи чойлар – йиғмалар таркибига киради”(2,45).

“Тоғрайхон ўсимлиги таркибида эфир мойи флавоноидлар, сапонинлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи, асосан, феноллардан, терпенлардан ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Халқ табobatiда тоғрайхон дамламаси йўтал, нафас қисиши, ўпка сили, меъда-ичак касалликларида ва бошқаларда ишлатилади.

Ўсимликнинг дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига тоғрайхоннинг майдаланган ер устки қисмидан 15 грамм солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра, докада сузиб, кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Илмий тиббиётда тоғрайхон дамламаси ичакнинг заифланиши касаллиги ҳамда иштаҳа очувчи ва ҳазми яхшиловчи, балғам кўчирувчи, сийдик ва ел ҳайдовчи дори сифатида оддий тоғрайхон дамламаси ўрнида қўлланилади. Тоғрайхон ўсимлиги гижжа ҳайдаш таъсирига эга эканлиги ҳам аниқланди”(2,46).

“Шероғлин (шеролғи шувок) ўсимлиги таркибида эфир мойи витамин С, каротин, жуда оз миқдорда алколоидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табobatiда шеролғин ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама истиқсо, цинга касалликларини даволашда ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, иштаҳа очувчи, ел ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Шеролғин ўсимлигининг гижжа ҳайдовчи хусусияти борлиги тажрибада аниқланган”(2,47).

Қўриқхонада олиб борилаётган яна бир иш, табиий ўрмонларни янги кўчатлар ўтқозиш йўли билан тиклашдир. Кейинги 4-5 йил ичида 5 гектар жойдаги кекса боғлар тагига янги кўчатлар экиб чиқилди. Айниқса, кекса, қурий бошлаган ёнғоқзорларга ёнғоқ кўчатлари ўтқозиш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

Геологик қўриқхона очилиши билан бутун дунё ва собик СССР олимларининг қўриқхонага қизиқишлари ортди. Шу сабабли унинг майдонида кўплаб марта палеозой эрасининг стратиграфик тузилишига оид халқаро конференциялар бўлиб ўтди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Самарқанд шаҳрида 1978 йилда бўлиб ўтган Девон даври бўйича халқаро дала назорати қўриқхона очиш ғоясини олдинга сурдилар ва бу ғоя ўша вақтдаги геология Вазирлиги томонидан қўллаб-қувватлангани учун тезда амалга ошди. Янги очилган геологик қўриқхона тез орада халқаро аҳамиятга эга бўлди ва унинг илмий хизматларини эътиборга олишининг белгиси сифатида унинг майдонида тез-тез халқаро йиғинлар ўтказила бошлади.

1984 йил қўриқхона майдонида 27 халқаро геологик конгресснинг 100 кишилиқ мутахассислари иштирокидаги биринчи халқаро конгресси бўлиб ўтди. Бу қўриқхона учун алоҳида

аҳамиятга эга бўлиб, кўриқхона илмий ходимлари бажарган ишнинг Ўзбекистон геология фанининг тарихий геология бўйича табиий объектларни муҳофаза этишдаги ишлари халқаро ҳамкасблари томонидан тан олинисининг биринчи белгиси бўлди. Бу конгресс учун кўриқхона ходимлари томонидан тайёрланган кўриқхона бўйича йўл кўрсаткич, музей экспонатлари, кўриқхона майдонидаги Ордовик, Силур, Девон даврларига хос геологик кесимларни 25 йил давомида ўрганиш натижаларини кўрсатади ва халқаро геологик жамоага ўзбекистонлик геологларнинг бу соҳада бажарган ва тез ривожланаётган янги натижаларини намоён этади.

1986 йил кўриқхона майдонида собиқ СССР кораллистларининг 11 мактаби йиғилиши бўлиб ўтди. Унда собиқ СССР бўйича 19 илмий ва ишлаб чиқариш геологик ташкилотларидан 24 нафар аъзоси қатнашди. Уларнинг кўпчилиги собиқ СССР Фанлар Академияси ва СССР геология Вазирлигига қарашли 13 шаҳардан келган вакиллар бўлиб, меҳмонлар кўриқхона майдонидаги қатламлардан йиғилган коллекцияларни томоша қилди-лар ва маърузаларини тингладилар. Мажлиснинг асосий мавзуси кораллар ёки ундан йирикроқ целентератлар тош қотган қолдиқларини ўрганиш асосида қатламлар чегарасини аниқлаш бўлди. Мажлис иштирокчилари кўриқхона майдонидаги кораллар тош қотган қолдиқлари жуда яхши сақланиб қолганини ва халқаро кўламда уларни ўрганиш учун яхши база ишлар стратиграфия фанининг ривожини учун хизмат қилишини таъкидладилар.

1987 йилда кўриқхона ҳаётида икки муҳим илмий воқеа бўлди. 12-15 сентябрда Умумиттифокнинг “Ўрта Осиёдаги қадимий ҳаётнинг қолдиқ излари” мавзуи бўйича илмий ўқиш бўлиб, унинг иштирокчилари тўлиқ кўриқхона майдонида иш олиб бордилар. Собиқ СССР Фанлар Академияси, Украина, Ўзбекистон, Тожикистон Фанлар Академияси, ушбу республикаларнинг малакали 40 нафар илмий ходимлари марҳум О.С.Вялов раҳбарлигида палеозой эрасининг тош қотган қолдиқларини ўргандилар ва қуйи девон даврига хос бўлган оҳақтошли қатламларда фан учун номаълум тош қотган қолдиқлар топдилар.

1987 йилнинг 23 сентябрдан – 3 октябригача кўриқхонада умумиттифокларнинг “Конодонтлар палеобиологияси, биостратиграфияси” мавзуида йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда иттифок бўйича 70 нафар палеонтолог қатнашиб, улардан 37 киши

ишлаб чиқаришдан, 16 киши академиялардан, 11 киши илмий-текшириш институтларидан, 10 киши ташкилотлардан ва 3 киши университетлардан иштирок этишди. Мажлисида 40 та маъруза тингланиб, улар биологик, геологик, методик йўналишда бўлиб, ҳаммаси конодонтлар тош қотган қолдиқларини ўрганишга бағишланган эди. Айниқса, маҳаллий ва халқаро стратиграфия масалалари муҳокама этилди. Мажлисида қатнашган Е.А.Елкин ва А.И.Кимлар 1987 йил август ойида Канаданинг Калгари шаҳрида бўлиб ўтган Девон стратиграфияси бўйича ёрдамчи комиссиянинг иши, ундаги методлар ва йўналишлар бўйича девон даврининг яруслари ва отделлари орасидаги чегарани белгилашда халқаро стратиграфик мактаб, асосан, конодонтлар тош қотган қолдиқлари асосида олиб боришар экан.

Шу муносабат билан маърузачилар Китоб қўриқхонасидаги органик қолдиқларни қатламларнинг узлуксиз жойлашганлиги ва бентосли қолдиқларнинг бойлигини эътиборга олиб, уларнинг аҳамияти халқаро даражада улуғлигини ва Девон эрасининг қолдиқларини ўрганувчи халқаро комиссия томонидан эътиборга олинганлигини таъкидлашди. Маърузачилар маҳаллий Мадмон ва Хўжакўрғон свиталари ўртасидаги стратиграфик чегара тўлиқлиги билан халқаро шкаланинг Эм яруси қуйи чегарасигача бўлган стандарт бўлиш мумкинлигини таъкидлади. Бу янгилик йиғилиш қатнашчиларини қизиқтириб қолди. Шу йиғилишда “Қўриқхона Девон қатламларидаги конодонтлар қолдиқларининг чегарадагиларини чуқур ўрганиш”нинг алоҳида аҳамияти борлигини эътироф этадилар ва ҳар бир қатламдан материалларни тўлиқ олишни ва чуқур ўрганишни қисқа вақт ичида учта лабораторияларга олиб боришни (Қашқадарё геологик экспедицияси, Тошкентгеология, собиқ СССР Фанлар Академияси геология институти) га таклиф этдилар. Тош қолдиқларини йиғиш шу йилдаёқ А.А.Елкин, А.И.Ким томонидан бошланди ва уларни пешма-пеш ўрганиш учун юқоридаги лабораторияларга юборилади.

1988 йилнинг 4-9 кунларида қўриқхонада германиялик экспертиза гуруҳ олимлари: Гёттинген университет профессори О.Виллизер, Зенкенберг илмий институти бўлим бошлиғи Р.Вернер, Гёттинген университети илмий ходими Э.Шиндлерлар бўлишди. Халқаро экспертлар олдида қуйидаги вазифалар қўйилган эди: Мадмон ва Хўжакўрғон свиталари чегарасидан олинган

маълумотларни таҳлил этиш, биостратиграфик чегараларини контрол таҳлил этиш, қўриқхонадаги геологик намуна олинган барча жойларни текшириш.

Хорижий олимлар билан ишларни бажаришда СССР Фанлар Академияси геология институти ходимлари Е.А.Елкин, геология – минерология фанлар доктори Н.В.Сенников, катта илмий ходим Н.Г.Изох, “Тошкентгеология” стратиграфик партияси бошлиғи А.И.Ким ва бошқа бир қатор қўриқхона илмий ходимлари қатнашдилар. Меҳмонлар ичида австралиялик олим Д.Талент ҳам бор эди. Ўша кунлар меҳмон ва мезбонлар учун янада унумли меҳнат даври бўлди. Улар халқаро Девон стратиграфияси бўйича ёрдамчи комиссия учун Эм ярусининг куйи чегараси ҳақида маълумот тайёрладилар.

Қўриқхона ҳаётидаги жўшқин илмий изланишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Яхшиси, меҳмонларнинг шу даврдаги ёзувларини кўздан кечирамиз. “Геологик кесимлар, уларни кўрсата билиш ва илмий изланишлар юқори даражада ўтказилганлиги бизда чуқур таассурот қолдирди. Китоб қўриқхонаси аъзоларининг ишини ташкил қила билиш ва меҳмондўстлиги ҳам шунга тўғри келади. Биз бирга ўтказилган 5 кунлик оғир, хавфли ишлардан катта таассурот олдик ва келажакда биргаликда бундан ҳам каттароқ ишлар қилишга умид қиламиз”, деб ёзган эди германиялик ҳамкасблар О.Валлизер, К.Веддиче ва Э.Шиндлерлар(2,54). Бошқа ёзувни австралиялик Д.Талент ёзган бўлиб, у кўп мамлакатларда бўлганини таъкидлар экан, Китоб қўриқхонаси ҳақида шундай дейди: “Оламда ер бойликларини университет аудиторияларида кўрсатишнинг кўпдан-кўп мисоллари бор, кўпчилик регионал геологик ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг маҳаллий музейлари ҳам анчагина, лекин Китоб қўриқхонасига ўхшаши оламда йўқ. Ўзбекистон Вазирлар кенгаши ва СССР геология Вазирлиғи Ордовик-Девон стратиграфик қаламланишини ўрганиш учун яратган ушбу шароити учун олий мақтовга муносибдир”(2,58).

1988 йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида геологик съёмка ишлари муаммолари бўйича халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Қўриқхона ходимлари ушбу симпозиум учун қўриқхонадаги геологик қатламлар тўғрисида стенд кўрсаткичлари тайёрладилар. Улар билан танишган симпозиум иштирокчилари қўриқхонани кўришга иштиёқ билдирдилар. Бу кузнинг булутли кундаги саёҳат

эди. Лекин шунинг ўзи ҳам кўрган ва эшитганларнинг эътиборини ўзига тортди, нодирлиги учун қалбларда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистон геологиясига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотди.

1988 йилнинг декабрида кўриқхона тўғрисидаги маълумотлар Москва шаҳрида “Геолог” умумиттифоқ илмий-техник жамияти конференциясининг мажлисида кўргазмага қуйилди ва бу экспозициялар Москвадаги ВДНХ да доимий кўргазма сифатида намоиш этила бошлади.

1989 йилнинг май ойида кўриқхонани халқаро олимлар гуруҳи келиб кўрди. Улар орасидаги Англиядаги Лестер университети доктори, палеонтолог Дейвид Сивитер, Эстониядаги геология институти директори Д.Л.Кельо, ВСЕГЕИ етакчи илмий ходими Т.М.Корень, ЛГУ доценти Е.Д.Михайловалар (Ленинград) бор эди. Ҳамкорлик ишида кўриқхона ходимлари ҳам қатнашдилар. Кун тартибидаги масала Силур даврининг острокодли биостратиграфиясини, илмий ходимлар тайёрлаш усулларини ўрганиш, илмий изланишларни ташкил қилиш ва бошқа муаммолардан иборат эди. Бу жаҳон олимлари билан ҳамкорликда ишлашга яхши мисол бўлувчи баракали ижод намунасидир. Кейинроқ Эстония Фанлар Академияси вице президенти академик М.А.Вейдерма Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси раиси Т.Ш.Шоёкубовга мурожаат қилиб шундай ёзади: “Китоб геологик кўриқхонасида, асосан, табиат муҳофазаси ва илмий изланиш ишлари бўйича халқаро аҳамиятга эга бўлган ташкилот бўлиш учун барча табиий шароит мавжуд. Бошланғич ходимлар сони ва хом-ашё ҳамда техник негизлари кўриқхонада етарли. Юқоридагиларни эътиборга олиб, кўриқхонанинг келажақдаги ривож учун барча чораларни режалаштиришингизни таклиф этамиз”(2,62).

Академик М.А.Вейдерманинг охириги сўзидан маълум бўладики, кўриқхонага келиб турувчи чет эллик мутахассислар бу ерда амалга оширилаётган ишларнинг фақат мақтарли томонинигина эмас, мавжуд муаммоларни ҳам кўра билишган ва кўриқхона том маънода халқаро илмий ва маданий марказга айлантирувчи йўлларни кўрсата олганлар.

1989 йилнинг 15 июль – Китоб кўриқхонаси ҳаётида асосий сана сифатида қолди. Ўша куни АҚШнинг Вашингтон шаҳрида Девон стратиграфияси бўйича халқаро комиссия бўлимининг 28-

халқаро конгресси Зилзилбон сойидаги қуйи Девон ётқизикларининг Эм яруси қуйи чегарасини палеонтологик маълумотлар бўйича чегаралаш ҳақидаги зарур ашёларни кўриб чиқади. Бу маълумотлар юқорида таъкидлаганимиздек, 1987 йилдан тайёрланиб, ўша йили халқаро комиссия учун тақдим этилди ва уни тақдим этишда Германиядан эксперт гуруҳ қатнашди.

Бу маълумотларни кўриб чиққан халқаро комиссия бўлими доктор В.Оливерс (АҚШ) раислигида унга ижобий баҳо беришди ва ўз хулосаларини билдирди. Қарордаги Эм ярусининг қуйи чегарасини Ўзбекистондаги Зарафшон тоғлари, Зилзилбон кесими бўйича ўтказилсин, деган “таклифга” комиссиянинг ҳақиқий аъзоларидан 20 нафари қуйидагича овоз беришди: рози – 16, қарши – 1, бетараф – 1, овоз беришда қатнашмади – 2 (Комиссия бўлими ахборот билдириши 1.12.89 йилдан). Шундай қилиб, собиқ СССР тарихида Китоб геологик қўриқхонаси биринчи халқаро эталонга айланди. Халқаро стратиграфик комиссия бўлимининг фикрича бу мисол Ўзбекистон ва собиқ СССР нинг миллий ютуғи ҳисобланган.

1989 йилнинг 8 сентябридан 16 сентябрга қадар қўриқхонада биринчи умумиттифок геологик конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда “СССР даги қуйи ва ўртапалеозой брахиоподларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг йирик микёсли геологик харита тузиш муаммосига таъсири” мавзуи бўйича маърузалар ўқилди. Ушбу мажлисда 14 шаҳардан келган 40 дан зиёд мутахассис қатнашди. 47 та маъруза олимлар ўртасида муҳокама қилиниб, кўпчилиги “СССР даги ва ўртапалеозой брахиоподлари бўйича янги маълумотлар” китобида чоп этилди.

Конференция мавзуси кўпчилик маърузаларнинг биостратиграфик йўналишида акс этди. Унда Ордовик даври брахиоподлари бўйича беш, Силур даври бўйича олти ва Девон даври бўйича беш маъруза ўқилди. Брахиоподларнинг систематикаси, морфологияси, палеобиологияси бўйича ўн икки маъруза тингланди.

Қўриқхонада 1990 йилнинг 26-30 май кунларида ўтказилган конференция мавзуи “СССР острокодчилари мактаби” деб номланди. Унда СССР территориясидан 35 нафар киши қатнашиб, ўттиздан зиёд маъруза тингланган.

Шу вақтлардан бошлаб Китоб геологик қўриқхонаси халқаро геолог-стратиграфлар учун “Эм ярусининг қуйи чегарасини”

белгилаш бўйича халқаро эталон бўлиб хизмат қилади ва ундан намуна сифатида фойдаланилади (16,51).

Қўриқхонада бажариладиган яна бир илмий йўналиш ўлканинг геологик тарихини тиклаш ва унда ўлкашунослик ишларини олиб боришдир (16,67).

Шуни эътироф этиш керакки, ўтган йиллар давомида мутахассис олимлар томонидан ҳам қўриқхонага қизиқиш доимий бир хил бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан келган гуруҳларга ва экосайёҳларга қўриқхона геологик тузилиши, ундаги палеонтологик жамғарма тўғрисида маърузалар қилинади. Бундай қизиқарли чиқишлар учун махсус рангли слайдлар тайёрланган, қўриқхона заллари, музейи рангли расмлар билан безатилган. Қўриқхонадаги мутахассислик бўйича тушунчага эга бўлган сайёҳларга, амалиётчи талабаларга изланишлар мажмуи намойиш этилади.

Қўриқхонанинг геологик кесимлари қўпчилик мутахассислар томонидан ўрганилиб, ундан илмий маълумотлар йиғиш учун фойдаланилади.

Қўриқхона этнографик тарихи – археологик изланишлар учун манба

Халқ ўртасида бир нақл бор: Оллоҳнинг назари тушган жойда ҳамма нарса мавжуд бўлади. Худди шунингдек, табиат бир жойга нодир хусусият инъом этса, бошқа хоссалар ҳам аста-секин шу жойга йиғила бошлар экан. Геологик қўриқхона сифатида иш бошлаган Китоб қўриқхонаси ҳам тезда республикамиздаги биологик илмий текшириш ишлари олиб борувчи кўзга қўринарли ташкилотга айланди. Қўриқхона майдонини кўздан кечиран экансиз, бу ерда келажакда мутахассислар текшириб, ўрганиши зарур бўлган қатор этнографик, тарихий, археологик изланишлар учун манбалар мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Тарих тақозоси билан қўриқхона майдонида қадимий қишлоқ Жаус тушиб қолган. Кексалар маълумотига қараганда, “Жаус” арабча “тозаланмаган ёнғоқ” маъносини англатади. Қишлоқни кезар экансиз, аҳоли урф-одати, турмуш тарзи, қадимий расм-русумларнинг, афсоналарининг, қадимий Туркистон

меъморчилигининг ҳозирга қадар ўзгармасдан соф ҳолда етиб келган бир қисми эканига ишонасиз. Қишлоқнинг асосий қисмини қадимий мусулмон меъморчилигига хос усти ясси лой томли, олди қисми нақшиндор устунлар билан безатилган уйлар эгаллаган. Бу уйлар қияликларда қурилгани учун кўпинча биринчисининг томи иккинчиси учун ҳовли бўлиб хизмат қилади ва узоқдан ушбу бинолар кўп қаватли уйларга ўхшаб кетади.

Ҳовлилардаги уй анжомларига диққат қилсангиз, кўпи ўтган даврлардан буён ишлатилиб келинаётган кўзалар, хумлар, қадимий урчиқ, мой олувчи куби, деворлардаги кўҳна сўзаналарга кўзингиз тушади. Бу қонуниятни қишлоққа кираверишдаги ҳозирги услубда қурилиб, усти тунўқа билан ёпилган бир неча янги уйлар бузиб туради. Улар қишлоқ чеккасида бўлиб ўтган сурилмалардан кейин кўчирилиб ўтилган уйлардир.

Қишлоқ марказидаги қадимий масжид сақланиб қолган, унинг олдида ҳовуз, ҳовузнинг икки чеккасида икки улкан чинор дарахтлари ўсиб ётади. Чинорнинг ёши 800да эканлиги аниқланган. Жаус қишлоғидаги Туркистон қишлоқлари учун бўлган масжид, ҳовуз, чинорларнинг бирга жойлашиш усули ўлкамизга дастлабки Арабистон мусулмонлари билан бирга кириб келган фикр мавжуд. Маҳаллий аҳолининг маълумотларига кўра, қишлоқ 1600-1900 ёшлар атрофида бўлиб, у Жиннидарёнинг ўнг соҳили бўйлаб уч километргача чўзилиб кетади. Қишлоқ номининг тожикча Жавза-арпа сўзидан келиб чиққан, деган тахминлар ҳам бор.

Қишлоқ аҳолисининг бир қисми араблар бўлиб, улар Ўрта Осиёга илк кириб келган араблар авлодидандир, бошқа қисми эса тожик миллатидан, уларнинг бир қисми аجدодлари шу жойда яшаб ўтган, қолган қисмининг аجدодлари Хўжанддан келган, деб тушунтиришади.

Жаус қишлоғининг кўзга кўринган тарихий биноси ушбу масжид бўлиб, у ўзига хос Ўрта Осиё архитектурасининг ягона ёдгорлигидир. Ясси томли масжид ичида икки қатор устунлар бўлиб, марказдан ва деворлардан болорлар ушбу устунларга қўйилган. Девордан кейин масжиднинг тўрт томонига яна бир қатор устунлар қўйилган бўлиб, айвон сифатида ёпилган. Гулдор қилиб ўйиб ишланган ёғоч устунлар ҳақиқий санъат намунаси ҳисобланади. Қишлоқ оқсоқолларининг айтишларича, ушбу масжид

биноси уч марта кулаб тушган ва шунча марта қайта тикланган. Унинг кекса қисмларидан, асосан, ўша устунлар сақланиб қолган.

Айвоннинг пештокида араб алифбосидаги “меъмор уста Ҳаким” ва масжид устунида “ҳижрий 845 (милодий 1441-1442) йил” деган ёзувларни ўқиш мумкин. 1880 йил масжиднинг қайта таъмирланишида Карим Мироҳўр, Мулло Абдурахмон (айвонининг таъмирида) хизматлари катта бўлган. Масжиддаги устунлар ҳам, қишлоқ бинолари ҳам, асосан, арчадан қилинган болорлар билан ёпилган. Қишлоқ уйлариининг ва масжиднинг девори ҳам синч қилиб қурилгани учун юпка ва енгил. Маҳаллий аҳолининг маълумотларига кўра, қишлоқнинг сой яқинидаги синч уйларида бири сел вақти оқизиб кетилган ва қишлоқ жойда сел пасайган вақтда ҳеч жойга шикаст етмасдан туриб қолган.

Масжидни кўҳна вақтлардан буён ўша қишлоқнинг хўжа уруғидан бўлган эшонлар бошқаради. Уларнинг ичида XVIII асрда яшаб ўтган эшон шайх Собери Парранда машҳур бўлиб, у кишининг авлодлари ҳозирги вақтда ҳам қишлоқда яшамокдалар.

Шайх Собери “Парранда” дея таҳаллус олишларига у кишининг ёшлик вақтидан чакконликлари сабаб бўлиб, бир сакраб биноларнинг томига чиқиб кетаверганликлари натижасида у кишига ушбу таҳаллус қўйилган. Шайх Собери Парранданинг етуклик йиллари ва қишлоқ эшони бўлиб юрган вақтларида сўфи бир нарса сезадики, эшон ҳазратлари суннатни ўқиб бўлганларидан кейин, фарзда кўринмай қолардилар. Сўфи “Тўрам кечиргайлар, сизни бир неча марта фарзда кўрмадим”, деган саволига Шайх Собери Парранда жавоб берадилар: “Мен ҳар сафар суннатни Жаусда, Фарзни Маккатуллода ўқийман”. Сўфининг бу жавобига унчалик ишонқирамай қараганини кўрган шайх буюрди: “Сиз мени елкамдан кучинг ва “валаззол” дегунча кўзингизни очманг”. Навбатдаги суннат ўқилгандан кейин сўфи шайхнинг елкасидан кучоклайди ва шайх осмони фалакка парвоз этади. Қисқа вақт ўтгандан кейин, сўфи чидолмай кўзини очади ва шайхдан “нима бўляпти?” деб сўрайди. Шунда шайх: “Эй бадбахт, мен “валаззол” дегунча кўзингни очма, деб айтдим-ку”, деб сўфини ташлаб юборади ва у Бухоро амири хазинаси томига тушади.

Эрталаб амир хизматкорлари хазина томида бегона одамни кўриб, ўғри деган тахмин билан амирга олиб борадилар. Амирнинг сўроғига сўфи бўлган воқеани айтиб беради. Амир унга ишонмай:

“Агар эшонинг шундай улуг бўлса, сени ўзи қутқариб олсин”, деб сўфини Бухоро марказидаги тутга боғлаб қўяди. Маккатуллода фарзини ўқиб қайтиб келаётган Шайх Собери Парранда йўлда сўфига раҳми келади, уни ташлаб юборилган жойидан олиб кетиш учун ерга яқинлашади. Уни тутга боғланган ҳолда кўриб, “Этагимдан маҳкамроқ ушла”, дейди ва сўфини боғланган тут дарахти билан қўшиб олиб кетади.

Қишлоғига қайиб келган сўфи ўзи боғланган тут дарахтини кабристон чеккасига экиб қўяди ва ўша замондан бошлаб бу тут тагига эшонлар авлоди қўйиладиган бўлади ва “эшонмозор” га айланади. Мозор чеккасидаги ушбу тут дарахти ҳанузгача ғайритабиий хусусият намоиш этади, яъни бир йилда ярми кўкарса, ярми кўкармайди, келаси йил эса кўкармаган қисми кўқариб, кўқарган қисми кўкармайди, тескариси бўлади.

Бухоро амири боғланган одамнинг тут билан йўқолганини кўриб, эшоннинг мўъжизакор эканига ишонади ва у кишидан кечирим сўраш учун излаб йўлга чиқади. Жаус қишлоғига келганда, кўм-кўк ўсиб турган тутни кўриб, танийди ва кўчириб олиб келган одамни суриштиради. Қишлоқдагилар Шайх Собери Парранданинг Ҳазрат Султон чўққиси авлиё-фозиллар йиғинига кетганини айтишади. Амир у кишини излаб тоққа чиқади ва оқ кийимдаги авлиё фозиллар гуруҳини кўриб, у кишидан кечирим сўрайди. Бу жойда барча оқилу фозиллар йиғилганини кўрган амир: “Қашқадарё элининг барча бож-хирожини ораларингиздан кимки мўъжиза кўрсатса, ўшанга беришга амир қиламан”, дейди. Шунда бошқалар ҳаракатга келмаганини кўрган Шайх Собери Парранда олдинга чиқади, чўққи тагидаги тубсиз чуқурликка бошидаги салласини ечиб, арқон қилиб ташлайди ва унга осилиб тушиб кетади.

Орадан анча вақт ўтади. Шайх Собери Парранданинг ер остидан чиқавермаганини кўрган одамлар хавотирга туша бошлайдилар. Анча вақтдан кейин шайх ҳазратлари ер остидан чиқиб келадилар, у кишининг қўлларида олма шохи бор эди. Ушбу олма шохининг бир новдаси энди куртак чиқара бошлаган, иккинчи новдаси барг очиб гуллаган, учинчи новдасида йирик пишган олмалар осилиб турар, тўртинчи новдаси эса қуриб қолган эди. Буни кўрган амир сўрайди: “Бу не мўъжиза ва ер остида нелар кўрдингиз?” Шайх айтдики: “Ер остида бир кесилган бош кўрдим, унинг тагида олтин тоғора турар, тоғора устида эрса ушбу олма

шохи турур, бошдан садо чикиб айтдики, ҳар бир инсон умри ушбу олма шохига ўхшар. Бир қисмида кўртак чиқарган гўдаклик бўлса, бир қисмида гуллаган ёшлик даври бўлур, яна бир қисми ҳосилга кирган етуклик бўлур. Лекин инсонлар унутмасинларки, етукликдан кейин қуриган шох каби кексалик ва ўлим келур”. Шайх айтди: “Бошдан эшитган яна бир сасдан шу маъно чиқдики, ундан оққан қон тўлиқ чикиб, пастдаги олтин тоғора тўлганда, қиёмат қойим бўлур”. Ушбу сўзларни эшитиб, мўъжизани кўрган амир Шайх Собирӣ Паррандага бутун Қашқадарё элининг бож-хирожини инъом этибди”.

Қўриқхона майдонида келажакда археологик изланишлар олиб борилиши мумкин бўлган иккита эски кўрғон изларини кўриш мумкин. Бу иккала кўрғон ҳам, умуман, кўриқхонанинг ўзи ҳам Шаҳрисабз-Китобдан Панжакентга борадиган эски йўл ёқасида жойлашганини эътиборга олсак, уларнинг йўл ёқасида жойлашган кўҳна кўрғонлар эканлигига шубҳангиз қолмайди. Кўрғонларнинг биринчиси Жаус қишлоғи билан бир жойда, қишлоқ марказидаги масжид қаршисида, Жиннидарёнинг чап қирғоғидан 500 метр баландликда жойлашган. Маҳаллий аҳоли фикрига қараганда кўрғонга Хўжа Кўрхон сойидан сопол қувурлар орқали сув олиб келинган ва эски сопол сув қувурининг излари кўп жойда сақланиб қолган. Кўрғон бўлган жойда ҳозир ҳам сопол парчалари сочилиб ётибди ва бурчакларини қазиганда Амир Темур даврига хос тўрт бурчак тамғали ғиштлар ва арча устунлари қолдиқлари топилган.

Иккинчи кўрғон қўриқхона идорасининг юқориёғида, Хўжа Кўрғон сойининг ўнг қирғоғида Бурси Хирмон чўққисига етмасдан жойлашган. Пастдан кузатилган вақтда кўрғон ўрни ва айниқса, унинг бурчакларидаги доирасимон айланма жойлари яққол кўринади. Кўрғон жойлашган жойга чиққанда унинг чеккасидаги доирасимон жой ўрнида қазилган археологлар шурфига кўзимиз тушади. Қўриқхона ходимлари айтишига қараганда, 1994 йилнинг ёзида бу жойга ёлғиз келган ҳаваскор археолог қавлаган биринчи шурфданоқ учбурчак, ўртасида тешиги бор пишган ғишт чиққан. Шурф атрофида эса сопол бўлақларидан анчаси сочилиб ётарди.

Кўриқхона майдонидаги сайёхлар учун хавфли табiiй жараёнлар

Кўриқхона майдонида кейинги йилларда ер юза қатламларига ташқаридан таъсир этувчи экзоген геологик жараёнлар (экзосташқи) таъсири кучайди. Кўриқхона майдонида бўлаётган экзоген жараёнларга тупроқ эрозияси, сурилма ва карст киради. Уларнинг учаласини ҳам кўриқхона майдонида кўп учратамиз.

Эрозия. Кўриқхона майдонидаги кучли бўлакланган рельеф, ёмғирларнинг жала шаклида ёғиши, ўсимлик қатламларининг сийраклашиши тупроқ эрозиясининг кучайишига сабаб бўлади. Бу жараён кўриқхона майдонининг учдан бир қисмини эгаллайди. Бу жараённинг кейинги йилларда кучайгани белгиси сифатида янги жарлар пайдо бўлишини, ёнбағирларнинг ювилиб кетишини, тик қирғоқларнинг пайдо бўлишини кўришимиз мумкин. Қор кўчкилари микдори анча кам ва улар Қоратоғнинг чўққиси ёнларида ривожланиши мумкин. Эрозия жараёни кучайган жойларда заиф ва ўртача селлар бўлиши хавфи мавжуд.

Сурилмалар. Ушбу жараён маҳаллий шевада “тарма” деб аталади. Сурилмалар кучайиши, айниқса, 1993-1994 йилнинг серёмғир баҳор ойларидан кейин кучайди. Умуман, сурилмалар кўриқхона ўрнида илгарилари ҳам кўп бўлиб, уларнинг изларини сойларда тез-тез учратиб туриш мумкин. Қуйида биз кўриқхона майдонида кейинги ўн йиллар ичида бўлиб ўтган сурилмалар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Сумсар тоғининг шимолий ёнбағрида Жиннидарё чап қирғоғида 1989 йилда Жаус қишлоғи қаршисидаги қирғоққа 400 метр баландликдаги ёнбағир оқиб туша бошлаган ва сурилма дарёни тўсиб қўйган, бир қисми дарё ўзанидан ўтиб, ўнг қирғоқни босиб олган. Натижада, Жиннидарё ўзани ёпилиб қолган. Пайдо бўлган сунъий қўл тез кўтарила бошлаган ва қишлоққа хавф солгани учун уни бузиб дарё ўзанини очишга мажбур бўлишган. Ушбу сурилма излари қишлоқ чеккаларида ҳали ҳам сақланиб қолган. 1993 йил 24-25 март кунлари Жаус қишлоғи юқори қисмида Жиннидарё чап қирғоғидаги тоғ ёнбағри ҳаракатга келиши натижасида дарё ўзани ёпилиб қолган. Эни 50 метр, узунлиги 100

метрдан ошиқроқ сурилма қишлоқ томонга силжиган. Натижада бир уй кўмилиб қолган. Бахтли тасодиф туфайли уйнинг эгалари бўлишмаган ва омон қолишган.

1993 йилнинг 11 июль куни Жиннидарё чап қирғоғидаги Сарчашма тепалиги ёнбағри ҳаракатга келган ва пайдо бўлган кўчки дарёни тўсиб қўйган ва дарё қирғоғидаги бир уйни босиб қолган. Уйда бўлган олти одам нобуд бўлган (она беш фарзанди билан).

Қўриқхона майдонидаги Осиё участкасида эски кўчкиларнинг 1993-1994-йиллардаги фаолияти қайтадан тикланган. Эски кўчки танасида янги сурилмалар пайдо бўлиб, юқорида сурилма ёриқлари, пастида сурилма бурилмалари борган сайин кўпайиб бормоқда. Бу жараён кетаётган жой қўриқхона маъмурий бинолари жойлашган жойдан юқорида ва унинг хавфи кучли бўлган жойда жойлашган бир маъмурий бинодан одамларни кўчиришга мажбур бўлинди.

Хўжа Қўрғон сойининг ўнг қирғоғида жойлашган эски сурилма танасида сурилма фаоллашганини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлган, юқори қисмида жарлик пайдо бўлган. Ушбу сурилма ҳаракатга келса, унинг йўналишини ўзгартириш учун қуйи қисмидан ариқ қазилиб йўналишини ўзгартиришга ҳаракат қилинмоқда.

Қўриқхона чегараси бўйлаб, Жиннидарё чап қирғоғида, Модмон қишлоғига кетиш йўлида ҳаракатга келган икки улкан сурилма пайдо бўлган. Унинг юқори қисмида узилган ёнбағрдаги жарлик бир неча ўнлаб метрга етади, пастки қисмидаги сурилма борган сайин дарё қирғоғи ва йўлга яқинлашмоқда.

Карст жараёнлари. Қўриқхона майдонидаги асосий тоғ жинслари қалинлиги 4130 метргача етувчи палеозой эрасининг карстланувчи тоғ жинсларидан ташкил топган. Шулардан 93% карбонатли тоғ жинсларидан (36% доломитлар, 57% оҳақтошлардан) ташкил топади. Ўтган геологик даврлардаги тектоник ҳаракатлар натижасида улар кучли бўлакланган ва бу ёриқларга атмосфера ёғинлари кириб бориш имкониятлари очилган. Тоғ ёнбағирларида гумусли тупроқ мавжудлиги ундан сизиб ўтаётган сувларни ис газли билан тўйиниш имкониятини берди. Бу факторларнинг барчаси қўриқхона майдонида карст жараёни ривожланишига имконият туғдиради. Шу сабабли

кўриқхонанинг жуда кўп жойида карстнинг ер юзи формаси каррларини учратиш мумкин. Улар карстланувчи тоғ жинслари ялонғочланиб ер юзасига чиққан жойларда кўплаб учрайди. Карст шакллариининг ер ости шакллари ғорлари эса кўриқхонага кираверишдаги Жиннидарё ўнг қирғоғида жойлашган. Улардан бир нечтасини кўриб ўтамыз:

Камари Донимозор. Жаус қишлоғидан 1 километр шарқда, Жиннидарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Гипсометрик сатҳи Жиннидарёдан 10 метр баландликда ва денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда. Асосан, палеозой эраси, Девон даври, Мадмон свитасидаги оҳақтошларда ривожланган. Баландлиги 6 метр, узунлиги 12 метр, чуқурлиги 6 метр. Ғор деворлари нураган ва усти шох билан қопланган. Ғор қуйи қисми қуруқ тупроқдан ташкил топган ва ҳайвон гўнги билан қопланган. Ғор маҳаллий аҳоли томонидан ҳайвонларни сақлаш учун фойдаланилган.

Камари Дониқўрғон – 1. Жаус қишлоғидан 1 км шарқда, Жиннидарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Дарё сатҳидан 30 метр, денгиз сатҳидан 1620 метр баландликда жойлашган. Палеозой эраси, Девон даври, Мадмон свитаси оҳақтошларида ривожланган. Ғор деворлари ёриқлар ёрдамида бўлақларга бўлинади. Кириш қисми ғарбга қараган ва қуруқ сойнинг чап қирғоғидаги тепачада ўрнашган. Таги қуруқ, тупроқ қатлами билан қопланиб, чап томонидан тош бўлақлари йиғиб қуйилган. Ғор оғзи баландлиги 3 метр, чуқурлиги 3,5 метр, эни 5 метрдан кўпроқ.

Камари Дониқўрғон – 2. Жаус қишлоғидан 1 км шарқда, Жиннидарё ҳавзасидан 3 метр баландликда, автомобиль йўли ёнида жойлашган. Палеозой эраси, Девон даври, Мадмон свитаси оҳақтошларида шаклланган. Ғорнинг қуйи қисми 1 метр баландликкача монолит, юқориси кучли бўлақланган бўлиб, 5 смли ёриқлар ғор деворларида мавжуд. Кириш қисмининг баландлиги 2,5 метр, чуқурлиги 3 метр, эни 5 метр. Ғорнинг қуйи қисми тупроқ билан қопланган.

Хўжа Қўрғон ғори. Хўжа Қўрғон сойнинг юқорисида, сув айирғичга яқин жойда ривожланган. Ғорнинг умумий узунлиги 15 метрлар атрофида.

Қўриқхона вазифалари

Қисқа вақт ичида геология, биология соҳасида қатор ишлар қилинган қўриқхона олдида янгидан-янги вазифалар турибди. Биринчидан, геология соҳасида қилинган ишлар қўлами кенг. Ҳозирга қадар қўриқхона майдонидаги тошга айланган қолдиқлар учровчи қатламлар чегаралари аниқланиб, белгилар қўйилган. Тошга айланган мавжудотлар қолдиқлари турлари аниқланган, улар яшаган даврдаги табиий шароит тўғрисидаги маълумотлар йиғилган.

Қўриқхона майдонидаги барча қатламлар ёши жуда кекса бўлиб, улар ичида кўпинча тўғридан-тўғри ер устида Ер қуррасининг узоқ даврдаги ҳаётини кўрсатувчи қолдиқлар жуда яхши ҳолда сақланиб қолинган ва барчаси ҳисобга олинган. Ҳозирги вақтга қадар қўриқхона майдонидаги тошга айланган органик қолдиқлар тўғрисидаги кўпгина илмий маълумотлар йиғилган. Энг муҳими шундан иборатки, қўриқхона майдонидаги тош қолдиқлар тўғридан-тўғри ер устида табиатнинг улкан тош китоби шаклида чиқиб ётибди. Ўтган даврлар ичида эса бу тош китоб саҳифама-саҳифа ўқилган ва ўқилган саҳифалар илмий ишлар сифатида қўриқхона маъмуриятидаги кутубхонада йиғилган.

Қўриқхонанинг ёш директори палеонтолог Ўткир Раҳмонов ҳар бир илмий ходимга қўриқхона ходимлари томонидан, чет эллик ҳамда ўзбекистонлик олимлар томонидан қўриқхона ҳақида ёзилган 40 босма тободан ошиқроқ келадиغان илмий, илмий-оммабоп адабиётларни намоиш этади. Энг муҳими, геологик қатламларни кўрар экансиз, ўша қатламлар ҳақидаги илмий таҳлилни ҳам шу жойда кўриб, ўрганишингиз мумкин. Бу эса геология, география, биология, палеонтология, стратиграфия бўйича мутахассислик билими олаётган талабалар учун яхшигина амалиёт базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тўғри, қўриқхона қонунига асосан у жойда инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шу жумладан, қўриқхона майдонига кириши ҳам таъқиқланган. Лекин қўриқхонанинг геологик манбалари оз сонли, режали равишда мутахассислик бўйича илм олаётган талабалар учун алоҳида рухсат асосида яхши практика базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун қўриқхонада амалиёт негизи мавжуд.

Кўриқхона майдонида маъмурий бино, иккита 20 ўринлик меҳмонхона, ошхона, ходимлар учун 8 та уч хоналик хонадонлар мавжуд. Маъмурий бинода палеонтология, литология ва биология музейлари, фотолаборатория, химик лаборатория ва тошни кесиб, унга пардоз берувчи цех ишлаб турибди. Йиғилишлар ўтказиш учун мўлжалланган 40 ўринлик мажлислар зали мавжуд.

Кўриқхона жойлашган Китоб районида саноат корхоналари кам бўлиб, аҳоли, асосан, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Кўриқхона майдонида яқин-яқинларда ҳам мол боқилган, ов қилинган, ўт ўрилган, ўтин тайёрланган, боғбонлик билан шуғулланилган, ёввойи мевалар, доривор ўсимликлар йиғилган ва булар натижасида табиий экотизимларда салбий ўзгаришлар бошланган. Натижада, ҳайвонларнинг баъзи турлари камайган, арча ва бошқа дарахт турларининг қайта тикланиши секинлашган.

Кўриқхона майдонидаги ўсимлик қатлами шунчалик сийраклашиб қолганки, тупроқ қатлами ҳам нурай бошланди. Кўриқхона майдонига хос бўлмаган кўпчилик ўсимликлар пайдо бўлди.

Кўриқхона майдонининг 50%ига ўрмон зонаси тўғри келса ҳам, ўрмон билан қопланиши атиги 13% ни ташкил этади. Бу ўсимлик оламининг инсон таъсирида ўзгара бошлашини кўрсатади. Кўп асрлар давомида тоғ ўрмонлар ўтин, қурилиш хом ашёлари ва истеъмол қилинадиган мевалар йиғиладиган жой бўлган. Яқин орада ўса бошлаган дарахтларнинг 20-30 фоизида инсон фаолияти излари мавжуд. Энг муҳими, ўрмон ва бутазорлар фақатгина чопилиши натижасидагина эмас, уруғ ва мевалар йиғилиши натижасида, мол боқиш натижасида ҳам зарар кўради. Шу сабабли кўриқхонанинг кўп қисмида ўрмон қайта тикланиш жараёни суст бормоқда ёки деярли тўхтаган.

Кўриқхона майдонидаги дарахтларнинг ёши ўртасида ҳам фарқ катта. Асосан, ёш ва ўрта яшар дарахтлар кўп бўлиб, ёши катталар деярли учрамайди. Бу айниқса, кўриқхона майдонидаги арчазор ўрмонларга тааллуқли бўлиб, улар кўриқхона ташкил этилгунча деярли кесиб тугатилган эди. Арчаларнинг кўп асрлик қирқилавериши натижасида унинг қуйи чегараси анча юқори кўтарилган. Шуниси қизиқки, Қоратоғнинг жанубий ёнбағридаги анча қийин шароитда ўсувчи арчаларнинг ўртача ёши ва тарқалиш

чегараси, шимолий қиялиги кам ва чиқиш анча осон бўлган ёнбағирга нисбатан каттароқ ва пастроқдир.

Афсуски, кўриқхона майдонидаги ўрмон-бугазорларнинг табиий тикланиш вақтини аниқлаш қийин, чунки кўриқхонада бундай кузатиш олиб бориш учун намунали участкалар йўқ. Кўриқхона экотизимини қайта тиклаш учун унинг майдонига асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахтлар Зарафшон арчаси, ёнғоқ, мажнунтол кўчатларини экиш керак.

Кўриқхона майдонида нодир ҳайвонлар сонини сақлаш бўйича махсус ишлар яқин орагача олиб борилмаган. Ундаги энг биринчи иш 50-70 йилларда олиб борилган овчилик натижасида сони жуда камайиб кетган узундумли ёки қизил суғурлар сонини тиклашдир. 1984 йилда кўриқхона юқори чегарасида 1900-2300 м баландликдаги 10 та бир-биридан ажралган ҳолда яшовчи суғурлар жамоалари борлиги аниқланди. Алоҳида йирик жамоаларда бир неча ўнлаб инлар учрайди ва улар узунлиги 500-700 м бўлган майдончаларда жойлашади. Эҳтимол, суғурталар сонини кўпайтириш учун уларнинг маълум миқдорда ташқаридан олиб келиб жойлаштириш маъқулдир. Баъзи бир ҳисобларга кўра, кўриқхона ўзидаги суғурларни браконьерлар ва чўпон итлари безовта қилмаса, улар бир неча йил ичида қайтадан ўзидан-ўзи тикланиши мумкин.

Кўриқхона майдонидаги какликлар сони эса эски вақтда аёвсиз овлангани учун жуда камайиб кетган. Бунинг устига қиш каттиқ ва қор қалин бўлган йилларда какликлар қийин аҳволга тушиб қолиб сони кескин камайиб кетади. Шу сабабли бундай йилларда какликлар сонини сақлаб қолиш учун улар кўп яшайдиган жойларга дон сепиш кўриқхона ходимлари томонидан бажариладиган қўшимча ишга айланди. Ушбу кунларда дон сепадиган жойларга ўнта соябон қуриш мўлжалланган.

Шундай қилиб, Китоб геологик кўриқхонасининг табиий йиғиндиларига таҳдид солувчи асосий фактор, инсоннинг хўжалик фаолияти бўлиб, у яқингача кўриқхонанинг $\frac{3}{4}$ қисмини эгаллаган эди, бунинг устига кўпчилик томонидан геологик кўриқхона сўзининг фақат геологик объектларини муҳофаза қилиш, деб тушуниш ҳам унинг экотизимининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли унинг майдонидаги барча табиий

экотизимларни муҳофаза қилиш, унинг табиий ўз-ўзидан тикланишини таъминлаш ишларига ёрдам бериш зарур (2,71).

Қўриқхонадан экотуризм мақсадда фойдаланиш учун анча олдин 2 хил отлиқ ва пийда юриш сафарлари ташкил қилинган ва 40 га яқин отлар сотиб олинган эди. Лекин кейинги йилларда бу ишлар анча сустрлашди. Республикамизда туризмнинг жонланиши билан, Китоб геологик қўриқхонасида экосайёҳик сафарларни ҳам тиклаш вақти етиб келмадимикан?

МИЛЛИЙ БОҒЛАР

“Миллий боғ” ибораси АҚШнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида XIX асрда пайдо бўлди (Иеллеустон боғи, 1872 йил). Уларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари нодир табиий объектларни “миллатнинг фойдаси ва яхшилиги учун”, яъни одамларнинг эркин кириши ва айни вақтда оддий хўжалик мақсадида фойдаланишни тақиқлаш йўли билан пайдо бўлди (22,50). Миллий боғнинг қўриқхонадан фарқи шуки, унда инсоннинг хўжалик фаолиятдан фақат туризмга рухсат берилади, қолганлари тақиқланади, Америка миллий боғларида фойда олиш учун коммерцияга катта эътибор берилади ва илмий ишлар бир мунча заиф ривожланган.

Ҳозирги вақтда собиқ совет иттифоқидан қолган ҳудудларда нуқтаи назар мавжуд бўлиб, унда миллий боғ – табиатни муҳофаза қилиш ва бошқариладиган туризм учун, қўриқхоналар эса илмий ишлар учун, дейилади.

Ундан бўлак миллий боғнинг вазифасига ҳам икки хил қарашлар бор. Биринчисига кўра, миллий боғ энг олдин табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотдир ва ўзининг кўриниши ва статуси билан қўриқхонага яқин туради, лекин бошқариладиган туризмга хизмати учун қўриқхона режимидан чекинади (3,26).

Иккинчи нуқтаи назар, тарафдорлари (3,35-36) кўпроқ рекреация ва оммавий туризм қизиқишини ҳимоя қилишиб, миллий боғнинг асосий вазифаси халқнинг дам олишга бўлган талабини қондиришдир ва бу вақтда миллий боғда табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳам бажарилиши керак (бўлмаса улар ўз мақсадларини йўқотадилар). Лекин шу билан айни бир вақтда миллий боғда

сайёҳик негизлар ва кемпинглар, унинг майдонида чанғи учиш мусобақалари, балиқ ва ҳаттоки ов (айрим жойларида) ҳам бўлиши мумкин, деган фикрни олдинга суришади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, чет элларда миллий ва табиат боғлари бир-биридан фарқ қилади. Табиий боғлар халқаро туркумларга ажратиш бўйича “табиат ландшафт бўлаклари бўлиб (унда маданий ландшафт ва аҳоли яшаш жойлари бўлиши ҳам мумкин) аҳолининг дам олишга бўлган талабини қондириш учун муҳофаза этилади. Бизда “миллий боғ” ва табиат боғлари одатда “синоним” сифатида ишлатилади. Болтиқ бўйи давлатларида ҳозир мавжуд боғлар “миллий” деб аталса-да, амалда “табиат” боғлари гуруҳига киради.

Миллий боғнинг мақсади “Шаркий Литванинг илмий, эстетик ва сайёҳик томондан қимматли бўлган ландшафтлари ва бошқа табиат маданий бойликларини муҳофаза этиш, нодир ва фақат шу географик зонага хос бўлган флора ва фауна намуналарини сақлаб қолиш ва қўпайтириш”(3,38)дан иборат.

Табиатни, маданий бойликларни ҳимоя қилишга боғлиқ бўлган илмий изланишларга негиз яшаш ва келувчиларнинг табиатга салбий таъсирини камайтириш йўллари топиш зарур.

Ўрмон, қишлоқ ва балиқчилик хўжалигининг намунали эталонларини излаш.

Табиатни, маданий бойликларни ҳимоя қилиш ғояларини ташвиқот этиш ва саводли туризмга шароит яратиш”(21,73).

Боғ майдонида хўжалик фаолиятининг анъанавий турлари – қишлоқ хўжалик, балиқчилик ва туризм сақлаб қолинган. Бу ерда (83 аҳоли пункти) 3 минг нафар аҳоли мавжуд. Тўрт зона, қўриқланадиган (626 гектар), кичик қўриқ майдонлари (3970 гектар), дам олиш (12877 гектар) ва хўжалик (464 гектар) бор.

Миллий боғ ҳудудида 11 та дам олиш уйлари ва “Игнолина” сайёҳик негизи жойлашган. Сайёҳик негизни кўп кунлик қайиқда сафар ва бир кунлик пиёда экскурсиялар ташкил этади.

“Сайёҳлар консерваларни ҳам ҳисоблаб оладилар ва маршрут охирида бўш консерва банкаларини ҳам ҳисоблаб топширадилар. Шу сабабли ташкил этилган сайёҳлар ортидан ахлат қолмайди”(20,75).

Бир вақтда келадиган сайёҳлар сони 4,5 минг одамни ташкил этади. Сув транспорти фақат моторсиз қайиқлардир. Автосайёҳлар боғ айланасидаги халқали йўлда юради. Лойихада ландшафт

композициялари тузишга эътибор берилган (кўл ва дарё ўзанлари ландшафт йўлаклари сифатида ишлатилиб бунга сайёх сўқмоқлари уйғунлашиб кетган).

Болтиқ бўйи давлатларининг миллий боғлар тўғрисидаги махсус қарорларида, бу боғларнинг асосий мақсади ҳар бир регион учун типик гўзал ландшафтларни шу ердаги табиат, тарих, маданият, архитектура ёдгорликлари билан қўшиб сақлаб қолиш, флора ва фаунанинг генетик фондини сақлаб қолиш ва кўпайтириш ҳамда туризмнинг ривожланишини табиатга зарар етказмасдан олиб бориш йўллари топиш асосида қарорлар ишлаб чиқарилган. Миллий боғларда илмий текшириш, маърифат ишларини ташкил этиш ва улар табиат муҳофазасининг назарий ва амалиёт томонлари масалаларини ечиш, аҳолини ҳар турли ёдгорликлар ва эътиборга молик жойлари билан таништириш ишларини олиб боради.

Шу мақсадда боғ майдони бир неча зоналарга бўлинади. Масалан, Лехмаас миллий боғини ҳар хил категорияли беш зонага ажратиш мумкин:

а)резерватлар. Бу жойларда ҳамма инсоннинг хўжалик фаолияти ва қурилиш тақиқланган, инсонларнинг кириши махсус рухсат билан чегараланади;

б) табиий ландшафтлар. Бу жойларда табиатга қайтарилмас из қолдирадиган ишлар тақиқланади (мелиорация, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, сув ҳавзаларида ишлар олиб бориш), бу жойдаги ўрмонлар қўриқланади ва қурилиш ишлари олиб бориш қатъий тақиқланади;

в)бир жойга йиғилган дам олиш зоналари. Буларда чегараланган микдорда хўжалик фаолияти, дам олиш зоналари ривожланиши, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ишларини олиб боришга рухсат этилади;

г)интенсив дам олиш зонаси. Бу ерда қурилиш ишлари олиб бориш мумкин (шаҳар типидagi посёлкалар қурмаслик ва меъморчиликни маҳаллий шароитга мос олиб бориш йўли билан) ўрмонлар ва зонада ўрмон-боғ типидa ҳамда улар сифатини яхшилаш устида иш олиб борилади.

д)қишлоқ хўжалик ҳудуди ва у ердан интенсив фойдаланиш ишлари олиб борилади, лекин жойнинг ландшафтини ўзгартириш мумкин ишларга ландшафт-архитектуралик чоралар қўлланилади.

Дунёнинг бошқа жойларида миллий боғ территорияларида хўжалик фаолияти назорат этилади, йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қурилмайди, кўрсатилган жойдан бўлак ерда транспорт ҳаракати ва сайёҳларнинг эркин юриши тақиқланади.

ЗОМИН МИЛЛИЙ БОҒИ

Зомин миллий боғи 10,5 минг гектар ерни эгаллайди ва кўриқхонаси сифатида 1960 йил Туркистон тоғ тизимининг ғарбий қисмидаги табиат йиғиндиларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилди. Кейинроқ бой сайёҳик манбаларни эътиборга олиниб, миллий боққа айлантирилди. Миллий боғ учун ўзига хос ўсимлик – арча (Зарафшон, Туркистон ярим шарсимон турлари). Улар боғ шаклидаги арча ўрмонларини ташкил этади, тоғ юқорисида ерга ётиб ўсишади. Арчанинг умри узоқ бўлиб, айрим дарахтлари 600 ёшгача етади, 400 йиллик арчалар жуда кўп учрайди. Шу сабабли, арчани “ўрмон онаси” деб ҳам аташади.

Ўрта Осиё аҳолиси ҳаёти арча билан боғланган, арча ўрмонлари водийда ичадиган сувларни сақлаб қолади, уларни тозалайди, тоғ ёнбағирларини қоплаб олиб сайёҳларга роҳат бахш этади. Кўриқ ва арчазорларда учровчи қатрон ҳиди билан тўйинган ҳаво кўп касалликларга, айниқса, ўпка касалликларига даво бўлади. Арчанинг кўк шохчалари устидаги ҳали унча пишмаган меваларида бир фоиздан ошиқ эфир мойлари бўлиб, улардан ҳидли эссенциялар, ўткир ҳидли экстрактлар, атир-совунлар, энг муҳими, маддалаган яраларни даволовчи бальзамли дори ишлаб чиқилади.

Арча юқори сифатли иммерсион мой ишлаб чиқаришда фойдаланилиб, улар микроскопик техникани ёғлашда ишлатилади.

Арча ёғочлари одамларга кўп вақтлардан бери чиришга чидамли қурилиш хом ашёси сифатида ишлатилган. Минг йиллардан бери Бухоро ва Самарқанднинг машҳур қасрларидаги арча устунлар уларга ҳусн бериб турибди. Ундаги кекса ҳовузлар ёнбағирларига арча ёғочи ишлаб чиқилган.

Ундан ташқари арчазорлар – асрлар давомида шаклланган ўсимликлар, ҳашоратлар, қушлар, сут эмизувчилар олами бўлиб, ўзига хос биогэценоздор, унинг айрим компонентлари бир-бири билан жипс боғланган ва арчасиз яшай олмайди.

Зомин миллий боғининг унча катта бўлмаган ҳудудида Европа, Шимолий Африка, Марказий Осиё учун хос бўлган жониворлар учрайди. Айниқса, тоғ эчкиси, ёввойи чўчка, октирнокли айиқ, қоплон, жайра, Ҳимолай Ҳилоли бу ер учун характерли жониворлардир. Миллий боғда учровчи тоғ эчкиси ёки тоғ такаси қояли ёнбағирларда ёки тошлоқ участкаларда яшайди. Бу жониворлар чикиб бўлмас қояларда шу қадар чаққонлик билан чопиб юришади-ки, у жойга энг чаққон сайёҳлар ҳам етиб бориши амримаҳолдир.

Сутэмизувчилар ичида миллий боғда кўп учровчи октирнок айиқдир. У ўзининг ҳайбатли кўринишига қарамасдан, асосан, ўсимликлар билан овқатланувчи жонивордир. У, асосан, баҳорда лола пиёзлари, равоч, кузда ёввойи олма, арча меваси, қора қанд билан озиқланади. Лекин шунга қарамасдан у билан учрашганда, айниқса, болалари билан юрган урғочи айиқ билан тўқнашиб қолганда эҳтиёт бўлиш керак. Миллий боғ рельефи тоғли, қиялиги жудда катта бўлган қоятошлардан иборатдир. Тоғ чўққиларининг устини оппоқ қор қоплаб ётади. Улардан пастга водийга қараб тоғ соялари чўзилиб кетган. Соё ёнбағирлари кўзиқорин шаклидаги пирамидалари яқка ёки тўп шаклида учрайди. Миллий боғда яёв юриш ва тоғ туризмини ривожлантириш учун имконият катта. Бу жойнинг шифобахшлик хусусиятидан фойдаланиб, даволаш, туризмни ривожлантириш мумкин. Лекин миллий боғ Самарқанд, Тошкент, Жиззах каби шаҳарлардан бир мунча узоқ бўлганлиги ва унга борадиган йўллари яхши бўлмагани учун унинг сайёҳлик имкониятидан тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлмаяпти.

КИЧИК ҚЎРИҚХОНАЛАР

Собиқ СССРда овчилик заказниклари (қўриқлари) мавжуд бўлган ва табиатнинг бундай муҳофаза этиладиган ҳудудлари қадим замонлардан машҳур бўлган.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунда заказник (қўриқлар) ҳақида ёзилади: “Қўриқланадиган майдончалар ва табиат ташқи олами”, “заказник (қўриқлари) ташкил этиш йўли билан амалга оширилади” ва уларнинг майдонида табиат ташқи

оламининг бир қисминигина хўжалик томонидан ишланилади ва бу ишлатилиш маълум муддат, маълум мавсумларда ҳамда табиатга зарар етказмайдиган даражада амалга оширилади” (12,56).

Овчилик қўриқларидан ташқари охирги йилларда ботаник, ландшафт, гидрологик ва бошқа мақсадли ҳамда йиғинди табиат заказниклари (қўриқлари) ажратила бошлади (22,59).

Йиғинди ландшафт заказниклари (қўриқлари) деб муҳофаза этиладиган табиат майдонларини қўриқловчи муҳим табиат ҳудудлари тушунилиб, унда ҳар турли табиат йиғиндилари муҳофаза этилади ва айни бир вақтда унда хўжаликнинг бошқа фаолиятлари тўхтатилмайди.

ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

“Табиат ёдгорликлари” сўзи биринчилардан бўлиб А.Гумбольт томонидан қўлланилган ва XX аср бошларида кенг қўлланила бошланди (6,60). Ҳозирги Қозоқистондаги машҳур бўлган соғломлаштириш ўрмон хўжалиги “Бурабой” 1915 йилданок махсус буйруқ “Кукчетов кражасидаги табиат ёдгорлиги (синюка) ни ажратиш” тўғрисидаги қарор билан у жой табиат ёдгорлиги сифатида алоҳида кўрсатилган. XX асрнинг 20-йилларида табиат ёдгорликларини ажратиш кенг русум бўлган. Ўрта Осиёда 1923 йили А.А. Бродский табиатни инвентаризация қилиб, унда табиат ёдгорликларига ҳар хил иншоотлар, шаршаралар, кўллар, ўрмончалар, алоҳида дарахтлар, қоялар, сув қушларининг уяларини киритган (7,113).

“Табиатни муҳофаза қилиш” (“охрана природы”) қўлланмасида табиат ёдгорликларининг биринчи марта соддалаштирилган термини қўлланилади “табиат бўлаклари, бўлиб илмий ёки маданий-тарихий аҳамиятга эга (юз йиллик ўрмон, чўл ўртасидаги ўрмончалар, қўриқ ернинг ўзгармаган қисми, ғорлар, геологик ялонғочланган жойлар, шаршаралар, қоялар, даралар, дендропарклар, ўрмон парклар ва ҳоказолар)”(2,132-133). Кейинроқ чиқарилган табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги Қонуннинг табиатни қўриқлаш қисмида катта ўзгаришлар киритилиб, унда ёзилган “Давлат қўриқхоналарининг ва қўриқларнинг режими катта майдонларга ҳамда кичик

худудларга ҳам қонундир (ўрмончалар, қўллар, ҳавза чеккалари ва ҳоказолар) ва алоҳида иншоотлар (шаршаралар, ғорлар, нодир геологик очиқ жойлар, нодир ва тарихий қимматли дарахтлар ва ҳоказолар) муҳофаза этиладиган урочилар ва табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади”(14,102-103).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

ТАБИИЙ ТАРИХИЙ ДАРАЛАР

Темур дарвозасидан Темир дарвозагача

Ўзбекистон жумҳурияти майдонидаги энг гўзал ва бетакрор даралардан иккитаси, яъни Темур дарвозаси билан Темир дарвоза ўзларининг фақатгина гўзаллиги билангина эмас, қулай географик ўрни билан тутган стратегик мавқеи натижасида ҳам таърифи асрлар ичига кириб кетган.

Шимолдан келсангиз, улардан биринчиси – Темур дарвозаси Жиззах вилояти, Жиззах ва Ғаллаорол ниҳоялари чегарасида жойлашган. Санзор дарёси кесиб ўтган жойда йўлнинг икки чеккасида, улкан икки қоя бош кўтарган бўлиб, йўл улар орасидан ўтади. Маҳаллий аҳоли ўртасида бу жой кўпроқ шу ном билан юради. Иккинчи машҳур дара Темир дарвоза ёки Бусгалахона номи билан машҳур бўлиб, у Сурхондарё вилояти майдонида, Дарбент қишлоғига яқин жойда жойлашган ва Хисор тоғлари орасидан ёриб ўтувчи ва чуқур дара шаклида жанубга чиқиб кетади.

Бу иккала дара ҳам қадимий ипак йўлининг устида жойлашган ва ўз атрофларидаги якка-ягона ўтувчи жой бўлгани учун сайёҳлар хотирасида дарвоза номида сақланиб қолган. Бу иккала табиий дара дарвозалар қадимий Суғдиёна давлатининг табиий шимолий ва жанубий чегаралари бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин.

Бу ерда учта қадимий давлат жойлашган бўлиб, биринчиси – Усрушана давлати. Унинг чегаралари ғарбда Самарқанд олдиғача,

шарқда Фарғона, шимолда Сирдарё бўлган. Иккинчиси – Суғдиёна. Самарқанд (Мароканд) унинг пойтахти бўлган. Демак, Суғдиёна ва Усрушана чегараси Самарқанд олди, тоғлар бойланадиган жой ҳозирги Темур дарвозаси атрофларига тўғри келади. Учинчи қадимий давлат – Бактрия бўлиб, у ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон ва шимолий Афғонистонда жойлашган ҳамда унинг Суғдиёна билан чегараси ҳозирги Сурхондарё вилояти шарқий чегарасига, Темир дарвоза жойлашган жойга тўғри келади.

Демак, Темур дарвозаси билан Темир дарвоза Суғдиёна давлатининг қадимги икки томонида давлат чегараси сифатида хизмат қилишган. Шу сабабли бу икки дарвоза ҳақида тарихда кўп эслатилган. Темур дарвоза ҳақида биринчи хотираларни қадимги грек тарихчилари қолдиришган.

“Дарвоза” да рўй берган илк воқеа – ҳодисалар қадимги грек олимлари китобларида ўз ифодасини топган. Искандар Зулқарнайннинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришларини олим Арриан таърифлаб шундай ёзган: “Александр(Искандар) Суғд маркази - Марокандга (Самарқандга) йўл олди. У ердан янада узокка – Танаид (Сирдарё) дарёсига келди. Бу ерда македонияликлардан баъзи бирлари ем – хашак тўплаш учун тарқалишди ва ёввойилар уларни чопиб ташлашди. Шундан сўнг ёввойилар қояли тик тоққа қочишди. Уларнинг сони ўттиз минг нафарга яқин эди. Александр уларга қарши бориб, бу тоғни эгаллади. Ўттиз минг ёввойидан саккиз мингга яқини омон қолди”(М.Хошимов. Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Хотирада жанг бўлган жой ҳақида бирон маълумот йўқ. Лекин Самарқандни Сирдарё билан боғловчи қадимги қарвон йўллариини ўрганиш орқали Искандар Зулқарнайн босиб ўтган “из” ни тихминан тиклаш мумкин. Маълумки, ҳозирги вақтда Самарқанддан Сирдарё бўйича иккита йўл боради. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ўша қарвон йўллари устига тушган ҳозирги автомобиль йўли қатнаш, ўтиб-қайтиш учун анча қисқа ва қулай бўлган. Демакки, қисқа йўлдан биринчиси Зарафшон дарёси бўйлаб Чумқортоғ ёнбағри ва Бахмал посёлкаси орқали ўтади.

Йўл илон изи шаклида 2300 метр баландликка кўтарилиб, яна худди шундай йўналишда Зомин посёлкасига туташади. Ўз-ўзидан маълумки, Искандар Зулқарнайн кўп минг сонли лашкарлари ва девортешар оғир қуруллар билан бу йўлдан ўта олмаслиги

табiiйдир. Иккинчи йўл Чумқортоғ ва Ғубдинтоғ орасидан ўтади ва бир жойда Темур дарвозаси олдига қоя яқинлашади. Демак, Арриан “қояли ва тик тоғни” эслаган экан, Темур дарвозасини назарда тутган бўлиши керак. Чунки, бутун йил давомида бошқа бирон бир жойда тоғ қояларининг йўл чеккасига бунчалик яқин келиб қолганини учратмаймиз. Хўш, ўша пайтда Темур дарвозасида нима воқеа содир бўлган?

Искандар Зулқарнайн лашкарлари Ўрта Осиёга бостириб кирганлари (эрамизгача 323 йилда) дан кейин Самарқандга етиб келишгунча кучли қаршиликларга учрашмаган. Шу сабабли, эҳтимолки, Самарқанддан Сирдарёга боришда лашкарлар бирмунча хушёрликни йўқотишган. Отларга ем-хашак йиғишга чиққан лашкарлар анча олдинга кетиб қолишган.

Бундан ташқари, узоқ вақт урушсиз йўл босилгани, Искандарнинг “махаллий ёввойилар урушни билмайди ва бизга қаршилик кўрсатишдан қўрқадилар” деган фикри ҳам эҳтиёткорликнинг сусайишига сабаб бўлгандир. Маҳаллий аҳоли ўз эҳтиёжи учун йиққан ем-хашакни, албатта, чакирилмаган меҳмонларга шундайгина топшириб қуйишмаган. Тўқнашувда македониялик босқинчилардан бир қанчаси чопиб ташланади. Шундан сўнг асосий лашкарлар келишини билган аҳоли усталик билан уларнинг ҳужумини бир неча бор қайтаради.

Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга юришида биринчи марта ярадор бўлади. Аммо маҳаллий аҳоли Европа ва Осиёнинг кўплаб давлатларини босиб олган, жангларда чиниққан ҳарбийларга узоқ қаршилик кўрсата олмас эди. Македонияликлар бир неча мағлубиятликлардан сўнг, ниҳоят, тоғликни эгаллашган ҳамда қаршилик кўрсатганларни аёвсиз равишда қиришган. Темур дарвозаси олдидаги жангнинг аҳамияти шундаки, македонияликлар бу ерда кўрқоқ қўллар эмас, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари қаршилигига дуч келишган.

“Дарвоза” тарихидаги кейинги дақиқаларни унинг чап қирғоғидаги қоядан ўқиб олиш мумкин. Бу ерда темир жойнинг тик ёнбағрида темирдан ясалган икки бошли бургут акс эттирилган герб бўлган, унинг пастроғида эски рус ва араб алфавитларидаги ёзувлар мавжуд. Милодий 1425 йилда битилган араб алфавитидаги биринчи ёзувни ўқиймиз.: “Оллоҳнинг ёрдами билан буюк султон, шоҳлар ва халқларни бўйсундирувчи Оллоҳнинг ердаги сояси, худо

конунлари ва сунъийликнинг суянчиғи, диннинг кудратли шоҳи Улуғбек Гурган (Оллоҳ унинг шоҳлик ва ҳукмронлик даврини узайтирсин) жетлар ва мўғуллар юртига юриш қилди ва соғ-саломат қайтди, 928 янги ой йили” (М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август). Жаҳонгир Темурнинг набираси Улуғбек илм-фан намояндаси, улуғ олим, астроном ва математик сифатида катта шуҳрат қозонган. Албатта, унинг ҳукмронлиги даврида қонли урушлар ҳам бўлиб турган. Улуғбекнинг буйруғи билан унинг муваффақиятли юриши қояга ўйиб ёзилган.

Милодий 1571 йилда битилган иккинчи ёзувда шундай дейилган: “Саҳродан ўтувчилар, куруклик ва сув остида саёҳат қилувчилар шуни кўрсинлар, 979 йилда ҳалифаликнинг суянчиғи, буюк Оллоҳнинг сояси, буюк ҳокон Абдуллаҳон Искандархон ўғлининг жанговар аҳолиси билан, Дарвешхон ва Бобоҳонлар, лашкарлари билан жанг бўлди. Уларнинг қаторида султоннинг қариндошларидан 50 мингга яқин киши ва хизматкор одамлардан 400 минг Туркистон, Тошкент, Фарғона ва Даштиқипчоқликлар бор эди. Бахтли юлдуз соҳиби жангчилари ғолиб келди. Таърифланган султонларни енгиб, уларни жангчилардан шунчасини ўлимга маҳкум қилдики, жангда ўлганлар ва асирликда ўлдирилганлар қони бир ой давомида Жиззах (Сангзор) дарёси устида оқди. Бу маълум бўлсин” (М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Темур дарвозаси яна бир неча марта қизил қонга бўялди. Унинг тарихида сўнгги дақиқа Октябрь тўнтарилишидан кейинги йилларга тўғри келади. XX аср бошида Темур дарвозаси ёнида жанг қилиб, ҳалок бўлган икки томон жангчилар тўкилган қони сўнгги қон бўлди.

Суғдиёна давлатининг жанубида жойлашган Темир дарвоза (Бусгалахона) дараси ҳам Суғдиёнага жанубдан келувчилар учун тоғлар ораси йўли ва Суғдиёнадан чиқиб кетувчилар ҳам Ҳиндистонга, умуман, жанубга кетишда ягона ўтувчи йўл бўлиб хизмат қилган ва шу сабабли қадимги олимлар ва сайёҳлар қундаликларида кўп таърифланган.

Бу тарихий табиат обидаси ҳақидаги маълумотни биз милодга қадар ва унинг бошларида Ўрта Осиёда яшаган ва ижод қилган машҳур олимлар асарларида топамиз. Масалан, милодга қадар II

асрда яшаган ва ижод қилган юнон олими Птоломейнинг машҳур “География” деб номланган асарида Темир дарвоза ҳақидаги маълумотни топамиз. У ерда ёзилишича, “Саклар ерида Комед тоғлари деб аталган тизма тоғ бор бўлиб, унга Суғдиёнадан то Комед дарасигача тушиб келишади” (М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Ўша вақтда юнонлар Комед тоғи деб ҳозирги Хисор тоғларини аташини билиб олган ҳолда, қадимги Суғдиёнадан тушиш жойида, яъни жанубида Темир дарвоза жойлашганини тушунамиз ва уни ўша тарихий Птоломей таърифидаги Комед дараси деб қабул қиламиз. Шу асардаги яна бир жумла “У жойда йўл шарққа Бактрияга боради. Бактриядан шимолга Комед тоғлари баландликларига чиқади ва шу тоғлар ичида дара орқали жанубга – очиқ жойга чикиб кетади”, деган сўзи Темир дарвоза ҳақида гапирилаётганини тасдиқлайди(М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Ҳақиқатан ҳам, Темир дарвоза қадимий Бактрия, яъни ҳозирги Сурхондарё вилояти, Тожикистон ва шимолий Афғонистон ўрнидаги давлат бўлиб, у Суғдиёна билан ва унинг жанубий чегарасидаги Темир дарвозадан жанубий шарқда жойлашган. Милодга қадар ва милод бошларида яшаб ижод қилган бошқа юнон олими Страбон ҳам ўзининг “География” деб аталган асарида Бактриядан Ҳиндистонга боровчи ягона йўлдаги тоғ йўлаги ҳақида гапирган. Диомах гапи бўйича осиёлик халқлар мутадил кенгликлар чегарасидан чеккароқда яшашади. Демак, ким бунни таъкидлай оладики, қадимий ва ҳозирги даврдошлардан, Осиё, кейин Маргиана ҳамда Бактриана иқлимнинг мўтадиллиги ва тупроғининг ҳосилдорлигини билган ҳолда.

“Бу барча ўлкалар Таврнинг шимолий қисми билан қўшни жойлашган, Бактриана эса ҳиндларга олиб боровчи тоғ йўлигача яқин келади” (М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Темир дарвозанинг мавқеини, қадимда жуда машҳурлигини шундан ҳам билиш мумкинки, тўғридаги маълумотларни ҳаттоки қадимги яҳудийлар асарларида ҳам топамиз. Милоднинг бошида яшаган ана шундай тарихчиси Иосиф Флавийнинг “Яҳудий қадимияти” асарида Темир дарвоза тўғрисида шундай сўзлар бор.

“Аланлар қабиласи – бу скифлардир ва улар Танаид ва Мэотиц кўли атрофида яшади. Улар босқинчилик мақсадида Мидияга хужум қилишдан олдин Гиркания шоҳи, йўлак эгаси шартлинишган бўлиб йўлакни шоҳ Александр темир дарвоза билан ёпиб олган эди” (М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Тарихчи олим Л.Н.Гумилёвнинг берган маълумотида кўра, II асрлардаёқ дарвоза ҳақида маълумотга эга бўлишган. Демак, шу вақтларда ва ундан олдинги даврларда ҳам бу дара Бактрияни Хитой билан боғловчи қарвон йўли бўлган. Бу дарадан VII асрда хитойлик сайёҳ Сюань Цзан ўтган. Ўша вақтлардаги йилномаларда гўёки бу дарёнинг қора тошдан ташкил топган ёнбағирларида темир дарвоза ўрнатилган ва унга қўнғироклар осиб қўйилган, деб таърифланган. VIII асрда Темир дарвоза орқали бошқа хитойлик сайёҳ, доаслик монах Чань-Чун ўтган.

Темир дарвозанинг мукаммал тасвирини Амир Темурнинг Самарқанддаги қасрига элчи бўлиб, 1403-1406 йилларда келиб турган испаниялик сайёҳ Рюи Гонзелос де Клавихо қолдирган. Бу таърифдан биз фақатгина Темир дарвозанинг ўша вақтдаги географик тузилишинигина эмас, унинг сиёсий маданий моҳиятини ҳам билиб оламиз. Рюи Гонзелос де Клавихо шундай деб ёзганди: “Бу тоғ жуда баланд бўлиб, унинг ўртасида ўтадиган жой бор. Бу жой тоғни кесиб ўтган ёриқ шаклида бўлиб, у гўёки, инсон қўли билан қилингандек, икки томонидан тик баланд тоғлар кўтарилар, ўтадиган жой эса текис ва жуда чуқур эди. Бу тоғ йўлаги ўртасида қишлоқ жойлашган бўлиб, унинг устида баланд қоя кўтарилган. Бу тоғдан ўтадиган жой Темир дарвоза, деб аталиб, ундан бошқа бу тизма тоғдан ўтувчи йўл йўқ ва шу сабабли у Самарқанд подшолигини ҳимоя қиларди ва кичик Ҳиндистондан Самарқанд шохлигига, Самарқанддан Ҳиндистонга боровчи бу йўлакдан бошқа йўл йўқ эди. Бу Темир дарвозанинг эгаси Темурбек бўлиб, у унга катта даромад келтирар эди, чунки бу дарвозадан кичик Ҳиндистондан Самарқанд шохлигига савдогарлар ўтар эди. Темир дарвоза олдидаги тоғларда ўрмон йўқ ва айтишларича, илгари бу жойда темир билан қопланган дарвоза бўлиб, ундан руҳсатсиз ҳеч бир киши ўтолмаган экан(М.Хошимов.Темур дарвозасидан Темир дарвозагача. “Экотранс” газетаси, 2009 йил, август).

Рус олимларидан Темир дарвоза ёки Бусгалахонани биринчи бўлиб И.В.Мушкетов бориб кўрган ва таърифлаган. И.В.Мушкетов таърифига кўра, даранинг эни кичик, 25 метрлар атрофида бўлиб, баъзи бир жойлари ундан ҳам торроқ, гирлари тагида у ингичка ёриққа ўхшаб қоларди. Ҳозир Темир дарвоза ёнидан Тошкент-Термиз автомобиль йўли ўтгани учун у аввалги стратегик аҳамиятини йўқотган ва табиатнинг сўлим гўшаси, тарихий экотуризм манбаига айланган.

Тош қотган излар тарихи

Ер қурраси ўзининг кўп йиллик тарихида бошидан турли табиий шароитларни ўтказган ва ҳар бир шароитда ўзига хос ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар оламига бой бўлган. Вақт ўтиб, шароитлар ўзгариши натижасида бу ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси ҳалок бўлган. Лекин бу тирик мавжудотларнинг мавжудотлиги исботи сифатида уларнинг тош қотган излари бизгача етиб келган. Қуйида биз Ўрта Осиёда бир вақтлар яшаган улкан ҳайвонлар – динозаврларнинг тош қотган излари ва табиатни таҳлил қилиш асосида улар яшаган шароит, бу изларни ҳозиргача етиб келиш сабаблари тарихини ҳикоя қиламиз.

Ўзбекистон майдонидаги биринчи учратган динозавр излари Сурхондарё вилояти, Денов шаҳридан 30 километр шимолроқда бўлган Ибн Сино қишлоғининг ғарброғида жойлашган. Бу ерда машҳур Сумбуламозор ғоридан қуйироқда тоғ сойнинг чап қирғоғида сатҳи 5 м га етувчи юзаси текис бўлган катта базальт тош бўлағи жойлашган бўлиб, унинг текис юзасида 19 та чуқурчалар бор. Маҳаллий аҳоли бу чуқурчаларни ҳазрати Алининг излари, деб тушунишади. Бу изларни текширганингизда, уларнинг жойлашишида маълум қонуният борлигини сезасиз.

Биринчи бўлиб тошнинг шимоли-ғарбида учта ёнма-ён из жойлашган бўлиб, улар чўзинчоқ, уч томони биров кенгайган, узунлиги ўртаси 35 см, эни 16 см, чуқурлиги 5 см, икки чеккасидагининг кўриниши биров кичикроқ. Бу излардан биров шимоли-шарқда яна шунга ўхшаш уч из ўрни бор. Ундан ҳам шарқроқдаги излар орасида тўртта ўрни бўлиб, тўртинчиси жимжолоқ шаклида бир мунга кичик ва орқароқда жойлашгандир.

Ундан бошқа излар барчаси яна 3 тадан ёнма-ён жойлашиб, тўртинчи гуруҳ изларнинг жойлашишида бир мунга ўзгариш бўлиб, излар бир-биридан узокроқ ва учинчиси орқароқда жойлашгандир. Бу тўртинчи гуруҳ издан кейин тош юзидан кесиб ёриқ ўтган ва ундан кейинги иккита учталиқ излар биринчи ва иккинчи гуруҳ излардан фарқ қилмайди. Лекин улар нурагани сабабли анча саёзлашиб хиралашган.

Демак, бу изларга қараб хулоса қилиш мумкинки, изли тош устидан икки гуруҳ уч бармоқли ва тўрт бармоқли турли динозаврлар босиб ўтган. Олдинги икки гуруҳ уч бармоқли ва битта тўрт бармоқли динозаврлар бу жойдан ўтаётганда шошмасдан аста-секин юриб ўтишган. Шу сабабли, тош юзидаги излар бир-бирига яқин ва чуқур босилган. Тўртинчи туркум уч бармоқли динозавр тош устига босган оёғини тезда қайтариб олган, шу сабабли бармоқлар ораси кенг ва бир-биридан узоқ жойлашган. Қолган излар ҳолатига қараганда ҳам ҳайвонлар шошмасдан ўтишган.

Бу излар тошнинг юзига қандай тушган ва бизнинг давримизгача қандай етиб келган? Бу ҳақда маълумот бериш учун ўша майдоннинг палеографиясини ўрганамиз ва бу фан маълумотлари орқали динозаврлар изи тушган даврдан ҳозиргача бўлган тарихни ўқиймиз. Энг бирламчи излар тушган тошни ўрганамиз. У базальт тоши бўлиб магматик, яъни магманинг отилиб чиқиб совуши натижасида ҳосил бўлган тошдир. Бундай тошда изнинг учраши ўзи фанда кам учровчи ҳодиса бўлиб, ҳақиқатан ҳам оловли магмадан пайдо бўлган тош юзасида из ҳосил бўлиши шу вақтгача кузатилмаган. Лекин ҳар ҳолда бу ерда тош сатҳига излар тушган-ку? Бунинг сабабини аниқлаш учун магматик тоғ жинси бўлган базальтнинг пайдо бўлиш шароитини ўрганамиз. Маълумки, магматик отқинди тоғ жинслари ер ички қатламларида пайдо бўлиб ер юзасига тектоник ҳаракатларнинг фаоллашиши натижасида чиқади. Лекин уларнинг ер юзасига чиқиш шароити ҳам икки хил бўлади.

Биринчи шароитда эриган силикат таркибли магма ёриқлар орқали ер юзига чиқишга интилади, лекин ер пўстлоғини ёриб ўтолмасдан ер юзасига яқин жойларда, қатлам ости температураси ва босими таъсирида аста-секин совиб, зич кристаллизланган, кенг майдонларга тарқалувчи интрузив магматик жинслари массивларини ташкил қилади. Бу мустаҳкам магматик тоғ

жинслари кейинчалик ер юзасидаги қатламларнинг нураши натижасида ер юзасига чиқиб улкан тоғ чўққилари шаклида ётади. Биз текширган майдондан юқорида Хисор тоғларининг сув айиргич атрофларидаги магматик габбро диоритлар шу йўл билан ҳосил бўлган.

Иккинчи гуруҳ магматик тоғ жинслари эффузив магматик тоғ жинслари дейилади ва улар магманинг ер устига отилиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Ер устига отилиб чиққанлари эса ер атмосфераси (ҳаво қатлами), гидросфераси (сувли қатлами) билан тўқнашиш натижасида ўзидаги газ ва сув компонентларини тўлиқ бериб, ғовак, юмшоқ ичида газли бўшлиқлар бўлган базальт, пемза каби эффузив магматив тоғ жинсига айланади.

Бу ўрганаётган тоғ майдончамиз атрофини бўр даврида пайдо бўлган тоғ жинслари ташкил этади. Демак, бу майдонча ўша даврда пайдо бўлган экан. Ер тарихини ўрганувчи палеогеографлар маълумотича, бўр даврида Хисор тоғлари жойлашган майдон тектоник ҳаракатлар натижасида тоғли зонага айланган. Ўрганилаётган майдонга яқин жойлашган ва шу даврда пайдо бўлган Лангар, Гулиоб, Шаргун кўмири конлари мавжудлигига қараб ўша вақтда бу регионда иқлим нам бўлган, деб фараз қиламиз. Бу давр – биздан 126 миллион йил олдинги динозаврлар энг кўп яшаган давр бўлган. Тектоник ҳаракатлар фаоллашиши натижасида эҳтимол маҳаллий вулқонларнинг бири отилган ва ер юзига отилиб чиққан эффузив магматик тоғ жинси базальт ер юзасида совиётган вақтда, қотиб тошга айланиш арафасида унинг изидан динозаврлар босиб ўтган.

Биринчи босилган из ҳали ҳарорати юқори тош юзасига босилгани учун, тезда оёғини кўтариб олган ва шу сабабли тўртинчи гуруҳ бир-биридан анча узоқ жойлашган изни ташкил этган. Бошқа гуруҳ излар эса анча совиган юзага босилгани учун бир текис ва бармоқлар жипсроқ жойлашган.

Бўр давридан кейин бир қанча тектоник ҳаракатлар тезлашган ва сустрлашган даврлар бўлади. Бу майдон уч марта пасайди ва кўтарилди. Ниҳоят сўнгги плиоцен плейстоцен ҳозирги кўтарилиш даврида у тўлиқ денгиздан қутилиб, олдин текислик, кейин тоққа айлана бошлади. Изли тош жойлашган дарёнинг тик қирғоғини ўрганиш шуни кўрсатдики, дарё ўзани тош қатлам устига жойлашган. Дарё ўзанидан бир неча метр баландликкача

кирғокда бир текис жойлашган. Қатламсиз соз тупроқли қатлам ташкил этар экан, демак, денгиздан қутилган бу изли тош олдин текислик устида бўлган ва унинг устига аста-секин майда чанг заррачалари ёғиб қалин тўшак сифатида қоплаб олган.

Кейинги қатлам эса ҳар хил тош заррачалари ва тупроқ аралашган қатламдан ташкил топарди. Демак, бу даврда тоғ кўтарилиш жараёни бўлиб, юқорироқдаги нураётган тепаликлардан бу аралаш нураган бўлақларни олиб келиб, биринчи кексароқ тупроқ қатлами устига ётқиза бошланган ва ниҳоят, энг кейинги фаоллашган тоғ кўтарилиш даврида эса Сина қишлоғи олдидаги тоғ сойи қуйи емирилиши кучайган. Сои суви биринчи ёшроқ аралаш қатламни, кейин кексароқ тупроқ қатламни кесиб ўтиб, туб тоғ жинслари юзасига ётиб борган ва изли тошни ер юзасига чиқарган.

Иккинчи изли тошни Тожикистон ниҳоясида, тоғнинг сўлим гўшаси Искандаркўлга етмасдан, Анзоб тоғ бойитми комбинатидан 5 километр шимоли-шарқда Зарафшон дарёсининг тармоғи - Посруднинг ўнг қирғоғида қузатганмиз. Дарё қирғоғидаги метоморфизациялашган лойли сланец қатламлари тектоник кучлар таъсирида қия ҳолда кўтарилган ва баъзи бир жойларда узилиб зинапоё шаклига келган. Шундай қоялардан бирининг устида лойли сланецнинг юзасидан бир жуфт из сақланган бўлиб, у жойда 4 дона из бор. Излар кичик бўлиб, бўйи 17 см, эни 15 смлар атрофида. Уларнинг ҳар бири уч дона бармоқдек келади, тузилишидан товукнинг изига ўхшаб кетади. Бу жойдаги динозаврлар кичик динозаврлар гуруҳига мансуб бўлса керак, бу изларнинг орасидаги масофа 70 см дан ошмас эди.

Бундан 17 миллион йил олдин излар сақланган қоялар ўрнида улкан Тетис денгизи мавж уриб, унинг қирғоқларида қадимий денгиз тўлқинланиши сафида нураган қумлар ва лойли қатламлар пайдо бўлар эди. Бу жараён бир неча ўнлаб миллион йиллар давом этди. Бу даврлар ичида денгиз қирғоғига борадиган йўлдаги лой қатлами устида ўнлаб-юзлаб динозаврлар бўларди. Шулардан бири ҳамма юрадиган сўқмоқдан чеккага чиқиб теп-текис лойли юзадан юрди ва тўрт дона излар қолдирди. Даврлар ўтди, денгиз ёки унинг ичидаги ороллардан бирининг қирғоғи бўлган қатлам тектоник ҳаракатлар натижасида чуқур ер остига чўкди. Бу ерда ўзига хос шароит, юқори температура ва босим мавжуд эди. Булар ёрдамида юзида из бўлган лойли қатлам аста-секин қайта ишланди, унинг

текстураси ва тузилиши ўзгарди ҳамда у аста-секин метомарфизация (қайта ишлаш) жараёни таъсирида, яъни метоморфик тоғ жинси лойли сланесга айланди.

Неоген даврида Зарафшон атрофларида, шу жумладан, Поруд ирмоғи кирғоқлари жойлашган жойда навбатдаги тоғ кўтарилиш даври ёки альп тоғ пайдо бўлиш ривожланиб, изли қатлам кўтарилиб, тоғли ўлкага айланди.

Бизнинг вақтимизда нураш, сув эрозияси натижасида изли қоялар сатҳи очилиб, улар ер юзига чиқишди. Лекин шу жараёнлар ўзларининг ҳалокатли ишларини давом эттириб, юмшоқ тоғ жинси бўлган лойли сланецларни нуратмоқда. Ҳимоя чораси кўрилмаса, миллион йиллар шоҳиди бўлган ер тарихининг бу бетакрор гувоҳлари аста-секин йўқолиб кетади.

Динозавр излари сақланиб қолган Ўрта Осиёдаги учинчи майдон Кўхитанг тоғининг ғарбий ёнбағрида, қардош Туркменистон майдонида топилган. Бу ердаги Ходжапил ота деб аталган жойда қоя устида 2500 та излар топилган бўлиб, уни академик К.Аманиязов бошлиқ экспедиция аъзолари томонидан юқори юра даврида яшаган динозаврлар изи, деб тан олинди. Бу жойдаги изли майдоннинг узунлиги 10 кмга етади. Изли майдоннинг марказидаги тоғ ёнбағрида 1365 ҳайвонлар изи сақланиб қолган. Сари Қия деб аталган жойда 360 излар 22 тўғри чизиқли линия бўйлаб ўтган. Бунчалик кўп динозаврлар изи сақланган жой ер юзиде бошқа учрамайди. Бу изларни ўрганган К.Аманиязов бошлиқ экспедиция уларни уч тур: Туркменозаврус, Ходжапилазоврус, Гиссарозаврус турларига бўлишган.

Туркменозаврус кўпроқ икки оёқли динозаврлар турига кириб, унинг оёғида учта баргсимон бармоқлари бўлган. Унинг ўзига хос хусусияти пошна томони анча кенг бўлиб, изининг ярмидан кўпини эгаллаган.

Ходжапилазовруснинг оёғидаги уч бармоқлари узунчок бўлиб, ўртадагиси бир мунча олдинга чиқиб турган. Охиргиси биринчисидан бир мунча калтароқ бўлган.

Гиссарозаврус – икки оёқли ва тўрт бармоқли динозавр бўлиб, пошна томони тўртбурчак ва кенгрок бўлган.

Бу барча изларнинг ёши 150 миллион олдинги йилга бориб қадалади. Улар метоморфизациялашган қумтошлар устига тушган излар бўлиб, тектоник ҳаракатлар натижасида ер остига тушган,

катта температура ва босим таъсирида қолиб, метоморфизациялашган ҳамда зичлашиб, қумтошга айланган.

Кейинги тектоник ҳаракатлар натижасида бу изли қумтошлар ер устига чикиб, қадимий ҳайвонот оламидан далолат сифатида бизгача сақланиб келган.

Уч ўчоқ

“Яқин ўтган замонда – ҳикоя қилинади бир афсонада – тоғда уч ака-ука яшаган экан. Улар овга бирга боришар, бирга ер ҳайдашар, бирга мол боқишаркан. Уларнинг кенг уйи ҳамиша куёш нурига ва ўчоқ тафтига тўлиқ экан. Лекин ака-укалар уришиб қолишибди. Уларнинг ҳар қайсиси ўзи учун алоҳида ўчоқ қурибди, тош девор билан ўраб олибди, улар биргаликда ёққан ўчоқдаги олов сўнибди. Шундай қилиб узок тоғларда битта ёрқин олов ўрнига, учта милтиллаган ўчоқчалар пайдо бўлибди.

Анча вақт ўтгандан кейин ака-укалар бир-бирларига интилиш сезишибди. Лекин уларнинг учовидан бири ҳам ярашиш учун биринчи қадам ташламабди. Кунлардан бир кун ака-укалар ёнида бир сеҳргар пайдо бўлибди. У уларнинг ҳар бирининг уйида бўлиб чикибди, арзларини тинглабди. Кейин уларга пастда – водийда яшовчи донишманд чолниқига боришни маслаҳат қилибди.

Бир-биридан яшириниб, ака-укалар пастга йўл олишибди.

Тоғ эса уларнинг ўчоқлари тош учбурчаклар шаклида қотиб қолибди”(24,59). Уч ўчоқ, деб Туркистон тоғлари шимолий томонида, Зоминсувнинг юқорисидаги учта конуссимон чўққилар номланган. Улар палеозой даври оҳақтошларидан ташкил топган. Бу абсолют баландлиги 3500 метрга етувчи пирамидалар ҳар тарафидан улкан жарлар билан ўралган. Чўққилар устини қалин арчазорлар қоплаб, улар орасидан сўқмоқ йўллар ўтади. Бу тоғ йўллари Зомин миллий паркиннинг Ўрикли, Супа деган жойигача боради.

Уч ўчоқ табиатнинг ижодий намунасига ўхшайди. Янги тектоник ҳаракатлар натижасида ясси тоғсимон тоғ устида аста-секин учта чўққи пайдо бўлган. Улар эрталабки чиқаётган куёш нурида ва кечки шафақда кизғиш рангга кириб товланади. Кундуз кунлари эса найзасимон учини осмонга қараб чўзади. Шу сабабли

улар ўнлаб километр жойдан – Шахристон девонида, Шумқора ва Гўралашдан кўриниб туради.

“Бири кетидан бири уч ака-ука донишмандникига йўл олишибди. Олдингиси тош қояларни йўл очиш учун уриб майдалаб ташлабди ва унинг орқасида тош уюмлари қолибди. Унинг орқасидан келаётган тош уюмларини водийнинг ёнбағирларига иргитибди. Учинчиси эса уларни тозалаб ўзига йўл очибди”(24,60).

Шу йўл билан гўёки Каттатушар дараси, ундаги шаршаралар, тош уюмлари силкинувчи қоятошлар пайдо бўлибди.

Ҳақиқатан ҳам бу ўрмон билан қопланган ва харсанг оҳақтош бўлакларидан ташкил топган дара ёдда қоладиган ва ўзига хос гўзалдир. Унинг узунлиги тўрт километрга етса-да, эни 30 метрдан ошмайди ва ҳамма шаршаралари тоғ дарёси билан банддир. Шаршаралар бири кетидан бири келади ва ҳар бири табиатнинг нодир асаридир.

Даранинг икки тарафида тик қоматли арчалар ўсиб ётади. Тик қирғоқларида ўнлаб ғорлар оғзи қорайиб кўринади.

Каттатушар дарасини, албатта, инсон қўли билан яратиши мумкин эмас. Узоқ ўтмишда тизма дарё йўлига қўндаланг тушиб қолган. Вақт ўтиши билан дарё тизма тоғни 600 метргача кесиб ўтган ва бу жараён ҳали ҳам давом этапти. Оҳақтошнинг баъзи қатламлари ювилишга тез берилган жойда шаршаралар пайдо бўлган. Иккинчи чеккада ётган тош уюмларининг пайдо бўлиши эса ёнбағирдаги қояларнинг нураб, пастга тушиши натижасидир. Қиш вақтларида дарадан қор силжиши бўлди.

Зичлашган тонналаб қорлар йўлида учраган ҳамма нарса – тошлар, дарахтларни суриб олиб кетади ва баҳор пайтида дарё қирғоқларида янги тош уюмлари ва қулаган дарахтлар пайдо бўлади.

Чортанги

“Бу йўлдан ўтгандан кейин ака-укалар ҳар қайсиси ўз йўлига кетмоқчи бўлибди. Йўлларида улар мустақкам қояларни синдириб ўтишибди, кўп куч йўқотишибди, оёқ, қўл, таналарини ярадор қилишибди. Фақат донишманд уйи олдидагина уларнинг йўллари бирлашибди. Улар бир-бирларига қарашибди ва алоҳида бўлиш

мумкин эмаслигини англаб етишибди. Ака-укалар кучоқлашибди, уларни қарши олишга чиққан донишманд тарафга юришибди”(24,64).

Зоминсув ҳавзасида Чортанги (Тўрт тор дара) деб аталган жой бор. Бу улкан дара узунлиги 10 километрга, чуқурлиги 1000 метрга боради ва учта кўзга кўринарли бўлмаган тоғ дарёлари – Қашқарсув, Қизилмозор ва Кўлсув томонидан яратилган. Бу учала тоғ дарёси бир улкан дарёга айланишдан олдин улкан тоғ орасидаги текислик жойдан кесиб ўтади. Бу текислик ҳам аслида ичкарига қараб букилган ва тўлқинсимон рельефга эга. Бу жойнинг анча қисми ғовак ва ёш тоғ жинсларидан ташкил топган. Булар, асосан, лойлар, қумлар, қизил рангли кангломератлардан ташкил топган. Бу қатламлар қадимий текислик устида жойлашиб, унинг ёши 200 миллион йилдан кам эмас. Қизилмозор қишлоғидан шимолроқда бу текислик унча катта бўлмаган бурчакдан ер юзига чиқади, кейин эса деярли 2 километрга яқин жарлик ҳосил қилиб, Зоминсув дарасида тугайди.

Қачонлардир ер ости кучлари бу ердаги палеозой плитасини кўтарган ва натижада нураш жараёнлари фаоллашган. Қашқарсув, Қизилмозор ва Кўлсув уни учта дара шаклида кесиб ўтган. Кесиб ўтиш жараёнида улар ҳар хил қаттиқликдаги тоғ жинслари устидан ўтган ва шаршаралар ҳосил қилган. Кейин бу уч дара бирлашган ва жуда улкан тўртинчи дарага айланган, унинг пастида ўтган замонлардан бери маълум бўлган кичкина қишлоқ жойлашган.

Мик

Бу қишлоқнинг номи шундай деб аталади ва ривоятларга кўра, ака-укалар учрашган жойларида то умрларининг охиригача бирга яшашган ва қишлоққа асос солишган. Бу жойда дара тагида улар томонидан уйлари ва олов ибодатхонаси қурилган бўлиб, бутун дунёдан бу жойга сифинишга одамлар келишган.

Археологлар олиб борган изланишлар шуни кўрсатадики, Мик қишлоғи одамлар яшаган қадимги жойлардан бири экан. Эрамининг биринчи асрларида бу жойда одамлар яшашган. Бу қишлоқда суғд руҳонийлари – мағлар яшашган (қишлоқ номи ҳам

шундан келиб чиққан). Миқ орқали кекса Зоминдан тоғ устидаги Зарафшон юқорисида жойлашган Паргарга йўл ўтган. Эски сўқмоқ йўл ҳозирги вақтда бир неча жойда сақланиб қолган. Бундан ташқари, қадимий одатга кўра, ҳозиргача Туркистон тизмасидаги Жандар ва Лангар доволари тагидаги кулбалар ремонт қилинади, у ерда ҳаво ёмон пайтда сайёҳлар жон сақлашган.

Академик А.Миддендорф экспедициясининг аъзоси зоолог В.Руссов 1878 йили Миқ қишлоғидаги фаол ҳаётини тасвирлаб, бу жой қийин тоғ йўлларида чиқишдан олдин тўхтаб ўтадиган жой, деганди(24,86).

НОДИР ЛАНДШАФТЛАР

Етти тепалик устида

Сержилва Самарқанд шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмида тик қирғоқли Сиёб ариғидан кейин ўсимликлардан ҳоли тепаликлар бошланади. Темурийлар даврида бу жой “Кўҳак тепалиги” деб аталган.

“Кимда-ким гўзал Самарқандни бир назар билан кўрмоқчи бўлса, уни енгил амалга ошириш учун Кўҳакка чиқиши керак”, деб ёзганди XIV асрда бу жойни келиб кўрган араб сайёҳи Ибн Батута(24,76).

Икки аср ўтгандан кейин бу жой “Чўпонота” деб шу ерда ўрта асрларда қурилган масжид номи билан атала бошлади. XIX аср охириларида тузилган рус хариталарида бу тепаликларга қатъий қилиб “Чўпонота баландлиги” деб ном қуйилди.

Ҳозир Чўпонота Самарқанд шаҳри майдонида кириб кетган. XXI аср бошига бориб, у тўлиқ ўзлаштирилиб, шаҳарнинг аҳоли яшовчи районида айлантирилиши керак.

Денгиз тўлқинланган жойда

Чўпонота тепаликлари ўзининг геологик келиб чиқиши билан ҳам бошқа майдонлардан ажралиб туради. Қадим вақтларда тектоник ҳаракатлар Зарафшон ҳавзаси тагидаги палеозой даврида пайдо бўлган кристаллик пойдевордан метаморфик йўл билан, яъни катта босим ва ҳарорат таъсирида ишланиб, пайдо бўлган сланец ва кизил кумтошларни юзага сиқиб чиқарди. Уларнинг ичига эса бирмунча кейин пайдо бўлган чўкинди жинслар – палеоген даври оҳактошлари ва гипслари, неоген кумтошлари ва конгломератлари аралашиб кетди. Бу ёш қатламлар қадимий жинслар устида, Чўпонотанинг бир қисми бўлган Лайлакхона тепалигида ер юзига чиқиб қолган ва ҳозир бу жойда шаҳарнинг янги парки барпо қилиняпти.

Агар Зарафшон дарёси водийсининг ўртасида мана шу қояли тепалик бўлмаганда эди, унда бу куруқлик ўртасидаги ҳосилдор Миёнқол оролини, Афросиёбнинг соз тупроқли тепаликларини, Сиёбнинг гўзал водийсини қўриш мумкин бўлмас эди.

Чўпонота тепаликларининг пайдо бўлиш тарихи ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилгани йўқ, лекин унинг умумий ривожланиш йўналишини айтиб бериш мумкин.

Ўрта палеозой даврида ҳозирги тепаликлар ўрнида денгиз кўрфази бўлган. У шарқдан текислик билан чегараланиб, бу текисликда иссиқ ва нам тропик иқлим мавжуд бўлган. Секин оқувчи дарёлар кўрфазга лой ва кумларни оқизиб келиб йиққан ва улар маълум вақт ўтгандан кейин сланец ва кумтош қатламларига айланган. Кейинги геологик даврларда бу жой бир неча марта кўтарилиб, кейин чўккан. 10-20 миллион йиллар олдин эса, бу жойда тепалик пайдо бўлиб, аста-секин ясси тоққа айланган. Зарафшон суви, нураш жараёни ва бошқа омиллар бу ясси тоғни аста-секин нуратиб, ҳозирги ҳолга олиб келган.

Чўпонотанинг масжид ва ретранслятор жойлашган юқори нуқтаси Самарқанднинг ўртача баландлигидан атиги 100 метр юқоридир. Лекин бу арзимас кўринган фарқ шаҳар ва воҳа тарихида катта роль ўйнайди. Бу юқори нуқта кўп асрлар давомида душман келаётганини кузатувчи жой бўлган. Тепалик устида гулхан ёқиладиган жой ва навкарлар учун қаровулхона қурилиб, агар хавф-ҳатар пайдо бўлса, масалан, Самарқанд тарихида кўп бўлган кўчманчи қабилаларнинг шаҳар томон ҳаракати сезилса, навкарлар гулхан ёқишган ва бутун шаҳар аҳолисини ғафлатда

қолмасликка ундаган. Чўпонота ҳамма томонидан сув билан ўралганлиги ва ўтиш қийин бўлганлиги сабабли душман йўлига табиий тўсиқ сифатида фойдаланилган. Шунинг учун унинг стратегик аҳамияти жуда юқори бўлган. Айниқса, унинг қиялиги катта бўлиб, шарқий томони душман ишғол қилиниши учун қийин жойга айлантирилган ва унинг тагида худди атайин қурилган сувли хандакдек Қорасув дарёчаси жойлашган.

Қадимий Чўпонота тепалиги 3000 йил ичида Самарқанд воҳасининг бошидан ўтган кўп тарихий воқеаларга гувоҳдир. Бу жойдан Искандар Зулқарнайн лашкарлари ўтган. Араблар, Чингизхон, Темур, Шайбонийхон аскарлари бу жойда тўхтаб дам олишган. Бир сўз билан айтганда, Чўпонота тарихи Самарқанд тарихининг бир бўлагидир.

Чўпонота тепалигида масжиднинг қурилиши билан боғлиқ бир ривоят мавжуд. Бу афсонада кекса чўпоннинг ватанпарварлиги ҳикоя қилинади. Айтишларича, номаълум сабабларга кўра, навбатчи аскарлар душман келганини билмай қолишган ва натижада ҳалок бўлишган. Душман отлиқлари шаҳар дарвозасига яқинлашиб қолганда улар олдидан чўпон чиқиб қолади. Кекса чўпон шаҳарга душман хавф солаётганини кўриб, подасини душман устига ҳайдайди. Пода билан йўл тўсиб қолган душман шовқин билан ўзини билдириб қўяди ва шаҳар ҳимоячилари томонидан даф қилинади. Гўё шу вақтдан бошлаб, чўпоннинг бу жасорати учун тепаликнинг энг баланд жойига масжид қурилиб, у “Чўпонота масжид” деб атала бошланади. Масжид қурилишининг бошланиши XIV асрга тўғри келади, дейилади. Лекин китобларда бу масжид ҳақидаги тарихий маълумотларнинг XVI асргача бўлган даври учрамайди.

Хазина ғаладони

Чўпонота тоғлари бир хил тоғ жинсларидан ташкил топганига қарамасдан, фойдали маъданларга бой бўлиб, улар жуда қадим замонлардан буён ишлатилади.

Агар Омонқўтон тоғларида истиқомат қилган неандерталь одамлар ўзларига керакли тош қурулларни яшаган жойларидан топишган бўлса, юқори палеолит даврида Самарқанд шаҳри ўрнида

яшаган одамлар (уларнинг истиқомат ўрни шаҳар марказидаги парк-қўлдан топилган) ўзларига тош қуролларни Зарафшон дарёси бурилишида ёки Чўпонота тепаликларидан топишган. Одам яшаган, ёши 30 минг йилдан кам бўлмаган бу жойдан чамоктош ва қизил охра топилган. Бу қизил охра кони Лайлакхона тепалигида, кремнийли чамоктошлар эса бутун Чўпонота тепаликларидан учрайди. Лекин улар қазиб олинган жой эҳтимол Қирча, деб номланган жойда бўлса керак. Бу жой Сиеб ариғи соҳилида бўлиб, кристалл тоғ жинслари ер юзига яқин чиққан ва атрофида сув кўп бўлган ҳамда овчилик ривожланган.

Юқорида таърифланган Лайлакхона тепалиги ўзининг тузилиши билан ҳам Чўпонота тепаликларининг қимматбаҳо “ғаладонидир”. Бу жойда палеоген даврида пайдо бўлган оҳактош ва гипслар, неоген даври кварцитлари, кулолчилик тупроғи ва конгломератлар бор. Бу материалларнинг бари ўтмишда қурилиш ашёлари бўлиб хизмат қилади.

Соз тупроқ, асосан, кулолчиликда ишлатилиб, чинни ишлаб чиқишда ҳам қўшилган. Қалинлиги 30-40 метрга етувчи соз тупроқдан ғишт ва пахса деворлар яратилган. Гипсни эса ганчга айлантирганлар. Тоза кварцли кум эса шиша ишлаб чиқишда қўлланилган. Бу кумларни асримизнинг 30-йилларигача қовлаб олинган, унинг изи, яъни ғорлар ҳозиргача сақланиб қолган.

Тепанинг шарқий қисмида очилиб қолган оҳактошлардан оҳак олишда ишлатилган. Эҳтимол, бу очиқ кон узоқ ўтмишда Самарқанд учун катта аҳамиятга эга бўлгандир. Шаҳарнинг бошқа томонидаги Оҳалик қонидаги оҳак олувчи печлар X- XI асрларда қурилиб, асосан, икки асрлар кейин Самарқандда кенг қурилиш авж олганда тўлиқ қувват билан фойдаланилган. Чўпонотадаги печлар эса асримизнинг эллигинчи йилларида ишлаб турган. Шу кунларда Чўпонотада кумтош ва сланец қовлаб олувчи бир неча очиқ қонлар бор. Олинган маҳсулотлар қурилишда кенг қўлланилади.

Чўпонота тепалиги Самарқандга келган барча олимларни қизиқтирган. Бу ерда биринчи илмий изланишлар 1869-йили А.П.Федченко томонидан ўтказилган. Кейинчалик бу ерда машҳур рус олимлари П.П.Семенов – Тянь Шанский, Н.М.Пржевальский, И.В.Обручев ва бошқалар бўлишган. Бу олимлар томонидан ўша даврдаёқ Чўпонота тепаликлари бағрида марганец, темир, қалай ва бошқа нодир маъданлар белгилари борлиги айтиб берилган.

Чўпонота атрофи ўтмиш даврлардаёқ дам олиш зонасига айлантирилган. Бу жойлар фақат ҳозирги сайёҳларнигина ўзига жалб этиб қолмай, балки ўтмишдаги кўплаб сайёҳлар, ўша давр аслзодаларининг кўплаб боғлари Чўпонота тепаликларида жойлашганлигини ёзишади. Масалан, Бобур ўзининг хотираларида: “Самарқанд атрофларида чиройли майдонлар жойлашган. Улардан машҳурларидан бири – Кониғил бўлиб, у Самарқанддан шарққа қараб чўзилади. Ариқча Кониғилнинг ўртасидан оқади. Самарқанд султонлари бу жойни қўриқхона, деб эълон қилишган ва ҳар йили бу майдонга бир ёки икки ой чиқиб, шу жойда яшашади”(24,88).

Бу ер ҳозир Чўпонота тепалигининг жанубий қисмида жойлашиб, Сиёбнинг бутун водийсини эгаллаган. Темур ва Улуғбек даврларида бутун Кониғилдан хиёбон ўтиб, унинг икки тарафига дарахтлар ўтказилган, пиёдалар юривчи йўлақларнинг атрофида каналлар ва ҳовузлар қазилган. Бу хушманзара хиёбон ҳозирги Тайлоқ посёлкасигача чўзилган. Бу жойда кўп чойхоналар жойлашган ва халқ сайиллари ўтказилган. Навбатдаги ҳарбий юришдан қайтаётган Темур бу жойда бир неча кун тўхтаб ўтган.

Чўпонота атрофларида XIV – XVI асрларда амирларнинг кўплаб ёзги оромгоҳлари қурилди. Бу оромгоҳлар тўғрисида теурийларнинг замондошлари Ғиёсиддин Али Яздий, Ҳофизӣ Абрӯ, ибн Арабшоҳ, Мирзо Бобурлар хабар беради. Буларнинг ичида энг гўзали Боғибаланд бўлиб, у Чўпонотадан ғарбда – Сиёбнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ундан бирмунча шарқроқда Боғимайдон жойлашиб, унинг чеккасида ёзлик қаср – Чулустун ва кичик боғ - “Боғча” жойлашган. Кейинроқ Боғибаланд олдида дарвеш Муҳаммад Тархон боғи пайдо бўлган.

Мутахассислар фикрига кўра, ўша даврларда шаҳар ташқарисидаги боғлар ўйлаб қурилган ва тартибли бўлган. Уларни жойлаштиришда режалаштириш мавжуд бўлиб, ҳовузлар ва бинолар маълум қонуният асосида қурилган. Буларнинг ҳаммаси ўша даврдаги боғбонларнинг кенг дунё қараши ва улкан ҳаётий тажрибасидан далолат беради.

Қайта тикланаётган тепаликлар

Ҳозирги вақтларда Кониғил хиёбонларининг шон-шухрати қайта тикланмоқда. Оби-рахмат ариғининг икки тарафида дам олиш

ва даволаш зонасига мослаб, катта боғ барпо этилган. Чўпонота тепаликларининг бошқа қисмларини ободонлаштириш давом эттирилмоқда.

Унинг яшил бойлигини тиклаш бўйича биринчи изланишлар 1927 йилдан бошланган. Шу даврдаги ўлкашунослик фикрига кўра, бу тепаликларда қирғоқчиликка чидамли дарахтлар экиш мумкин экан. Табиийки, ўрмонни қайта тиклаш учун маблағ етишмасди. Биринчи тажриба дарахтлар ўтказиш қирқинчи йилларда тепаликлар шарқий ёнбағрида ўтказилди. Бу кўчатлар ичида, айниқса, акация ва айланта дарахт кўчатлари тезда шароитга мослашиб кўкариб кетди.

Ҳозирги Чўпонота ёнбағирлари яйдоқ ерларини кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин кетмоқда. Бу жойларда яна қайин дарахтлари тез шароитга мослашиб, ўрмон хўжалиги посёлкасини иссиқ ва чангдан яхши ҳимоя қилмоқда. Лайлакхона тепалигида ёнбағри ва Обираҳмат ариғи ёнбағирлари яшил тўн билан қопланди. Бу тепаликлар ёнбағрида жойлашган 8-автоколонна майдонига экилган мевали дарахтлар ҳосилга кирганига йигирма йилдан ошди. Чўпонота тепалигининг ғарбий ва шимолий ёнбағрига экилган кўчатлар кўкка бўй чўзди.

Ерларни суғоришнинг илғор усулларини қўллаш асрлар давомида қўл тегмаган жойларда хилма-хил мевалар, узум, полиз экинлари ҳосилини йиғиш имкониятини бермоқда. Тепаликлар ёнбағри бўйлаб келажакда чиройли кенг кўчалар, баланд иморатлар ва хиёбонлар барпо этилиши кўзланмоқда. Бу жойда етти тепалик устида янги шаҳар бунёд этилади.

Оҳалик

Самарқанд шаҳри жанубида жойлашган тоғли хушманзара Оҳалик қишлоғи шаҳар меҳмонлари ва самарқандликларнинг деярли ҳаммасига таниш. Тоғ ва дарё ёқасида, боғларнинг қалин соясида дам олиш оромгоҳлари ва дам олиш негизлари, санаторийлар жойлашган. Дарё қирғоқлари ва тоғ ёнбағирлари бўйлаб улкан дам олиш зонаси деярли ўн километрга чўзилиб кетган.

Оҳалик қишлоғи Қоратепа тоғининг шимолий ёнбағридаги барча тоғ қишлоқлари каби узок ўтмишда – қадимий Суғд эли ўзининг пойтахти атрофини ўзлаштираётган даврда пайдо бўлган. Оҳаликнинг пайдо бўлиши тўғрисида тарихий маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин бу тоғ воҳаси ичидаги икки кўрғон қолдиқларига қараб, бу майдонларни меҳнатсевар деҳқонлар Кушонлар даврининг бошидаёқ ўзлаштирганини, шаҳар атрофларида улкан сув омборлари ва каналлар қурганини тахмин қилиш мумкин.

Бу даврга қадар Оҳалик ўрнашган тоғ дарасидан чорвадор аҳоли яйлов сифатида фойдаланган бўлиши эҳтимоли бор, ундан олдинги – бронза даврида бу ерда овчилар яшаган бўлиши керак. Бу ҳақда Оҳалик майдонида топилган камоннинг чақмоқтошли ўқлари хабар беради.

Эҳтимол бу ерлар узок вақт давомида Самарқанд олий табақаси учун дам олиш жойи бўлиб хизмат қилгандир. Чунки уларнинг шаҳар ташқарисидаги қасрлари дарё бўйида жойлашган бўлган. Бу ер истироҳатгоҳ бўлганлиги учун савдо-сотик ва қосибчилик билан шуғулланмаганлар. Шу сабабли на араб географлари, на бошқа Зарафшон водийсини ўрганган олимлар ўзларининг хотираларида бу жойдаги қосибчилик ҳақида эслашмайди. XIX асрдан бошлаб, маҳаллий аҳоли тўлиқ оҳақ қазиб олишга ихтисослашган бўлиб, бу ердаги оҳақ ғамламаси ҳозиргача жуда улкандир. Оҳақ ривожланаётган Самарқанд учун керак бўлиб, илгаридан шаҳарни ана шу қурилиш хом ашёси билан таъминлаётган Чўпонота маҳсулоти етишмай қолган.

Оҳалик қишлоғининг номи ҳам шу даврда пайдо бўлиб, асли Оҳалик, яъни “о” – “ой”, “хок” – “тупроқ”, яъни ойнинг оқ тупроғи маъносини англатган. Унинг ёнида жойлашган Окбўйра қишлоғининг номи ҳам бу ердаги оҳақ ғамламасидан хабар беради. Ҳақиқатан ҳам узокдан бу жойга қарасангиз, оқ тепаликларга биринчи кўзингиз тушади.

Иккинчидан, қурилаётган Самарқанд шу даврларда мустаҳкам ва чиройли қурилиш хом ашёсига эҳтиёж сезарди ҳамда бу каби маҳсулотлар темурийлар даврида қурилаётган маҳобатли биноларга керак бўларди. Мармарни эса Нуротанинг Ғазгон ва Омонқўтоннинг Гурмак конларидан олиб келишарди. Улкан гранит бўлақлари эса яқиндаги тоғлардан олиб келинарни. Шу кунларда

ҳам Оқбўйра қишлоғи яқинидаги тош конларида ярим йўнилган гранит блокларини кўриш мумкин.

Учинчидан, Темур ва темурийлар вақтида Қашқадарё водийсидаги Тарағай қишлоғига йўл Оҳалик орқали ўтган ва ундан Сангтўра довонига (1860 м) кенг қарвон йўли мавжуд бўлган. Тарағай қишлоғи мутахассисларнинг фикрича, Темурнинг уруғи Барлос қабиласи юрти бўлган.

Бу тоғ йўли инқилобгача Туркистонга контрабанда товарларини Шарқий Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Шерободдан олиб келувчи яширин йўлга айланган.

Фуқаролар уруши даврида бу тоғ йўли Қашқадарёдан келувчи душман тўдалари йўлини тўсиб қуйиш учун ёпилади ва Довонга, йўлнинг тор қисмларига соқчилар қуйилади. Ёз фасли кунларидан бирида душманларнинг кўп сонли тўдаси тўсиқларни ёриб ўтади. Оҳалик олдида бу тўда ва жангчилар ўртасида бир неча соат давом этган жанг бўлиб, душман енгилади ва тоққа қараб қочади.

Оҳалик қишлоғининг этник таркиби хилма – хил бўлиб, асосан ўзбеклар ва тожиклардан иборат. Қолган миллат вакиллари бу жойга Паргар ва Киштут қишлоғидан инқилобга қадар кўчиб келишган. Кейинчалик Ўрмитон қишлоғидан ҳам ўнлаб хонадонлар кўчиб келган.

Оҳалик атрофида ер майдонларининг камлиги сабабли қишлоқ аҳолиси вақти-вақти билан бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлишган. Шу йўл билан оҳаликлилардан иборат Оқати, Оқбўйра қишлоқлари вужудга келган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Оҳалик майдони Самарқанд шаҳри учун энг қулай даволаш ва спорт-сайёҳик марказ бўлган. Ҳар йили бу жойдаги сихатгоҳлар ва санаторийларда, “Ёшлик” турбазасида ўн мингга яқин киши дам олишарди. Баҳор фаслида эса табиатнинг бу гўзал бурчагига юз минглаб самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари дам олишга чиқишарди.

Оҳалик қишлоғи атрофида кўпгина табиат мўъжизалари мавжуд. Пасттоғлик зонада – оҳактошлар мавжуд. Жойларда ғорлар, эски штолнялар ва оҳак куйдиришда ишлатилган печлар учрайди. Тоғ жинслари ичида синчков сайёҳлар исланд шпати доналарини топиши мумкин.

Қоратепа тоғининг асосий қисмини ташкил этган гранитлар ва грандиоритлар ичида графит, биллур шодаларини учратиш

мумкин. Тоғ бағрида эски қалай, вольфрам, молибден ғамламалари бор.

Бу районнинг асосий сув манбаи бўлган Оқдарё водийси ҳам тарорланмас гўзалликка эга. Бу жойда олча, қайрағоч, бодом дарахтларидан ташкил топган боғлар кўп. Дарё ўзанининг тор жойларида шаршаралар мавжуд. Сайёҳлар учун Оқдарёдаги катта шаршара Бошсувтушар, айниқса, гўзал бўлиб, у Афғон довонига чиқишда жойлашган.

Қишлоқ юқорисида – тоғнинг юқори қисмида (1700-2200 м) баъзи бир жойларда табиий ҳолда ўсаётган арча сақланиб қолган. Кексаларнинг гапига қараганда илгари уларнинг сони анча кўп бўлган. Бу ердаги арчалар сонининг камайишига асосий сабаб уларнинг оҳак печларида ёкилғи сифатида ишлатилганидадир.

Токка чиқувчиларни бу ердаги қояли чўккилар ҳам жалб этади. Уларнинг ичидаги Камқўтон чўққиси (2189 м) Қоратепа тоғидан баландлигига кўра иккинчи ўринда туради. Чўкки улкан гранит хоч шаклида бўлиб, ёнбағирлари тикдир. Унинг ёнида кичкина, шаффоф сувли Қулбобо кўли жойлашган бўлиб, табиат томонидан тайёрланган табиий ўйикча тўлдирилгандир. Камқўтондан кейин Кичкинасойни ярим халқа шаклида гранит қоялар ўраб олган. Улар “Оҳалик тожи” дейилади ва 1900-2100 м баландликдаги Тошбақа, Қоратош, Досттўда каби номлар билан аталади. Бу чўккиларга кўтарилиш ҳатто спортчилар учун ҳам унчалик енгил эмас.

Қишлоқ атрофидаги “тош ҳайкалларни” томоша қилиш ҳам анча мароқлидир. Бундай табиий мўъжизалар бу ерда анча. Оқтош массивида от, динозавр ва ҳаёлий ҳайвонларга ўхшаган тош бўлақларини кўриш мумкин. Булар ичида ҳажми жуда улкан тош бўлақлар ҳам учрайди. Буларга “Тошбақа”, “Шоҳтош”, “Сомонтош” ва “Игна” чўққиси киради.

Оҳаликдан кўшни водийларга кўп сонли сайёҳ сўқмоқлари ўтади. Бу сўқмоқлар тоғ чўққиси орқали Сангтўда, Авғон, Бешозор, Говхона довонлари орқали Амир Темур ғорига, Тарағайсойга, Алвасти кўлига ва Омонқўтонга ўтади. Сазвас довони орқали “иккимингинчи” чўққилар Камқўтон, Игна, Қизилтоққа кўтарилиш ёки Сазвасдарё водийсини кесиб ўтиб, Қоратепа қишлоғига бориш ёки Илонсойга тушиш ёхуд Ёнтоқ ясси тоғи орқали тўғри йўл билан Тераксойнинг юқорисига чиқиб, Қайнарбулоққа тушиш мумкин.

Оҳаликдан сўқмоқ йўл билан Миронкўлга, олти шаршара ўлкасига ёки Оқбўйрага ўтиш мумкин.

Лекин табиатнинг бу гўзал бурчагини томоша қилиш вақтида, унинг муҳофазасини ҳам ўйлашимиз керак. Бу жойдаги ҳамма нарсa – гиёҳлар, булоқлар, тошлар ҳимоя талаб қилади. Дам олишга келувчиларнинг сони ошган сари бу гўзал масканнинг табиатига зарар келтирилмоқда. Ўсимлик дунёси камаймоқда. Дам олишга боровчилар ўйлаб ўтирмай бойчечак, лола, ёввойи пиёз, доривор ўтларни юлишади. Буларнинг кўпчилиги Қизил китобга кирган ва йўқолиш арафасида турибди. Биз эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳайвонот дунёсининг аҳволи бундан яхши эмас. Кўп нодир ҳайвонлар браконьерлар дастидан йўқолиб кетди. Дарёдаги балиқлар кимёвий дорилар ва электр токи таъсиридан йўқолиш арафасида турибди. Қушлар уяларини ташлаб одамлар кўзидан ғойиб бўлмоқда. Ҳозир Оҳалик атрофида бир вақтлар кўп бўлган ёввойи чўчка, бўри ва бўрсикнинг изини учратмайсиз. Қуён, тулки, жайралар камайиб кетди.

Табиатнинг бу гўзал инъоми – Оҳаликни сақлаб қолиш учун вақт кетказмасдан уни давлат ҳимоясига олиш ва қўриқхона, деб эълон қилиш керак. Бу жойда ҳайвонларнинг барча турини овлашни, мева ва ўтлар теришни тақиқлаш лозим. Йўқолган ҳайвон ва қушлар турларини қайта тиклашга уриниш ва дарахт экиб, мелиорация ишларини амалга ошириш керак.

Сайёҳлар ва ўлкашунослар бу жойда табиатнинг содик дўстларига айланишлари керак. Ҳозирча кичик-кичик участкаларда сайёҳлар томонидан табиатни тиклашга бўлган уриниш бор. Бунинг учун улар маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишмоқда, яъни ёввойи дарахт ва чангалзорларнинг қалин қисмини қисман сийраклаштириб, шунга ўхшаш иқлимли кўчатларни жойларга кўчириб ўтказмоқдалар. Мўъжиза рўй бериб, кечаги тақир жойларда инсон томонидан яратилган ўрмонлар шовулламоқда.

Омонкўтон
(фараҳбахш дара ва тарихий доvon ҳақидаги ўйлар)

Самарқанддан чиқиб, жанубга йўл олсангиз, тоғ олди тепаликларини кесиб ўтасиз. Уларни қизил-сарик тусли ўсимликлар қоплаб олган бўлиб, охириги кўтарилишдан кейин кўз олдингизда чиройли манзара очилади. Тепаси оқ-қора ранг билан қопланган баланд қоялар мағрур туради. Уларга томон боровчи йўл олдин тош қоялар орасидан ўтади. Бу қоялар табиий кураш жараёни натижасида хилма-хил шаклга кирган бўлиб, улар сизнинг хаёлингиз ҳосиласи натижасида гоҳида ҳар хил ҳайвонлар, афсонавий маҳлуқлар шаклига киради.

Кейин йўл бирданига Ўзбекистон учун хос бўлмаган қалин ўрмонзор ичига шўнғийди. Бу дарахтзор орасида диёримиз шароитига мослашган ва унда кўп учровчи тол, терак, арча каби маҳаллий дарахтлар билан бирга баландлиги 20 метрларча етувчи жумҳуриятимиз шароитида учрамайдиган қрим қарағайи ва игна баргли дарахтлар учрайди.

Текис асфальт йўл одатдан ташқари гўзал ўрмон ичидан тоққа қараб интилади. Йўлнинг икки тарафида зилол булоқлар отилиб чиқади. Унинг атрофида тоғ сойидан оқувчи сершовкин дарёча шалдираб туради.

Узоқлардан табиий карст ғорлар ва инсон қўли билан яратилган кон оғзи қорайиб кўринади. Алвон рангли ўсимликлар орасида ўтлаб юрган қўй- қўзилар подалари кўзга ташланади. Сершовкин, рутубатли шаҳар ҳавосидан ҳозиргина чиқиб келган сайёҳни бу жойнинг соф ҳавоси маст қилади.

Йўл шу ҳолда ўрмон ичида биров давом этиб бирданига чўққига томон кўтарилиб кетади ва унинг икки тарафида қазиб олинаётган мрамор, оҳақтош конлари кўринади. Узоқларда баланд тоғлардагина учровчи табиий арчазорлар кўзга ташланади. Такрорланмас бундай манзара орасида бирон соат юрганингиздан кейин тоғ чўққисига етасиз.

Узоқдан янги водий шаҳри ва қишлоқлари, уларни боғлаб турган ўргимчак ипи каби йўллар оқариб кўринади. Булар мўъжизалар ғаладони каби бундай бой ва такрорланмас табиий манзараларга эга бўлган Тошкент-Термиз йўлида жойлашган Омонқўтон дараси ва баланд Тахта-қарача доводидир. Тоғ олдида жойлашган Омонқўтон дараси – инсон қўли билан яратилган табиатнинг такрорланмас бўлаги ва жумҳуриятнинг тарихий даврлардан ҳозиргача жанубий қисми билан боғловчи тоғ доводни

олдидаги Ўзбекистоннинг минглаб йиллик тарихини кўрсатувчи мусаффо осмон гумбази остидаги тарихий музейидир.

Самарқанд шаҳридан атиги 40 километр узоқликда жойлашган Омонқўтон ўзининг иқлими билан ажралиб туради. Тоғлар билан ўралган бу дарада алоҳида микроиқлим мавжуд бўлиб, текисликка нисбатан у ерда деярли 3 марта кўпроқ йилига 1000 мм яқин ёгин ёғади. Ҳавонинг температураси эса доимо куйидаги водийга нисбатан 4-5 градус паст бўлади ва шу сабабли ёзнинг энг жазирама иссиқ кунларида ҳам салқин шабада эсиб туради.

Юқоридаги Тахта-карача довони жойлашган Зарафшон тоғларидан сизиб келаётган сувлар Омонқўтон дараси ичидан кўп сонли булоқлар шаклида чикиб, сувларнинг табиий тозаланиши ҳамиша муздек, тоза ва хуштаъм бўлади. Бундай табиий шароитга эга бўлган Омонқўтон дараси илгаридан мўл-кўл ўсимлик дунёсига ва ўрмонга эга бўлган ва шу сабабли узоқ тарихий даврлардан буён инсонлар томонидан ўзлаштирилган. Бу ҳақда шу жойдаги ғорлардан бирида топилган ибтидоий одамлар қолдиқлари хабар беради. Бу жойнинг суғдча кекса номи Гурмак ҳам даранинг ўша вақтларидаёқ ўзлаштирганини кўрсатади.

Омонқўтонлик оқсоқоллар томонидан ҳикоя қилинишича, бир вақтлар Аристотел яшаган Афлотунсой, Улуғбек яширинган Шаҳаксой тўғрисида афсоналар бу жойнинг ўша тарихий саналари давомида инсон оёғи узилмаганлигини кўрсатади. Даранинг кейинги номи – Омонқўтон эса Омон номли чўпонга аталган бўлиб, у гўёки дарага киришда яшаётган улкан илонни ўлдириб, бу бой яйлов ва ҳосилдор тупроқли дарани озод қилиб, одамларга бахт ато этган экан. Лекин табиат яратган бу жаннатмакон жойни инсон ўтган асрларда биринчи марта хароб этди. Табиатшунос В.И.Кучерявых маълумотига кўра, XVIII асрда бу жойда чўян ва кўмир эритила бошланган. Бу эса ёқилғи талаб этар, ёқилғини эса дарани қоплаб олган арча дарахтини куйдириб олишарди. Шу сабабли Омонқўтондаги барча арчазорлар қисқа вақт ичида кесилиб кетди, табиат ғарот бўлди. Булоқлар қуриди, яйловларда ўтлар йўқолди. Иқлим қуруқлашди, сел оқимлари дара ёнбағридаги ҳосилдор тупроқли экинзорлар ва яйловларни ювиб кета бошлади.

XIX аср ўрталарига келиб эса бу жаннатмакон жой ачинарли ҳолатга тушган эди. Ёнбағирларда бир вақтлардаги қалин

дарахтзорлар ўрнида якка-дука арчалар сақланиб қолган. Қуйи жойларда эса ювилиб кетган ҳосилдор жойлар ўрнига селлар изидан ҳосил бўлган тошлоқ жойлар ривожланган эди. Омонқўтон дарасининг ўша вақтдаги бу ҳолига энтузиаст – ўрмончи генерал Н.И.Корольков эътибор берди. Унинг фикрдошлари бўлган ўрмончи мутахассислар С.К.Наврацкий ва М.И.Невский ёрдамида Омонқўтонни иккинчи ўрмон билан қоплаш даври бошланди. Бу жой ўзлаштирила бошланди. Энг олдин сел ҳавфи кучли бўлган даранинг шимолий ёнбағрига дарахтлар экила бошланди.

Маҳаллий аҳоли ёрдамида тоғ ёнбағрига кўндаланг майдончалар яратилди. Унга кўчатлар экилди. Бу кўндаланг майдончалар устидаги ариқлар эса ўз навбатида ёмғир ва қор сувлари тезлигини камайтирар, ўзига намни кўпроқ йиғар ва “сел ҳавфи”нинг олдини оларди.

Шу йўл билан 1879 йилда 500 десятин жойга ёш ниҳоллар экилди. Бу ишни ўлкашунос К.Раунер давом эттирди. У 1887 йилда Газармасой бошида бу ер учун нотаниш бўлган қрим кўчатини экиди. Ҳозир у ерда 117 улкан қрим қарағайи ўсиб ётибди. 1908 йилда эса дара бошида Апрельский ўрмон дала ҳовлиси ташкил этилиб, унга қарағай ва оқ қайин экилди. Шу йўл билан Омонқўтонда Россия текисликларига хос ўрмон дарахтлари пайдо бўлди. Бу ерларни ўзлаштириш инқилобдан кейин ҳам давом этди. 1933 йил бу жойда ўрмон хўжалиги ташкил этилди ва бутун дара бўйлаб бодом, қайрағоч, олма ва ёнғоқ кўчатлари экишни давом эттирилди. Бунинг натижасида бутун Омонқўтон дараси бўйлаб инсон тафаккури билан яратилган сервикор ўрмон пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли бу сунъий яратилган ўрмон хосияти билан сел, сурилма, курғоқчилик балосидан қутулди ва дара бўйлаб йўлнинг икки томонида янги кўм-кўк водий пайдо бўлиб, унинг ичи кўчиб келган янги мезбонлар – қушлар қўшиғи билан тўлди. Ҳаттоки уларнинг энг хушовоз номи билан илгари номсиз сой, “Булбулзорсой” деб атала бошланди.

Ўрмонда илгариги ёввойи чўчка, бўри, бўрсиклар пайдо бўлди. Улуғ Ватан урушидан кейинги даврларда инсон томонидан яратилган бу ер ёш болалар овози билан тўлди. Хушманзара бу жойда бир қатор дам олиш оромгоҳлари тузилди.

Ҳозирда Омонқўтон дараси ҳар йили минглаб самарқандликлар ва чет эллик меҳмонлар дам оладиган сўлим

жойга айланди. Бунинг натижасида кейинги йилларда узунлиги атиги 14 километр бўлган даранинг аҳолиси 3 марта ошди ва янги масала – табиатнинг бу нодир бурчагини ҳимоя қилиш муаммоси пайдо бўлди.

Омонқўтон дарасининг юқори қисми унинг таркибий давоми бўлган Тахта-карача довомига қўшилиб кетади ва иккаласини ҳам бир йўл Тошкент-Термиз тракти кесиб ўтади, Зарафшон тоғи устидан ўтувчи Тахта-карача довоми, тарихий даврлар давомида ҳам Ўзбекистон ўрнида бўлган қадимий давлатларни бир-бирига боғлаб тургани учун тарихчи-сайёҳлар томонидан кўп марталаб тилга олинган ва кўп жанги жадалларни бошидан кечирган табаррук диёрдир. Бунинг устига довоининг қуйи қисми ва Омонқўтон дараси билан чегарасидаги юқори сифатли мрамор, оҳактошлар ўтган замонлардан бошлаб қазиб олинган ва шу сабабли қадимий кончиларнинг хотирасида сақланиб қолган.

Академик В.В.Бартольд Тахта-карача довоининг тарихий аҳамияти тўғрисида гапирар экан, “Тарихда араб истилоси даврида араблар ва турклар ўртасидаги бош жанглардан бири бўлган”, деган экан(24,72). Довон яқинида қадимги ипак йўлининг тармоқларидан бири бўлган “Амир йўли”нинг қолдиқлари топилган. Давон олдида X-XI асрларда қурилиб, XVIII асрлар ўртасида фойдаланилган бино қолдиқлари топилган.

Довон бошланадиган жойда жойлашган сойлардан бирининг Афлотунсой, деб аталиши бу жойлик аҳолининг қадимги грек олими тўғрисида тушунчага эга бўлганлиги ва Аристотел айнан шу жойда яшаган, деган афсоналарга, асосан, бу жойнинг қадимги Греция билан алоқаси борлиги аниқланади. Бу сойда топилган V-VII асрларга хос бўлган қоровул қаср қолдиқлари доvon олдининг ўша қадимий даврларда гуллаб-яшнаганлигидан хабар беради.

Тахта-карача довоининг аҳамияти, айниқса, Амир Темур даврига келиб янада ошди. Чунки, биринчидан, у ҳарбий аҳамиятга эга бўлган ва жаҳонгир Темурнинг жанубга, Ҳиндистон томонга юришида ва қайтишида қулай доvon бўлган. Бу ҳақда Ғиёсиддин Али “Темурнинг Ҳиндистон юриши кундаликлари” китобида қуйидагича ёзади: “Душанба ўн бешинчи шанаб ойдан (22 апрель, 1399 йил) ҳазрати олийлари Кешдан чиқиб Рудак дарёси олдида чодир тикдилар ва унинг баландлиги қуёш ва ойга тенг бўлди... Сешанба ўн олтинчи куни у ҳеч ким томонидан эгалланмаган Чакар

Работ деган жойда тўхтади. Чоршанба ўн еттинчи кун и ўша ердаги давондан ошиб (ҳазрати олийлари) Қутлуғ-Юрт деган жойда тўхташни ихтиёр этдилар. Жума кун и ўша жойдан Тахта-карача етиб келиб, шанба кун и ўн тўққиз шабон ойида шаҳардан ташқаридаги Жаҳоннумай қалъасида тўхтадилар”.

Умуман, XV аср охири ва XVII аср давомида Самарқанд шаҳрида тинимсиз қурилиш ишлари олиб борилгани сабабли довон олди қурилиш хом ашёлари конларидан кучли фойдаланилган ва у Итмак довони номи билан тез-тез тилга олиб турилган. Тахта-карача довони тўғрисида буюк Бобур ҳам тўхтаб ўтган. У бу довоннинг аҳамиятини таърифлаб: “Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур. Итмак довони дерлар. Сангтарошлик қилур, тошларни тамом бу тоғдан элтарлар” дейди(24,78). Ўрта Осиё босиб этиб олингандан кейин узоқ вақтгача Тахта-карача довони янги вазифани бажарди. Яъни Россия империяси Самарқанд вилояти билан Бухоро хонлиги ўртасида чегара чизиғи бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда эса бу довон жумҳуриятимиз жанубий вилоятларига ўтувчи йўл, энг хушманзара жой сифатида кўпчилик хотирасида сақланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунларда инсон қўли билан яратилган Омонқўтондаги ўрмон ва унинг устидаги Тахта-карача довонидан ўтувчи йўл ҳимояга муҳтож бўлиб қолган.

Кўп сонли сайёҳлар “Экологик саводсиз” табиат ошифталари ва узоқни кўра олмайдиган Омонқўтон кони хўжайинлари ҳамда маҳаллий аҳолининг этиборсизлиги сабабли дарахтлар, тоғли жойлар топталиб, табиий мувозанат бузилмоқда. Дарахтлар ва ёввойи ўтлар қуримоқда. Портлашлар ва кон ишлари натижасида довон атрофи ифлосланмоқда. Эҳтимол, табиатнинг бу нодир бурчагида миллий боғ ташкил этиб, унга тарихий Тахта-карача довонини ҳам қўшиб олиш ва шу йўл билан уларнинг табиат тарих музейи шаклида сақланиб қолиши вақти етгандир.

Ер ости сув омбори (Қирқтоғ)

Жумҳуриятимиздаги табиат томонидан яратилган нодир ва ер ости сув омбори баланд тоғ устида – Қирқтоғ ясси тоғида

жойлашган. Бу табиат мўъжизаси Самарқанд вилоятининг Ургут тумани майдонидадир.

Халқ афсоналарига кўра, қадим замонларда Шаудар тоғи сувсиз ва ҳаётсиз бўлган экан. Тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқлар сувсизликдан қийналиб, одамлар, асосан, тоғда нима топилса, шу билан овқатланишган экан. Лекин тоғнинг энг баланд, чўққилар билан ўраб олинган жойида, бойлиги беадад очкўз бир бой яшаган экан. У эгаллаган жойда сув мўл, яйловлар серўт экан. Хизматкорлари ерни чопишар, ҳовузлар ва фавворалар куришар, хўжайинларининг ҳисобсиз бойлигини кўриқлар экан.

Кунлардан бир кун камбағалларнинг сабр косаси тўлиб, бой ёнига жасур ва кучли йигитларни юборишибди. Улар тик қоялар ва “тош дарёлар”ни кесиб ўтишиб, тоғ тепасидаги гуллаб ётган ялангликка чиқишибди. Вакиллар бойдан пастга қараб жуда бўлмаганда битта ариқ ўтказишни кўп илтимос қилишибди, лекин ҳеч натижа чиқара олишмабди.

Бой бу ердаги сувни, умуман, одамлардан яширмоқчи бўлибди. Унинг буйруғи билан хизматкорлар бир кечада қирқта қудуқ қазибди. Тонг отганда эса бой ўз жойини таний олмабди. Ҳаёт манбаи бўлган сувлар қудуқлар ичига кириб ғойиб бўлиб, ҳовузлар тагидаги тошлар ер юзига чиқиб қолибди. Ўсимликлар сувсизликдан сўлиб, боғлар қурибди ва хизматкорлар ҳар тарафга қочиб кетибди.

Юқорида ҳеч нарсага эриша олмай қайтиб келаётган йигитлар эса пастда кўм-кўк майсазор ва гуллаб турган боғларни кўришибди. Тоғ тагидаги булоқлардан сув отилиб чиқиб, серсув ариқлар пайдо бўлибди. Шу даврдан бошлаб пастдаги гуллаб турган жой Ургут деб, тоғ устидаги ясси тоғ эса Қирқтоғ деб аталармиш.

Қирқ ясси тоғи... Бунга ўхшаган жойни ватанимиз ва чет элларда топиш қийин. Тоғ тепасидаги 25 квадрат километр жойдаги текисликдаги жуда кўп сонли карст шакллари, воронкалар, ҳавзалар, кўллар, қудуқлар ва шахталар жойлашган.

Ургут тумани жойлашган Зарафшон тоғ тизмаларининг бир қисми Чакилкалон тоғи, дейилади ва у ўзига хос геологик тузилишга эга. Бу ерда кўп йиллик оҳақтошлар 10-12 километр қалинликда ётади. 250-300 миллион йил олдин бу оҳақтошлар йирик гранит тана — магма ичига жойлашган. Оҳақтошлар яхлитлиги эса кўп сонли ёриқлари билан бузилган. Бу ёриқлар

кесишган жойга юқоридан тушиб келаётган қор, ёмғир сувлари тўпланади ва оҳактошлар эришига сабаб бўлади ҳамда тик каналлар ҳосил қилади. Кейинги миллион йиллар ичида бу тик каналлар шунчалик кенгайганки, улардан бемалол одам ўта оладиган табиий кудуклар, шахталар пайдо бўлган ва баъзи бир жойларда уларнинг кенглиги 30-40 метрга етган. Ҳозир ғоршунослар ҳаракати натижасида ясси тоғнинг бутун ғарбий қисми харитаси тузилди. Бу харитада 310 та табиий воронкалар, карст кўли Сариктол ва чуқурлиги 15 метрдан 200 метргача борган 56 та шахта кўрсатилган.

Карст жараёнларини фақат ер ости бўшлиқлари ташкил қилиб қолмай, балки маълум қисмининг лой, кум билан тикилиб қолиши ёки юқори қисмининг ўпирилиб тушиши натижасида ёпилиб қолиши мумкинлигини эътиборга олсак, унда ҳар бир кичик кудукнинг ҳам ёпилган қисмларини текшириб, уни сайёҳ ғоршунослар учун илмий-спорт аҳамиятга эга иншоотга айлантириш мумкин.

Чакилкалон шимолий ёнбағридаги посёлкалар, Ургут, Камангарон, Зинак олдидаги сон-саноксиз булоқлар ва Қашқадарё водийсининг жанубида жойлашган булоқлар ҳам шу йўл билан Қирқтоғ ҳисобига сув олмоқда. Ҳар дақиқа бу ясси тоғ ўртача 200 кубометр атрофида сув бермоқда (бу – ўртача икки Дарғом каналининг ҳажмига тенг). Бу маълумот асосида Қирқтоғ ясси тоғининг тоғ олди зонасини суғоришга таъсирини билиш мумкин.

Лекин, афсуски, кейинги вақтларда Қирқтоғ ясси тоғидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида унинг экологик мувозанати ўзгармоқда. Бунинг олдини олиш учун, аввало, бу жойни кўрикхона, деб эълон қилиш керак. Бу чора сув йиғиладиган Қирқтоғ ҳавзасини кўй-эчки подаларидан ҳимоя қилади. Қирқтоғдаги заиф ўтли яйловларнинг ҳаддан ташқари эксплуатация қилиниши, қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчи навбатда бу ер устидаги ўсимлик қатлами қаттиқ зарарланади, кейин тупроқ нураши кучаяди ва ниҳоят, ёғин-сочин сувларини йиғувчи карст воронкалари ва шахталарнинг ўзи ҳам нураган тупроқ ва лой билан тикилиб қолиб, сувни бошқача тақсимлай бошлайди. Бундан ташқари, энг катта хавф табиий чуқурликларга ҳалок бўлган ҳайвонларни ташлашдир. Ер ости бўшлиқларининг ифлосланишига сайёҳлик гуруҳларнинг ташрифидан сўнгги

ифлосланишларни айтиш лозим. Бу борада назорат ўрнатилса, ёмон бўлмасди.

Тоғлар қабристони

Илон изи шаклидаги кенг ва яхши текисланган тоғ йўли бизни Мингдон кишлоғидан юкорига, шу ном билан аталган водий бўйлаб Зарафшоннинг бошланиш қисмига бошларди. Тоғ ёнбағирлари борган сари тик бўлиб, оҳақтошлардан тузилган қоялар ёнбағирлари очилиб қолар, ўсимлик дунёси борган сари камбағаллашиб борарди. Ниҳоят, бу оғир йўл тугади. Биз бутунлай бошқа оламга, фотосуратларда кўрган ой манзарасига ўхшаган жойга тушиб қолдик. Бу ерда 1300 метр абсолют баландликда, Туркистон тоғларининг жанубида, бундан 30-35 миллион йил илгари палеоген даврида, саёз денгиз тагида пайдо бўлган калинлиги 300 метрга етган оҳақтош ва гипс қатламлари ер юзига кўтарилиб чиққан. Бу тоғ жинслари деярли горизантал ҳолда қатламлар шаклида ётади ва кенг тўлқинсимон ясси тоғлик ташкил этган бу жой катта чуқурликкача икки асимметрлик дара билан кесилган бўлиб, сув оқиб чиқмайдиган тоғорасимон водий билан тугайди.

Яқиндаги биринчи қояни кўздан кечирамиз. Бу қоя оппоқ бўрисимон оҳақтошлардан ташкил топган бўлиб, унинг ичида денгиз чиғаноқлари қолдиқлари ҳам учрайди. Бу қоянинг устига чиққанда эса инсон ақли лол қоладиган манзараларни кўрамиз. Бу жой узоқ-узоқларгача ҳар хил шакл ва ҳажмдаги жуда қиррадор қоя бўлаклари билан тўлиб кетган. Улар қора ва оқ оҳақтошдан, қизил қумтошдан ҳамда ҳар хил рангга кирган гипс бўлақларидан ташкил топган. Баъзи бир тошларнинг жойлашиш ўрни одамни ҳайратга солади, бирлари тик ёнбағир учида, баъзи бирлари ўткир қирра устида бўлиб, ҳаттоки энгил қимирлаб ҳам қуйишади.

Маҳаллий аҳоли бу жойни “Гўрикўх”, яъни тоғлар қабристони, деб аташади. Бу жойнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам ривоят бор бўлиб, гўёки бу майдонда уч дев ўртасида шиддатли жанг бўлиб, улар барча қояларни парчалаб ташлаган, кейин бири-бирини уриб, ер остига киритиб юборишган экан. Фақат ер остида улар ярашишган ва ўша жойдан ер устига ғор қазиб чиқишган экан.

Ҳақиқатан ҳам Мингдона қишлоғи ёнида узунлиги 30 метрга етувчи ғор бўлиб, у Седев (уч дев) деб аталади.

Албатта, Гўрикўҳ ясси тоғи карст ва нураш жараёни ҳосилдир. Атмосфера ёнғинлари таъсирида, яъни ҳарорат ўзгариши, шамол ва ёнғингарчилик натижасида ғовак оҳактошлар ва гипслар ҳар хил бўлақларга бўлинган, сув, газлар таъсирида эриб, ғорлар ва бошқа ер ости шакллари ташкил этилган.

Аста-секинлик билан тошлар қабристон ичидан юришни давом эттирамиз. Бирдан олдимиздан тик қоялик пайдо бўлди. У улкан тоғорасимон водийнинг қирғоғи экан. Унинг айланаси ярим километр, чуқурлиги эса 250 метрга етарди. Бу улкан “чуқурлик”нинг текис таги ғовак ётқизиклари билан қопланган бўлиб, чеккаларида вақтинчалик қўлнинг тўлқин излари сақланиб қолганди. Тахминан, унинг чуқурлиги энг тўлишган вақтда 5-6 метр, ҳажми эса 800 квадрат метрга етган бўлиши керак.

Ҳавзанинг олдида унга ўхшаган, лекин бирмунча кичикрок иккинчиси жойлашган бўлиб, унинг тагида узунлиги 30 метр, эни 10 метр бўлган қўлча ялтирарди. Қўлчанинг чуқурлиги 4 метр бўлиб, унинг қирғоқлари қамиш билан қопланган, сувда икки ёввойи ўрдак сузиб юрарди.

Бу жойда биз 300 та карст воронкаларини, таги ясси ҳавзалар, конёнсимон чуқурликлар ҳамда товоқсимон ҳавзаларни санадик, уларнинг ҳаммаси юзаси атиги 25 километр квадрат бўлган Гўрикўҳ устига жойлашганди. Гипс қоялар устида карст шаклларида жуда қизиғи – каррларни учратдик. Каррлар тароқсимон ва игнасимон шаклда бўлиб, қоя юқорисидан пастга қараб оккан ёмғир сувлари таъсирида пайдо бўлганди.

Умуман, бу жойдаги мўъжизаларнинг кўпини сув яратади. У карстланувчи тоғ жинсларини эритиш, ювиш ҳамда оқизиб кетиш хусусиятига эга бўлиб, бу жараён карбонатли оҳактош, сульфатли гипс моддаларида, айниқса, тез боради.

Кейинги миллион йиллар ичида сув ер остида улкан иш бажариб, катта бўшлиқлар ҳосил бўлган. Кейинчалик эса бу бўшлиқ устидаги қопловчи тоғ жинслари қулаб тушиб, тартибсиз ҳолда жойлашган тошлоқзорни ҳосил қилган.

Ҳисобимизга қараганда, ҳар йили Гўрикўҳ ясси тоғи ўзининг ер ости бўшлиқларига 50 минг кубометргача атмосфера ёнғинлари ва эриган қор сувларини йиғади. Карст жараёнлари атмосфера

сувлари кам бу туманда тез ривожланиши, рельеф шакллари улканлиги, воронкаларнинг зичлиги ҳамда катталиги билан Гўрикўҳ ўзининг баланд тоғда жойлашган “ҳамкасби” – Қирқтоғ ясси тоғига ўхшаб кетади. Зарафшон тоғларидаги бу карст тумани ўзининг мураккаб ва мукаммалиги туфайли карст жараёнлари ривожланишини ўрганувчи олимларга кўп янги кашфиётларни очади.

Кўксарой

Самарканд вилоятининг ғарбироғида Октоғ ёнбағрида Кўксарой, деб аталган водий жойлашган. Унинг ўртасида ўзига хос шаклга эга бўлган кичик тоғ бўлиб, у Жинўтти, деб аталади. Умуман олганда, у тоғ эмас, кўпроқ қоя бўлиб, унинг ёнбағирлари тик ва устида текис майдонча бор.

Маҳаллий чўпонлар Жинўтти олдида подаларни боқишмайди. Бунинг сабаби у ерда ўтнинг камлиги ёки сув йўқлигидан эмас. Балки Жинўтти тўғрисида илгаридан афсоналар тўқилган.

“Қадим-қадим замонда, - хикоя қилинади ривоятда, - одамлар Кўксаройни ўзлаштира бошлаганлар. У ерда жинлар ҳам ўзларига макон қурган, деган тахминлар бор. Кўп ўтмай қўшничилик жинларга ёқмай одамларга зарар етказа бошлади. Гоҳида қўй-қўзилар йўқолади, гоҳида сел уйларни олиб кетади, гоҳида тоғлардан тош ёғилади. Одамлар қўшнилари бу қилиқларига чидай олмай, уларга қарши жангга отланадилар. Жангни тезроқ тугатиш учун одамлар орасидан Тар деган баҳодир чиқади. У улкан калтак ясаб олиб, жинлар яшаётган дарага йўл олади. Баҳодирни жинлар бирлашиб кутиб олишади ва уни салкам ҳалок қилаёзишади. Унинг устига тоғ ёмғири ёғади, сел оқими унинг йўлини тўсади, оёғи остидаги ер бирдан ёниб кетади.

Жасур баҳодир Тар буларнинг барини енгиб чиқади ва жинларга қарши боради. Жанг етти кун-у етти тун давом этди ва ниҳоят, паҳловон жинларни енгади. Жинлардан фақат бири омон қолади ва тошлардан улкан қоя ясаб, унинг устига чиқиб олади. Эртаю кеч Тар қоя ёнига тош йиғади, аста-секин тошларга тирмашиб, ниҳоят, чўққи устига чиқади ва жинни пастга иргитиб юборади. Жин ерга урилиб, уни ер ютади.

Табиат ва одамлар золим жиндан қутулганига хурсанд бўлишади. Водийда серсув дарёлар пайдо бўлади. Шаршаралар товуши чиқади, ер устини қалин ўт гилами қоплайди, ингичка кўчатлар эса кучга тўлиб, бақувват дарахтларга айланиб, кўкка бўй чўзади.

Шу даврдан бошлаб бу қуёшга тўлган чиройли водий Кўксарой, деб аталади, жин яширинган қоя эса “Жинўтти” яъни жин ўтган йўл, деб номланади. Қишлоқнинг номи баходир номи билан – Тарпай, деб атала бошланди. Ўша даврлардан сақланиб қолган дарахтлар эса ўзининг улканлиги билан киши ақлини ҳамон лол этади”(24,82).

Ҳақиқатан ҳам, Кўксаройга саёҳат қилган сайёҳ Оқтоғ учун хос бўлган хилма-хил манзараларни учратади. Бу жойларда май ойдан ноябргача бир томчи ҳам ёмғир ёлмаган йиллар бўлади. Кўпчилик дарё ва булоқларнинг суви камаяди. Лекин Кўксарой водийси табиатнинг бу қонуниятига гўёки бўйсунмайди.

Ҳамма вақт қалин ўтлар билан қопланиб ётадиган бодомзорлару қалин қамишзорлар бошқа жойлардан фарқ қилади. Ёши 150 дан 400 йилгача етган ёнғоқ, тут дарахтлари учрайди. Энг қизиғи шундайки, Кўксаройда учровчи арча на Оқтоғда, на қўшни Нурота тоғида учрайди. Бу ерда баъзи бир арчаларнинг ёши 700-800 йил атрофидадир.

Водийнинг кўп жойида қурғоқчилик йиллари ҳам қоялар ёриғидан булоқлар чиқиб ётади. Дарёда балиқлар мўл. Тушиш қийин бўлган йўл билан улкан сувсиз майдонни ўтиб, бу ерларда ондатра пайдо бўлган. Дарё этагида жумҳуриятимизда кам учровчи қора лайлакни учратиш мумкин. Водийнинг энг юқорисида, улкан ва чиройли Дара деб аталган қисмида оҳақтошлар худди Шимолий Американинг “Катта коньон” ига ўхшаб ер юзига чиқиб ётибди, давлат томонидан қўриқланаётган архарлар бор.

Шамол ва ёғингарчиликлар таъсирида қояларнинг минг йиллар ичида силликланган юзасида учровчи одам, эчки, от, туя ва хаттоки шер расмлари бу жойнинг одамзот пайдо бўлган даврдан буён ўзлаштирилганини кўрсатади.

Тарпай қишлоғи ёнидаги учта тепалик археологлар томонидан ўрганилганда, эрамининг биринчи асрларида ишланган идиш-товоқ синиқлари топилган. Идишлар шу жойда учровчи лой, кум ва шағаллардан ясалганлиги маълум бўлган.

Махсус ўлкашунослик экспедицияси иш олиб бориш учун Кўксаройни аҳолининг дам олиш зонасига айлантириш масаласи ўрганилди. Бу жойда лагерлар, турбазаларини, ёзлик дам олиш зоналарини ташкил этиш мақсадга тўғри келар экан. Кўксаройдаги экскурсия иншоотлари ва эътиборга молик жойлар кўплиги ажойиб саёҳат маршрутлари очиш имкониятини беради. Тоғнинг тик ёнбағирлари эса юқори малакали альпинистлар тайёрлаш учун махсус ўқув майдони бўлиши мумкин.

Ривоятлар эса бу жой учун қўшимча файз беради.

ТОҒ ЗОНАЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ЭКОСАЙЁҲЛИК ОЛАМИ

Ургут

Чакилкалон тоғларининг тик ёнбағрида Зарафшон водийсининг йирик шаҳарларидан бири – Ургут шаҳри жойлашган. Эҳтимол, қардош Тожикистон майдонидаги Панжакент шаҳри ўзининг аҳолиси сони ва жойлашган ўрни билан Ургутга ўхшаб кетар. Лекин Ургут қўшни шаҳардан фарқлироқ тоғ олдида эмас, ўзида жойлашган. Ургут шаҳри тоғнинг ичига ёриб кирган сой бўйида жойлашиб, икки томондан улкан қоялар билан ўраб олинган. Шаҳарнинг ўртасида ёзда сершовқин, баҳорда эса улкан тошларни коптоқ сингари ўйнатиб оқизадиган дарё бор. Ургутнинг илонизи кўчалари водийнинг рельефига бўйсунган бўлиб, ундаги барча паст-баландлик ва қияликларни такрорлайди.

Ургутга келган вақтингизда беихтиёр ўзинингизни тоғда эканлигингизни сезасиз. Боғлар ва уйлар орқасида яширинган тоғлар ўзининг борлиги ҳақида салқин шабадасию гуллар ва ўтлар анвойи ҳиди билан билинтиради. Ёзнинг саратонида қуёш чарақлаб турган тақдирда ҳам ҳамма вақт салқин бўлади ва осмон мусаффо тиниқлиги билан ажралиб туради. Салқин ҳаво дарёнинг бошланишидаги кўп сонли булоқ сувлари хисобига пайдо бўлади, улар эса ўз атрофидаги боғлар ва экинларнинг ҳаёт манбаидир.

Ургут жумҳуриятимиз харитасидаги ёш ва айни бир вақтда тарихдаги кекса шаҳарлардан бири. Кейинги 1500 йил ичида у бир неча марта вайрон бўлди ва яна қайта тикланиб шаҳарга айланди.

Ҳатто, навбатдаги душман уни ёкиб, йўқ қилиб йўқотган тақдирда ҳам у шаҳар номини йўқотмас эди. Хароба ва кулхоналардан яна қаср деворлари, аҳоли яшовчи ва меҳнат қилувчи маҳаллалар пайдо бўларди, бу жойларда ҳаёт қайнаб, машҳур Ургут бозори кўп тилли аҳоли билан тўларди. Магиан ва Фаробдан, Варганзидан ва бошқа тоғли жойлардан келган одамлар бозорни тўлдирарди.

Биз бу аҳоли пунктининг қачон пайдо бўлганини аниқ билмаймиз. Лекин унинг жуда кексалиги ҳақида қояда топилган суратлар хабар бериб, мутахассислар фикрича, бу расмларнинг ёши 5-6 минг йилларга бориб қадалади.

Шаҳар ёнидаги қояларнинг бирида нодир сурат топилган бўлиб, у асрлар қаъридаги номаълум овчи бошига тушган мусибат ҳақида хабар беради. Қоя ёнида елкаси билан чалқанча ётган одам тасвирланиб, қўллари икки тарафга ёйилган. Унинг ёнида ерга ташланган камон ва отилмаган ўқ, унинг ёнида икки илон ётибди. Эҳтимол, бу одам заҳарли илонлар қурбони бўлган бўлса керак.

Антик давр юнон тарихчиларидан бири Аррианнинг Искандар Зулқарнайн тарихий жангларида бирини таърифлаб ёзишича, македонияликлар Мароқанд (Самарқанд) ёнидаги диндан қайтганлар шаҳрини вайрон этишган. Уларнинг авлодлари анча олдин Грециядан Суғдиёнага келиб, тоғ олдида кичик қишлоқ ташкил қилишган экан.

Ургутга яқин жойдаги Сўфиён қишлоғида археологлар христианларга оид гарффитлар (ганчдаги расмга ўхшаш тошга кабарик ҳолда туширилган расмлар) топишган, унда хоч расми ва эрамизнинг биринчи асрига хос арий хатлари бўлган. X асрда яшаган араб тарихчиси Истахрининг қуйидаги маълумоти эътиборга молик: “Ибн Хаукал бу жойда (Ургутда) кўп месопатамиялик христианларни кўрган, улар бу ерга ҳоли жой ва тоза ҳаво қидириб келишган”. Христианлар жамоаси жойлашган жой аниқ кўрсатилган, у Вазкерт қишлоғи (ҳозирги Қинғир қишлоғи)дир.

Ургут билан боғлиқ кўплаб тарихий маълумотлар бор. Масалан, V-VII асрларда бу жойда зороострийлар – ўтга сиғинувчиларнинг олов турадиган ибодатхоналари жойлашган. Суғдиёнада Самарқанддан кейин Андак (суғдлар вақтидаги Ургут) иккинчи ўринда дин маркази бўлган. Эрамизнинг биринчи минг

йиллиги ўрталаридаёқ шарқ бозорларида Ургутнинг майизи ва туршаги машҳур бўлган.

Қадимий Ургут ёнидаги кичик қишлоқ Қоқишбағнда алоҳида ибодатхона бўлиб, унда фақат турк йигитлари навбатдаги босқинга боришдан олдин ибодат қилишган.

VIII асрнинг биринчи ярмида араблар Ургут қалъасини жанг билан эгаллаб олишган ва унинг сув билан таъминловчи мураккаб суғориш тармоқларини бузиб ташлашган. Ургут бу фалокатни ҳам бошдан ўтказиб, қайтадан қад кўтарди. Шу даврдан кейинги йилномаларда Ургут тўғрисида бирон оғиз сўз учрамади. Афтидан ўзаро урушлар фақат катта шаҳарларнигина эмас, кичик шаҳарларнинг шон-шухратини йўқ қилган. Лекин Ургутнинг шифобахш ҳавоси ҳақидаги шухрати сақланиб қолган. Бу жойда ёзнинг жазирамасидан қочиб, вақт ўтказиш учун Бухоро амири келадиган бўлган. Маҳаллий аҳолининг айтишига кўра, Ургутга Сангжуман ва Магитан довлари орқали махсус йўл қурилган. Ўша вақтларда саккиз қорабайир от қўшилган арава суткада тоғ йўлларида 50 километрга қадар йўл босган. Бу йўлнинг қолдиқлари баъзи жойларда сақланиб қолган.

1868 йилнинг май ойида рус подшо армияси кучли жанглардан кейин Ургутни эгаллаб, қалъа деворлари ва ички истеҳкомларни бузиб ташлаган. Келаси йил бу жойни келиб кўрган Ўрта Осиёнинг биринчи текширувчиси А.П.Федченко ўз ҳисоботида қуйидагиларни ёзади: “Ургут шаҳри 5000 аҳолига эга ва Шахрисабз тоғларининг тор дарасида жойлашган. Кенггина бозори, бир неча масжиди ва ҳозир бузилган қалъаси бор”(24,83). Ҳисобот даврида олим шаҳарнинг эътиборга лойиқ жойларини таърифлайди: “Чорчинор боғи элликлар атрофидаги кекса дарахтлардан ташкил топади. Кўпчилик дарахтларда улкан коваклар бўлиб, улардан бири ва энг каттаси кенггина хона шаклида бўлиб, унда мўйсафид қоровул яшайди”(24,84).

Ҳозир Ургут гўзаллашмоқда. Кенг кўчалар ва хиёбонлар пайдо бўлди, кўп қаватли бинолар пайдо бўлди, тамаки-ферментлаш заводи маҳсулот бермоқда, гилам заводи маҳсулоти кенг тарқалмоқда. Шаҳар аста-секин олди зонасига сурилиб, эски шаҳарнинг кўп асрлик қисмлари сақланиб қолмоқда.

Бундан 130 йил олдин А.П.Федченко айтган жойлар ҳам асраб қолинган. Чорчинордаги 300 йиллик чинорларнинг барглари

шабадада шитирлайди. Дарахт танасидаги ковакда жойлашган хона ҳам ўз жойида ва бу жойга баъзида дам олиш зонаси қоровули кириб туради. Шаҳардан юқориқдаги икки тошқин тармоқлари – Яхтон ва Муринак бирлашган жойда эса болалар оромгоҳлари жойлашган.

Энди Ургут номига ҳамоҳанг гуллаётган шаҳар номи баралла айтилмоқда.

Ойқор

Ойқор чўққисининг номи “ой” ва “қор” сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан бўлиб, у Сангзор водийсининг кўрки ва Туркистон тизма тоғларининг бир қисми бўлган Чумқартоғнинг баланд жойида жойлашган. Чумқартоғнинг Ойқордан ҳам баландроқ қисмлари кўп бўлса-да, улар ичида Ойқор ўз гўзаллиги билан ажралиб туради. Ойқор улкан, мукамал ва ёдда қоладигандир. Унинг гумбазсимон чўққиси нимаси биландир ўчган вулкон конусини эслатади ва узоқдан улканлиги билан кишида таассурот қолдиради. Чўққи худди уфқ устида ўзининг тик ёнбағирлари билан муаллақ тургандек кўринади.

Ойқор чўққиси ёзнинг фақат икки ойидагина қор қатламидан холи бўлади. Бу даврда ёнбағирларни қалин ўт ва гуллар гилами қоплайди. Бошқа даврларда, ҳатто водийда саратон жазирамаси бошланган даврда ҳам унинг чўққисида қор бўлади. Ойли тунларда қор қоплами ўзидан сеҳрли нур таратгандек бўлади. Шимолга қараган тик ёнбағир ўзгача ёрқин ой нурига чўмади. Ойқорнинг денгиз сатҳидан 3200 метр, Ўсмак посёлкасида 2500 метр баланд бўлган улкан гавдаси бундай тунларда ой нурида биллурдек ялтирайди, айниқса, тўлин ойли кечаларда ажойиб таассурот қолдиради.

Шу сабабли Ойқор тоғлар ичида шундай гўзал ном билан аталган.

Халқ ўртасида бу афсонавий тоққа атаб кўплаб ривоятлар, хикоялар тўқилган ва ҳатто қўшиқ қилиб куйланган. Афсонлардан бирида тоғ этагидаги тарихи узоқ асрларга боғланган Ўсмак қишлоғи (ҳозир Ўсмак посёлкаси) номининг келиб чиқишига изоҳ берилган.

Унга кўра, бир вақтлар тоғ этагидаги аҳоли ўзидан кучи бир неча марта ошиқ бўлган Искандар Зулқарнайн лашкарига қарши жангга киради. Жаҳонгир бу жойдан бой Усрушана ўлкасига ўтиб кетаётган эди. Лекин кам сонли Ватан ҳимоячилари бир неча туну кун мардонавор жанг қилиб, бирин-кетин ҳалок бўлишади. Фақат озрок жангчилар жасур бошлиқлари – Ўсмаат бошчилигида душман ҳалқасини ёриб чиқади ва дарага киришади. Қувиб келаётган душман кўз олдида улар ой нурида биллурдек ярқираб турган тоғ ёнбағрига кириб ғойиб бўлишади. Душманлар яқинлашган вақтда эса ой булут орасига яширинади ва ёнбағир зулматга кўмилади. Кейинчалик аҳоли тоғ ичига кириб кетган қахрамон шарафига қурилган қишлоқни унинг номи билан Ўсмаат, деб атаб бошлади.

Албатта, афсона бу афсона, лекин у гўзал жойга ҳусн берувчи яна бир кўрқдир.

Лекин қадимги юнон тарихчиларининг ишларида шу район атрофида босқинчилар билан Ватан ҳимоячилари ўртасида бўлиб ўтган бир жанг ҳақида хотира Искандар Зулқарнайн Усрушана ўлкасига боришида йўлни қоялар устига чиқиб олган 30 минг қуролланган маҳаллий аҳоли тўсади. Шиддатли жангда Искандар Зулқарнайн биринчи марта тиззасидан ярадор бўлади. Лекин қучлар тенг бўлмаганлиги сабабли Ватан ҳимоячиларидан кўплари қояларда душман ўқидан ҳалок бўладилар.

Шуниси қизиқки, тоғли Зарафшоннинг кўп қисмида Искандар Зулқарнайн номи билан боғлиқ жойлар кўп бўлса (масалан, Искандаркўл), Самарқанддан шарқда ва Жиззах атрофида бундай номлар йўқ. Бу эса, албатта, Искандар Зулқарнайннинг Усрушана аҳолисидан энг ёмон таассурот қолдиргани учун, атайлаб халқ унинг номини унутганида бўлса керак.

Ойқор ҳозирги ёзувчилар ўртасида ҳам машҳурдир. Унинг ҳақида М.Шевурдин ва Нурали Қобул ўз китобларида кўп қўллашган. Ойқорни ўтмиш сайёҳлари ҳам кўп ёзишган. Унинг ҳақида IX-XII асрларда араб сайёҳлари ва Мирзо Бобур асарларида ёзилган. Фақат Ойқорнинг гўзаллигини ўз кўзи билан кўрган сайёҳгина, уни кўрган ва билган ўтмиш сайёҳлари у ҳақда қуйламаслиги мумкин эмас. Ҳозирги вақтда Ойқор дам олувчилар учун ажойиб масканлардан бўлиб, у ерга Жиззах, Ғаллаорол ва кўплаб жойлардан аҳоли дам олиш учун чиқади. Қишда ҳам, ёзда ҳам дам олиш мумкин бўлган Ойқор ёнида қишлоқ чанғи спорти

негизи ташкил қилинса, у ердан деярли 5 ой – ноябрдан мартгача фойдаланиш мумкин.

Ойқор олди зонаси келажак зонасидир. Агар тоғ олди зонаси яхши ўрганилиб, йўллар олинса, табиат ва тарих ёдгорликлари таъмирланса, саёҳат маршрутлари тузиб чиқилса, келажакда Ойқор саёҳат бўйича энг машхур жойлардан бирига айланади. Шу кунларда ҳам Ойқор олдидаги Науканинг карст булоқларию олтин балиқлари, салқин боғларию ундаги XIX асрда қурилган масжид эл оғзида.

Бахмалсойдаги уч юз йиллик улкан чинорлар, Октошсойдаги бронза даврида ибтидоий одам чизган расмлар галерияси сайёҳлар хотирасидан ҳеч қачон чиқмайди. Каттасойдаги арчазорларнинг соф ҳавосини айтмайсизми?!

Бу ерга келган сайёҳларга ҳар хил кўринишдаги бир неча маршрут таклиф этиш мумкин. Булардан Октошсой, Каттасой ва Кўктепа довонига (2600 метр) қилинадиган саёҳат маршрутлари машхурдир. Автосайёҳлар учун эса, бу жойдаги Бахмалсой, Гўралаш ва Зоминсувни кесиб ўтувчи асфальт қопланган ва бир неча тоғ поясини, гўзал арчазорларни кесиб ўтувчи катта йўл доим аҳоли хизматида.

Бахмал

Табиат ҳамма нарсага қодир. Бизни ўраб турган ландшафтлар – саҳролар, чўллар, ўрмонлар, тоғлар табиатнинг такрорланмас ижод намуналари бўлиб, биз улардан ҳаётимиз давомида фойдаланамиз. Демак, уларни муҳофаза қилишимиз керак. Фақат табиатга бўлган муносабатдагина биз ўз ҳаракатларимизга баҳо бера оламиз.

Табиатнинг мукамаллиги, такрорланмас гўзаллигини Туркистон тоғларининг икки тизмаси орасида турган кичик тоғ ичи зонаси – Бахмалга йўлимиз тушганда биламиз.

Ҳақиқатга яқинроқ эртақ: Узоқ ўтмишда шоҳлар ҳукмрон, халқ ночор яшаган вақтда Самарқанд ҳукмронларидан бири ўз элидаги барча чевар тикувчиларни йиғиб, уларга қизининг тўйига гўзал ва бекиёс сўзана тикишни буюрибди.

Кун тун билан алмашиб, иш кизиб кетибди, чеварлар тиним билмасдан меҳнат қилишибди. Ниҳоят, кутилган вақт келиб, чеварлар ҳукмроннинг қошига сўзаналарни келтиришибди.

Сарой амалдорлари ҳар бир сўзана гўзаллигини кўриб, лол қолишар, фақат шоҳгина улар ишидан хурсанд эмасди. Тикувчилар эса бундан ҳавотирланиб, ҳукмрон қахридан кўркишарди. Навбат ёш ва ҳеч ким танимайдиган чеварга келибди. Унинг эски, чанг босган кийимига қараганда узоқдан келганга ўхшарди.

Шу вақтга қадар у камтарона бир чеккада турар ва қўлтиғига бўз тугунга ўралган енгилгина нарсани қўлтиқлаб олганди.

Унинг навбати келгач, тугунни очиб, уни силкитган эди тугундаги ҳарир сўзана осмонга яшил рангли булут шаклида сузиб кетди. Бу афсонавий булут ер юзига оҳиста тушди ва саройнинг мрамор деворларини чулғаб олди. У ўраб олган ҳамма ёк ферузасимон яшил рангга кирганди, ҳавода дала гуллари ҳиди пайдо бўлди, баҳор гуллари очилди, тоғ шабадаси пайдо бўлди ва қаср атрофлари куёш нурлари билан ёритилган яшил гилам билан қопланди.

Барча ҳайрон ва ҳаяжонда қотиб қолди. Шоҳнинг ўзи ҳам узоқ вақтгача лом-лим деёлмади.

– Бу қандай мўъжиза? – ниҳоят сўради у.

– Баҳмал, - соддагина тушунтирди чевар. – Бу Ватанимнинг жилосидир.

Шу вақтдан бошлаб камалакнинг барча ранглари билан товланувчи гўзал матолар Баҳмал, деб атала бошланган экан.

Молгузар ва Чумқортау орасида жойлашган Баҳмал водийси ҳақида шундай гўзал афсона тўқилган.

Ҳақиқатан ҳам бошқа жойларда кишини Баҳмалдагидек лол қолдирадиган гўзал табиат манзараларини кўрмайсиз. Тоғларнинг ва дарёнинг кенг супасимон ёнбағрлари эрта баҳордан бошлаб, майсалар баҳмал тўшови билан қопланади, ёзга бориб атроф олтиндек буғдойзорга бурканади, улар ўртасида боғлар ва ўрмончалар халқалари қорайиб кўринади. Сал юқорида – тоғ ёнбағирларида арчазорлар ҳукмронлик қилади, ундан ҳам баландроқда эса алп ўтлоқлари ва кишки қорлар кўриниб, улар чўққилар орасидаги чуқурликларни эгаллаб ётади.

Табиат унинг Мирзачўл ва Қизилқумнинг жазирама иссиғидан ҳамда Помирнинг абадий совуғидан атайин ҳимоя

килгандек, бу жойларда меҳнат ва дам олиш учун қулай иқлим яратгандек.

Бахмал йилнинг ҳамма фаслида, ҳаттоки иқлим ноқулай вақтлар – довул ва жазирамада ҳам такрорланмас гўзал. Фақат бир жойнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини кузатиб, ўзига хос гўзалликни кўрасиз.

Майли, тоғларнинг чўққиларини қорамтир булутлар ўрасин ёки атрофни оппоқ совуқ туман боссин, барибир бу жой ўз гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этади.

Бу ерда қиш такрорланмасдир, у ўз номига мос келади. Арчаларнинг тик қоматини, яшил баргларини оппоқ қор қоплаган. Қалин ва момик қор ер юзи паст-баландлигини текислаб, баҳордаги тошқин сув изларини яшириб, ерни текислашга интилгандек ястаниб ётади. Кўпчилик жойларда оппоқ қор устида ёввойи чўққалар ёки хуркак қуёнларнинг изи бир-бирини кесиб ўтади.

Қуёш-чи? У шунчалик ёрқин-ки, гўёки оппоқ қорни ойна сингари ялтиратиб, нур қайтаришга мажбурлагандек ёритади ва бу ялтираган ёнбағирда арчалар худди қора холлардек ҳар жой, ҳар жойда кўринади.

Эрта баҳорда тоғларнинг пастки қисмидаги қор илиқ ғарбий шамол таъсирида тезда эриб кетади ва шарқираб оқувчи ирмоқлар шаклида борлиқни тўлдиради. Лекин улар кўпинча қўшилиб, тошқум билан тўйинган вақтинча ариқчалар ҳосил қилади. Бу ариқлардаги лойли-сувли бўтқалар қишлоқлар кўчаларига бостириб киради ва йўлида учраган барча нарсани ювиб кетади.

Тоғда қор аста-секин эрийди, гўёки қиш ўзи эришган муваффақиятни қайтариб беришни орқага сурмоқчи бўлгандай ҳаракат қилади.

Қорлар худди баҳордан яширингандай чуқур жарлар, чуқурликлар орасига кириб олади. Лекин барибир чекинишга мажбур бўлади. Эрий бошлаган жойни эса баҳор майса гиламлари қоплайди, улар орасида оқ, сариқ бойчечаклар, кўм-кўк чучмомолар аста бош кўтаради.

Кейин бирдан ҳақиқий баҳор келади. Бахмал ўз номига мос бахмал сўзана билан қопланади. Баҳор қишнинг қолдиқлари устидан босиб ўтиб, унинг охирига қалъаси тоғ чўққилари томон интилади. Ҳавода нам тупроқлар, гуллар, шудринг хиди хукмронлик қилади.

Ёзнинг бошланишида Бахмал бир неча кун қип-қизил лолақизғалдоқлар билан қопланади. Бу лолақизғалдоқларни буғдойзорда, боғларда, ҳаттоки уйларнинг томларида кўришингиз мумкин. Улар келаётган ёзни, унинг оппоқ осмони, иссиқ ҳавоси, саёзлашган дарё ва ариқларини эслатиб туради.

Улардан кейин бирданига яшил ўтлар қуриydi, буғдойзорлар эса олтин рангга киради. Баҳорда кенг водийдаги улкан тошларни думалатиб оқизган дарё саёзлашиб, тагидаги тошлар кўринади. Шунинг учун ҳам бу дарёни Сангзор, деб аташади.

Баланд тоғларда эса ҳали ҳам баҳор билан ёзнинг кураши давом этади. Бу олишув бутун ёз давомида баҳор фойдасига ҳал бўлгандек, ёнбағирларни кўм-кўк ўтлар ва лолалар гилами қоплаб ётади. Енгил шабада арчазорлардан ўрмон ва елим ҳидини олиб келади.

Ёзнинг охирида эса тескари жараён бошланади. Баланд тоғликлар биринчи бўлиб кузни кутиб олади. Кечкурунлари кучли совуқ тушади, шамол кучаяди. Эрталаб тошлар юзасида шудринг пайдо бўлади. Лекин бу шудринглар биринчи куёш нурлари таъсиридаёқ эриб кетади. Куз аста-секин ўз кучини кўрсата бошлайди ва водийда ҳам намоён бўлади. Лекин унинг таъсири тоғдагидек кучли эмас. Фақат эрталаб сариқ ўтлар устида шудринг ялтираб кўринади.

Мана биринчи сариқ, олтин рангли барглар ҳам кўринади. Дарё ёқасидаги чангалзорлар қизғиш тусга киради, ҳаво борган сари софлашади ва тиниқлашади. Ариқчалар ёнида ҳали ҳам янги кўчатлар пайдо бўлади, улар тез-тез тушаётган совуқдан кўп яшамайди. Ниҳоят, тоғда биринчи қор тушади. У одатдан ташқари оппоқ ва ялтироқдир. Унга кузнинг илиқ кунлари хавфли эмас. Қор кўпайиб, ўз майдонини кенгайтиради ва чўққилардан водийга томон аста-секин пасаяди.

Дараларда биринчи қор кўчкисининг баланд товуши Бахмалга киш қайтганини тантанали эълон қилади.

Бахмал бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки географик райондан ташкил топган.

Биринчиси, Сангзор дарёсининг кенг ўзани бўйидаги тепалик жойлардир. Қадимги денгиз супасимон ёнбағир ва адирларда кўп сонли қишлоқлар, боғлар, буғдой ва арпа экилган майдонлар ястаниб ётади. Бу майдон 80 километрдан ошиқроқ жойни эгаллаб,

Ғаллаорол шахридан Қорашақшақ кишлоғигача боради ҳамда сайёҳларни баҳор ва кузда ўзига жалб этади.

Иккинчиси, ёзнинг жазирамасида сайёҳлар тоғли зонага, ўрмон ва сув, салқин ҳукмрон бўлган жойга интилишади.

Сангзор хавзаси ёнидан ўтиб, Зоминсувга элтувчи автомобиль йўлини қургандан кейин Бахмалга бориш қулайлашади. Автосайёҳлар бу асфальт йўлдан бориб, Авлиё, Ўснат, Дангари ва Қашқарсувни томоша қилишлари мумкин. Пиёда юришни яхши кўрган сайёҳлар учун содда ва мураккаб маршрутлар бор. Уларнинг эътиборини ўрмонли Алдашман, Тақоба, Ўснат, қояли чўққиларга ва чуқур дараларга бой Молғузар тортиши мумкин. Спорт даражаси унча юқори бўлмаган сайёҳлар ҳам бемалол Чашмор ва Кўктепа, Латабанд ва Лангар, Паргар ва Чандир доволаридан қийналмай ўта олишади. Баландлиги 3000 метрдан юқори бўлган Чумқартау, Ойқор, Оқтош, Учқизга кўтарилиш учун, албатта, тажриба ва маҳорат кўпроқ бўлиши керак.

Бахмал атрофида кўпгина сайёҳлик иншоотлари – Науқа ва Авлиёнинг қарст булоқлари ва ундаги балиқлар, кўп асрлик чинорлар ва қайрағочлар, қоялар, эски қаср харобалари, қадимий кўрғонлар, масжидлар ва мақбаралар бўлиб, уларнинг кўпчилиги тарихий аҳамиятга эга.

Бахмал келажакда жумҳурият аҳамиятига эга дам олиш зонасига айланади. Бу жойда янги дам олиш уйлари ва санаториялар, соғлиқни тиклаш негизлари ва кемпинглар, пансионатлар ва болалар лагерлари, шу ерда тайёрланган қимиз билан доловчи шифохоналар қурилади.

Минглаб кишилар бу жойда дам олиш кунларини ўтказадилар.

Шу сабабли ҳозирдан кўп нарсаларни ҳисоблаб чиқиш, ўрганиш, дам олиш зоналарини лойиҳалаштираётганда дарёлар тозалигини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сонини сақлаб қолиш чорасини кўриш керак.

Кетмон чопди ва Кампир кўл

Мўъжизакор табиат ўзининг санъатини ҳеч бир кўрмаган жойда намоён қилади. Гоҳида табиат яратган бундай асарни кўриш

учун уни узоқ излашга, тоғлар орасида ёки чўлларда бир неча кунлаб юришга тўғри келса, гоҳида у аҳоли кўп яшайдиган жойнинг ёнгинасида ҳаммага кўз-кўз бўлиб туради ва унинг келиб чиқиши ҳақида афсоналар тўқилишига сабаб бўлади.

Осмонўпар чўққилари қор билан қопланиб ётган Ҳисор тоғи республикамиз ҳудуди жанубида елпигичсимон тармоқларга бўлиниб, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб, чўзилиб кетади. Бу тармоқлардан бири Кетмон чопди, деб аталади. Чунки оҳақтошлардан ташкил топган чўққи ўртасида каттакон кемтик жой бўлиб, у худди кетмон билан чопиб олинганга, гўё бир Рустаму дoston афсонавий кетмони билан бу жойни икки марта чопгану, кейин шундайлигича чала ташлаб кетганга ўхшайди. Бу чўққининг ён бағрида кичкина кўл бўлиб, “Кампир кўл” дейилади.

Булар ҳақида хилма-хил афсоналар тўқилган.

Бир замонлар гўзал Ширин ишқида юрган Фарҳод ва золим Хисрав шу ерда учрашиб, иккаласи ҳам Ширинга совчи юборишади. Севгилиси Фарҳоднинг куч-қудратига ишонган Ширин шундай шарт қўяди. “Икковингиздан қайси бирингиз тоғни кесиб, шу атрофга сув келтирсангиз, ўшанга ёр бўламан”.

Шартга кўра, Фарҳод чўққини ўйиб, сув ўтказиши, Хисрав эса ерни қовлаб, сув келтириши керак эди. Фарҳоддан кўрққан Хисрав фириб йўлига ўтади. У қудуқ қавланадиган ер атрофига тезда янги тўқилган қамиш палос ёздоради. Қамиш палос узоқдан ялтираб, сув босган ерга ўхшаб кўринади. Фарҳод тоққа бориб, азамат кетмони билан чўққини икки марта чопганда, орқасидан ёсумон кампир етиб келади-да, бундай дейди: “Фарҳод, сен бекорга овора бўлаяпсан. Хисрав аллақачон қудуқдан сув чиқарган. Бугун Ширинга уйланапти. Ишонмасанг, ўзинг қара!”

Фарҳод қишлоққа қарайди ва ялтираб турган палосларни кўриб, сув деб ўйлайди. Шириндан ажралганига чидай олмаган Фарҳод бундай шум хабар келтирган ёсумонни кўтариб отади. Кампир тушган жой ўйилиб, кўл ҳосил бўлади. Шундан кейин бу кўл “Кампир кўл” деб ном олади.

Ҳақиқатан ҳам, Кетмон чопди чўққисидан бирмунча жануброқда, ёнбағрда диаметри 12 м келадиган кўл ҳозир ҳам мавжуд. Лекин “Кетмон чопди” ва “Кампир кўл” нинг келиб чиқиши, албатта, афсонадагидек эмас, балки булар бунёдкор табиатнинг маҳсулидир. Кетмон чопди чўққиси оҳақтошлардан

ташкил топган бўлиб, йиллар давомида ёмғир-қор сувлари таъсирида қоянинг шу қисми эриган ва бу улкан кемтик пайдо бўлган. Кампир кўлни текширишда маълум бўлдики, кўлнинг диаметри 12 м, чуқурлиги бир неча метрга етади ва кўлдан бирмунча юкорида жойлашган 2 булоқдан муттасил равишда сув билан таъминланиб туради. Кўл қандай пайдо бўлган? Бир вақт бу кўл ўрнида сурилма бўлган. Натижада сурилма танаси билан ёнбағир ўртасида чуқурлик пайдо бўлган ва чуқурлик аста-секин булоқ сувлари билан тўлган.

“Қирқ қизлар”

Туркистон ва Моргузор тоғлари туташган хушманзара жойда Ғўралаш кўриқхонаси жойлашган. Кўриқхона қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб турадиган арчалар билан қопланган. Ғўёки табиат ўзининг бор гўзаллигини шу ерга инъом этгандай. Арчалар орасидаги ёлғизоёқ сўкмоқ бўйлаб борилса, ажойиб манзара намоён бўлади. Тепа ён бағрида бўйи 10 м келадиган одам гавдасига ўхшаш иккита тоғ учрайди. Улардан бир неча метр нарида эса, бир қатор қилиб тизилган, шунга ўхшаш қирққа яқин тош шакллари бор. Бу машҳур “Қирқ қиз” дир.

Афсоналарга кўра, бир вақтлар бу ерда қудратлиликда тенги йўқ, мағрур бир шоҳ ҳукмронлик қилган. У севиқли маликаси учун тоғлар орасидаги энг гўзал жойдан ҳашаматли қаср қурдиради ва ўзи маликаси ёнига тез-тез келиб туради. Маликанинг гўзаллиги эл орасида доврўқ бўлган эди. Қўшни мамлакат шоҳи маликага ошиқ бўлиб қолади ва уни кўлга киритиш пайига тушади. Қўнлардан бир қўни шоҳнинг бир ўзи малика ёнига келганидан хабар топган қўшни мамлакат подшоси қўшин тўртиб келади ва қасрни ўраб олади. Қўнлар тенг бўлмаган жанг бошланади. Шоҳ, малика ва қирқ қанисак мардонавор жанг қиладилар. Лекин улар енгилдилар. Ғолиб шоҳ маликани талаб қилади. Шунда бир-бирини севган шоҳ ва малика “Эй парвардигор, жудолик аламини торттиргандан кўра, яхшиси тошга айлантир”, - деб илтижо қиладилар. Бу нола ижобат бўлиб, ҳаммаси тошга айланади.

Бу бир гўзал афсона, албатта. Ҳақиқатда эса бу илмий адабиётда ер пирамидалари, деб аталувчи ва морена муз

ётқизикларида кўп учровчи нурашнинг бир хили, холос. Қадимги даврларда бўлиб ўтган кучли муз силжишларидан кейин бу жойларда кўплаб лой, кум, шағал ва харсанг тошлар аралаш ётқизиклари қолади, улар йиллар мобайнида ювилавериб, ҳар хил шакллар пайдо бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, кишиларни таажжубга солувчи бундай шакллар, асосан, Альп, Кавказ, Олтой, Ғарбий Помир ва бошқа районларда учрайди. Юқорида таърифланган “Қирқ қиз” ҳам конгломератларда учровчи ер пирамидаларининг бир туридир.

Миллион йиллар муқаддам “Қирқ қиз” ўрнида тоғ музликлари мавжуд бўлиб, улар силжиганда ҳар хил ётқизикларни ҳам суриб келган. Улар эригандан кейин ерда лой, кум, шағал, харсанг тошли ётқизиклар қолган. Ён-теварагидаги ётқизиклар ювилиб кетиши натижасида конуссимон шаклдаги устун устига чиқиб қолади. Пировардида одам гавдасига ўхшаш шакллар пайдо бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, “Қирқ қиз” деб номланган бундай тош устунлар республикаимиз ҳудудида кўплаб учрайди. Маҳаллий аҳоли “Қирқ қиз” деб атовчи жойни Ғарбий Тянь-Шандаги Угом дарёсининг чап соҳилида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги Танабердисой қишлоғидан юқорига юрилса, чап соҳилда оҳақтошлар ғалати бурмалар ҳосил қилган. Шамол, ёмғир ва қуёш нури оҳақтошларни ювиб, тарошлаб, ажойиб устунлар ва пирамидалар ҳосил қилган. Улар узокдан оқ, сарғиш, кулранг ва қорамтир тусларда товланиб кўринади. Тепадан қаралса, бир тўп қизлар дарёга тушиб бораётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам бу ажойиб кўринишли жойни “Қирқ қиз” деб аташган.

Қўйтошдаги “тош қўйлар”

Афсонавий жойлардан яна бири – Нурота тоғидаги Қўйтош қони бўлади. Қўйтош посёлкасидан чиқиб шарқий ёнбағрга узокдан қаралса, кўм-кўк яйловда, ўтлар орасида дам олиб ётган қўйлар подасига ўхшаган харсанг тошлар кўринади.

Динга эътиқоди кучли инсонлар афсонасига кўра, қўйлар бу ерда ўтлаб юрганда, худонинг қаҳрига учраб, тошга айланиб қолганмиш. Назаримизда, бу ҳеч қандай сирли ҳодиса бўлмай, балки наққош табиатнинг мўжизаларидан бири, холос. Бу ёнбағир инрузив (отқинди) тоғ жинсларидан бири бўлган

гранодиоритлардан ташкил топган. Мазкур жинс ҳар хил минераллар – кварц, дала шпати, слюда ва шунга ўхшаш жисмлардан ташкил топган бўлиб, бу минераллар ташқи факторлар таъсири, шамол, ёмғир, иссиқ-совуққа чидами ҳар хил бўлганидан тезда емирилиб, думалоқ шакл олади. Шунинг учун узоқдан қараганда, улар қўй подасини эслатади.

“Муқаддас” тош

Сиз ўзингизни тоғлар орасида саёҳатдаман, деб фараз қилинг. Дам олиб ўтирганингизда шеригингиз ўзининг нақадар кучли эканлигини, хоҳласа оғирлиги 200 тоннадан ошиқроқ харсанг қояларни бемалол сураман, деб айтса, “Э, лоф ҳам эви билан-да”, - деб қуласиз. Лекин ҳамроҳингиз ўрнидан туради ва қаршингизда турган узунлиги 19 м, баландлиги 5,5 м, оғирлиги 200 тоннадан ошиқроқ улкан харсангни секингина бир қўли билан итаради. Шунда қоя қимирлайди ва 5-10 мартагача тебранади. Сиз ўз кўзингизга ишонмайсиз. Гўёки назарингизда кўзларингиз сизни алдаётгандай бўлади. Бундай таассуротдан қутулиш учун ўрнингиздан туриб, харсангни итариб кўрасиз. Харсанг эса сизнинг енгилгина итаришингиз билан ўз ўрнидан силжиб, тебрана бошлайди.

Йўқ, биз ҳаёл сураётганимиз йўқ. Бундай табиат мўъжизаси ҳақиқатда мавжуд бўлиб, у Нурота тоғ тизмасининг (Оқтоғнинг) жанубий ёнбағрида жойлашган Санги жумон харсангидир (Санги жумон тожикча сўз бўлиб, санг – тош, жумон – тебранувчи демакдир). Бу харсангнинг энг ажойиб хусусияти тебранишидир.

Ҳақиқатан ҳам, оғирлиги 200 тоннадан ошиқроқ бу қояни ғарб томонга қараб итарсангиз қимирлайди ва 5-100 мартагача тебранади. Унинг бу хусусиятини ва пайдо бўлиш сабабини тушуна олмаган маҳаллий аҳоли уни илоҳийлаштирган. Шунинг учун бу харсанг атрофига туғлар кўтарилган, ҳар йили қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинади.

Ҳақиқатан ҳам Сангижумон мўжизакормикин? Йўқ, албатта. У табиатда учрайдиган кўп ҳодисадир. Харсангнинг тебраниш хусусияти унинг емирилиши натижасида ҳосил бўлган. Сирли тош интрузив тоғ жинси – гранитдан ташкил топган. Бу жинс

кристаллари ташки кучлар таъсирида емирилади. Бу районларда тез-тез бўлиб турувчи кучли шамоллар ўзи билан ҳар хил жинсларни олиб бориб уриб, бу харсангни силлиқлаган. Харсангнинг пастки қисмида одатда йирик жисмлар кўп бўлганидан, унинг пастки қисми тезроқ емирилган. Ёнбағридан оққан ёмғир, қор сувлари эса харсанг тагидаги замин ҳамда харсангнинг емирилишига янада ёрдам берган. Бу жараёнлар бирга давом этиши натижасида Сангжумон куйи қисми тобора кўпроқ ўйилган, харсангни замин билан боғловчи ингичка таянч узилган, Сангжумон ўткир учли таянчда тебраниб туриб қолганлиги сабабли уни ҳар бир киши бемалол тебрата олади.

ТЕКИСЛИК ЛАНДШАФТЛАРИДАГИ ЭКОСАЙЁҲЛИК МАНБАЛАРИ

Қуруқликдаги орол

Самарқанддан унча узоқ бўлмаган, шинамгина Фарход шаҳарчаси жойлашган жойда Зарафшон дарёси иккига бўлинади. Унинг шимолий irmoғи Окдарё, жанубийси Қорадарё деб аталади, кейин бу икки irmoқ бирлашиб, қирғоқлик устида Миёнқол ороли ҳосил бўлади.

Зарафшоннинг бу икки irmoғи рангига қараб қўйилган номларни шу дарёлар қирғоғида бўлганингиздагина тушунасиш. Окдарё ўзанида сон-саноксиз майда оролчалар бор бўлиб, у оқиш рангдир. Сувининг бирмунча саёзлиги ва ёзилиб оққанлиги туфайли у яна ҳам окроқ кўринади. Қорадарё эса, аксинча, битта кучли оқимда ва анча чуқурда оққанлиги туфайли суви қорамтир кулранг тусда. Бу икки irmoқ юз километр атрофида бир-бирига ёнма-ён равишда ғарбга оқади ва Хатирчи туманининг Янгиработ посёлкаси олдида бир-бири билан яна туташади. Шундай қилиб, Окдарё билан Қорадарё қуруқлиги устидаги бу оролни икки тарафдан сувли ҳалқа шаклида ўраб олади ва майдони 120 квадрат километрли орол ҳосил қилади.

Бу майдонда ўнлаб хўжаликлар жойлашган. Улар пахта, гуруч, полиз экинлари, мевалар етиштириш билан шуғулланади.

Орол устидан тўғри чизиклар шаклидаги бош каналлар ва улардан ажралган ариқлар тармоғи тарқалиб кетган.

Миёнқол ороли энг қадимий даврлардан бошлаб Зарафшон водийсининг иқлими қулай жойларидан бири ҳисобланган. Бу жойда ўтган ва ҳозирги даврда ҳам деҳқончиликдаги суғориш ишлари учун қулай шароитлар мавжуд.

Миёнқол ороли – Ўрта Осиёдаги энг қадимий деҳқончилик маркази эканлиги тўғрисида ундаги антик даврдаёқ қурилган сув иншоотлари хабар беради. Бундан ташқари, қадимда ижод қилган муаррихларнинг Миёнқол оролидаги ривожланган хўжалик тўғрисидаги маълумотлар сақланган. Бу ерда яна қадимги асосий аҳоли пунктлари жойлашган. Ўрта асрларда яшаган араб сайёҳи ал-Истаҳри ёзган эди: “Суғд энг ёқимли ва чиройли жойлардан бири бўлиб, у дарё бўйича узлуксиз давом этади...”(24,96) Бундан ташқари оролнинг номи Эрондаги кўпчиликка маълум Мианганг (каналлар ўлкаси) деган номга ҳамоҳанг бўлиб, бу ном унинг оламга машҳурлигидан далолат беради.

Бу оролнинг жумҳуриятимиздаги иқтисодий аҳамияти маълум бўлса-да, унинг табиий-географик шароити ва келиб чиқиши бирмунча жумбоқдир. Унинг пайдо бўлиши тўғрисида бир қанча фаразлар мавжуд. Уларнинг ҳаммасида дарёнинг иккига айрилишида асосий ролни тектоник ҳаракатлар ўйнаган ва бу жараён яқин ўтмишда бўлган, дея қайд қилинади.

Тахминан, 15-20 минг йил олдин, юқори антропоген даврида унинг тоғли қисми ҳали музликларни сақлаган. Ҳозирги мавжуд музликларнинг ҳажми эса ўша вақтда 3-5 марта каттароқ бўлган. Масалан, Зарафшон муз қатлами узунлиги 100 км (ҳозир 28 км), Ягноб музликлари битта умумий муз дарёси шаклида (ҳозир улар бўлакланган ва юпка). Фан тоғлари эса ҳамма тарафидан муз қоплами билан то 1800 метр баландликкача қопланган эди.

10-12 минг йил аввалги иқлимнинг кескин исиши бу муз массаларининг эришига сабаб бўлган ҳамда катта миқдорда ёмғир ва қор ёққан. Жуда катта сув массаси палеозарафшон дарёсининг тор водийси бўйлаб ҳаракатга келган ва ўзи билан тош, шағал бўлақларини олиб келган. Ҳозирги Миёнқол ўрнида эса Зарафшоннинг энг кенг қисми жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 20 километргача етган. Вақт ўтиб сув массаси камайиши билан тоғли қисмда Зарафшоннинг кўп ирмоқлари қуриган ва дарё саёзлашган.

Бунинг натижасида дарё кенг ўзан орасида иккига бўлиниб оқа бошлаган.

Қизиғи шундаки, шимолий ирмоқ – Оқдарёнинг мавжуд бўлишига борган сари хавф туғилмоқда. Бунинг асосий сабаби Туркистон тоғлари ва унинг тармоғи бўлган Нурота тоғ тизмалари юқорига қараб таъсир этувчи тектоник жараёнлар натижасида ўсмоқда ва бу ўсиш Зарафшон тоғларига нисбатан бирмунча кучлироқдир. Бунинг натижасида Зарафшон ҳам аста-секин жанубга томон силжимоқда. Бу силжишда Оқдарё бирмунча тезроқ бормоқда ва у аста-секин Қорадарёга яқинлашмоқда.

Шу сабабли Оқдарёнинг сув ҳажми аста-секин камайиб бормоқда. Бу жараёни қадимги суғориш мутахассислари ҳам таъкидлашган.

Зарафшон тармоқланган жойда сувни тақсимлаш қадимдан мавжуд бўлган. Эрамизнинг биринчи асрларида бу ерда сув тақсимлагич дамба қурилган. XVI асрда эса тош ва пишган ғиштдан сув айирғич кўприк қурилиб, унинг арки бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Кейинчалик эса бу ерда тўғон қурилган. Лекин бир неча марта дарё сувлари ювиб кетиши натижасида яна тикланган. Ўтган аср охири ва асримиз бошларида Зарафшоннинг сувини ёғоч дамба билин тўсиб, бўлмоқчи бўлишган, лекин бу иншоот қиммат ва ишончсиз бўлиб чиққан. Зарафшон сувини бўлиш учун ишончли сув айирғич қуриш масаласи фақат бизнинг вақтимизда ҳал бўлди. Ҳозир сув иккига бўлинадиган жойда мустаҳкам темир-бетон Оқдарё гидроузели қурилиб, у сувни автоматик равишда тақсимлайди.

Сахро медальони

Асфальт йўлдан енгил учиб бораётган автомобиль эрталабки туман билан қопланган Зарафшон воҳасини ортда қолдириб, жануби-ғарбга – уфқда кўриниб турган чўққили тоғларга интилмоқда. Орқада Зиёвуддин темир йўл станцияси, қадимий Нарпай канали ва йўл чеккасидаги ихота ўрмонлари бирин-кетин ортда қолди. Тоғ олди текислиги аста-секин қирларга уланди.

Чап томонда Зирабулоқ тоғининг қия ёнбағри жойлашган бўлиб, ёмғир сувлари таъсирида ювилавериб, сон-саноксиз каналчаларга айланган. Ўнгда тепаликлар, улар аста-секин қояли Зиёвуддин тоғига уланиб кетади. Биз кетаётган йўл кенг тоғлараро текисликка чиқади, бу жой мутахассислар томонидан Қарнаб букилмаси, деб аталган. Унинг асосини палеозой даврининг хилма-хил тоғ жинслари ва мезокайнозой даври қатламлари эгаллаган. Бу қатламлар орасида ҳар хил фойдали қазилмалар ва сув бор.

Қарнаб букилмаси бир вақтнинг ўзида Қашқадарё ва Зарафшон хавзаларининг ҳам ер усти, ҳам ер ости сув айирғичлари ҳисобланади. Йўл аста пастлашиб бизни айна бир вақтда тарихнинг кизикарли ва кўпчиликка номаълум бўлган Қарнаб посёлкасига олиб боради.

Шу кунларда посёлка жумҳуриятимиздаги йирик қорақўлчилик маркази ҳисобланади.

Посёлка тожикча номланган бўлиб “тошаётган сув” маъносини билдиради. Демак, маъно жиҳатидан келиб чиқсак, бу ернинг асосий сув манбаи булоқ бўлиши керак. Ҳозир булоқ посёлканинг марказида. 1950 йилларда эса посёлка чеккасида жойлашган эди. Булоқ девор билан ўралган бўлиб, юқориси пахса гумбаз билан ёпилган.

Қарнаб қадимий аҳоли пунктидир. Биринчидан, одамлар маъдан эритиш хунари билан бронза асрида – уч минг йил олдин шуғулланишган. Иккинчидан, аҳоли пункти номининг келиб чиқиши камида IX-X асрларга тўғри келиб, Маворауннаҳрда ҳукмрон бўлган суғд тили айрим жойларда ғарбий эрон тили гуруҳи билан алмашина бошлаган ва бу тил ҳозирги тожик тили бўлган. Учинчидан, Қарнаб қулай географик ўрнига кўра тоғ олди деҳқонлари ва чўлдаги чорвадорлар ўртасида савдо маркази бўлган.

Шундай қилиб, Қарнаб эрамининг бошларида “Буюк ипак йўлининг” жануби-ғарбий тармоғида, Шарқ давлатлари ва Ғарбий Оврупони боғлаб турган йўл ёқасида пайдо бўлган. Бу савдо йўли Хитой ва Оврупани 2000 йилдан ошиқроқ боғлаб турган.

Қарнабдан унча узоқ бўлмаган жойда эрамининг биринчи асрларида Дабусия шаҳри барпо этилган бўлиб, кейинчалик Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган. Дабусия шаҳрининг қолган қолдиқлари ҳали ҳам ўзининг ҳажми билан киши ақлини лол этади. Искандар Зулқарнайн юришларини ёзган антик

давр тарихчиларининг маълумотлари ва ҳозирги замон тарихчиларининг фикрига кўра, айнан бу жойда эрамизга қадар IV асрда (ҳозир пахтазорлар ва боғлар билан қопланган майдонда), “Скиф саҳроси олдидаги текислик”да юнон кўшинларининг бир отряди Спитамен бошчилигидаги суғд кўзғолончилари томонидан кириб ташланган. Ўша жанг майдони ҳозирги Зиёвуддин ўрнида, деб фикр юритилмоқда, унинг олдида эса Дабусия шаҳри жойлашган.

Ўз вақтида шу шаҳар йирик карвон йўллари кесишган жойдаги Суғднинг асосий маркази ҳисобланган ва маҳсулот алмашиш бўйича Самарқанддан кейин иккинчи ўринда туриб, “савдо-сотик, ҳунаромандчилик ва судхўрлик шаҳри” бўлган. Дабусия Зарафшон воҳасининг ўрта қисмидаги қулай стратегик ўрнига кўра, Самарқандга интилаётган душманлар йўлида “мустаҳкам ёнғоқ” ролини ўйнаган. Водийнинг адир зонасида жойлашган Дабусия энг қадимги Нарпай каналидан сув ичган ҳамда қулай иқлим шароитига эга эди. Минглаб кишиларнинг жонига қасд қилувчи безгак касаллиги кам бўлган. Унгача яқин бўлган йирик савдо марказлари Кармана ва Рабинжонгача бир кунлик, Қарнабгача эса ундан ҳам камроқ йўл босилган. Қарнаб араб сайёҳлари хотираларида Қизилқум орқали кесиб ўтувчи оғир йўлнинг бошланиши ҳисобланган. Фақат шу жойдагина сайёҳ кумга кириб кетиш олдидан булоқдан чучук сув ғамлаб олиши, йўл бошловчи ёллаши, туя ва отлар сотиб олиши мумкин эди.

Кичкинагина чўл воҳасидан кейин теп-текис чаласаҳро бошланиб, тақир ва туз босган ерлар, саксовулларнинг жазирамада қуриган таналари учрарди. Фақат ҳар-ҳар жойда карвон йўли ёнида шўр қудуқлар учраши мумкин эди. Буюк ипак йўлининг жануби-ғарбий тармоғи Зарафшон водийсини энг қисқа йўл билан Дабусиядан бой савдо шаҳри Пойкентга (ҳозирги Қашқадарё вилояти) олиб чиқарди. Бухоро орқали унга йўл анча олис, ўзаро уруш йилларида хавфли эди.

Ҳозирга қадар Қарнаб норасмий “чўл пойтахти” ҳисобланади. Қадимий карвон йўллари ва сўқмоқлар сақланиб қолган, ҳозиргача одамларга хизмат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги автомобиль йўлларига айлантирилган. Улар Қарнабни Тим, Дараитут, Зирабулоқ, Саҳоба, Қоровулбозор, Муборак, Қарши масофалари

билан боғлайди. Бундай карвон йўллари ўрнида газ кувурлари ётқизилган.

Фақатгина сув манбаларининг камлиги кичик, аммо табиий ўрни қулай қишлоқнинг ривожланишига имкон бермади. Сониясига 30 литр сув бера олувчи булоқ кичик қишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Кейинчалик Буюк ипак йўлининг мавқеи пасайгач, Қарнаб ривожланаётган тараққиётдан жуда четда қолди ва чўлдаги чорвадорларнинг қишлоқ турар жойи ҳар замонда савдо-сотиқ қилувчи бозорга айланди. Энди қишлоқнинг ягона эътиборга лойиқ жойи ундаги “сахро медальони”, яъни булоқнинг тиниқ ва чучук суви бўлади. Қарнаб булоғининг ўзига хослиги, у Зирабулоқ тоғидаги бошқа булоқлардан фарқли равишда, қишлоқнинг қаҳратонида ҳам музламайди ва шу хусусияти алоҳида эътиборга молик.

Қарнабдаги булоқ тектоник ҳаракатларнинг оддий кучи билан пайдо бўлган. Яъни чуқур ер остида ётган гранит тана, тектоник ҳаракатлар натижасида ҳар хил йўналишда, қалинлик ва катталиқда бўлган ёриқлар билан парчаланган. Йилнинг нам фаслларида атмосфера ёғинлари – ёмғир, шудринг ва қор шаклида тупроқнинг юпқа қаватидан сингиб ўтади ва тош бағридаги юқорида айтилган ёриқлар бўйлаб ер ички қаватининг ҳарорати юқори бўлган жойларга тушади. Сувнинг ҳарорати 23-25⁰ гача исигач, ҳажми кенгайиб, юқорига кўтарилиувчи оқим таъсирида ер юзига исиган ҳолда чиқади. Сувнинг иссиқлиги эса ер ички қатламларидаги оддий юқори ҳарорат таъсирида бўлади. Бу ердаги пегматитлар – гранитнинг нодир қайта ишлашга берилувчан турлари, айниқса, юқори баҳоланади. Яна турмалин, корунд ғамламалари аниқланган. Зирабулоқтоғ марказида темир моддаси учрайди.

Бу ердаги барча фойдали қазилмалар саноатимиз захираси ҳисобланади. Лекин ҳозир ҳам ва барча вақтларда “сахро медальони” – Қарнабота булоғи табиатнинг буюк мўъжизаси бўлиб қолади.

Тим

Зирабулоқ тоғининг жанубида, тоғолди ва чўл зоналари ўртасида жойлашган Тим қишлоғи асоссиз равишда сайёҳлик маршрутларидан чеккада қолмоқда. Аслида эса бу табиатнинг

меъморчилик йиғиндиси ҳамма томондан қизиқ. Бу жойда ландшафтшунослар, маданият тарихини ўрганувчилар ва дам олишни ташкил қилувчи мутахассисларни қизиқтирувчи бой маҳсулотлар талайгина.

Тимнинг бой сайёҳлик имкониятларини ишга солиш кўп харажат талаб қилмайди. Биринчидан, автоулов йўли мавжуд, иккинчидан, Каттақурғон шаҳрига олиб боровчи йўл ҳар қандай автоулов учун қишин-ёзин очикдир. Қишлоқ олдидаги дарёча ва карст булоқлари дам олувчиларни тоза сув билан таъминлайди. Агар сув омборлари қуриса, қирғоқда чўмилиш ҳавзасини ташкил этиш мумкин. Ўрмон мелиорация ишлари яшил зона ташкил этиш имкониятини беради. Энг муҳими бу ердаги иқлим ўзгариши натижасида об-ҳаво анча мўътадил ва дам олиш учун қулайдир.

Табиатшунослар ёнбағирдаги палеозой даври ётқизикларини, ҳар хил ёшдаги тектоник сурилмалар ва интрузив (магматик) тоғ жинсларини томоша қилишлари мумкин. Зирабулоқ тоғининг жанубий этаги бўйлаб тоғни чўл зонасидан ажратиб, рельефда яхши кўринувчи қатлам ўтади. Бу бўртган қатлам Помир-Олой ва Турон плитаси орасидаги чегарадир. Бошқа жойларда эса бу тектоник уланган жой ёш ғовак қатламлар ортида қолиб кетгандир.

Тоғ ёнбағрида кўп сонли қоялар, дарё ёқаларида эса карст булоқлари мавжуд. Барча чўл ва паст тоғликларнинг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқдир. Ёш сайёҳлар учун бу икки зонанинг табиий географияси ўқув қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тимда минг йиллик арча бор бўлиб, у гўё Қарнаб чўлидан келаётган жазирамага қарши кўкрак кериб турган паҳлавонга ўхшайди.

Тарихчилар учун Тим бир ажойибхонадир. Бу ерда петрогрифлар – ибтидоий одамлар чизган суратлар мавжуд. Келажакда Тимда ўтказиладиган археологик изчилликдан сайёҳлар топаётган тош қуроллар дарак беради. Айниқса, меъморлик ёдгорликлари ҳақиқий ҳазинадир. Улар ичида X асрда қурилган Аработа макбараси ажралиб туради. У Ўрта Осиёда жуда нодир. Аработанинг ўзига хос хусусияти унинг гул билан безатилган равоғи бўлиб, у ўша давр меъморчилиги учун янгилик бўлган. Аработа ёнида XII асрда қурилган масжид бор. Улар ўртасида баланд тепалик Қултепа бор бўлиб, бу жой VI-VII асрларда қаср

бўлган. Агар бу ёдгорликлар яхши таъминланса, Тим қишлоғи учун энг яхши совға, сайёҳлар учун янги объект бўлади.

Тоғли жойларга сайёҳат учун Тимдан шимолдаги тоғлар катта имконият яратади. Тор даралар ва очиқ конлар, енгил чиқиш мумкин бўлган тоғ доволари, ўткир тоғ чўққилари ҳар хил даражадаги маршрутлар яратиш имкониятини беради, Зирабулок тоғларининг пастлигини эътиборга олсак, у кўпчилик чиқа оладиган енгил маршрут бўлади.

Қизил туз

Ўзбекистон бозорларининг сершовкин сотувчилари орасида юрар экансиз, жумҳуриятимиз кўпгина вилоятлари бозорларида кизғиш туз бўлаклари билан савдо қилаётган сотувчилар диққатингизни жалб этади. Одатда бундай тош туз бўлаклари дўкон оқ тузига нисбатан баҳоси анча қиммат бўлишига қарамасдан тезликда сотилиб кетади. “Бу қандай туз?” деган саволга сотувчи ҳозиржавоблик билан “Самарқанд тузи”, Самарқанднинг ўзида эса “Қарши тузи” деб жавоб қайтаришади. Маълумотларга кўра, у Самарқанд вилояти жанубидаги Қашқадарё вилоятининг “Кон” деган жойидан олиниб, ўзининг фойдалилиги ва таъми билан дўкон тузидан кескин фарқ қилар экан.

Жумҳуриятимиз туз бойликлари ҳақидаги биринчи маълумотни биз қадимги Рим тарихчиси Плиний асарларида Бактриянинг скиф томонидаги ош тузи олинадиган қўлни гапирар экан, эҳтимол, ҳозирги туз конини назарда тутган бўлиши керак. Бундан ташқари Плинийга Бактрия тоғларидаги кизғиш рангли ош тузи маълум бўлиб, у бу тузларни Ор ёки Ох дарёси ёқасида, деб ёзган эди.

У VI асрдаги Хитой қўлёзмаларида вилоятда “Ердан қизил туз чиқади”, деб ёзилган ва бу билан юқоридаги таърифланган “Қарши тузи”ни тушунишган бўлса керак. Айниқса, қадимий Ўзбекистоннинг ҳар хил рангли тузлари ўша даврлардаги Хитой сайёҳларини кучли таажжубга солишган, чунки қадимий Хитойда тузни денгиз сувидан VII асрдан бошлаб эса қўл сувидан парлатиб олишар эди. Шу сабабли қадимий Хитой қўлёзмаларида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги Анъ ёки Пухо вилоятида Хитой

элчисига “беш рангли туз”ни совға қилишганини хайрат билан хикоя қилишади. 751 йилда Хитой ҳукумдорига юборилган совғалар ичида Хоразмнинг “қора рангли тузи” (Хо-Сюн) борлигини ҳам ўша қўлёзмалардан биламиз.

XI-X аср қўлёзмаларида “Кешнинг туз кони” таърифланиб, бу ҳозирги гўзал шахрдан 64 км узоқда жойлашган, Башхурд туз конига тўғри келади ва муаллиф Худуд-ал-Алам берган таърифига кўра, бундай туз бошқа оламда бўлмаган. Бу туз кони таърифини ўша вақтдаги барча сайёҳлар ва айниқса, 1222-йилда даослик сайёҳ Чан-Чун билан шу жойдан ўтган Хитойлик тарихчилар таърифлашган.

Машхур сайёҳ Марко Поло XIII асрда Ўрта Осиёнинг Жанубий қисми билан ўтиб кетар экан, ҳозир Афғонистоннинг шимолида жойлашган Тиллакон конини ўрганиб: “Бу ерда туз шунчалик кўпки, (эхтимол, у Амударё юқорисидаги барча конларни назарида тутган бўлса керак) у дунёдаги барча инсониятга асрлар бўйлаб етади”, деб ёзган эди(24,98) ва XVIII асрлик сайёҳ Ф.Ефремовнинг “Бухорода туз етишмайди ва XVIII аср охирида унча тузни қўшни давлатлар қолмиқлар, қирғизлар “Оқ араблар” ва бир қисм хиваликлар юртидан келтирилади”(24,99), деган фикри нотўғри бўлса керак. Бу вақтда ўтган замонлардек туз бир қанча конлардан ва Зарафшон дарёси қуйи оқимида жойлашган шўр сувли қўлдан қазиб олинган. Бу қўл Қора-қўл яқинида бўлган ва ўша вақтдаги сайёҳ А.Бернс томонидан “Хожа Ганори” ҳам деб аталган. Бу жойдан қора рангли паст сифатли туз қазиб олинган ва унинг бир туяси 600 фунт (240 кг) атрофида бўлиб, ўтган асрнинг 30- йилларида тўртдан бири тилло ёки 90 тийин атрофида бўлган.

Тош тузи турларидан XVIII асрда сайёҳ Хрисанф “рангли кизил мармар шаклида” деб таърифлаган ва Бошқур кишлоғи ёнидаги кондан қазиб олинadигани машхур бўлган. Ўзининг “ширинроқ” таъми билан машхур бўлган бу туз Бухоро, Кармана ва Самарқандда “Қарши тузи” номи билан машхур бўлган, чунки бу жойларга Қарши орқали келган. Тошкент ва бошқа шимолий вилоятларда эса “Самарқанд тузи” деб аталган.

Ҳозирги геологик маълумотларга кўра, жанубий Ўзбекистон майдонида ва унинг атрофидаги жойларда 20 дан ошиқроқ ош тузи ва 5-6 калий тузи конлари мавжуд. Уларнинг умумий миқдори геологлар Петров ва Чистаковлар фикрича, 20-25 миллиард

тоннадан кам эмас. Туз қатламлари 300-400 метр қалинликда жойлашган. Ер юзига эса улар қатламлар шаклида чиқиб, туз тоғлари шаклида ётади. Буларга мисол қилиб, Гаурдок, Лайлимкон, Тюбегатонг, Оқбош, Одамтош, Бобосурхон, Контоғ, Гаухона, Байбичакон ва бошқалар мисол бўлади. Ўзбекистонда энг кекса туз казиб олинадиган Лайлимкондаги туз пайдо бўлиши тўғрисида маҳаллий аҳоли ўртасида бир афсона мавжуд бўлиб, унга кўра, коннинг ўрни бирданига чўкиб кетган ва чўккан жойда ёриқ пайдо бўлган. Бу ёриқдан олов отилиб чиққан ва атрофдаги барча арчали ўрмонни ёқиб юборган.

Олов ўчганда тоғ ёнбағрида тош тузи бўлаклари пайдо бўлиб, уни яламатуз, деб аташган. У кейинчалик казиб олиб хўжаликда ишлатила бошлаган. Бу туз конлардаги минераллар, хлоритлар: галит, сильвин, карналлитдан ташкил топган. Бундан ташқари улар ҳар хил микроэлементлар билан бойинган. Шу сабабли бу туз қатламлари ҳар хил қизил, яшил, кулранг, сарик рангга киради. Яна микроэлементлар тузга ҳар хил таъм ва ҳаттоки шифобахшлик хусусиятларини беришган.

ЭКОСПЕЛЕОТУРИСТИК МАНБАЛАР (ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҒОРЛАРИ)

Дарёли ғор

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғлари бўйлаб саёҳат қилсангиз, кўм-кўк дарахтлар орасидан шарқираб оқувчи булоқлари билан машҳур Лангар, ҳозирги вақтда ҳам тош тузи ковлаб олинаётган Кон далаларидан ўтиб, Кўкбулоқ қишлоғига борасиз. Бу ернинг манзараси жуда чиройли бўлиб, йўлнинг икки томонида хилма-хил тоғликлар ястаниб ётади. Улар юзасида қорсимон гипсли жойлар мавжуд. Кўкимтир гилли қатламлар билан сарғиш оҳақтошлар тўқ сарик қумлар билан алмашиб туради. Тўқ қизил гиллар орасига яшил ранглилар аралашиб кетган. Бу ерда, асосан, 2 та кичик ҳажмдаги ғор бўлиб, биринчиси Сувчиқар деб аталади ва атиги 40 метр узунликда. Унинг ичидан кичик дарёча оқиб, бир неча метрдан кейин яна

ер қаърига сингиб кетади. Иккинчиси Янгиғор деб аталиб, воронкасимон чуқурлик тагида жойлашган. У 120 метр масофага чўзилиб, кичикроқ дарёча шалдираб окиб ётади. Бу иккала ғор ҳам бор даврнинг гипсларида ривожланган.

Кўкбулоқ қишлоғидан бир ярим километр шимолроқда Сувчиқарсойнинг бошланиш жойида катта воронкасимон ўпирилмага дуч келасиз. Бу ўпирилма тагидан жануби-шарқий ва шимол томонга катта ғор йўлаклари кириб кетган. Унга кириш қисмининг баландлиги уч метр, кенглиги етти метр булиб, илонизи шаклига эга. Ерда хилма-хил шаклдаги яхши юмалоқланган тош парчалари бир вақтлар бу ердан сув оққанлигидан далолат беради. Ичкарига кирган сари йирик тош доқачалари камайиб, унинг ўрнига кум, лой кўп учрай бошлайди. Ичкарида қаердандир сувнинг бўғик шовуллаши эшитилади. Бир неча метр юрсангиз, атрофни бутунлай зулмат қоплайди ва қоронғуликдаги бу шовуллаш қандайдир сеҳрли эшитилади. Ғор ичига 80 метрча юргач, унинг учи кенгайиб залга кирасиз ва номаълум ер ости дарёси қирғоғига чиқасиз. Бу ерда ғор шипининг баландлиги 8 метрча ётади. Икки метрча чуқурликда тик қирғоқ тагида ер ости дарёси қоронғулик қўйнида шаркираб окиб ётади. Дарё ғорнинг чап тарафидаги кичикроқ тешикдан чиқиб, ўнг тарафига кириб ғойиб бўлади. Олдинда эса тик қирғоқ орқасида ғорнинг давоми кўриниб туради.

Дарё қирғоғидан 36 метрлар чамаси чўзилиб кетган йўлак бўлиб, у кичик бир залча билан тугайди.

Агар яхшилаб эътибор қилсангиз, полдан бир метрча баландликдаги туйнукка кўзингиз тушади. Ундан эмаклаб ўтилса, деворлари гипсдан ташкил топган думалоқ шаклдаги залга тушилади. Залдан ўтиб, йўлак бўйлаб 20 метрча олдинга юрсангиз, 2 метрча пастликда оқаётган дарё устидан чиқасиз. Ер ости дарёси ғорнинг узун тор йўлаклари билан оқади. Баъзи бир жойларда йўлак кенгайиб, баландлиги 10-12 метрча келадиган, кенглиги 15-20 метр атрофидаги залларга айланади. Сукунатни сувнинг секин чаккилаб томишию кўршапалакларнинг чийиллаши бузади, холос.

Каптархона ғорининг умумий узунлиги 980 метр бўлиб, у Ўзбекситондаги энг узун ғорлардан биридир.

Амир Темур I ғори

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғидаги йирик ғорлардан бири – Амир Темур ғоридир.

Маҳаллий аҳоли орасида Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган ғор тўғрисида ҳар хил афсоналар тўкилган.

Бироқ бизни у тўғрисидаги афсоналар эмас, балки ғорнинг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Ям-яшил арчазорлар билан ўралган Тошқўрғон қишлоғи ғорга энг яқин бўлган аҳоли пунктидир. Унга бориш учун қишлоқдан жануби-шарқ томонга Яккабоғ дарёсининг чап ирмоғи – Қалъадарё бўйлаб 8 км юрилса, чуқурлиги 400 метр келадиган дарани кўриш мумкин.

Амир Темур ғорининг оғзи ана шу дарё ўзанидан қарийб 200 м баландда – Қалъадарёнинг ўнг (шарқий) қирғоғида жойлашган. Бу ерда иккита ғор бор.

Биринчи ғор – “Отхона” деб аталиб, у узун бостирмага ўхшайди. Ғорнинг узунлиги 190 м, унинг иккала оғзи олдида бўйи 20 м, эни 10 м катталиқдаги супалар бор. Супаларнинг дарёга қараган томонларини ўраб турган деворлар пишиқ ғишт шаклидаги тош парчаларидан. Улар орасига арча ёғочлари ётқизиб мустаҳкамланган. Деворларнинг баландлиги 4-5 м. Бу супалардан бири “Отхона” билан Амир Темур ғорини бир-бирига туташтириб туради.

Амир Темур ғорига тошлардан ва арча ёғочларидан мустаҳкам қилиб ишланган зиналар билан чиқилади. Ғорнинг жануби-шарқий томонидаги деворида бир вақтлар каттагина тешик бўлиб, ҳозир у бекилиб кетган.

Ғор йўлақларининг кенглиги 5-10 м, баландлиги 10-25 м келади. Шипдан ва деворлардан осилиб турган жуда кўп сталактитлар ҳамда полдан “ўсиб” чиққан антиқа сталагмитлар махсус ёритгич ёруғида ажойиб манзара касб этган. Уларнинг айримлари масжид устунларини эслатса, баъзилари турли ҳайвон ҳайкалларига ўхшайди. Ён томонга қараб кетган кичик-кичик йўлақлар оғзини япалоқ шаклдаги сталактитлар тўсиб қўйган.

Ғор ичидан асосий йўлак бўйлаб 450 метрча юрган эдик, бирдан боши берк жойга келиб қолдик. Шу вақт жануби-ғарб томонда, пастга қараб кетган, одам зўрға сиғадиган қоп-қоронғу

тешикчага кўзимиз тушди. Бу ғорнинг давоми бўлиб, ундан яна йўлак бошланади. Бироқ ғадир-будир деворларидан сув томиб турган бу тор йўлакдан юриш жуда мушкул.

Йўлакдан кейин катта-кичик йўлакчалар орқали бир-бирига тутшиб кетган бир неча хоналар бор. Ғоршунослар одатича, хоналарнинг шаклига ёки бирон характерли белгиларига қараб, уларни Кичик зал, Кенг зал, Гумбазли зал, деб аташган.

Ғорнинг охирида Кўлли зал бўлиб, унинг узунлиги 70 м, кенглиги 30-40 м, баландлиги 25-35 м дир. Залнинг ғарб томонида баландлиги 3-4 м келадиган табиий супачалар бор. Деворлар ҳамда шифтда хилма-хил шаклдаги катта-кичик “сумалаклар” осилиб ётади. Уларни кўрган киши гўёки ўзини афсонавий дунёга келиб қолгандек ҳис қилади.

Кўлли залнинг шарқ томонига юриш анча оғир, чунки шифтдан узлуксиз томиб турган сув томчиларидан ғор туби сирпанчиқ бўлиб кетган. Ҳар жойда қўлмаклар, уюм-уюм тепалар кўзга ташланди. Бу ердан бир оз юрилса, суви тип-тиник каттакон қўл учрайди. Бўйи 30 м, эни 14 м, чуқурлиги 1,5-2,5 м бўлган бу қўлга шифтдан сув тушиб туради. Қўлнинг суви оддий дарё сувидан фарқ қилмайди. Унинг тубида сув кетадиган бирон ёрик бўлса керак, чунки сув сатҳининг кўтарилиши билинмайди.

Кўлли зал Амир Темур ғорининг энг охири бўлиб, ундан нарига йўл йўқ. Амир Темур ғори шундай бир шароитда вужудга келган-ки, ғор сатҳи ва унинг яқинидан оқиб ўтувчи Қалъа-дарё ўзани бир вақтлар бир хил юзада турганлигидан далолат беради. Тоғ жинслари қатлами орасидан пастга сизиб борган ер ости суви шу юзага етгач, ётиқ равишда атрофга силжиб, тоғ жинсларини – оҳақтошларни эрита борган. Натижада ер ости ёрликлари аста-секин кенгая бориб, минг йиллар мобайнида ғор бўшлиқлари ҳосил бўлган.

Бойқобил ғори

Сангисурх тоғининг ёнида хушманзара арчазор билан қопланган сой бор. Йўлда тез-тез булоқлар учраб туради. Улар гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан қоя тагидан шарқираб отилиб чиқиб, сой сувига қўшилиб кетади. Бу Эгамчўлоқ сойидир. Соининг энг юқори

қисмида 3 та ғор учрайди ва бу ғорлар уни биринчи топиб ичига кирган одам Бойқобил номи билан аталади. Улардан иккитаси 18 ва 21 м узунликда. Лекин шарқий қисмдаги ғор ўзининг улкан заллари, ноёб тош гуллари, ер ости дарёси билан киши ақлини лол этади.

Ғор гипсда ривожланган бўлиб, 1935 м мутлоқ баландликда жойлашган. Сой тагидан тик қояга чиқилса, анча баландликдаги тирқишга кўзингиз тушади. У ичкари борган сайин торайиб боради ва баъзи бир жойларидан эмаклаб ўтишга тўғри келади. 7 мча юрилгандан кейин эса у бирданига кенгайиб, баландлиги 10 м, узунлиги 16 м келадиган залга айланади.

Зал ичидаги сукунатни фақат кўршапалакларнинг чириллаши бузиб туради. Уни бирмунча айланиб ўтилгандан сўнг 2 м баландликда жойлашган, одам зўрға эмаклаб ўтиш билан акс садо қаерлардадир йўқолиб кетадиган, киши ақлини лол қилувчи улкан залга чиқилади. Абадий сукунатни ер остидан келаётгандай шалдираб турган сув товуши бузади. 22 мча юрилгандан кейин суви муздек ер ости дарёси учрайди. У абадий қоронғулик ичида қаерлардадир шошилиб оқади. Унинг қирғоғида диаметри 6 м га етадиган улкан гипс бўлаклари ётади. Унинг ўзани бўйлаб ғор ичига интиламин.

Ҳар қадамда улкан харсанглар учраб, юришга ҳалақит беради. Юқоридан, ғор шифтидан чакиллаб сув томчилари томиб туради. Дарё чап қирғоғидаги ғор полининг ва деворнинг бир қисмини майда гулларга ўхшаб кетувчи сталагмитлар қопланган. Мингларча майда, гулсимон сталагмитлар бир-бирига чалкашиб кетган ва бир неча квадрат метр майдонда наққош табиат йўнган, такрорланмас гўзал безаклар ҳосил бўлган. Бу жонсиз, ҳидсиз гулзордан ўтилгандан кейин 90 метрча дарёнинг ўзани бўйлаб юрилса, сув отилиб чиқаётган тирқишга дуч келинади. Сув сатҳи билан тирқиш шифти орасида 20 смча оралик бўлиб, у ердан махсус ёритгич ёруғидан ғорнинг узун йўлаги кўринади, лекин сув сатҳи баланд бўлгани учун ўтиш қийин. Эҳтимол, ёзнинг иссиқ пайтида сув сатҳи пасайиб, бу ердан ўтиш имконияти туғилиб қолар.

Бойқобил ғори ўзининг чексиз йўлақларини ўрганувчи жасур сайёҳларни кутмоқда (25,20-21).

Авлиё ғори

Дарбанддан кейинги узоқ давом этадиган кўтарилишдан сўнг йўл тепаликка чиқади. Чап тарафга йўл ёқасида чўзилиб кетган тик ёнбағирли Кетмончопти тизмаси қаршисида эса Бойсун ҳавзасига тик тушувчи йўл бор. Бу тепаликдан бутун ҳавза қафтдагидек аниқ кўриниб туради. Узоқроқда кўм-кўк орол шаклида Бойсун посёлкаси кўринади. Уни қизғиш рангли тепаликлар халқадек ўраб олган бўлиб, уларнинг ёнбағирларини қорамтир мевали боғзорлар, тўқ-кўк рангли пахтазорлар эгаллаган. Ўнг тарафда чуқур жар ва унинг ёнбағрида нураш натижасида қумтошларда ҳосил бўлган хилма-хил шаклдаги тепачалар учрайди, уларнинг бири кичик қасрчага ўхшаса, бири шохсупага, бири тик қояга ўхшаб кетади.

Айтишларича, “Тангимуш ота авлиё бўлган экан. У кишининг табаррук дуоларини олган ҳар қандай бемор кўп вақт ўтмасдан дардидан холос бўлар экан. Бу киши умрининг сўнгги вақтларини Бойсундан унча узоқ бўлмаган жойдаги бир ғорда ўтказибдилар. Бу ғорга у кишининг назарлари тушгани сабабли авлиё жойга айланиб, Тангимуш ота ғори, деб атала бошлабди. Ҳозир ҳам кимки астойидил у ғорга сиғиниб борса, ўз дардидан халос бўлар эмиш”(25,30).

Олдинда яна Шеробод – Сарикамиш грядасига кировчи баланд тепаликлардан бири бўлиб, унинг ўртасини номаълум сой суви қирқиб ўтиши натижасида бу жой девордаги улкан кемтикдай очилиб қолган. Бу кемтиkning чап тарафида, сой сувидан бир неча метр юқорида кичик бир уйча бўлиб, уйчадан юқорироқда эса олдига оқ латталардан олабайроқ тақилган ғор оғзи қорайиб туради.

Уйчада сон-саноксиз обдасталар, бир неча қозон, лаган ва қошиқлар тартиб билан териб қуйилган. Айтишларича, бу ерга келган зиёратчилар ўзлари билан олиб келинган молни Тангимуш отага сўйиб назар қилишгач, уни шу ерда пиширишаркан.

Ғор оғзи юзидан 20 мча баландликда жойлашган бўлиб, олдида тоғ осилиб туради. Кириш қисми учбурчак шаклида бўлиб, баландлиги 1,4 м, кенлиги 1,4 м. У шу ҳолда 2 мча чўзилган, баландлиги 80 смгача пасайиб боради. Шундан кейин ғор баландлиги 8 мча этадиган улкан залга айланади ва 70 мгача чўзилади. Ғорнинг поли қуруқ лой билан копланган бўлиб, баъзан яхлит оҳактош қатламлари ҳам чиқиб туради. Шифтдан эса оғир оҳактош бўлаклари осилиб туради. Залнинг охирида ғор торайиб,

кичик бир туйнукчага айланади ва ундан фақат эмаклаб ўтиш мумкин. Бу туйнукдан кейин ғор кенгайиб доира шаклидаги 2 залга айланади. Залнинг диаметри 10 м. Бу залдан кейин бир туйнук келади, ундан ўтилгандан сўнг 20 м узунликда, эни 9 м ва 2 м баландликдаги 3-залга кирилади. Шу зал билан ғор тугайди. Бу зал деворларида ойнага ўхшайдиган ялтировчи гипс қатламлари бор. Ғорнинг умумий узунлиги 107 м атрофида. Ғорда одам яшаганлигини билдирувчи изларни топишга бўлган барча уринишлар беҳуда кетган. Бу ғорда авлиё эмас, ҳатто одам изи ҳам учрамайди.

Тангимуш ота ғорининг ички қисмларидан доимий температура, нам микроиклимдаги айрим хусусиятлар баъзи касалликларга ижобий таъсир этиши оқибатида беморлар тузалган ва ғор Авлиё ғор номини олган бўлиши мумкин. Шу белгилар аниқланса, ғордан келгусида санаторий сифатида фойдаланилса бўлади.

Хўжа Гургур ота ғори

Тик ёнбағри жануби-шарққа қараган Гургур ота тоғида афсонавий Хўжа Гургур ота ғори жойлашган. Ғор авлиё хисобланиб, унга борган ҳар бир зиёратчи унда тошлардан кабрсимон тепачалар ясашади. Ғорга чиқиш анча машаққатли бўлиб, тоғ йўлларида 25 кмгача юришга тўғри келади. Ғор оғзи 3325 м мутлоқ баландликда жойлашган бўлиб, учбурчак шаклда, баландлиги 1,5 м, кенлиги 4 мга етади. Ғор ичи кириш қисмидан кескин кенгайиб кетиб, баъзи жойларда баландлиги 8 мдан ошиб кетади. Ғор шифтида ва деворларида майда сталактитлар бўлиб, уларнинг узунлиги 2-3 смдир. Ғорнинг ичида 107 м юргандан сўнг сувнинг ҳарорати 1,5 °C га тушган кўл бор. Ғор ичидаги ҳаво ҳарорати эса шу жойда 9 °C ча пасаяди. Текширишлардан маълум бўлдики, бу кўл ўрнида булоқ қайнаб чиқиб етади ва ғор ичкарасига йўл бор. Бу жойдан ўтгандан кейин ғор яна 600 мча давом этади ва бир неча тармоқларга бўлиниб тамом бўлади.

Хўжа Гургур ота ғорини умумий ўрганиш ўз кузатувчиларини кутмоқда, келгусида ғордан сайёҳлик иншооти сифатида фойдаланиш мумкин.

Суратли ғор

Минг йиллик азамат чинорию фоввора булоқлари билан машхур бўлган гўзал Сайроб посёлкасидан ўтиб, Катта ўзбек тракти бўйлаб ўзининг тарихий суратлари билан машхур бўлган Зараутсойга борилади.

1939 йилда Кўхитангтоғни кезиб юрган овчи ва табиатшунос И.Ф.Ломаев маҳаллий аҳолидан Зараутсойдаги ғорларда қизил бўёқда ишланган ғалати расмлар борлигини эшитади ва қизиқиб бориб кўради. Расмлар гўзаллигига маҳлиё бўлган сайёҳ иккинчи марта шу йилиёқ Зараутсойга тарихчи Г.В.Парфеновни олиб келади. Г.В.Парфенов Зараутсой камаридаги суратларни мукаммал ўрганади. Унинг ҳисобича, бу ердаги суратлар полеолит даврига мансуб бўлиб, ибтидоий одам ҳаётидан лавҳаларга ўхшайди. Кейинчалик 1966 йилда бошқа бир тарихчи А.П.Формазов бу ерда 200 дан ортиқ суратларни санайди ва уларнинг бирмунча мураккаб ишланганини кўриб, улар инсониятнинг полеолитдан бирмунча ёшроқ даври мезолит даврига тўғри келади, деб ҳисоблайди.

Машхур Зараутсой тагидан зилол сувли арикча жилдираб оқиб ётади. Сўқмоқ йўл гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, сой таги билан олға интилади. Икки тарафда оҳақтошлардан ташкил топган баланд қоялар қад кўтарган. Сўқмоқ ўнг тарафидаги сой этагидан 15 мча баландликда, тик ёнбағирда жойлашган 2 та тоқчасимон ғор бор.

Бу ғор машхур суратли Зарауткамар ғоридир. Бу ғорлардан каттасининг эни 4,8 м, баландлиги 3,5 м ва чуқурлиги 3,2 мга тенг эди. Ғор ичкари тарафида тик тўғри деворда ва шифтида қандайдир қизғиш доғли тўғри чизиқлар кўзга ташланади, лекин улар нималигини ажрата олиш анча қийин. Агар озроқ сув деворга пуркалса, қизил оҳра билан моҳирона чизилган суратлар намоён бўла бошлайди. Деворда яна чаққон чопиб бораётган хўкизлар сурати бор. Улар шунчалик моҳирона чизилганки, керилган бақувват кўкраклари, олға ташланган оёқлари бу чопишнинг қанчалик тезлигидан дарак беради. Овчилар елкаларига теридан қилинган қандайдир ёпинғичлар ёпишган. Қўлларида ёй ва яна қандайдир қурол бор. Улар калтакка ҳам, австралия бумерингига ҳам, шақилдоққа ҳам ўхшаб кетади. Улар орқасида итлар, ҳашоратлар қоматига ўхшаб кетувчи суратлар бор. Эҳтимол, бу ерда ов вақти сурати чизилган бўлса керак.

Иккинчи ғорда ҳам шунга ўхшаш суратлар бор. Яна сўқмоқ билан бирмунча юрилса, чап тарафдаги кичик ғорга дуч келинади. Ғор ичида қизил оҳра билан солинган шакллар мавжуд. Бу ерда кўпроқ ёзувлар мавжуд бўлиб, қуйироқда тўқроқ ранг билан жимжимадор араб алифбосида қатор жумлалар битилган. Юқориоқда эса оч-қизил рангда йирик харфлар мавжуд.

Бу қиррадор қадимий ҳинд харфларидир. Худди шундай харфларни спелеолог Л.Дядюченко Фарғона водийсидаги Чилустун ғорида топган, кейинчалик у ёзувлар Ленинграддаги собиқ СССР Фанлар Академиясининг Осиё халқлари институтида ўқиб чиқилган санскрит тили; довознагари формаси, деб топилганди. Лекин у Фарғона водийси, бу ерда эса Сурхон водийси – Зараутсой. Бу ёзувларни ким ёзган экан? Ҳинд сайёҳими ёки фоний дунёдан воз кечиб бу ерларга келиб қолган дарвешми? Дарвоқе, Ҳиндистонда юзлаб ғорда жойлашган ибодатхоналар мавжуд бўлиб, у ерда минглаб дарвешлар ўз умрларини тоат-ибодат билан ўтказганлар. Эҳтимол, улардан бири ёки бир гуруҳи бир неча асрлар илгари тоғлар ошиб бу хушманзара жойларга етиб келишгану ўз умрларини шу жойларда ўтказганлар.

Ҳар ҳолда, Зараутсой асрлар давомида инсоният авлодлари яшаб ўзларидан сўнг ўчмас из қолдирган тарихнинг ўчмас маконидир.

Ибтидоий одам макони

Катта ўзбек тракти бўйлаб юриб борар экансиз, Шўроб посёлкасига етмасдан чап тарафда Мачай, деб ёзилган оддий йўл кўрсатгичи намоён бўлади.

Мачай қишлоғига қираверишда ингичка тор сой бор. Бу бир вақтлар ибтидоий одамлар яшаб овчилик билан шуғулланган жой – Зауталашсойдир. Ҳозир ҳам сой тагида тез- тез ёввойи чўчка, тоғ какликлари, эчки излари учраб туради. У ерда жуда кўплаб ғорлар бўлиб, улар ичида машхури Тешиктош ғоридир. Бу ғорда академик А.П.Окладников 1939 йилда хилма-хил ибтидоий одамларнинг қурол-яроғлари ва 9 яшар боланинг калла суягини топган.

Бу ғор анча кенг бўлиб, баландлиги 7 м, узунлиги 21 мгача етиб боради. Ғор сатҳида археологлар қазув ишлари олиб

боришганда, унда хилма-хил ибтидоий одамлар тарафидан ишлов берилган тош бўлаклари топилган ва бу тош қуроллар нукелиус, деб номланган. Бу қуроллар билан бир қаторда йўлбарс, суғур суяклари, сибир эчкисининг шохи топилган. Аллақачон Ўрта Осиё территориясидан йўқолиб кетган ёввойи от қолдиқлари эса бир вақтлардаги бу ер фаунасининг бирмунча бойлигидан далолат беради. Бу суяк қатламининг қуйи қисмида инсон калла суяги, айниқса, яхши сақланган ва бу суяк асосида 200 минг йиллар илгари тарихчилар тарафидан “мустьер” деб аталган даврда яшаган неандерталь одам ташқи киёфаси қайта ишланган. Бундай тур одамлар кейинчалик ҳозирги замон одамига айланган, деган эҳтимоллар бор. Бу топилмани ер шарининг бошқа қисмларида топилган неандерталь одам қолдиқлари билан таққослаш шуни кўрсатдики, узоқ даврларда яшаган бу турдаги одамлар ер шарида жуда кенг тарқалган ва бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

Бўри уяси

Сурхактоғ шимоли-ғарбий ёнбағри билан маршрутда келар эканмиз, Қозонгузар сойидан 40 мларча баландликда қорайиб турган ғор оғзига кўзимиз тушади. Анча машаққатлар билан бу жойга кўтарилганимизда кенглиги 2,5 м, баландлиги 1 м келадиган ғор оғзига дуч келдик. Ғор йўлаги шимолдан жанубга чўзилиб кетган. Ичкарига кирилган сари у анча тиклашиб боради. Ғорда майда ҳайвоннинг сарғайиб кетган тиши, сал нарида қўй коворғаси, унинг атрофида эса йирик қорамол тиши, от туёғи қолдиқлари учрайди. Йўлак 91 мга етганда одам сиғмайдиган тор тирқишга айланди. Ён тарафларда ҳам бир неча шундай тор қавақлар мавжуд (25,99).

Ғорнинг шарқ тарафига кетган 30 см кенгликдаги ёриққа кўзимиз тушди. Ичкарига кирилганда у бирмунча кенгаяди ва 4 метрча давом этиб, қутилмаганда шакли билан биринчи ғор йўлига ўхшаб кетувчи йўлакка айланади.

Олачапон қишлоғидаги ғорнинг номи Дўлтабўрихона бўлиб, гўёки унинг ичи бўрилар уясига ўхшатиб таърифланади.

Ажинакамар ғори

Сурхондарё вилоятида Кўҳитангтоғ шарқий ёнбағрида жойлашган бир ғор тўғрисида афсона бор. Афсонага кўра, гўё ғор ичи ажиналар макони бўлиб, улар ўйин қилишар, шунинг учун ғорнинг ҳар жойига кўзгулар илиб ташланган экан. Ғор ичи хилма-хил безаклар билан ясалган эмиш.

Кўҳитангтоғ этагида жойлашган Хотак қишлоғи гўзал жойда жойлашган бўлиб, бир тарафида тоғ чўққилари, иккинчи ёнида эса кўм-кўк дарахтлар билан қопланган сой чўзилиб кетган. Тоғ қишлоғи ёнидаги катта тепадан ошиб ўтишимиз билан гўзалликда тенги йўқ дарага тушиб қоласиз. Боғлидара, деб аталган бу жой текис бўлиб, унда хилма-хил ёнғоқ, гилос каби мевали дарахтлар ўсиб ётибди, икки ёнидаги тик ёнбағирларда эса тоғ лолалари қийғос очилган. Бирмунча юрилгандан кейин дара иккига бўлинади ва ўртада Етимтоғ деб аталган чўкки турибди.

Чапга қараб кетган дара ичи билан юрилганда Етимтоғ шарқий ёнбағирдаги 6 метрча баландликда ғор оғзи қорайиб кўринади. Торгина бу жойдан ўтилганда улкан ғорнинг гумбаз шаклидаги биринчи зали намоён бўлади. Залнинг деворларида шокила-шокила шаклдаги гўзал сталактит ва сталагмитлар осилиб турибди. Зал ўртасида вазни 30 тонна атрофида бўлган супа шаклидаги улкан харсанг бор. Залнинг чап қисмида зинапоёга ўхшаб кетувчи қатламлардан ташкил топган йўлак бор. Ғорнинг қуйи қисми бирмунча кенгайиб деворларида узум доналарини эслатувчи хилма-хил сталактитлар осилиб турибди.

У ерда баландлиги 2-2,5 метр, эни ҳам шунча бўлган губазсимон харсанг эътиборингизни тартади. Харсангнинг баъзи бир жойлари махсус ёритгич ёруғида кўзгудек ялтирайди. Малла рангли, ялтировчи ва қисман шаффоф бу тош соф ҳақиқ тошдир. Бир вақтлар шоҳ ва амирлар қабри устига қўйилган. Амир Темур мақбараси каби жаҳон меъморчилик обидасининг деворларини беаган ярим қимматбаҳо тош кони Ажинакамар ғорида эканлигининг гувоҳи бўласиз. Демак, қадимда маҳаллий аҳоли ҳақиқнинг ғор деворларида ялтирашини кўриб, уни ажиналар кўзгуси, ғор шипидаги табиий сталактитларни безаклар деб

ўйлашган ва шу сабабли ғорни ажиналар макони деб, ундан қўрқиб юришган.

Амир Темури II ғори

Самарқанд оша Тахтақорача доводидан ошиб, Қоратепа тоғларининг жанубий тармоғидаги тоғ йўллари бўйлаб борсангиз Тарағайсой қуёи қисмида автомобиль йўли тугайди. Бу ердан тоққа чиқувчи тик сўқмоқ йўл бор. Бу йўл билан тоғ томон юрсангиз, эчки юривчи сўқмоқ илон изи бўлиб, гоҳи тик қоялар ичида ғойиб бўлади, гоҳида яна пайдо бўлиб, кўм-кўк тоғ ўтзорлари ичида давом этади. Деярли икки соатча сўқмоқ бўйлаб олдинга юрилгач, йўл тик қоялар ичида тугайди. Бу ердан одам ўтиши мумкинлигини фақатгина диққат қилиб қараганда, қоя ёнбағридаги оқ доғ бўлиб кўринган, одам ўтиши натижасида силликланган жойгина кўрсатиб туради. У ердан ўтилгандан кейингина ғорнинг бошланиши тўғри чизик шаклида меридионал йўналишда 25 метр давом этиб, унинг кенглиги 1,5 – 2 метр, баландлиги эса 2 метрча.

Бу ўзига хос йўлакдан ўтилгандан кейин яна ёруғликка чиқилади ва бирмунча юрилиб, ғорга кирувчи асосий йўлакка дуч келинади. Ғорнинг кириш қисми тор ёриқ шаклда бўлиб, 45⁰ гача қиялик билан 0,5 метр кенликда ва 1,5 метр баландликда. 10,5 метрча шу ҳолда давом этгандан кейин юқоридан катта харсанг тош осилиб тушган ва йўлакнинг баландлиги 1 метргача пасайган. Йўлакнинг бундай пасайиши бир неча ўн сантиметргача давом этади, бу масофа ўтилгандан кейин йўлак 1,5-2 метргача баландлашади. Йўлак 21 метр горизонтал йўналади, кейин йўлакнинг қиялиги кескин ошади ва 3 метр масофада деярли 2,5 метрча чуқурлашади. Қиялик тугагач, йўлакнинг кенглиги ва баландлиги ошади, шифти 3 метрга, кенглиги 2 метрга етади. Ғор шу шаклда 20 метргача давом этади ва охирида қиялиги 40⁰ гача етади. Қиялик тугагач, унинг кенглиги ошади ва зал шаклига киради. Бу зални биринчи текширган сайёҳ Л.А.Канаев “Катта зал” деб атаган ва унинг майдони 20 кв метр, шифтининг баландлиги эса 15 метргача етади.

Бу катта залдан ғор ғарбга қараб кескин бурилиб, 18 метргача чўзилади ва баландлиги то 12 метргача етган “Катта зал” га

айланади. Бу кичик зал ҳам аста-секин кенгайиб бориб 6 метр кенгликка, 15 метргача баландликка ва 25 метр узунликка чўзилади. Ғорнинг асосий қисми шу жойда тугайди, деса бўлади. Қолган қисми секин торайиб, баландлиги 70 см, кенглиги 50 см бўлиб, 10 метрча давом этади ва бундай тармоқлар бир неча бўлиб, ҳар тарафга йўналади. Бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатдики, ғорнинг ҳамма залларида инсон яшаганини кўрсатувчи биронта белги топилмади. Амир Темури ғорининг умумий узунлиги атиги 450 метр. Ғорнинг фақат мутахассисларнинг диққатини тортувчи бир хусусияти бўлиб, юзаки қараганда у гарнитларга жойлашганлиги билан ажралиб туради. Оқинди бу жинслар эса эримайдиган тоғ жинслари гуруҳига кириб, бундай жойларда ғорлар мавжуд бўлмаслиги керак. Лекин диққат қилиб қаралса, ғор йўлакларида карстланувчи оҳақтош қолдиқларини учратиш мумкин. Демак, гранит жинсларининг ичида эрувчан оҳақтош қатлами жойлашган ва карстланувчи қатлам давр ўтиши билан эриб, Амир Темури ғори пайдо бўлган.

Шифобахш ғор

Кейинги вақтларда ғорларнинг янги бир хусусияти – шифобахшлиги ер юзидаги кўпгина мамлакат олимларининг диққатини жалб этмоқда. Ҳақиқатан ҳам баъзи ғорларда бир хил мўътадил ҳарорат, намлик, фойдали моддаларнинг мавжудлиги касалларга ажойиб таъсир кўрсатади. Ғорлардан шифобахш маскан сифатида одамлар азалдан фойдаланиб келади. Масалан, Сицилия оролидаги Кронио тоғининг этагида жойлашган ғорда С.Колоджаро буғли ҳаммоми жойлашган бўлиб, ғорнинг табиий мўътадил буғли атмосфераси 41 даража атрофидадир. Бу ғорда ревматизм, нафас олиш йўллари касалликлари даволанади. Аниқланишича, ғор деворларидан томаётган иссиқ сувдан бундан икки минг йиллар олдин ҳам фойдаланилган. Олмониядаги Клутерт ғорида кўксок муваффақиятли даволанмоқда.

Жануби-ғарбий Ҳисор майдонларида ҳам шифобахш ғорлар бор. Улар ҳақида қадимдан сон-саноксиз афсоналар бўлиб, шундай шифобахш ғорлардан бири Хўжаипок ғоридир. У Сурхондарё вилояти, Шўрчи нихоясидаги Холханжар дарёси ўрта оқимида,

денгиз сатҳида 1110 метр баландликда жойлашган. Ғор жуда кўркем жойдан ўрин олиб, унинг атрофини Ҳисор тоғининг қорли чўққилари ва ям-яшил арчазор ўраб туради. Дарадан оқиб чиқаётган дарё кичик шаршаралар ҳосил қилиб, тошдан-тошга урилиб оқади.

Ғор бир томонга қия тушган қоядаги оҳақтошларнинг узок даврлар мобайнида эришидан ҳосил бўлган. Кириш қисмининг баландлиги 3,5 метр, кенглиги етти метр, узунлиги 240 метр атрофидадир. Бу ер ости “қасри” 3 қисмдан иборат. Биринчиси – 63 метр бўлиб, энг катта қисми ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи қисмларига ўтиш анча қийин, лекин тор йўлақлардан эмаклаб ўтиш мумкин. Ғорнинг манзараси жуда гўзал бўлиб, шифтдан узунлиги бир метргача етадиган сталактитлар осилиб ётади. Улардан шўр сув томчилари чаккиллаб томиб туради. Ғорнинг таги жуда нам ва лой, айрим ерларида қўлмақлар учрайди.

Ғорнинг кириш қисмида 30 метр ичкарида оҳақтошли ер остидан рангли оппок, кучли олтингугурт хидига эга бўлган сув отилиб чиқади. Ғор оғзига яқинлашгач, булоқ оқими яна тошлар ичига кириб кетиб, 10-15 метрдан кейин ер юзига чиқади ва сой сувига қўшилади. Сув ва ғор ҳавосининг ҳарорати 14 даража атрофидадир. Ана шу водород сульфидли сув ғорнинг шифобахшлиги ва афсонавийлигига сабаб бўлган.

Водород сульфидли сув тери касалликларига ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Чунончи, бундай сувлар бор жойларда санаторийлар мавжуд бўлиб, булар Мацести, Пятигорск, Ессентуки ва шунга ўхшаш саломатликни тикловчи сихатгоҳлардир. Хўжаипок ғоридан чиқаётган сув ўз таркиби билан юқорида айтилган машҳур сихатгоҳлар сувига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли ғордан чиқаётган сувнинг шифобахшлигини илгаридан билган ва даволаниш мақсадида узок вақтлардан буён фойдаланиб келган. Бироқ ҳозирга қадар табиатнинг қимматли инъоми бўлмиш Хўжаипок ғорининг бойликларидан етарлича фойдаланилмаётир. Ғор сувининг физикавий ва кимёвий хоссалари ҳар томонлама ўрганилган эмас. Унинг сув таркиби ҳақида маълумотлар кам. Ғорнинг иқлими, ҳаво ҳарорати, намлиги чуқур таҳлилга муҳтож. Хўжаипок ғорининг табиий-географик шароити комплекс таҳлил қилинса, унинг бойлигидан халқ хўжалигида ҳар томонлама фойдаланишининг аниқ

режаларини тузиш имконияти туғилади. Шунда табиат яратган ер ости оромгоҳини инсон учун хизмат қилдириш мумкин бўлади(24,28).

Тош туяли ғор

Баъзи бир ғорларда табиат ҳайкалтарошлик санъатини намоён этади. У миллион йиллар давомида аста-секин ўз шакли билан инсон ёки ҳайвонларга ўхшаш ҳайкаллар ясайди. Бу ҳайкаллар ер ости залларининг ҳар ер-ҳар ерида жойлашиб, гўё моҳир ҳайкалтарошлар ўз асарларини намоёиш этаётган кўргазмаларга ўхшаб туради. Республикамиз территориясида ҳам бундай табиат мўъжизалари анчагина бўлиб, улардан бири жануби-ғарбий Ҳисорнинг бир тармоғи ҳисобланган Сувсизтоғда жойлашган “Тош туяли ғор” дир.

Маҳаллий аҳоли ўртасидаги афсоналарга кўра, бу ғор сеҳрли бўлиб, унга кирган одам гуноҳкор бўлса кирган заҳотиёқ тошга айланиб қоларкан ва бу ер “Тош туяли ғор” деб аталаркан.

Тош туяли ғор Сувсизтоғ ёнбағирида амфитеатр шаклидаги кичик бир майдонча ўртасида жойлашган. У доира шаклида бўлиб, диаметри 20-22 м. Ғорнинг шифти гумбаз шаклида бўлиб, баландлиги 6-8 метргача боради. Ғорга узун тор йўлакдан ўтилади. Йўлакнинг баландлиги 70 смдан 1 мгача, узунлиги эса 3 м келади. Йўлакнинг чап тарафида ликопча шаклида кичик чуқурча бўлиб, ичи шифтдан томган сув билан тўлган, атрофида эса занглаган эски тангалар сочилиб ётади.

Ғор саҳни зинапоя шаклида кўтарилиб боради. Кирган кишининг диққатини зал ўртасидаги баландлиги бир ярим метр келадиган харсанг тош ўзига тортади. Ғорнинг чап бурчагида бола кўтарган аёл шаклидаги тош бўлаги туради. Буларни кўрар экансиз беихтиёр ғор ҳақидаги афсона ёдингизга тушади. Албатта, ғор афсонадагидек сеҳрли эмас. Зал ўртасидаги туя ва чеккасидаги аёл ҳайкали ҳам табиат наққошлигининг бир намунасиدير (19,51).

ТАБИАТИ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИАТ ҲУДУДЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Табиати алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларининг ривожланиши тарихи – Қўриқхоналар ташкил этиш ишлари Марказий Осиё ва Ўзбекистонда жуда қадимдан бошланган.

Қадимги герк олимларидан Диодор ва Квинт Курций Руфларнинг маълумотларига қараганда, милодга қадар бўлган даврда Искандар Зулқарнайн Мароканд (Самарқанд) яқинидаги Басиста ёки Базайра деган жойдаги маҳаллий ҳокимникига боради, у меҳмонга ўз мулкидаги ўрмонда ов қилишга рухсат берган ва бу жойда жаҳонгир ўз қўли билан арслон ўлдирган.

Квинт Курций Руф бу манзилни шундай тасвирлаган: “Бу жойдаги ёввойилар борлигининг бош белгиларидан бири ўрмонларда ва қўриқ жойлардаги ҳайвонлар тўдаларидир. Улар бундан жой учун мўл-қўл булоқлар суви билан тўйинган катта ўрмонларни танлашади ва атрофини девор билан ўраб олишади, соқчилар учун яширинадиган баланд миноралар ясалади. Бу қўриқхонага тўрт йил ичида тегинилмаган эди. Александр бу жойга келиб, ҳамма саркардаларга ов қилишга буйруқ беради. Бошқа ҳайвонлар ичида шоҳнинг олдида жуда улкан арслон чиқди”. Бу жойнинг ҳозирги Самарқандга яқинлиги қадимги тўқайзорлардан қолган қолдиқ ва номдошлигига қараб Боғизағон, деб ном олсак, бу жойда Александр Македонскийга биринчи бўлиб рухсат берилган, тарихий қўриқхона барҳам топиб, ҳозир шу ерлик аҳолининг авлодларида яқин атрофда яшаган арслон тўғрисида афсона ҳам йўқ (18,15).

Ўзбекистон тарихидаги яна бир қўриқхона ҳақидаги маълумотни машҳур “Бобурнома”дан топамиз: “Самарқанд атрофини чиройли майдонлар эгаллаган. Бир машҳур ўланг конигил ўлангидир. У Самарқанд шаҳридан шарқ тарафдадир. Самарқанднинг салоҳиятини ҳамиша бу ўланги қўриқ қилур ва ҳар йил ўлангга чиқиб, бир икки ой ўлтурурлар” (5,38). Ёки бўлмаса бир вақтлар табиий шароити қулай бўлган майдонларни қайтадан тиклаш, ундан қўриқхона яшаш йўли билан бу жойнинг табиий ресурсларини келажак авлодга етказиш мумкин бўлган. Бундай табиатнинг қайтадан тикланиб, қўриқхона ҳолида авлоддан авлодга ўтказилган майдонни Самарқанд яқинидаги Омонқўтон мисолида

кўриш мумкин. XVIII асрда дарахлари қирқилиб, ялонғоч ҳолга келган тоғ ёнбағирлари XIX асрда табиий ҳолати тикланиб, ўрмонга айланди ва шу ҳолда бизнинг давримизга етиб келди.

Қадимги грек олимларидан Страбон ўзининг “География” асарида “Дербиклар ерга таъзим қилишади, аёл жинсидан бўлган ҳеч нарсани ейишмайди ва уларни қурбон қилишмайди”, деб ёзади(33,6). Демак, қадимий Туроннинг кекса қабилаларидан бири бўлган дербиклар аёл зотига сиғинишган. Чунки улар аёлни олам янгиланиб туришининг асоси, деб билганлар.

Ер тушунчаси ҳам аёл тушунчасига тўғри келган. Ер ҳам инсон учун барча неъматларни яратган.

Бу қадимий диннинг шу кунгача етиб келган белгиларидан бири она-ерга таъзим қилиш ва аёлга эҳтироми ҳисобланади. Энг қадимий китоб “Авесто” нинг маълумотига кўра, аёл зотига сиғиниш қадимий Турон қабилалари – массагетлар ва сакларда ҳам бўлган. Аёл худонинг исми “Анаитис” деб аталган ҳамда у ҳайвон терисига ёпинган ҳолда тасвирланган. Бу эса массагет ва сакларнинг, асосан, чорвачилик билан шуғулланганидан дарак беради.

Туронда кенг тарқалган динлардан яна бири *зардуштийлик* бўлиб, унда табиат муҳофазаси бош масала ҳисобланган. Мазкур дин таъминоти бўйича бутун олам иккига – ёруғлик ва қоронғуликка бўлинган. Ёруғлик оламида Ахурамазда ҳукмронлик қилиб, унинг қўл остида ер, сув, ҳаво, олов, кенг ўтлоқлар бўлиб уларни ғарот этиш таъқиқланган. Чунки ер, сув, ҳаво муқаддас ва тирик ҳисобланган. Аксинча, қоронғулик оламининг ҳокими Ахриман фақат ер ости оламига ҳукмронлик қилиб, у жойдан тирик ер юзасига ифлослантирувчи омилларни юборган. Ахриманнинг ҳукми билан ер устига ўлик, дарёдан совуқ сув, шамоллар, қоронғулик, очлик юборилган. Бу икки дунё ўртасида доимо кураш борган. Агар одамлар Ахурамаздага ихлос қўйишиб, унинг айтганини қилишса, ер устида тўкинлик, ёруғлик, ер, сув, осмон, олов софлиги, агар Ахриманга ихлос қўйишса, тескариси бўлган. Зардуштийлик динининг таълими бўйича, дарё ва қўл сувларини фақатгина ичишга рухсат берилган. Бундай сув манбаларида чўмилиш, ахлат ташлаш, тупуриш, ҳайвонларни чўмилтириш ман қилинган.

Осмон, ҳаво, шамол ҳам муқаддаслаштирилган, ер ҳам муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар хил нарсаларни ташлаш, ҳаттоки инсон жасадини кўмишга ҳам рухсат этилмаган. Шу сабабли инсон жасади махсус жойларга қўйилган ва ёввойи ҳайвонлар ёки йиртқич қўшлар уларнинг юмшоқ тўқималарини еб бўлгач, суякларни йиғиб олиниб, махсус қутиларга солиб қўйилган.

Бундай қадимий қутилар оссуарийлар деб аталади ва ҳозирга қадар ҳам Самарқанд атрофида учраб туради. Кўриниб турибдики, зардуштийлик динида ман қилинган одатлар бизнинг ҳозирги ахлоқ меъёримизга тўғри келади. Демак, бизнинг узоқ авлодларимиз бундан минг йиллар олдин ҳам табиатни муҳофаза қилиш кераклигини тушунишган (18, 67).

Ислом динида ҳам табиатни муҳофаза қилиш масаласига кенг ўрин берилган. “Қуръон”нинг “Моид” сурасида: “Сизларнинг манфаатларингиз учун ва мусофирлигингиз учун ҳам сизларга денгизда ов қилмоқлик ва ундаги таомларни истеъмол қилоқлик ҳалол қилинди. Сизларга қачонки, эҳромда бўлган вақтларингизда қуриқликда ов қилишлик ҳаром қилинди. Оллоҳ Таоладан қўрқингизлар, унинг ҳузурида жам қилинурсизлар”, дейилади(33,4). Бу оятдан кўриниб турибдики, овни бир вақтихушлик деб билмасдан, уни фақат ҳаёт учун зарур вақтда ўтказиш, мавжудотларни табиатнинг бир бўлаги, деб билиб, унга зарар етказмаслик керак.

Ислом дини таълимоти бўйича табиатни ғарот қилувчиларни фақатгина қиёматда азоб тортишини кутмасдан, дарҳол жазолаш лозим. Бу тўғрида «Моид» сурасида шундай дейилади:” Эй, мўминлар, овлаб, уларни ўлдирманглар. Кимки қасддан ўлдирса, унга жазо лозим бўлур, яъни ўлдирган жонзотга баробар жарима ҳукм қилинур. Сизлардан икки мўътабар одам Каъбага олиб келинган ҳайвонлардан шу ов баробарига забт этишига ҳукм қилурлар. Буни қила олмаса неча муҳтож одамга таом берур. Бунга ҳам қодир бўлмаса рўза тутур(33,5). Бу оятнинг таърифи бўйича эҳромдаги одамга ов қилиш таъқиқланган ва бу таъқиқни бузган кишига унинг жазоси учун бир ҳайвон сўйиб, гўштини камбағалларга тарқатишга фатво берилган. Қурбонликнинг бундай микдорини эса икки ҳолис мусулмон белгиллаган.

Шунингдек, ислом дини баъзи бир жойларни муқаддас деб билиб, у ерда ҳайвонларни ўлдириш, дарахтларни кесиш,

Ўсимликларни nobуд этиш ман этади. Натижада бундай жойлар узок даврлар давомида ўзининг бирламчи ҳолатини сақлаб қолиб, табиий кўриқхоналарга айланади. Имом Бухорийнинг «Жомиус сахих» китобида ёзилишича, “Ибн Аббос разиаллоху анху номидан ривоят қилиб айтдиким, фатҳи Макка куни пайғамбаримиз Муҳаммад саллоху алайху вассалом марҳамат қилдиким: Маккаи Мукаррама мукаддас ҳарамдур. Ундаги тикон ва набобат узилмайди ва ҳайвонлар ов қилинмайди ва тежалмайди”. Бу сатрлар ислом динининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қимматли таълимотларидандир. Натижада Макка шаҳри атрофидаги ҳайвонат олами ва ўсимликлар асл ҳолда сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келган (18,8-9). Самарқанд атрофидаги машҳур Нурота булоғи ва ундаги балиқлар, силкинувчи тош (Санги Жумон) ёки машҳур Фозилмонкўлнинг ҳозирга қадар ўзгармаган ҳолда сақланиб қолиши ана шундай мукаддаслик натижасидир.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Экотуризмнинг ривожини натижасида унинг уч асосий жиҳати пайдо бўлиб, улар маҳаллий аҳолининг руҳий кайфиятига, иқтисодий аҳволига таъсирини ўтказди ва тўғридан – тўғри ҳудуднинг экологик ҳолатига таъсир этади.

Булар:

1. Ижтимоий жиҳатлар.
2. Иқтисодий жиҳатлар.
3. Экологик жиҳатлар.

Ижтимоий жиҳатлар

Экотуризмнинг ижобий томони шундаки, у маҳаллий аҳолига табиатни муҳофаза қилгани учун уни иқтисодий рағбатлантириб, муҳофаза этилаётган территорияларда ҳамкорликда иш олиб боришга имконият беради. Кўпинча, муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг асосий муаммолари ҳал этиладиган табиат ҳудудлари билан аҳоли яшайдиган жойлардан фойдаланиш учун кураши натижасида келиб чиқади. Экотуризм кишлoқ аҳолиси учун

табиатнинг нодир бурчакларини сақлаб қолган тақдирда, ундан махсус фойдаланиш йўли билан иқтисодий фойда олиш йўлини кўрсатади. Янги очилаётган кўриқхоналар ҳудудида аҳолининг ҳамиша маълум миқдорда шу ерда яшаб турган аҳолиси қолади. Масалан, Китоб геологик кўриқхонаси территориясида қадимий қишлоқ – Наус қолиб кетди. Қишлоқнинг кўп сонли аҳолиси азалдан кўриқхона майдонида деҳқончилик ёки мол боқиш билан шуғулланган. Кўриқхона чегараси аниқланган вақтда чорвачилик билан шуғулланаётган аҳолига икки шарт қўйилади:

а) куриқхона майдонидан ташқарига чиқиб, янги турар жойга кўчиш;

б) уларнинг шу вақтга қадар шуғулланиб келган деҳқончилик ёки чорвачилик ишларини қатъий тақиқлаш.

Куриқхона қонунига асосан «куриқхоналар ва уларнинг муҳофаза минтақаларида уларга алоқаси бўлмаган ҳар қандай хўжалик ишлари олиб бориш тақиқланади», яъни бундай хўжалик ишларига майдондан яйлов сифатида фойдаланиш, деҳқончилик қилиш, уйлар қуриш ва ҳакозолар. Агар бу қонунга қатъий ва куриқхона режимида амал қилинса, бу қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизлар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ижтимоий қучланиш юқори ташкилотларга шикоят, қўзғолон ва иш ташлашлар шаклида бўлиши мумкин.

Бу муаммони ечиш йўли қандай бўлади? Юқорида тарифлаган экотуризм йўли билан, албатта. Китоб геологик куриқхонаси Китоб-Шаҳрисабз шаҳарларидан унча узоқ бўлмаган жойда, Зарафшон ва Туркистон тоғлари бирлашган сўлим жойда ўрнашган ва рентабелли сайёҳлик мавзеи ҳисобланади. Лекин унга кўриқхона ҳуқуқий ҳолати рухсат бермай, бу бўйича кўриқхона режими алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳолатини ва табиий йиғиндиларнинг бир бутунлигини сақлаб қолиши керак. Жумладан, чеккадан келган одамларнинг иштироки, ўтиши ва транспортдан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Демак, кўриқхона ҳуқуқий ҳолати бўйича маҳаллий аҳоли одатдаги меҳнатни қилиши ва ҳаёт кечириши мумкин эмас, бу эса ўз навбатида ижтимоий портлашга олиб қилиши мумкин.

Йўлак қайси жойда? Бу йўлак – кўриқхона майдонида экотуристлик йўллар ташкил этиш ёки “Экотуризм” сайёҳик талаби асосида сайёҳлик истеъмолни қондириш, табиатни ўрганиш, табиат

экотизилмаларини муҳофаза этишда ўз ҳиссасини қўшиш йўли билан, маҳаллий аҳолининг қизиқишини ҳимоя қилган ҳолда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда туризм ишларини олиб бориш ишларини ташкил қилиш.

Шу йўл билан экотуризмнинг ривожини натижасида жануби-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида табиатни муҳофаза этиш ишлари ривожланади, қўриқхона ҳудудида жойлашган қишлоқ аҳолиси пункти жамоалари иш билан таъминланади, сифатли сайёҳлик ишлари атроф-муҳитга зарар етказилмаган ҳолда олиб борилади, сайёҳлик бозор таркиб топади ва қишлоқ жойларида янги иш жойлари ташкил этилади.

Табиий равишда қўриқхона ҳудудида жойлашган қишлоқ аҳолиси ўртасида пайдо бўлган ижтимоий кучланиш пасаяди.

Туризм халқ хўжалиги тармоқлари ривожига ижобий таъсир этади, сайёҳлик инфраструктура шаклланиши ва ривожини тезлаштиради, ишлаб чиқариш кучларининг бир текис жойлашишига хизмат қилади ва хизмат кўрсатиш тармоғи аҳоли зич жойлашган ҳудудларга ҳам таъсир этиб, маҳаллий аҳолининг меҳнатга таъсир этиш доирасини кенгайтиради(28,50).

Иқтисодий жиҳатлар

Туризмнинг амалий аҳамияти иқтисодий ривожланган давлатларда кўпчиликка таниш. Сайёҳлик фаолият натижасида келаётган иқтисодий фойда кўп сабаблар натижасида пайдо бўлади ва юқори миқдорларга етиши мумкин.

Сайёҳлик манбалардан ташқари, бу ерда катта рольни туризм инфратизилмаси, реклама, хизмат кўрсатиш, келаётганлар сони, сайёҳларнинг иқтисодий даражаси, солиқ ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Баъзи бир саналарни келтирамиз: 1990 йилда Америка миллий боғларини 64,4 млн одам, Латвия Миллий боғларини 2 млн

одам келиб кўрди. Ёз ойларида Грузиядан Рица кўлига келувчилар сони 2 минг кишидан ошади.

Кўриқхоналар ва миллий боғларни рекреацион баҳолаш маълум мураккабликка учрайди. У кўриқхона ёки миллий боққа келаётган сайёҳларнинг хизмат кўрсатишдаги экологик самарадорлигини билангина эмас, балки келаётган фойданинг пул миқдори билан ҳам ўлчанади. Масалан, “Азгек” ва “Теберда” сайёҳлик базалари Теберда кўриқхонаси чегарасида жойлашиб, бир йилда 350 минг доллар фойда келтиради, Литванинг миллий боғида жойлашган “Игнамена” турбазаси 76 минг доллар фойда келтиради.

Рекреацион фаолиятдан келаётган фойдани баҳолашда унга қўшимча хизмат кўрсатаётган ва сайёҳлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшилган ҳамда дам олувчиларга қўшимча хизмат кўрсатаётган корхоналар фойдаси ҳам ҳисобга олинади. Улар кўпинча кўриқхоналар ва миллий боғлардан келаётган фойдадан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Масалан, 27 минг сайёҳларни Теберда кўриқхонасига олиб бораётган транспорт ташкилотларининг фойдаси “Азгек” ва “Теберда” турбазалари олаётган фойдадан 1,5 марта кўп бўлган.

Ўзбекистон шароитида “Китоб геологик кўриқхонаси”да экологик туризмдаги отда юриш ва пиёда сайёҳларга хизмат кўрсатиш тажрибаси бор. Худди шундай тажриба Қозоқистондаги Аксу-Джабағли кўриқхонасида бор ва ундан келаётган иқтисодий фойда ҳисоблаб чиқилган. Бу албатта, бирмунча хомчўт бўлса ҳам кўриқхонадаги сайёҳлик фаолиятини иқтисодий баҳолаш бўлган (29, 98-99). Аксу-Джабағли кўриқхонасида туризм учун яроқли бўлган ёзлик мавсум тоғ зоналарида апрель ойидан октябргача, 7 ойга чўзилади. Сайёҳлар келиши апрель ва октябрь ойларида кўп эмас, ҳар куни бир тўп пиёда юрувчи сайёҳлар (10 нафар одам) бир ҳафта ичида эса 70 сайёҳ 70 кун. Пиёда юрувчилар учун кириш баҳоси ҳар бир кунга 50 доллар, отдагилар учун 70 доллар, бир кунда 10 одам кирса, 14 кунда уларни 50 долларга ва ҳар куни 10 одамга кўпайтирса, 7000 долларни ташкил этади.

Май ойидан бошлаб сентябрь ойига қадар отда юриш маршрутлари ўтказилади. Келаётганлар сони ўртача 2 тўп, 12 одамдан. Бир ойда 12 одамдан 10 кунга.

24 одам 10 кунга ва 70 \$ = 16800 \$ (бир ойда 18600\$, 5 ойга = 84000\$) = 84000 \$ + 7000\$ = 91000\$ бир мавсумда.

Шундай қилиб, ташриф этувчилар томонидан келадиган умумий фойда мавсумда 91000 \$ ёки доллар курсининг қозок тангасига нисбатини олсак, 1 апрел 2001 йил ҳисобида 13 млн 104 минг танга.

Албатта, соф фойдани ҳисоблаб чиқиш учун бу суммадан хизмат ҳақини чиқариб ташлаш керак (автоулов, бинолар, гидлар, хизматчиларнинг ойлиги, солиқлар ва бошқа сарф-харажатлар).

Лекин шунга қарамадан, кўриқхона бюджети бир йилда 200 минг танга эканлигини ҳисобга олиб келаётган фойда чиқимдан неча марта ошиқлигини ҳисоблаб чиқариш осон (29,53-70).

Экологик жиҳатлар

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда табиатга сайёҳат туризмнинг ривожини, табиатга бутун бир комплекс ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этиши мумкин (18,115-125). Бир томондан туризм ривожини дунёнинг кўп қисмларида нодир экотизимлар ва турларни ҳимоя қилиш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади. Табиатга туризм, “тамом бўлмайдиган”, экологик фаолиятнинг бир тури бўлиб, тирик табиат формаларини ундан чиқариб олмайди (ов ва балиқ овлаш туризмидан ташқари).

Халқаро экотуризмнинг ривожланиш тарихида унинг шаклланишида табиатнинг ҳимоя қилишдаги ролини кўрсатувчи кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Фақат туризм муҳофаза этиладиган кўплаб ҳудудларнинг иқтисодий ҳолатини кўтариб, унинг табиатини, экологик ҳолатини яхшилайти. Бу ҳол бир неча Африка давлатларида улар мустақилликка эришганидан кейин бўлиб ўтди. Мураккаб, қарама-қарши социал-иқтисодий аҳволда, кўпчилик табиатнинг нодир қисмларини сақлаш мумкинлиги мутахассисларда шубҳа туғдиради. Лекин бундай жойларда экологлар шунини исбот қилишдики, жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш ишлари ёрдамида “фақат ўзига тўлабгина қолмасдан, туризм саноатининг ривожини ҳисобига маҳаллий иқтисодни кўтарилишига сабаб бўлди”. Шарқий Африканинг нодир экотизимларини сақлаб қолиш унинг иқтисодий кўтарилишига сабаб бўлди. Бу жойлардаги миллий боғлар уларнинг халқаро туризм учун жозибадор бўлганлиги сабабли пайдо бўлди ва ривожланди ҳамда ўша

давлатларга чет эл валютасининг оқиб келишига сабаб бўлди. Шу йўл билан туризм капитални табиат муҳофазаси доирасига чақириш чегарасига айланди.

АҚШдаги Йеллоустон миллий боғи – дунёдаги табиат туризмнинг “бешиги” – бундай туризмнинг қарама-қарши анъаналарини кўрсатиб туради. Бир тарафдан Йеллоустон миллий боғини кўриш учун келаётган кўплаб сайёҳлар миллий боғ жойлашган Монтана штатига катта иқтисодий фойда келтиришади, чунки келган вақтида улар штатнинг бошқа хизмат нуқталари, ресторанлари, бензин куйиш шаҳобчалари, меҳмонхоналаридан фойдаланишади. Айни вақтда туризмнинг кучли ривожланиши атрофдаги шаҳарлар ҳаёт усулларини кескин ўзгартиради. Бир тарафдан штатдаги ҳаёт даражаси бирмунча кўтарилган бўлса ҳам, улар атрофларида шовқин-суроннинг, газ билан ифлосланишнинг ўсиши, йўлларда автотранспортнинг ҳаддан ташқари серкатновлигини, сайёҳлар оқимлари пайдо бўлиши, ер нархининг тез ўсиши муаммолари пайдо бўлди.

Миллий боғ ҳудудида сайёҳлар миқдори шунчалик кўпайдики, уларнинг асосий мақсади – табиат билан мулоқатда бўлиши қийинлашди. Нодир экотизимларни сақлаб қола олмаслик хавфи пайдо бўлди. Сайёҳ оқимларининг ўсиши экологик ва ижтимоий, ижобий ва салбий сабаблари пайдо бўлди. Шундай қилиб, Йеллоустон миллий боғи мисолида миллий боғларда туризмни режалаштириш ва бошқариш ишларини сифатли олиб бориш йўлларини кўрсатади.

Табиий туризмни ҳақиқий экологик туризмга айлантириш учун мураккаб ва қарама-қарши анъаналарни бошқаришни ўрганиш керак, салбий оқибатлардан қочиш, камайитириш ва ижобийларини максимал кўпайитириш керак.

Кўпчилик ҳолларда экологик оқибат кўп сонли бўлиб, уларнинг тупроқнинг геологик формациясига, сув ресурсларига, жониворлар, ўсимликлар, маданий муҳитга таъсири сезилади. Жойнинг санитар ҳолати ўзгаришининг, ландшафтнинг эстетик ўзига хос ўсиши пайдо бўлади.

Салбий самараларнинг характери ва кетма-кетлигини маълум даражада олдиндан айтиб бериш мумкин бўлади.

Гоҳида туризм таъсирини экотизимларнинг мураккаблиги, таъсирининг узоқ муддатли самарадорлик таъсири натижасида

аниқлаш қийин бўлади. Баъзи бир ҳолларда туризм таъсири табиий табиат жарёнларини тезлаштиради. Агар туризмнинг ўзига хос хусусиятини баҳолаш имконияти пайдо бўлса ҳам, кейинроқ бу таъсир биологик аҳамияти каттами ва узоқ муддат давом этадими, деган фикрлар туғилади. Масалан, қўрқитиб юборилган жониворларини бошқа жойга кўчириши, ўрмоннинг ичида очилган йўлни ундан узоқ фойдаланилмаса, ўт босиб кетиши мумкин. Агар туризмнинг таъсирини “ёмонликларнинг ичида энг кичиги” деб олсак, унда туризмнинг зарари тўғрисида тушунчага эга бўламиз. Кўпинча, туризм зараридан унга алтернатив зарарлар (кишлок хўжалик эксперти учун яккахоким ўсимликлар экиш, ўрмонни жадал қирқиш, муҳофаза этиладиган майдонлардаги браконьерлик) киради. Шундай қилиб, маълум бир ҳудудни сақлаб қолмоқ учун, унда туризмни ривожлантириб ва қисман таъсир эттириб сақлаб қолиш керак.

Бу қисмда таърифланган табиатга салбий таъсир экологик туризмнинг бир қисми эмас. Туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини назорат этиш мумкин ва керак. Ҳақиқий экологик туризмга шундай ёндашиш уни бошқаларидан фарқ қилдиради (26, 25).

Туризм жараёнида унинг табиат манбаларидан фойдаланишни деградациясиз режалашни ўрганиш, сайёҳик оқимларни ва унинг потенциал таъсирини бошқаришни ўрганиш лозим. Туризм ривожланиш дастурини ишлаб чиқишда ва сайёҳик чоралар кўришда ҳамма вақт унинг салбий таъсирини ўйлаб кўриш ва ҳисобга олиш керак. Шунини алоҳида кўрсатишимиз керакки, агар туризм атроф-муҳитга таъсир этса, у ҳақиқий экологик туризм бўлмайди. Ишотланган ҳақиқий экологик туризм – табиатни муҳофаза этувчи кучли қурол бўлиб, экотуризмнинг вазифаси табиатга сайёҳат вақтида бўлувчи салбий таъсирларни камайтириш ва ижобий томонларини энг юқори кўпайтиришдир.

Ҳаммага машҳур бўлган хрестомиялик мисолни кўрсатайлик. Кениядаги Амбосели миллий боғида ҳар бир арслондан экотуризм иншооти сифатида келтирадиган фойдаси 27000 \$. Шу йўл билан ҳар бир арслон умри давомида 50000 \$ Кения халқига фойда келтиради. Миллий боғ ишлаганга қадар ов туризмига рухсат этилган вақтда (21 кунлик тур) чет эллик овчи ҳар бир отилган арслон учун 8500 \$ тўлаган. Арслон терисини ишлаш 960-1325 \$ тушган. Демак, ов туризмида бир арслон максимум 9825 \$ фойда

келтирган ва ўзи ҳам қурбон бўлган. Экотуризмда эса ҳар бир арслон 500000 \$ фойда келтирган ва умрининг охиригача эркин юрган. Шу мисолни ўзи кўрсатиб турибдики, экотуризм, шубҳасиз, бу жониворлардан иқтисодий фойда келтиришнинг энг қулай йўли ва айтилиши бир вақтда жониворни ўлдиришга рухсат берилмайди. Шу йўл билан филлар тўдаси бир йилда 610000 \$ фойда келтиради. Худди арслонлар сингари филлар ҳам сайёҳлар учун “фил суяги” манбаи сифатида эмас, балки тамоша қилиш манбаи сифатида ўзига тортмоқда. Амбосели миллий боғининг иқтисодий фойда берадиган ҳудуди 40 гектар. Агар бу майдондан қишлоқ хўжалигида фойдаланилса, энг оптимал ҳулоса бўйича ҳам унинг иқтисодий фойдаси 50 марта камайиб ҳар гектарга 0,8 \$ қадар тушиб қоларди.

Бошқа изланишлар шуни кўрсатдики, Амбосели миллий боғидаги жониворлар бош фактор бўлиб, кўп сонли сайёҳларни ўзига жалб этади, агар улар озиқ-овқат сифатида ов қилинганда эди, келадиган фойда 18 марта кам бўларди. Шундай қилиб, экотуризмни экологик-иқтисодий таҳлили шуни кўрсатдики, у табиат ресурсларидан фойдаланишнинг бошқа вайрон этувчи турларига қараганда катта, ҳар тарафлама фойдалидир. Экотуризмнинг туризм маблағ сарф этиб кўпроқ фойда келтириши ёки унинг иқтисодий эффектлиги анча каттадир.

Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида бюджет камомади мавжуд бўлгани сабабли экотуризмнинг иқтисодий роли ва экоэкскурсия фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шуниси ҳам муҳимки, экотуризмнинг ривожини қиммат ва кенг инфраструктура талаб этмайди. Демак, экотуризм келажакда кичик харажатлар ҳисобида катта фойда келтирадиган манбага айланиши мумкин.

Экотуризмнинг ва экологик экскурсияларнинг яна бир аҳамияти – у экологик илм таратиши ва билим беришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, табиатни муҳофаза қилиш ишини олиб боради, алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларининг жамоат ичидаги обрўини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги кунларда кўпчилик муҳофаза этиладиган ҳудудларни жамоатчилик асосида қўллаб-қувватланмаса ўз фаолиятларини амалга ошириш қийинлашади. Одамларни нодир ландшафтлар билан бирлаштиришга йўл очиб бериш, уларни сақлаб қолишда иштирокчиларни ташкил этишдир. Экотуризмни ташкил этиш бу маъмурият вакиллари ва

хамкорлар билан тўғридан-тўғри мулоқотга чиқиш йўлидир. Кўпинча қўриқхоналар томонидан йирик компаниялар учун ташкил этган турлари узоқ муддатли ҳамкорлик учун йўл очиб беради. Кўпинча чет эллик экосайёҳлар ўзлари келиб қурган қўриқхоналар учун ёрдам фондлари ташкил қилиши мумкин. Бунда сайёҳларни олиб юрган гидлар малакаси ҳам таъсир этиб, улар экосайёҳларга қўриқхоналарнинг муаммоларини гапириб бериш вақтида, қўриқхонанинг баъзи бир тармоқларига кичик маблағ орқали ёрдам бериш мумкинлиги ҳам қутқаришини усталик билан тушунтириб бера олса, унда ёрдам кутиш мумкин.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволида ва экотуризм ривожининг табиат йиғиндиларини сақлаб қолишда бир қатор устунликлари бор. Экотуризм кўпчилик қўриқхоналарда иқтисодий фаолиятнинг ягона тури бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ва хорижий амалиётлар шундан гувоҳлик берадики, экотуризм имконияти фойдаланилмаган тақдирда унинг “экологик ўрнини”, албатта табиат учун ҳалокатлироқ бошқа шакли эгаллайди. Собик СССР ҳалокатидан кейин қўриқхоналардаги кўплаб фаолиятлар тўхтади. Ишсизлик кўпайгани учун қўриқхона атрофидаги аҳоли ўзининг анъанавий ишлари: мол боқиш, қишлоқ хўжалик экинлари экиш, ов ва ўсимликларни йиғиш каби тадбирларга қайтишга мажбур бўлишди. Бу жараёнлар аста-секин қўриқхоналар майдонига қараб силжий бошлади. Буни Кавказдаги катта Теберди қўриқхонаси мисолида кўриш мумкин (25,92). Қайта кўриш даврида бошланган иқтисодий инқироз Кавказга томон сайёҳик оқим Россия ва хориждан кескин камайди. Бу ўз навбатида табиат йиғиндисига антропоген босимни кучайтирди.

Кўп йиллар давомида келаётган сайёҳлар ҳисобидан иқтисодий фойда олаётган маҳаллий аҳоли бошқа иш манбаи бўлмагани сабабли мол боқа бошлади. Кўп сонли мол учун илгари яйлов сифатида ажратиб берилган майдон етмай қолди, қорамол ва қўй-эчкилар қўриқхона майдонига бостириб кела бошладилар. Қўриқхона бошқармаси ва маҳаллий аҳоли ўртасида келишмовчилик келиб чиқди ва қўриқланадиган майдонларга фойдаланилмаётган табиат омили сифатида қарай бошлади. Теберди қўриқхонаси раҳбарлари маҳаллий аҳоли билан ўзаро келушувга боришга мажбур бўлишди ва юқорининг розилиги билан уларга яйлов учун қўриқхона майдонидан қўшимча ер

беришга мажбур бўлишди. Худди шу йўл билан ҳаёт даражаси жуда тушиб кетган кўриқхона ходимлари учун ҳам кўшимча майдонни кўриқхонадан ажратиб беришди.

Кўриқхона ўрмонларида янги муаммолар, даракларни рухсатсиз, яширин кесиш пайдо бўлди. Кун бўйи қоровулларни кўйиш, кўриқхона майдонида кўриқчи сонини ошириш, йўллардаги назорат нуқталарини ошириш, ички ишлар вазирлиги ва чегара хизмати ходимларини ёрдамга чакириш ҳам табиат йиғиндисига бўлаётган зарарни тўхтата олмади. Аҳоли ичида табиатни муҳофаза бўйича маърузалар ўқиш, радио ва телевидениедан чиқишлар ҳам фойда бермади. Кўриқхонанинг ишлаб туриши ва шимолий Кавказнинг нодир табиатини сақлаб қолиш учун фақат экотуризмни ривожлантириш кераклиги ҳаммага маълум бўлиб қолди. Ҳозирги кунларда фақат туризмни ривожлантириш йўли билан инкироздан чиқиш мумкинлиги маҳаллий аҳолига ҳам тушунарли бўлди ва улар ўзларининг иқтисодий ривожини мол сонини кўпайтириш билан эмас, балки сайёҳлик бизнеси ва сайёҳик инфраструктурада ишлаш билан боғлай бошлади. Шу билан табиатни муҳофаза этиладиган ҳудудларда экотуризмнинг аҳамияти тугамайди.

Хорижий миллий боғларда бўлган вақтда уларда муҳофаза ишларига ёрдам берувчи сайёҳлар сони ошмоқда. Улар бу жойларда бўлган вақтда боғ ходимларига жониворларни ҳисобга олишда, сўқмоқларни таъмирлаш ва чиқиндиларни йиғишда ихтиёрий ёрдам беришади. “Волонтерлик” дастурлари алоҳида бир йўналиш сифатида ривожланмоқда. Бунда хорижий сайёҳлар ўзлари севган кўриқхоналарга уларнинг илмий ишларида қатнашиб ёрдам кўрсатади ёки муҳофаза этиладиган ҳудудларни кўриқдлашда ёрдам беришади (айни вақтда харажатларини оддий сайёҳ сифатида ўзлари кўтаришади). Кўпчилик табиатни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда ва айрим мутахассислар учун ўзларининг илмий фаолиятлари ёки экспедицион ишлари учун пул топишнинг ягона йўли фақат шу бўлиб қолган.

Кўпчилик масъул туроператорлар саёҳатни суратли ташкил этиш учун уларнинг бўлажак саёҳат ерлари бўлган табиати алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар билан доимий алоқада бўлишади ва табиатни муҳофаза этиладиган ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришади.

Экотуризм ривожининг яна бир ижобий томони бор (айниқса, илмий туризмнинг). Бу бизнинг табиати алоҳида муҳофаза этиладиган алоҳида ҳудудларда ишловчи илмий ходимларимиз, чет эллардаги халқаро лойиҳаларда ишловчи ҳамкасблари билан биргаликда ишлаб, ҳамкорликда иш олиб боришидир.

Шундай қилиб, экотуризмни тўғри ташкил этиш табиати муҳофаза этиладиган ерларнинг, экологик билим бериш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради ва кўпчилик табиати муҳофаза этиладиган майдонлар унга ташриф буюрувчи сайёҳлар ҳисобига фойда кўради.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМДАГИ ТАБИАТИ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бир неча гуруҳга бўлинади ва уларни экологик туризмда фойдаланиш йўллари бир хил эмас. Собиқ Совет иттифоқидан кейинги пайдо бўлган мустақил давлатларда миллий боғлар, боғ-ёдгорликлар, “Табиат музейлари” ва табиий ёдгорликлардан экологик туризмда фойдаланиш қонун томонидан тасдиқланмайди ва аксинча, миллий боғлар қисман туризм учун яратилади. Кўриқхоналар ва заказникларда туризм қатъий тақиқланади. Лекин давр талабини ҳисобга олган ҳолда кўпчилик мамлакатларда ва Ўзбекистон кўриқхоналарида экологик туризмдан фойдаланилмоқда. Бунинг учун махсус кўриқхоналар учун туризмдан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқарилган ҳамда қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

- а) экосайёҳик имкониятларни баҳолаш;
- б) табиатни муҳофаза қилиш режимига бўйсунтириш;
- в) экологик ва техникавий муаммолар алоқасини ўргатиш;
- г) рекреацион босим ҳисобини чиқариш;

д) бошқа жойлардаги кўриқхоналарда олиб борилаётган экологик туризм тажрибасини ўрганиш;

е) кўриқхоналардаги экологик туризм тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш;

ё) кўриқхоналар учун типик табиатни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш.

ЭКОСАЙЁҲИК ИМКОНияТЛАРНИ БАҲОЛАШ

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга келаётган одамлар, айникса, “ёввойи”, ҳисобга олинмаган сайёҳлар сони кўпаймоқда. Кўпчилик кўриқхоналар бунга тайёр эмаслиги маълум бўлди, чунки улар бундай сайёҳик иншоот сифатида танлашларини режалаштирмаган ва ҳаттоки уни билишмаган ҳам эканлар. Кўпчилик ҳолларда улар сайёҳларни қабул этувчи ходимлари ва тайёргарликлари йўқ бўлиб чиқди ва уларда бор ходимлар сайёҳ оқимларини бошқаришга, бир томондан кундан-кун сони ошиб бораётган сайёҳларнинг талабини қондиришга, иккинчи томондан сайёҳик фаолият ишига аралашган табиат манбаларини муҳофаза этишга кафолат беролмаслиги маълум бўлди. Бу омиллар, табиийки, кўриқхоналар майдонига хавф солиши мумкин. Лекин муҳофаза ишларини олиб борган ҳолда туризмдан келаётган хавфни пасайтириш ҳамда ижобий самарадорликни ошириш мумкин. Бундай ҳолда туризм муҳофаза этиладиган ҳудудларга ва ундаги аҳолига фойда келтиради.

Ўзбекистон ҳудудидаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий шароити экологик илм бериш учун яхши шароит ярага олади.

Бундай жойларга ташкил этилган сайёҳик гуруҳлар сони кам бўлиб иқтисодий фойда олиш учун келаётган сайёҳларга ахборотларни кўпайтириш, маркетинг ва сайёҳик маҳсулотни олдинга суриш керак.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда туризмнинг энг олдинги вазифалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- табиатни муҳофаза этиш;
- маҳаллий аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш;
- сайёҳик маҳсулот ва хизматни яхшилаш.

Экологик ва илмий кадр-қиммат билан бир вақтда бу ерда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий томонларни эътиборга олиш керак.

Экотуризм – бу бизнес. Агар у даромад бермайдиган бўлса, унда муҳофаза этиладиган ҳудудлар, маҳаллий турар-жойлар учун

иктисодий фойда олиб келмайди ва фақат муаммоларни чигаллаштириши мумкин.

Ўзбекистон республикаси экотуризм фаолиятини кучайтириш учун улкан имкониятларга эга. Лекин улардан фойдалана билиш учун бир қатор таклиф ва тақризлардан фойдаланиш керак ҳамда улар махсус адабиётлардан йиғиб олинган.

1. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (АМЭТХ) ичида экологик сўқмоқлар кўрсатилиб, улардаги қуриган дарахтлар олиб ташланиб, чуқурлар текисланиши керак. Шундан сўнг экологик сўқмоқни ҳаваскор сайёҳларга қулай бўлиши учун рақамлаб чиқариш керак, чунки махсус харита жадваллар ва буклетлар билан таъминланган сайёҳлар бундай сўқмоқларни осонлик билан билиши керак. Агар бундай харита жадваллар ва буклетлар бўлмаса, ишни шундан бошлаш ва тез орада чиқариш керак. Экологик сўқмоқлардаги маълумот берувчи кўргазмаларни анъанавий бўлмаган тарзда алоҳида ажралиб турувчи қилиб жиҳозлаш керак.

2. Миллий боғларда автомобилдан фойдаланиш тақиқлангани учун хориж тажрибасидан фойдаланиб, экологик сўқмоқдан автоулов киргиза олмаганимиз учун унинг ўрнига от ёки велосипеддан фойдаланишимиз керак. Бу мақсад учун қўриқхона ёки миллий боғ ҳисобига камида 7-8 от ёки велосипед сотиб олиш ва ундан фойдаланишни билувчи мутахассис жалб этиш керак.

3. Эко-маърифат ишлари мақсадида алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ичида боғ дўстлари ёки экологик сўқмоқ дўстлари саройларини фақатгина маҳаллий ўқувчи ва ўқитувчиларгина эмас, боғнинг ходимлари (ундан кетишган бўлса ҳам алоқасини йўқотмаган аввалги хизматчилари) ҳам аъзо бўлишади. Бошқа ҳудудларда яшовчи ходимларни ҳам ҳақиқий аъзо сифатида қабул қилиб олиниши керак. Улар маслаҳат беришлари, эксперт хулосалар ўтказиш, керакли адабиётлар ва махсус жиҳозлар билан таъминланишлари мумкин. Экологик сўқмоқ унда юрадиганларнинг бир неча марта тўхтаб дам олишларига мослашиши керак.

4. Миллий боғларда ва кўриқхоналарда маҳаллий аҳолининг анъанавий касблари янгидан ривожланиши учун шароит яратилади.

5. Миллий боғлар ва кўриқхоналардаги экологик сўқмоқларда ахлат ташловчи жойлар, ҳожатхоналар қурилиши режалаштирилиши керак. Лекин ҳамма тасодифан пайдо бўлган сўқмоқларни ва ундаги тўхтов жойларини ободонлаштиришнинг кераги йўқ.

6. Сўқмоққа ташриф марказини танлаш керак.

7. Табиат иншоотларини узоқдан кузатиш учун дурбинлар сотиб олиш ва экосайёҳларга таклиф этиш керак.

8. Экологик сўқмоқлардаги сайёҳларни қабул этувчи жойларни режалаштириш ҳам илмий асосда олиб борилиши керак. Бунда экология қонунларига амал қилган ҳолда, унча катта бўлмаган, ландшафтга мослашган, яхши кўриқланадиган ва доимий эгаси бўлиши керак. Бу жойни жиҳозлаш ва тайинлаш унинг асосий вазифасига мос келиши керак; у фақатгина сайёҳлар тўхтайдиган жойгина эмас, уларни экологик маънавиятини оширадиган жой ҳам бўлиши керак.

9. Экотуризмнинг ривожини учун мумкин бўлган босим миқдорини ҳисоблаб чиқиш керак.

Агар келадиган сайёҳлар сонини аниқловчи экологик омил жониворлар олами бўлса, уларни сақлаб қолиш учун турлари, йиғиладиган жойлари, улар озиқланадиган, кўпаядиган ва кўчиб юрадиган йўллари аниқлаш керак.

Бошқа лимитловчи омиллардан бири муҳофаза этиладиган ўсимлик олами турлари бўлса, шуни эътиборга олишимиз керакки, ташриф этувчилар томонидан ўсимлик қопламига таъсир, уларнинг сони билангина эмас, балки ўзларини тутишига ҳам боғлиқ бўлди. Бу жойда сайёҳларнинг экологик билимини ошириш ишлари сайёҳатдан олдин ҳам бўлиши керак. Баъзи бир ҳолларда сайёҳлар сони ва унинг ўтиш вақти экологик сўқмоқнинг емирилганлик даражаси, ундаги ва тўхташ жойини назорат этиш майдончасининг кенглигига боғлиқ бўлади. Яна шуни ҳам ҳисобга олишимиз керакки, сайёҳларнинг оммавий келиш вақтида маршрут сиғимлилиги унинг жиҳозланганлиги, ариқлар устидан ўтадиган кўприкчалар борлиги, уларнинг аҳволи, турар жойларда гулхан ёқиш мумкинлиги ёки йўқлиги, ҳожатхоналар, чиқинди чуқурлари борлиги, уларнинг вақтида таъмирлаб ва тозалаб турилишига

боғлиқ бўлади. Акс ҳолда ҳисобланган табиатга босим миқдори йил сайин камайиб боради. Юқори бўлган омиллар миқдори ҳамда сайёҳларнинг мумкин бўлган миқдори ҳисоблаб чиқарилади. Унда қуйидаги мумкин бўлган кириш чегараси миқдорини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Бу ерда ҳар йили ўзгариб турадиган об-ҳаво шароити ҳисобга олинмайди.

Экологик сўқмоқ ҳар куни 7-10 нафар одамни қабул қилади (сентябрь ойларида фақат дам олиш кунлари). Бундан ташқари фақатгина ташкил этилган сайёҳларгина эмас, балки бу жойларга ўқув-илмий ишлари билан келаётган одамлар (талабалар) сони ҳам ҳисобга олинса, уларнинг умумий миқдори мавсумда 30-50 нафар одам, деб ҳисобланиши керак. Агар маршрут қиялиги тик ёнбағирдан ўтадиган бўлса, ҳар бир сайёҳик гуруҳда бир ҳафтада 8-10 нафар одамдан кўпини қўшмаслигимиз керак.

10. Экосайёҳик сўқмоқ нам ва ботқоқланган жойдан ўтса, уни жиҳозлаш керак. Бундай ҳолда майдондаги тош бўлақларини бундай жойга ташлаш керак. Тоғ жойларида тош табиий хом ашё бўлиб, улар ёрдамида таъмирланган сўқмоқ табиий кўринишга эга бўлади ва емирилган сўқмоққа қараганда, табиий ландшафтга қўшилиб кетади. Бундай мустаҳкамланган сўқмоқ яёв сайёҳлар учун қулай бўлади. У вақт ўтиши билан тош билан қопланганлиги сабабли кенгайиб кетиб ёнларида тупроқ-ўсимлик қопламини емирмайди. Шундай қилиб, экотуризмнинг ривожини эко-маърифий фаолиятнинг бир қисми сифатида қўриқланадиган майдонларда махсус ободонлаштириш ишлари талаб этади. Бу ишлар табиатни муҳофазаси учун ва айни бир вақтда сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш учун қилинади. Шу сабабли сўқмоқдаги бошқа турдаги ишларини, табиат учун оддий бир “тартибли ўзгариш” деб ҳисоблаш мумкин.

11. Маълумот билан таъминлаш. Ҳар хил режа-йўлланмалар, қўлланмалар чиқариб, уларнинг ёрдамида регион сайёҳик имкониятларини кўрсатиб бериш.

12. Ҳар хил эсдалик совғалар, кўркем маҳсулотлар чиқариб, сайёҳларга сотишни йўлга қуйиш.

13. Экскурсия вақтида маълумотларни “кичик порциялар” шаклида, ёркин ва йиғилган ҳолда бериш керак. Бу уларни яхши қабул қилиб олишларига ёрдам беради.

14. Сайёҳик сўқмоқларни мустаҳкамлаш учун унга бўйлама ва кўндаланг сув ўтказувчи йўлақлар қуриш, сўқмоқнинг юкорисидан ва пастидан кўтариб турувчи тош деворлар билан мустаҳкамлаш, устидан шағал ва тош плиталар шаклида қоплама ётқизиш мумкин. Сўқмоқни қуришиш учун бетон ва пластикалик қувурлар ётқизиш, улар тагига тошдан кўтарувчи деворлар қуриш, тик ёнбағирларда тош ва кум билан қорежаган зинапоялар қуриш мумкин.

Тоғ сўқмоқларининг бузилишига сабаб бўладиган омилларга қарши кураш умумий ҳолда қўлланилганда фойда бериши мумкин. Бунда керакли шарт, ҳар бир жойнинг аниқ шароитини ҳисобга олиш, қурувчиларнинг юқори малакаси, сўқмоқ ҳолидан доимий назорат, унинг заиф қисмларини мустаҳкамлаш, ўз навбатида таъмирлаш ва назорат қилиш зарур.

15. Сайёҳлар тўхтаб ўтадиган жойларда хожатхоналар қуриш керак. Агар жой шароити уни “яширинишга” имкон берса, (масалан, қалин ўсимликлар ичида ёки қоя орқасида) кўзга яхши ташланадиган йўл кўрсаткич ўрнатиш керак.

16. Экологик нуктаи назардан тўғри келмаган жойда гулхан ёқишнинг олдини олиш мақсадида доимий гулхан ёқадиган жойни тайинлаш керак ва бу жой одамлар сонига ҳамда жойнинг хавфсизлигига боғлиқ бўлиши керак.

17. Ўзининг кераклиги жиҳатидан чодирлар остига тушанма ва ёмғирдан ҳимоя қилувчи айвонлар қуриш энг муҳим ҳисобланади. Ҳамма учун керакли бу қурилишлар сайёҳларга узоқ фойдаланиш ва мустаҳкамлиги билан табиатга уйғун дизайн ва атрофдаги муҳитга мос тушиши керак.

18. Сўқмоқча киришдан олдин, алоҳида нодир ва қимматли иншоотларга киришдан олдин, албатта, суҳбат-йўлланма ўтказилиши керак. Ҳар куни бир неча марта, оммавий киришдан кейин, албатта, майдоннинг санитар ҳолатини текшириш ва қолдирилган қолдиқ-чиқиндиларни йиғиштириб олиш керак.

19. Бутун маршрут ўтадиган жойни осилиб турадиган шох-шаббадан тозалаш, сўқмоқ устидаги юзани текислаш, ёмғир ва дарё сувлари юйиб кетган жойни мустаҳкамлаш ва бошқа чоралар қўлланилиши керак.

20. Экологик сўқмоқ ўтадиган жойлардаги рекультивация ишларини экологик валонтерлар ёрдамида ўтказиш мумкин. Ҳар йили бундай жойлар ҳолатини ёз давомида уч марта: мавсумнинг

бошида, ўртасида ва охирида текширилиши керак. Бу бошқа ўтказиладиган иш чораларига ҳам тааллуқли.

21. От туризмида қатнашадиганлар сони 4-8 отлик бўлиши керак. Шунда уларнинг табиатга таъсири пастроқ бўлади.

22. Тупроқ емирилишининг олдини олиш учун отлик сайёҳлар бир эмас бир неча сўқмоқдан фойдаланиш керак. Бундай ҳолда емирилишга берилувчан майдонларда хавф камаяди. Дарё ва сув хавзаларидан кечиб ўтиш вақтида отлар бири кетидан бири изи билан юрмасдан сочилиб кетган ҳолда ўтиш керак. Ундай ҳолда дарё хавзасига босим камаяди. Маршрутлар рўйхати эгилувчан бўлиб, нам оби ҳаво шароити вақтида ювилиб кетадиган майдонларда бундай вақтда юрмаслик керак.

23. Отлик сайёҳлар сув хавзаларини ифлослантиришдан эҳтиёт бўлиш керак. Отлар сақланадиган қўтонлар сув хавзасидан 30 метр жойда ўрнаштирилиб отлар табиий чиқиндиларини сув хавзаларига туширишдан сақлаш керак.

24. Отлик маршрутлар ўтадиган жойларда қуйидаги табиий омиллар бор майдонлардан иложи борица кам фойдаланиш керак:

- ботқоқ, чўқувчан жойлар;
- қояли ва кучли тош йўл қисмлари;
- қия бағирлар;
- қалин ва чакалакчи ўрмон;
- қон сўрувчи ва чақувчи ҳашаротлар бор жойлар;
- ичиладиган сув ва отларнинг яшил ўт емиши кам жойлар;
- отларнинг юқумли касалликлари учрайдиган жойлар.

Шундай қилиб, юқорида таклиф этилган йўлланмаларни экотуризм фаолияти вақтида қўлланилиши туризмнинг табиий йиғиндиларига таъсирини камайтиради ва молиявий муаммоларни ечишда ёрдам беради.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ

“Қўриқхоналарда туризм керакми ёки керак эмасми?” деган мавзуда ўнлаб йиллар давомида баҳс этилган ва “керак эмас”, деган фикрга келишига қарамасдан, туризм қўриқхоналарда мустақил

равишда ривожлана борди. Бугун таъқиқлаш, чегаралаш, буйрук бериш ва жазолаш ғоялари ўтмишда қолди. Унинг ўрнига диалог ва ўзаро фойдали ҳамкорлик келди. Ўзбекистон алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари ўзининг имконияти жиҳатидан халқаро табиий қўриқхоналар кам эмас, балки кўпроқдир, чунки бизнинг қўриқхоналаримиз нодир ва гўзал ландшафт доираларида ва экотизимларда жойлашиб, уларга инсон фаолияти таъсир этмаган.

Ҳаётда экологик чидамли туризмнинг қўриқхоналар ва миллий боғларга амалиёт ва назарий жиҳатдан татбиқ этиш бир қатор ўзига хослик ва афзаллик беради:

- 1) Бизнинг Ўзбекистон қўриқхоналарида илмий бўлимлар бўлиб, уларнинг вазифаларига табиат экотизимларининг устидан доимий мониторинг қиради. Улар, умуман, илмий текшириш институтларининг ҳар хил табиий доираларида тур шаклида жойлашгандир. Бу эса Ўзбекистон қўриқхоналарининг турли билимли сайёҳлик турларини ривожлантириш имкониятини беради. Буларга билим орттирувчи туризм турларини, талабалар амалиёти, илмий турлар ва волонтерлар дастури қиради.
- 2) Эко-маърифатли ва экосайёҳик фаолиятни қўриқхоналар негизида олиб бориш, экологик билим бериш самарадорлигини оширишга сабаб бўлади, кенг жамоатчилик фикрини табиатни муҳофаза этишга боғлиқ саволларга қаратади ва жамоатчиликни ёрдамга чақиради. Муҳофаза этиладиган ҳудудларни аҳоли яшайдиган туманларда жамоат ва маданият марказига айлантирилади.
- 3) Муҳофаза этиладиган ҳудудлар туризм фаолияти устидан режалаштириш ишлари олиб бораётган структурага айланади, бу экологик туризмнинг энг асосий шартидир(29,15).

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, экологик туризмнинг социал-иқтисодий самарадорлиги маҳаллий ва регионал даражада жуда юқоридир. Шу сабабли муҳофаза этиладиган майдонлар янги иш жойи ва маҳаллий иқтисодга қўшимча даромад берувчи манбага айланди. Муҳофаза этиладиган майдонларда экотуризм ривож бу регионга халқаро диққат ва инвестициялар жалб этади, бу эса ўз

навбатида муҳофаза этиладиган майдонларнинг маҳаллий аҳоли олдида обрўсини оширади ва уларнинг табиий муҳофаза масаласига бўлган муносабатини оширади.

Лекин кўпчилик алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида рухсат этиладиган рекреацион босим ва туризмнинг экологик оқибатлари устидан мониторинг механизми ишга туширилмаган. Бу эса режалаштириш ва назоратсиз ўтказилган туризм олиб келаётган экологик муаммолар олдида табиатни заиф қилиб қўяди, шу сабабли муҳофаза этиладиган ҳудудларда туризмнинг душманлари кўп бўлса керак.

Табиатни муҳофаза қилишни, шароитга эътибор қилган ҳолда экологик туризм ўтказиш мисолини Қозоғистоннинг энг кекса қўриқхонаси Аксу-Джабағли мисолида кўриш мумкин. Қўриқхона 1926-йил 14 июлда ташкил этилган ва унда қўриқхонадан экосайёҳик мақсадда фойдаланишнинг тажрибаси тўрежаган.

Қўриқхонанинг бой табиати, унинг нодир ва гўзал ландшафтлари экологик туризмнинг ривожини учун яхши негиз бўлиб хизмат қилган. Аксу-Джабағли қўриқхонасида бир мавсумда 5000 одам бўлади. Уларга қуйидаги хизмат турлари ташриф этилади (29, 37-38).

- Джабағли аҳоли пунктида жойлашган табиат музейига экскурсия;
- қўриқхонанинг чегарасида жойлашган экологик сўқмоқ билан экскурсия. Узунлиги 2 км бўлган, экологик сўқмоқ Джабағли кордонидан бошланиб (аҳоли пунктидан 6 км) Жетимсой дарёси қирғоғигача боради. Қўриқхонада экскурсия раҳбари штати бор. Илгари экскурсия раҳбарлари 3 киши эди (29,37).
- бундан ташқари қўриқхонада хорижий сайёҳ хаваскорлар иштирокида кушларга бағишланган халқаро экологик экскурсиялар ўтказилади. Бундай сайёҳлар сони ҳар хил бўлиб, ўртача бир йилда 100 одамга тўғри келади.
- қўриқхонада рекреацион босим ишлаб чиқарилмаган. Ундаги ижобий томон шуки қонун бўйича илмий-қизиқувчан ва экологик экскурсиялар бўйича ишлаб турган маршрутлар мавжуд.

Лекин Аску-Джабағлида туризмнинг кенг ривожига унинг кўриқхона статуси ҳалақит беради.

Табиатни муҳофаза этиш ва 1998 йилда ишлаб чиқарилган қоида бўйича кўриқхона майдонида кўриқхона режими ишлаб турибди. Унинг 17 пунктида “кўриқхона режими табиий йиғиндиларининг ва алоҳида кўриқланадиган иншоотлари табиий ҳолати ва бир бутунлигини сақлаш учун хизмат қилиш керак”, деб қайд қилинган.

Кўриқхона майдонида унинг вазифасига мос келмовчи ҳар қандай фаолият шунинг ичида:

- бегона одамлар ва транспортнинг туриши, ўтиши ва кириши.

Бу қонун бўйича бегона одамларнинг кўриқхона ҳудудига кириши 1500 танга (Қозоғистон пул бирлиги) билан жазоланиши керак.

Аксу-Джабағли кўриқхонасига келадиган туристлар билан ишлаш тажрибаси шуни кўрсатдики, унда кўп сонли одамларнинг узок вақт давомида бўлиши флора ва фаунасига таъсир этади. Одамлар кўп бўлган ерларда уларнинг қолган табиатни ифлослантирувчи маҳсулотлар (газеталар), полиэтилен пакетлар, латта, шиша идишлар, консерва банкалари ва ҳоказолар қанчалик диққат билан тозаланган тақдирда ҳам қисман қолади, одамлар топтаган ерларда одатда бошқа ёввойи ўтлар, шу ерлар учун хос бўлмаган ўсимликлар ўсиб чиқади(29, 27).

Кўриқхона табиатига тўғридан-тўғри энг катта хавфни гулханлар келтиради ва сайёҳлар тунаган ва тўхтаган жойда, албатта, олов ёқилади. Шу йўл билан 1984 йилда одамлар бефарқлиги туфайли Чуулдақ участкасида 400 гектар арча ўрмонзори ёниб кетди. Сайёҳларнинг дала шароитида тушлик пишираётган вақтда оловга бефарқлик қилиши сабабли.

Кўриқхоналарга от туризми вақтида отларнинг ҳар жойларда ўтлайвериши натижасида катта зарар етказилади. Отлар ўсимликларни фақатгина еб ёки топтаб ташламасдан, майдонни ифлослантиради. Бундан ташқари отлар ёввойи ҳайвонлар ўртасида касаллик юқтириш манбаи бўлиб хизмат қилиши ва юқумли касалликларни тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Хавотирланиш омилини ҳам ҳисобдан чиқариш керак эмас. Сайёҳларнинг пайдо бўлишини ўзи ҳам ҳайвонларнинг

хавотирланишига ва оддий турмуш тарзини ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Бекорга кўп миллий боғларда нодир жониворларни суратга олишга рухсат берилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, қуш инларини оддий суратга туширишни яқин масофадан олиб борилса 80% шароитда уларнинг ниқоблари бузилади ва қуш уясини бузилишига олиб келади. Кўпинча сайёҳлар ўзлари билмаган ҳолда қуш уяси ёки ҳайвонлар ертўласи олдида улар сув ичадиган, туз ялайдиган ерда қўниш жойи қилишади. Бу нарса ҳайвонлар ўзини тутишида ўзгариши бўлишига ёки ҳайвон болаларининг ўлимига олиб келади.

Шу йўл билан туризмни кўриқхонада ривожлантиришнинг ўзига хос муаммоси бор. Бир томонда биз амалиётда одамларни табиий ва уни сақлаш кераклигини ўргатишимиз, таништиришимиз керак. Бошқа томонда қатъий табиат манбаларига аралашмаслик сиёсати олиб боришимиз керак.

Бу муаммони ечиш вақтида биз ўзаро келишишимиз, яъни сайёҳик экскурсия вақтида у табиатга оз миқдорда таъсир этиши керак. Бундай ўзаро келишув қарорининг асоси бўлиб:

- кўриқхонада экологик экскурсияни ўтказиш қонунларини ишлаб чиқариш ва унга қатъий амал қилиш;
- оптимал рекреацион босимга амал қилиш устидан назорат;
- кўриқхонада экологик экскурсия ўтказиш қонуниятларини ишлаб чиқариш ва унга амал қилиш;
- ҳудудларни шартли доираларга бўлиб чиқиш, унда сайёҳлар учун маршрутлар танлашда у жойларда табиатга кам зарар етказилади ва мутлоқ кўриқланадиган доираларга бўлиш. Бундай доираларга бўлиш шартли, яъни кўриқхона қонуни бўйича унда бўлмаслиги керак ва фақат миллий боғларда бўлиши мумкин.

ЭКОЛОГИК ВА ТЕХНИК МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ

Кўриқхонада туризмни ташкил этишнинг бир қатор техник чоралари бор. Биринчидан, сайёҳик тўхташ жойида ва унинг

маршрутлари хавфсизлик техникаси ва санитария меъёрларига мос равишда жиҳозланиши керак. Тоғларда тунаш ва узоқ дам олиш учун қабулхоналар масала фин уйлари хилидаги енгил уйлар кўрилиб, уларда отлар учун ёпиқ жой, дон ва пичан, ашё ва анжомлари омбори, ошхона, ҳожатхоналар, душ ва ҳаммоми бўлиши керак.

Маршрутлардаги тўхташ ва қисқа тўхташ жойи ҳисоблаб чиқиб кўрсатилиб берилиши керак: от боғладиган жой, гулхан ёқиладиган жой, чиқинди ва қолдиқлар йиғиштириладиган ёки йўқотиладиган жой, стол, скамейка, ёмғирдан яширинадиган жой, ҳожатхона.

Кузатиш ёки кўриш майдончалари кўрсатилиб ва иложи борица чегараланиб қўйилиши, унда чекиш жойи, чиқинди қутчаси, скамейка, стол бўлиши керак.

Маршрутларда кўрсаткичлар, ахборотлар ва тушунтириш кўрсаткичлари ва тилмочлар бўлиши керак. Маълум жойларда ва маршрутларда ёки тўхташ жойларида биринчи тиббий ёрдами пункти ўрнатилиши керак.

Алоқа тизими ишлаб чиқарилиши керак.

Барча техник чоралар маршрутдаги экологик шароит билан ҳамбарчас алоқада бўлиши керак. Биз булар ичида ўзаро алоқанинг баъзи бир нуқталаридаги асосий томонларини кўрсатиш керак:

- тўхташ жойи доимий тоза сув манбаи олдида бўлиши керак;
- лагер ёки вақтинча тўхташ жойи ўрнатиш вақтида ўша жойнинг рельефини ўрганиш, у жойда қор кўчкиси, тоғ силжиши, сурилма, кучли сув оқими ва бошқа табиий офатлар хавф солмаслигига ишонч бўлиши керак;
- сўқмоқ ва кузатиш майдонини танлаш вақтида у жой олдида қия ёнбағир ва узилмалар йўқлигига амал қилиш керак, чунки бу жойларда пиёда ва отли сайёҳлар йиқилиб тушиши мумкин;
- одамларнинг маршрутда бўлиш вақтида момақалдирок вақтида чақмоқ уриш хавфини ҳам эътиборга олиш керак;
- лагерга яқин жойда заҳарли ва хавфли ўсимлик ва жониворлар йиғилган жойлар бўлмаслиги керак;

- кўриқхоналардаги микроиклим шароитлари ва ҳар хил зоналарада мавжудлигига эътибор бериш керак. Баландлик доираларининг кескин ўзгариши, денгиз юзасидан 2000 метр дан юқори кўтарилиши кўпинча тоғ хасталиги, психикасида ўзгаришлар бўлиши, юрак ва ўпкада ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Мураккаб тоғ рельефлари микроиклим шароитининг тез-тез ўзгаришига сабаб бўлади. Бироқ даранинг жанубдаги қояси иссиқ ва шамолсиз бўлса, бошқа дара ёки довонда ҳарорат фарқи кучли бўлиши мумкин. Тоғда оби ҳаво тез ўзагаради. Ёз ойларида ҳам унда совуқ ёмғирлар, қор ёғиши, кучли пўртана шамоли ёки туман бўлиб, унда адашиб кетиш мумкин;
- тоғда сайёҳат ўтказиш вақтида яна бир экологик омил, юқори инсоляцияни эътиборга олиш керак. Тоғда баланд жойларда ультрабинафша нурлар, кун уриши ёки терининг носоғлом қорайиш ҳоллари бўлиши мумкин.

Биз сайёҳик оромгоҳлар ва маршрутларни техник жиҳозлаш вақтида учрайдиган асосий муаммоларни кўрсатиб бердик. Табиийки, ҳар бир аниқ жойни ва экологик шароитни яхшилаб ўрганиб чиқиш ва уларга хос жиҳозлаш ишлари олиб бориш керак.

РЕКРЕАЦИОН БОСИМ ҲИСОБИ

Рекреация – бу соғлиқ ва меҳнатга лаёқатли табиатда дам олиш ёки туристик сайёҳат, қизиқарли ва кўркем жойларни, шу жумладан, миллий боғлар ва кўриқхоналар, музейлар, қадимий ёдгорликларни кўриш вақтида тиклашдир.

Лекин юқоридаги фикрларда айтганимиздек, кўриқхонадаги дам олиш ва туризм табиатига таъсир этади. Туризмнинг салбий таъсирини кичрайтириш ва нейтраллаш учун, рекреацион босимни олдиндан ҳисоблаб чиқишимиз ва унинг оптимал меъёрларига амал қилишимиз керак.

Рекреацион босим – бу дам олувчи одамлар, уларнинг транспорт воситалари, вақтинча ва доимий турар жойлари ҳамда бошқа қурилишларнинг табиий йиғиндиси ёки иншоотига таъсиридир. Рекреацион босим одамлар сони ёки одамнинг маълум вақт ичида, одатда бир кун ёки йил ичида таъсиридир. Уч хил: оптимал, чегарадаги ва деструктив ёки рекреацион доирани ҳалокатга олиб келувчи рекреацион босим мавжуд.

Умуман, қабул этилган ўрта доирадаги ўрмонга деструктив босим, қайин ўрмонга – 7, игна барглига – 15, оқ қайинга – 25-30 одам ҳар бир гектар ерга кунига 5-7 йил ичидагига тўғри келади.

Тоғ экотизимлари тез бузилувчи бўлиб, улардаги жониворлар ва ўсимликларнинг экологик жамоалари бир-биридан ажралган бўлади. Кўпинча, ўсимлик ва жониворларнинг айрим турлари асосий оммавийлиги билан кўрсатилган бўлади. Бу мураккаб рельеф тоғнинг ҳар хил микроиклим шароити ҳамда тоғларнинг бир халка шаклида жуда кам ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетганига боғлиқ бўлади.

Масалан, жониворлар ва ўсимликлар орол популяциясини улар асосийдан ажралган ҳолда бўлаги учун бузиш ёки бутунлай йўқ қилиш осон, шу сабабли ҳар бир маълум рекреацион босимга ўзига хос ёндашиш керак. Умуман олганда рекреацион босим ҳар бир гектар ерга, бир вақтда ва ҳар куни 5 йил ичида 5-7 одамдан ошмаслиги керак.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ

Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг Китбоб геологик қўриқхонаси экологик туризмини ташкил қилиш тажрибаси бор. Лекин экологик туризмдан Марказий Осиё давлатлари ичида энг катта тажриба тўплаган ва кекса қўриқхона Қозоғистондаги Аксу-Джабағли бўлиб қолмоқда. Унда сайёҳлар учун кичик қўлланма 1963 йилдаёқ чиқарилди. Кейинроқ 1972 йил у қайта ишланиб босмадан чиқарилди. 1992 йилда қўриқхонада экология тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, 1995 йил экология ва биоманбалар вазирлигининг буйруғи билан илмий-билим олиш қўриқхоналари

тўғрисида қарор чиқди. Бу қарорда экологик туризмни ташкил этиш йўллари кўрсатилган. Ундан баъзи бир намуналар келтирамиз.

ТУРИЗМДА ТАБИАТНИ ҚЎРИҚЛАШ ТУРКУМЛАРИ

1. Экологик туризм (ЭТ)ни ташкил этишдан мақсад - қўриқхонанинг ҳолатини олдингидек сақлаш ва яхшилаш, уни муҳофаза этиш фаолиятини кучайтириш ва бошқа унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун маблағ топиш.
2. Бу маблағ қўриқхона майдонига кираётган сайёҳларнинг кириш ҳақи ва бошқа кўрсатилган хизматлари ҳақидан йиғилади.
3. Рекреацион босим ҳажми (кираётган одамлар сони, муддати, маршрутлари) эксперт кенгаши томонидан аниқланади ҳамда унинг таркибига киради:
 - қўриқхона илмий-техник жамоаси аъзолари;
 - юқоридаги корхона ходими;
 - вазирликдаги мутахассис биологлар;
 - қўриқхонадаги қоравуллик хизмати ходими.
4. Қўриқхона экотизимларга таъсир этувчи рекреацион босим таъсири назоратини ташкил этади ва бу босим ҳажмини коррективка қилади. Баҳони эксперт кенгаши беради.
5. Қўриқхона сайёҳик фаолияти натижасида тушган маблағ ишлатилади:
 - қўриқхона асосий вазифасини бажариш учун керак бўлган иш чоралари;
 - хом ашё техник базасини мустаҳкамлашга;
 - қўриқхона жамоасини социал ҳимоялашга;
 - сайёҳларга тўғри хизмат қилаётган ходимларга ойлик.
6. Сарф-харажат сметаси қўриқхонанинг илмий-техник кенгаши томонидан тузилади ва директор томонидан

тасдиқланади. Сарф-харажат бўйича ҳисобот кўриқхона молиявий ҳисоботига қўшилади.

7. Субподрят ташкилотлар (қурилиш, таъминот, хизмат, транспорт) ва одамлар билан хизмат юзасидан шартномалар тузиш қонун йўли билан шартнома асосида, шахсий меҳнат шартномалари тузиш йўли билан олиб борилади.
8. Вазирликнинг экология ва биоманбалар бўлими ишлаб чиққан қарорнинг иккинчи бўлимида илмий қизиқувчан ва экологик экскурсияларни ташкил этиш бўлими алоҳида қизиқиш уйғотади. Унда ёзилган:
 1. Экскурсиялар, илмий кузатиш ишлари олиб бориш махсус ташкил этилган маршрутлар кўриқхонанинг муҳофаза этиладиган доирасига махсус ажратилган экологик сўқмоқларда олиб борилади;
 2. Ҳар бир экологик маршрут учун тузилиши керак:
 - кўриқхонанинг харита-жадвали ва унинг муҳофаза этиладиган доира, унда чизиб кўрсатилган маршрут билан;
 - маршрут чизмаси ва таърифи;
 - экскурсия аъзоларини қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш дастури;
 - илмий кузатишлар ишлари дастури;
 - экскурсия аъзолари учун техника хавфсизлиги қонунлари ва ўзларини маршрутга тушиш эсдаликлари.
 3. Маршрутлар ўрнатиш, қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш, илмий изланишлар олиб бориш дастури табиий омиллар ва табиатни муҳофаза этиш вазирлиги билан келишади ва кўриқхонанинг илмий-техник кенгашида тасдиқланади.
 4. Маршрутлар тузилиши, экскурсиялар ўтказилиши ва илмий-ташвиқот ишлари олиб борилиши қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
 - Экскурсия аъзоларига маршрут вақтида барча табиий иншоотларни кўрсатиш ва уларга хизмат кўсатишни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган дастур асосида олиб бориш;

- кўриқхонанинг табиий йиғиндиларига, жониворлар ва ўсимлик оламига, кўриқ режимига тўғри келмайдиган таъсирни ҳисобдан чиқариш;
- маршрутлар жойлашишида ёки экскурсия ўтказиш вақтида табиий офатлар хавфи бор ёки улар ривожланадиган майдонларни маршрут ўтадиган жойга қўшиш ёки ўсимлик ва жониворлар ҳамда улар маҳсулотлари қисмларини табиий муҳитдан, коллекционерлик, илмий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиш таъкикланади;
- экскурсиялар ўтказиш, илмий кузатиш ва бошқа ишларни маршрутлар вақтида олиб бориш, улар учун ишлаб чиқарилган дастурлар асосида ва экскурсия аъзолари учун маъқул талаб асосида гид – йўл кўрсатувчилар томонидан олиб борилади;
- экскурсия гуруҳини маршрут вақтида алоқа воситалари, дори-дармонлар, тез тиббиёт ёрдами билан ҳам таъминланади;
- тўхташ, дам олиш, овқатланишни экскурсия гуруҳи маршрут давомида махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда ҳамда иншоотларда ўтказишлари керак;
- экскурсия ва кузатиш ишларини олиб бориш, кўриқхона директорининг буйруғи билан тайинланган гид – йўл кўрсатувчи иштирокида олиб борилади.

5. Экскурсия аъзолари учун қоидалар кўриқхонанинг илмий-техник кенгашида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6. Экскурсия гуруҳларини кўриқхона ва унинг муҳофаза этиладиган доирага ташриф этишлари махсус ташриф этувчилар журналида масъул одам томонидан қайд этилади.

Бундай ҳужжатлар асосида кўриқхоналарда бир қатор пиёда ва отлиқ маршрутлар ишлаб чиқилди. Чунки, фаол туризм турларининг ичида юқоридаги икки тур маршрутлар экологик туризм учун муносиб ва энг кам таъсир этувчи турлардир.

Шуни эътироф этишимиз керакки, хорижда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фаол туризмнинг сув, мототуризм, велотуризм, альпинизм ва қояларда юриш (скалолазание) турларига

хам рухсат берилади. Лекин Ўзбекистон шароитида уларнинг табиатига етказадиган зарарини ҳисобга олиб, қўриқхоналарда қўлланишига тавсия эта олмаймиз (кисқа масофага товушсиз велотуризмдан ташқари). Чунки уларнинг деярли қўпчилиги товуш, шовкин-сурон билан боради, бундан ташқари улар учун маршрутларни алоҳида тайёрлаш ишлари йўл очиш, қўприклар қуриш мототуризм ва велотуризм учун, дарахтларни қирқиш ва сол ясаш – сув туризми, қояларга пўлат қозиқлар қоқиш қояда юривчилар учун талаб қилинади. Одатда бундай сайёҳлар ўтган ва дам олган жойларида ёқилғи излари, баллонлар, арқонлар, металл ва ҳоказолар қолади. Бунинг барчаси қўриқхона мақсади ва вазифаларига тўғри келмайди ва табиатнинг бир бутунлигини бузади(31, 63).

Ўзбекистон қўриқхоналари шароитида яёв юриш ва от туризми энг маъқули ҳисобланади. Онда юриш маршрутларини ўтказишдан олдин сайёҳларга тоғда юриш тартиб-қоидалари ўргатилади: сафардан олдин отга эгар қўйилиб, устидан махсус хўржинлар ёпилади, эгар тагидаги жихоздан қилинган ёпинғичнинг текис, зич, қатламларсиз ёпилишига эътибор бериш, тик қоялардан тушиш вақтида отдан тушиб, жиловидан ушлаб яёв юришга ўрганиш керак. Маршрут вақтида отларга ем бериш тартиби ва меъёри, суғориш вақтига эътибор беришимиз керак.

Устки кийим, оёқ кийимлар енгил, мустаҳкам ва йўл қийинчиликларига муносиб бўлиши керак.

Сайёҳик-экскурсия ташкилотлари ва сайёҳларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини қўп асослар бўйича таснифлаш мумкин ва шу асосда уларнинг ҳар турли вазифалари, шакллари, усуллари, қўп сонли иш бажарувчиларини ташкил эта билишлари ўз аксини топади, уларни экотуризмда қўллаш мумкин. Бир неча асосий таснифларини қўриб чиқиш мумкин.

Ўтказиш мақсади бўйича уч тур табиатни муҳофаза қилиш чоралари қўлланилади: ўқув-тарбия, амалий таклиф ва ташкилотчилик.

Ўқув-тарбия чораларининг мақсади, асосан, оммабоп-тушунтириш ва тарғибот ишда бўлиб, туризм ёрдамида тарбия ўрганиш ва табиатни муҳофаза қилиш ишларида билим, ўрганиш ва эплай билиш йўли билан олиб борилади.

Ўқув-тарбия соҳасига ахборот, ўқув, тарбия ва ташвиқот ишлари киради.

Ахборот чоралари табиатни муҳофаза қилиш билимлари, чоралари ҳисобланади. Бунинг ичида педагогика қонунларига итоат этиш асосий ҳисобланиб, уларга – ўқитишнинг тарбия этиш усулларини қўллаш унинг илмийлик, тартиблик, ҳаммага тушунарли, онглилик ва фаоллик, мустаҳкамлик ва ўзига хосликга эътибор бериш керак, яъни туризм, экскурсия тармоғидан келаётган маълумот бутун экологик билимни бериш ҳамда тарбиялаш туризмининг самарадорлигини таъминлаш ва унга қарши турмаслиги керак(21, 44).

Маълумот берадиган чоралар йиғиндисиди ўлканинг табиати ҳақида қисқа ахборот олишга қаратилган, унга қизиқиш орттирадиган, таҳлил этувчи табиий йиғиндиларнинг айрим компонентларини ёритадиган, унинг табиий қисмларини очик тасаввур берувчи, табиий йиғиндиларининг бир бутунлигини очиб берувчи ва уларнинг характериға боғлиқ эканлигини кўрсатадиган маълумотларни алоҳида кўрсатиш керак. Булар ичида маънавий характерға эға чораларни ажратиб, табиат муҳофазасининг мазмуни ва атамаларни очиб бериш, бу вақтда илмий омиллар ва билим билан инсон онгига таъсир этиш, яна шу муаммони нафосат йўли билан, яъни инсонни ҳис-туйғу билан қабул қилиш тартибини ишға тушуриш йўли билан фақат далилларнигиға эмас, балки тасаввурни ҳам ишға тушириб ўша муаммоларни очиб бериш мумкин.

Сайёҳик экскурсия ишлари вақтида ўқув ишлари экологик билим ва тарбия ишларида чегараланмаган имкониятлар яратади. Бунинг устиға экологик таълим ва тарбия ишларини туризм ва экскурсия ишларисиз олиб бориш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Туристик экскурсия вақтида сайёҳлар ва экскурсия аъзолари фақатгина кўзланган маълумотлар олибгина қолмасдан, табиатни муҳофаза қилиш ишларига фаол кўшиладилар. Ўқув ичига маълумот йиғув чоралари, табиатни кузатиш, табиат муҳофазаси билимларини чуқурлаштириш ва табиатни муҳофаза қила олиш маҳорати киради.

Тарбиявий чоралар ичида алоҳида экологик дунёқарашни шакллантириш ва маънавий, меҳнат ҳуқуқий, физик, эстетик тарбия киради.

Фойдаланилаётган усулга боғлиқ равишда тарбиявий табиатни муҳофаза этувчи чоралар ичида, тушунтириш ва сингдириш, ҳикоя ва суҳбат йўли билан ишониш, вазифа бериш, мукофотлаш, ўз-ўзини тарбиялаш киради. Ўтказиш шакли бўйича улар жамоа оммавий гуруҳ ва шахсий бўлиши мумкин.

Туристик экскурсия ташкилотларида ва маршрутларда амалга ошириладиган ташвиқот табиатни муҳофаза қилиш чораларига оғзаки (маърузалар), суҳбатлар, маърузалар, бадий кечалар, журналлар, ташвиқот, радиоташвиқот ва бошқа йиғин шакллари киради.

Жуда катта амалий таклифлар фаолияти чоралари миқдори улкан бўлиб, уч турни ўз ичига олади: табиатнинг ўзини муҳофаза тури, табиатни тиклаш ва манба омилини ривожлантириш тури.

Ташкилотчилик – табиатни муҳофаза этиш чоралари гуруҳларнинг мазмунига қараб: режалаштириш, бошқариш, технология, назорат, кадрларни тайёрлаш, фаолликни шакллантириш, услубий илмий-текшириш ишлари.

Юқоридаги туризмда табиатни муҳофаза этувчи турлар ва шакллардан ташқари улар субъект бўйича (маълум бажарувчи ёки чораларни ташкил этувчи ташкилотга), объектга табиий манба турлари, регионлар, маълум табиий борлигига вақтинчалик кўрсаткичлар, мураккаблиги даражаси хом-ашё, техник, услубий, кадр таъминоти ва ҳоказолар бўйича бўлади.

ТУРИЗМДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Экотуризмда қўлланиладиган жуда хилма-хил замонавий табиатни муҳофаза қилиш ишлари бор.

Кириш вақтидаги суҳбат

Мақсад ўқув-тарбия, маълумот бериш, маршрутда юрган вақтнинг биринчи кунидан бошлаб сайёҳларни табиатда ўзини ушлашнинг қоида меъёрлари билан таништириш – “Сайёҳнинг табиатни муҳофаза этувчи кодекси” билан таништириш ва уни

сайёҳик ҳаракатдаги табиатдан фойдаланиш ва табиатни қўриқлаш анъаналари доирасига кириштирди.

Қўриқхона раҳбарлари томонидан туризмдаги услубий инструкторларга, қўриқхона директори томонидан ҳар бир янгидан маршрутга кириб келаётган тўпга ўтказиладиган суҳбат, унинг ичида, албатта, табиатни муҳофаза этадиган бўлими бўлиши керак.

Ўлканинг табиий ёдгорликлари, уларга бориш ва ўрганиш тартиби, сайёҳларни табиатда ўзини тутиш қоидалари (албатта, “Сайёҳнинг табиатни муҳофаза этувчи кодекси”) фойдаланилади, бундан олдинги гуруҳнинг табиийни муҳофаза этиш бўйича жамоага фойдали фаолиятдан мисоллар келтирилади.

Кириш вақтидаги суҳбатдан сўнг (агар шароит тақозо этса) сайёҳик хўжалик ери ичида танишиш сайри у вақтда паркни, микроқўриқхонани кўкаламлаштириш ишларини кўрсатиш.

Қўлланма

Мақсади – ўқув-тарбия, маълумот бериш, сайёҳларни асосий табиатни муҳофаза этув талаблари билан таништирув ва маълум мақсадли туристик иш қилишдан олдин унда бўладиган таъқиқлар билан таништирув.

Туристик корхоналар томонидан режали ва ҳаваскорлик сайёҳлар учун улар походга, саёҳатга чиқишдан олдин ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга кирадиган барча одамлар учун қисқа табиат муҳофазаси йўлланмаси ўргатилади.

Йўлланма бериш вақтида майдондаги табиатни муҳофаза қилиш тартиби, ундаги чегараланишлар ва таъқиқлар, ўзини тутишнинг маълум шакллари ва таъсирлари, қўйилган қонунларини бузувчиларга бўлган маъмурий ва бошқа чоралар ҳақида маълумот берилади. Бу жойга кириш вақтида режаланган чораларнинг бажарилиши унда берилади. Ўзини тутиш ва табиатдан фойдаланишнинг рухсат этилган шакллари ҳақида маслаҳат берилади.

Берилган йўлланма ҳақида махсус журналга қайд этилади. Керак бўлган вақтда гуруҳнинг маршрут ҳужжатларида керакли ёзувлар ёзилади.

Маслаҳат

Мақсади – ўқув-тарбия, маълумот ва тарғибот. Туризм ва экскурсиялар вақтида табиатни билиш жиҳати билан танишиш, экологик мавзуларда ахборот ёрдам, табиатни муҳофаза қилиш вақтида жамиятга фойдали фаолиятни ташвиқот этиш.

Сайёҳик корхоналарда, хўжаликларда, сайёҳик саройларида, маршрут-малакали хайъатларида сайёҳлар назорат хизматларида гуруҳ, якка ва оммавий гуруҳларга табиатнинг муҳофазаси масаласида оммавий таклифлар ўтказиш. Оммавий сайёҳик чоралар вақтида иш ва ўқув жойлари, маршрутлар вақтида кундузги ва сиртдан доимий ва дала маслаҳатини ўтказиш.

Сайёҳ ва экскурсия аъзоларига табиатда экологик асосланган ҳолда ўзини тутиш, табиатни муҳофаза қилишнинг мумкин бўлган турлари, тўхташ жойининг табиатга таъсир этмайдиган чоралари, гулхан ёкиш, ўрмон меваларини териш тўғрисида маслаҳатлар бериш.

Амалий таклиф билан ёрдам бериш вақтида хариталар ва жадваллар, муҳофаза этиладиган ва табиий нодир ҳудудларнинг жойлари, махсус адабиётлар рўйхати, муҳофазага олинган жониворлар ва ўсимликлар расмлари, фотосуратлари, тавсия этилаётган сайёҳик асбоб-ускуналар чизмалари ва намуналари ҳамда бошқа сайёҳларни қизиқтираётган манбалар берилади.

Ўлкашунослик сайёҳлиги

Мақсади – ўқув-тарбия, маълумот, умуман ўлканинг табиати ҳақида ва табиий муаммолари тўғрисида маълумотлар бериш ва уларга қизиқиш уйғотиш.

Экскурсия аъзоларини туманнинг, вилоятнинг, ўлканинг табиати билан таништириш учун ўлкашунослик экскурсиясини ўтказиш. У жойдаги нодир ландшафтлар, табиат иншоотларини кўрсатиш ва сўзлаб бериш. Табиат ёдгорликлари – ичида гўзал рельефи, дарёлари, шаршаралари, минерал булоқлари, режими ўзига хос бўлган қўллари, ёши улкан дарахтлар ва тарихий обида ёдгорликлари бўлган дарахтлари қадимги боғлари, ғорлари, гротлар, ўзига хос, йирик қоялари ва геологик ялонғоч жойлари бўлган ландшафт йиғиндиларига эътиборни тортиш.

Табиий манбалар, улардан фойдаланиш кўлами ва тури ҳақида маълумот бериш, табиатдан фойдаланиш турлари, экскурсия давомиди талабаларда, экскурсия аъзоларида табиатни билишга ҳамда унинг муҳофазасига қатнашишга қизиқиш уйғотиш.

Табиатшунослик сайёҳлиги

Мақсади ўқув-тарбия, маълумот, таҳлил, алоҳида табиий ҳудудлари ва иншоотлари, баъзи бир кўзга ташланадиган табиий жараёнлар ва экология ҳақида кенг тушунча бериш.

Табиий йиғиндининг алоҳида бўлимлари тўғрисида табиийшунослик экскурсияларини ташкил этиш (масалан, тоғ жинслари ва минераллар, ўрмон, доривор ўсимликлари, сайроқи кушлар) табиий жараёнлари (табиатда сув айланиши), маҳаллий табиатнинг ривожига фенологик фазалар (“Баҳор сувлари”, “Яшил шовкин”) ва ҳоказолар.

Антропоген, шу жумладан, рекреация омилнинг табиатга таъсири, табиий манбаларни рақиял ва негатив ўзлаштириш, экскурсия воситалари ёрдамида экологиядаги асосий тушунчаларни изоҳлаш.

Экскурсия учун ўқув экологик сўқмоқлардан фойдаланиш, кўрув, назорат этув майдончалари, сайёҳик экскурсия ва миллий боғлардан фойдаланиш. Сайёҳларни олдиндан тайёрлаш учун узок вақтга чўзиладиган пиёда саёҳатларни ташкил этиш.

Музей сайёҳлиги

Мақсади – ўқув-тарбия, маълумот, таҳлил, нафосат, ўлканинг табиати ёки унинг элементлари тўғрисида йиғилган ва тартибга солинган билимни олиш имкониятини туғдириш, экологик муаммони руҳий-эстетик очиш.

Ўлкашунослик музейларига, зообоғларга, ботаник боғларга, дендрарийларга экскурсиялар ташкил этиб бирламчи маълумотлар, намуналар, макетлар, муляжлар, фотосуратлар, жадваллар, хариташунослик ва бошқа қизиқишни уйғотувчи (табиатдан

фойдаланиш ва табиатни муҳофаза этиш муаммолари бўйича) маълумотларни йиғиш ёки ўсимликлар ва жониворлар устидан кузатиш ишларини олиб бориш.

Ўсимлик ва жониворларнинг иқлимга мослашиш, уй шароитида сақланиши, уларга сайёҳлар томонидан керакли ёрдамни флора ва фаунада кўрсатиш шакллари ҳамда бошқа табиатни муҳофаза қилиш акцияларини ўтказиш йўллари ўрганилади.

Маълум жойга экскурсиялар (мемориал музейлар, музей-қўриқхоналарга) одатда санъат имкониятларини табиий нодирликлари билан бирлиги асосида ясалган экспонатларни кўриш, табиий оҳангдошлигининг мусиқада, шеърятда, санъат асарларида, меъморликда акс этган намуналарини кўриб, ҳис этишга олиб келади.

Табиатни ўрганувчи саёҳат

Мақсади – ўқув-тарбия, ахборот: артоф-муҳит ва унинг нодир жойлари билан танишиш, билиш ва муҳофаза қилиш учун қизиқиш уйғотиш.

Режали туристик гуруҳлар учун сайёҳатчиларнинг тўхташ ва дам олиш жойларига саёҳат ташкил этиш, ҳаваскор сайёҳик гуруҳлари учун табиатни ўрганувчи саёҳатни темир йўл станциялари, автоулов тўхташ жойлари ва дарё чеккаларидан бошланувчи маршрутларни ташкил этиш. Инструктор-услубчи ёрдамида ёки туристик жадваллар ва жой тарифлари мустақил ўрганилиб, туманларнинг ўсимлик ва жониворларини, муҳофаза этаётган табиий иншоотларини ва амалда қўлланилаётган табиатдан фойдаланиш йўллари билан танишиш. Экологик тарбиянинг қиёсий усуллари ёрдамида сайёҳларга ўша жойдаги маҳаллий хом ашёлар ва вазифаларни тушунтириб, табиатни муҳофаза қилиш йўллари кўрсатилади.

Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ва илмий мавзудаги суҳбатлар

Мақсади – ўқув-тарбия: экология тушунчаси ва табиатни муҳофаза этишнинг табиий илмий асосини очиш.

Сайёҳик хўжаликларда ва корхоналарда сайёҳлар билан режали ўтказиб туриладиган ва уларнинг табиий-илмий дунёкарашини кенгайтирувчи маърузалар ёрдамида сайёҳларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича келажакда онгли ва муваффақиятли иш олиб бориш учун пойдевор яратиш.

Туристларнинг онгини экологик тушунча нуқтаи назаридан ошириш, уларда атроф-муҳитга тўғри назар солиш, ҳаёт жараёнларининг мураккаблиги, ҳар хиллиги, бойлиги ва айни вақтда нозиклигини, туризмнинг табиий муҳит билан зич боғланганлигини тушунтириш.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари тўғрисида суҳбат

Мақсади – ўқув-тарбия, ахборот бериш, табиат муҳофазаси ҳақидаги амалдаги қонунчиликни тушунтириш, сайёҳларга табиат муҳофазаси ва қонунбузарликнинг олдини олиш ишларини олиб бориш.

Турист гуруҳларига саёҳатга чиқишдан олдин ва бошқа ҳолатларда (айниқса, туристик саёҳат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари яқинида бўлса) табиатни муҳофаза этиш тўғрисида суҳбат ва маърузалар ташкил этиш.

Туристларга табиат муҳофазаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қарорларини етказиш, юқори сайёҳик ташкилотларнинг қарорларини ишлаб чиқиш. Сайёҳларнинг қарорлар бажарилишида маъсулияти (моддий, маъмурий, қонуний) жазо чоралари, етказилган зарарнинг ўрнини тўлдириш, жарималар миқдори, уларнинг ўрмонда ёнгин хавфсизлигига риоя этмаганда, балиқ овлаш, унинг заҳираларини муҳофаза этиш, қонунсиз ов вақтидаги миқдорлари тўғрисида маълумот берилади.

Бундай суҳбат ва маърузаларга ўрмон, овчилик, балиқчилик назорати, миллий боғлар ва кўриқхоналар, милиция ходимлари жалб этилади.

Табиатни муҳофаза этишдаги эстетик ва этик мавзу бўйича суҳбатлар

Мақсади – ўқув-тарбиявий: табиатни муҳофаза этишининг ғояларини яхшироқ тарғиб этиш учун маънавий ахлоқ-одоб қоидаларидан ва ҳис-туйғу сезгиларидан фойдаланиш.

Суҳбат ва маърузалар ўтказиш пайтида матнларни етказишнинг бадиий-адабий услублари кенг қўлланилади, табиатнинг аҳамияти ва унинг муҳофазаси масалалари адабиёт, мусиқа, рассомлар асослари машҳур одамлар умридаги воқеалар ва уларнинг айтган фикрлари орқали етказилади.

Сайёҳларда табиий муҳитга нафосат, ҳис-туйғу муносабатлари, жонажон табиатнинг тақдирига масъулият ҳисси ва безовталиқ ривожланади. Уларда қатъий этик ишонтириш ва фаол фуқаролик, табиатни муҳофаза этишда ички эҳтиёж ташкил этади.

Сайёҳларда табиатдан фойдаланиш вақтида ўзини назорат этиш ҳиссини пайдо қилади. Дам олаётган одамларга гул териш, дарахт шох-шаббаларидан фойдаланиш, дам олиш жойи ташкил этиш, гулхан ёқишда меъёр ҳиссини тарбиялайди.

Амалий дарслар

Мақсади – ўқув-тарбиявий: туристлар томонидан табиатни муҳофаза этишдаги бошланғич тушунчаларни мустаҳкамлаш, суҳбат ва маъруза вақтида олинган билимларни мустаҳкамлаш режали ва ҳаваскор сайёҳик гуруҳларни сафардан олдинги даврда уларнинг табиатни муҳофаза этишдаги усуллари, турлари ва шакллари билан танишиш. Маълум жойдаги маршрут турига ва сайёҳлар таркибига боғлиқ равишда табиатни кузатиш усуллари, асбоблардан фойдаланиш усуллари, жониворларга ва ўсимликларга ёрдам кўрсатиш, туристик сўқмоқдан фойдаланиш, унда кўриқлов ишлари олиб бориш усуллари, табиатни муҳофаза этишдаги бирламчи вазифаларини кўрсатиш.

Дарсларни олиб бориш учун табиатни муҳофаза этиш ташкилотларининг негизидан, табиат музейлари, сайёҳик полигонлар, ўқув экологик сўқмоқлардан фойдаланиш раҳбарлик ва маслаҳатлар бериш ишларига табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш.

Ўқув-машқ қилиш жараёни

Мақсади – ўқув-тарбиявий: сайёҳлар сафари шароитида табиатни муҳофаза этиш билимини, туризм техникасини ташкил этиш.

Сайёҳларга бир ёки икки кунлик ўқув машқли сафар даврида, табиатдан фойдаланишда рационал ўзини тутиш, табиат манбаларининг техник “тоза” усулларида фойдаланиш йўли билан табиатга энг паст таъсир этиш, маршрутда ҳаракат этиш ва табиий тўсиқлардан ўтиш, сафар примулсларидан фойдаланиш, ёғин чиқармайдиган гулханларни ёкишни ўрганиш, қуруқ ёқилғи тўплаш ва ундан кам фойдаланиш йўллари ўргатилади. Дам олиш жойларини танлаш ва уларни табиатга таъсир этмасдан жихозлаш, чиқиндиларни чиримайдиган этиш ва фойдали суратда ишлатиш усуллари қўлланилади, ўрмон “тухфалари”ни тўғри териш усуллари ўргатилади.

Йўл маълумоти

Мақсади – ўқув-тарбия, маълумот, туристларнинг ва экскурсия аъзоларининг ўлка тўғрисидаги тасаввурини кенгайтириш, алоҳида табиий иншоотлар ва улар билан боғлиқ табиат муҳофазаси муаммолари ва вазифаларини ечиш.

Табиат ҳақида йўл маълумотини ҳужжатли маълумотнома шаклида бериб, унда маълумотлар ва сонлардан маҳаллий табиий манбалардан халқ хўжалигида фойдаланишда кўрсатилишини таъминлаш, табиатдаги ўсимликлар, жониворлар, ландшафтлар, дарё ва қўللарга тавсифнома бериш, гўзал манзара ва табиати нодир жойларга изоҳ бериб, уларнинг мавжудлиги сайёҳларнинг табиатда ўзини тутишига боғлиқлигини тушунтириш, ўлкада флора ва фаунанинг айрим турлари муҳофазаси масаласида сайёҳларнинг қатнашиши мумкинлигини кўрсатади.

Дам олишдаги учрашувлар

Мақсади – ўқув-тарбия: норасмий учрашув вақтидаги имкониятдан фойдаланиб, табиатни муҳофаза этиш, экологик дунёқарашни шакллантириш.

Туристик хўжаликдаги инструктор таркиби ёрдамида режали сайёҳик гуруҳларда тарбиявий табиатни муҳофаза этиш ишларини олиб бориш, уларни сафардаги дам олиш чоғларида, кечки гулхан ёнида ўтказиш. Сафар вақти йўлда учраган табиатдан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонларини ва уларда пайдо бўлган экологик ҳолат кўринишларини муҳокама этиш. Ташқи кўринишдан тайёргарликсиз яратилган (лекин аслида раҳбар томонидан услубий асосланган матнлар, сценариялик режалар билан таъминланган) табиат муҳофазаси бўйича “оғзаки журналлар” ўтказув.

Сафардаги кечки оммавий-маданий чораларга табиатни муҳофаза мавзусидаги ўйинлар, аттракционлар, викториналар, кўшиқлар кечаларини қўшиш. Сайёҳлар гулханига меҳмонлар – ўрмон хўжалиги, балиқ инспекцияси, ўрмон қоровулларини таклиф этиб, уларнинг табиат муҳофазаси ҳақидаги ҳикояларини тинглаш.

Тўғараклардаги бажариладиган вазифалар

Мақсади – ўқув-тарбиявий: табиат устидан доимо кузатишни олиб бориш, доимий табиат муҳофазасидан билим уйғотиш ва тарбия этиш.

Ташкил этиладиган жойлар, сайёҳик ташкилотлар, айниқса, мактаб ўқувчилари, ўсмирлар, ота-оналар болалари билан бўладиган жойларда табиатни муҳофаза этувчи ва табиатни ўрганувчи мавзудаги тўғараклар ташкил этиш. Тўғараклар режасига, дастурларига, қизиқишларига қараб нодир ўсимлик ва жониворларни ўрганув шакли бўйича қизиқарли, мазмуни бўйича чуқур фенологик кузатишлар, экологик ўйинлар, табиат муҳофазаси ишларининг аттракцион (қизиқувчанлик) турларини олиб бориш.

Ушбу тўғаракдаги вазифалар табиатдаги иншоотларнинг масофаси ва вақтига қараб олиб борилади. Маҳаллий белгилар асосида об-ҳаво маълумоти тузилади. Мевалар, кўзиқоринлар, ёнғоқлар терилади, ўсимликлар ва жонивор – индикаторлар

ёрдамида табиий йиғиндилари ҳолати ва турғунлиги аниқланади. Тўғарақларда қатнашаётганларга сайёҳик ва табиат муҳофазаси ташкилотлари томонидан табиатга амалий ва самарали ёрдам кўрсатиш амалий сабоқлари, уларнинг табиат муҳофазаси акцияларига фаол қатнашишлари ўргатилади.

“Сен табиатни биласанми?” номли экологик ўйин

Мақсади — ўқув-тарбиявий: сайёҳларнинг экологик дунёкарашини кенгайтирув, ўқув дарсларига аттрфаоллик жозибалилиги қисмларини қўшиш ва туристик оммавий-маданий чораларда табиат муҳофазаси мазмунини кучайтириш.

Сайёҳик хўжаликларда, режали маршрутларда, ҳаваскор сайёҳик гуруҳларни тайёрлаш ва текшириш вақтида инструктор кадрлар томонидан туристик байрамлар ва кечаларда табиатни муҳофаза этиш мавзусида ўйин шаклидаги (сайёҳик гуруҳлар, тингловчилар билан семинарлар) мусобақалар ўтказиш, мусобақада кадрдон ўлканинг табиатини янада яхшироқ билиш, унинг муҳофазаси қонунлари, айниқса, алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларида бўлиш қонунларини ўргатилади. Бу ўйин натижасига қараб сайёҳик гуруҳга бундай доираларга киришга рухсат берилади. Ўйин вақтида ўрмонда ёнғин хавфидан сақланиш, сайёҳик гулхан ёқиш қоидалари ўргатилади. Кўрсатилган намуналарга қараб, захарли, еб бўладиган, доривор ва қонун томонидан муҳофаза этаётган ёввойи ўсимликларни ҳашоратлардан “дўстлар” ва “душманлар” ини ажратишни, овози ва изи бўйича жониворларни таниш ўргатилади.

Табиат музейини ташкил этиш

Мақсад — ўқув тарбия ва амалий таклиф: туристик манбаларни шакллантириш, табиатни муҳофаза қилишни тарғибот этишга шароит яратиш.

Туристик саройларда, боғлар ва бошқа туристик корхоналарда ёки катта кўриқхоналарда ўлкашунослик музейини

ташкил этиш ҳамда улар ичида табиатни муҳофаза этиш қисмини ташкил этиб, унинг ишларига сайёҳларни жалб этиш. Табиатни муҳофаза этиш музейларида табиатни муҳофаза этиш бурчагини ташкил этиш.

Музей экспозицияси режасини тузиш, унда ҳар хил ранг ва нурлар алмашишдан фойдаланиш, матнларни тузиш, расм ва суратлар матнларини ишлаб чиқариш. Музей фондларини кенгайтириш ва тўлдириш ишларини ташкил этиш.

Режали ва ҳаваскор туристларнинг ҳамда инструктор таркибини экспонатларни излаш ва йиғиш ишига жалб этиш, табиий иншоотларини сурат ва ҳужжатлаштириш ишлари олиб бориш, теришга рухсат этилган ўсимликлар коллекциясини йиғиш ва уларни қайта ишлаш, витрина, кўргазма ва ҳоказоларни ташкил этиш.

Музейлардан табиатни муҳофаза этишда ташвиқот мақсадида фойдаланиш, режали суҳбат ва дарслар ўтиш, сайёҳлар томонидан табиатни муҳофаза этиш саволларига мустақил жавоб топишга ёрдам бериш.

Сайёҳ сўқмоқларини аниқлаш ва жиҳозлаш

Мақсади – амалий таклиф ва ташкилотчилик: туризмнинг табиий манбаларини кенгайтириш, сифатини, табиат йиғиндиларини муҳофаза этиш ва тиклаш учун шароит яратиш.

Туризмни экологик “маршрутлаштириш” учун амалий ишлар олиб бориш, яъни жойлардаги соғломлаштириш, билим бериш мақсадида ишлатишга қулай бўлган сўқмоқни танлаб олиш ва унда умумий техник, биотехник, ташкилотчилик ишларини ташкил этиш.

Чизиқли, халқали, радиал ва аралаш маршрутлар сўқмоқларни танлаш ва трассалаш ҳар хил даражада ободонлаштирилган транзит ва ёнақай сўқмоқларнинг табиий йиғиндиларига боғлиқлиги ва мустаҳкамлигига қараб, қутилаётган туристик босим ва ташриф этувчилар экологик онглилик даражасига мослаштириш (38,123).

Туристик хўжаликлар, туризм федерацияси фаоллари, туристлар, саройлар ва ҳаваскор туристик гуруҳларидаги инструкторлар таркиби кучи билан табиатни муҳофазаси талабларини инобатга олган ҳолда разведка ўтказилиб, сўқмоқ ташкил этиш керак. Бу сўқмоқ рекреация босимга чидамли табиий йиғиндилар устидан ўтиб, муҳофаза этиладиган ёки киришга рухсат этилмайдиган майдонлардан айланиб ўтиш, ўрмонларнинг ёнғин хавфи бор, жониворларнинг ухлайдиган ёки кўпаядиган, ҳаракат хавфи бор ёнғинлардан, намлиги жуда кўпайган ёки ҳаддан ташқари қуруқ ва заиф тупроқли ландшафтларни айланиб ўтиши керак.

Сўқмоқларни тозалаш, кенгайтириш, текислаш ва йўл қатламини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилади. Сўқмоқ атрофида сув оқизувчи ариқлар ўтказилади, уни мустаҳкамлаш учун табиий тошлар, пасткаш жойларда чўплар, устунлар қуйилади. Сўқмоқдаги тўсиклар устидан сунъий ўтадиган жойлар бунёд этилади.

Маршрутларни белгилаш

Мақсад — амалийлик ва маълумот: туристик оқимларни мақсадга йўналган чамалаш йўли билан маълумот йиғиш орқали табиат муҳофазаси ва жамлаш.

Туристик ташкилотларнинг ердан фойдаланувчилар, табиат муҳофазаси ва бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда бўлажак саёҳат, сафар ва экскурсиялар ўтадиган жойларда белги қўйиш ишларини олиб бориш. Унда тамға белгилари — маркалар, йўл кўрсаткичлар, йўналтирувчи чизиклар, огоҳлантирувчи, белгиловчи, таъқиқловчи ва бошқа маълумот элементлари мезонлари ва ўзларининг рамзий белгиларида, шаклида, рангида, харфли — цифрли кодида сайёҳларга айрим маршрут танлашларида, ҳаракатларида ва ўзларини тутишларида таъқиқлаш ёки таклиф этиши мумкин.

Тамға белгисидан фойдаланиш туристик сўқмоқларнинг бирламчи ва энг содда жиҳозлаш туридир, яна сайёҳатларни табиат билан таништириш, туристик гуруҳларнинг ташкилотчилик ва сафардаги тартибини мустаҳкамловчи омилдир.

Тамға белгиси ёрдамида сайёҳларни трассага йўналтириш, уларнинг катта майдонлардаги рекреация босимни кичик майдонларга кўчиради ва табиат йиғиндиларининг рекреация ҳажмини оширади. Ўрмонларда ёнгин хавфини камайтиради, қушлар ва жониворлар учун тенг шароит яратади, туристларни табиий хавфли йиғиндилардан олиб чиқади. Тамға белгиси яна туристларда атроф муҳитни эҳтиёт қилиш руҳида тарбиялайди.

Туристик фаолларни тамға белгиси ишларига, рекогнастировкали белгилар ва трассани тайёрлаш, сунъий устунларни олиб келиш ва ўрнатиш, маҳаллий белгилар ўрнатиш ишлари ва бошқа тамға белгиларини ўрнатишга тортиш керак. Тамғалаш ишларини бажараётганларни техник жиҳозлар таъминлаш ва тамғалашни бажараётганларни бу ишга ўргатиш зарур.

Ўқув экологик сўқмоқларни шакллантириш

Мақсади – амалий таклифли ва ўқув тарбия: табиат муҳофазаси маълумоти, ўқув ва тарбия ишлари, табиатшунослик экскурсиясини ва туристик сайрни ўтказиш учун зарур анжомлар негизи яратишдир.

Туристик ташкилотлар ва ҳўжаликлар табиатни муҳофаза этувчи ва бошқа ташкилотлар билан ўқув экологик сўқмоқларни (табиатни ўрганувчи ва табиатни муҳофаза этувчи) табиат иншоотларининг оддий ва нодирлигини ҳисобга олиб ўтказиш ҳамда ўсимлик ва жонивор оламини олдиндан тартибга солинади.

Мавзу сўқмоқлари (сайёҳлар ва экскурсия аъзоларини экологик билим олиш учун дастур асосида), ландшафт (қизиқарли ландшафтларни кўрсатиш) ва ҳаракат (ҳар хил, жумладан, табиатдан фойдаланишнинг туристик турларини кўрсатиш учун) фойдаланилади. Ландшафт (қизиқарли табиий ландшафтларини кўрсатиш учун) ҳамда функционал, ҳар турли, шу жумладан, туристик табиатдан фойдаланиш турларини кўрсатиш учун фойдаланилади.

Ўқув сўқмоқларида амалий ишларни бажариш учун унинг айрим қисмларига кузатув миноралари, кузатиш майдончалари ўрнатиш, улардан ўсимликлар ва жониворлар оламини кузатиш

учун фойдаланиш. Ландшафтлар ичида кузатиш жойларини аниқлаш учун мослашган. Экскурсия бошқарувчилари, инструктор – услубчилар, маҳаллий аҳоли ичидаги фаолларни чамалаб, маълумотлари ишланган услубий ва кўрсатиш услублари билан таъминлаш.

Туристлар жойлашадиган жойда табиатни муҳофаза этиш бўйича тайёргарлик

Мақсади – конструктив ўқув-тарбия: маршрутларида табиат муҳофазасидан кўриладиган табдир ишлари олиб бориб, рекреация манбаларнинг сифатини кўтариш ва сайёҳлар тўхтайдиган жойларда бўлиши мумкин бўлган табиий муҳитдаги тартиббузарликнинг олдини олиш; сайёҳларни кўрсатма мисоллар ёрдамида табиатда ўзини тутиш маданиятига ўргатиш.

Сафар вақтида сайёҳларнинг дам оладиган, тунайдиган, кундузги тўхтаб ўтадиган жойларини танлаш, мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш. Табиат муҳофазаси масаласида сайёҳлар йиғиладиган, тунаб қоладиган ва ҳаракатда бўладиган жойларни барқарор этиш.

Тунов жойларини сайёҳларнинг психофизик талаби асосида режалаштириш, рекреация вазифаларни тупроқ ҳимояси, ўрмон ҳимояси, сув ҳимояси ва ёнғиннинг олдини олиш вазифаларини доиралаштириш.

Чодир ўрнатилган жойларни махсус шитлар, кўтарма ўринлар, майдонлар контурлари билан қайд этув, гулхан ёқувчи, ўйин ва бошқа доираларни ажратиб кўрсатиш.

Тунаш жойлари ва сўқмоқларда ўтларнинг босилиб кетиши, дарахтларнинг синишига йўл қўймаслик, янги жойлар ва сўқмоқлар очаётган вақтда юқоридаги нохуш ҳолатларнинг олдини олиш.

Туристларнинг дам олиш жойларини автосайёҳлар ва кема сайёҳларининг тўхташ жойларини танлашда, туристик поездлар ва шаҳар олдинги темир йўл сайёҳларини қабул этадиган жойларни жиҳозлашда қатнашиш.

Тунаш жойлари, гулхан ўринлари ва ўчоқларни жиҳозлаш

Мақсади — амалий таклиф: техник воситалар ёрдамида туристик маршрутларда керакли табиатни муҳофаза этувчи, ёнғинга қарши кўриладиган тадбир ишларини олиб бориш, тунаш ва тўхташ жойларига сайёҳларни олдиндан тайёрланган ва назорат этиладиган жойларга йиғиш.

Туристик ташкилотлар ёрдамида режали сайёҳлар ўтадиган жойларда ва сайёҳ фаоллар ёрдамида ҳаваскор туристик маршрутларда тунаш ва тўхташ жойларини бостирмалар, ўрмон “мебели”, курси, стол, стулларни кераксиз ёғоч бўлаклари, тўнкалар, қуриган шох-шаббалардан яшаш, сув оладиган, чиқинди йиғадиган жойлар, ҳожатхоналарни қуриш.

Гулхан ёкиладиган жойлар ва ўчоқлар қуриш, уларни металдан ясалган симлар, пайвандлаш кўрсатмалари билан таъминлаш, тоғ ўчоқларни ёниш майдони кичик конструкциялар билан яшаш уларни кераксиз ёниш маҳсулотлари (шох-шаббалар, тезак ва ҳоказолар) билан ёнишга мослаштириш.

Ёнғин хавфсизлигига алоҳида эътибор берилади, ўт ёнадиган жой атрофидан махсус ёнадиган нарсалар олиб ташланади, тунаш жойлари дарахтлардан смолали тунукалар, ўрмонни ёниш хавфи бор маҳсулотлари, торфлар, қамиш, ўтлар, мохлар бор жойдан узокроқга қурилади.

Туристлар томонидан ўрмондаги экиш ишлари

Мақсади — амалий: муҳим туристик манба ва табиий муҳофазаси омили бўлган ўрмон ўсимликларининг янғисини экиш ва эқисини таъмир қилиш.

Туристик ташкилотлар ва жамоа фаолларини ўрмон хўжалиги томонидан ташкил этилаётган жамоа ишларида, сув муҳофазаси, тупроқ муҳофазаси, емирилишга қарши ва туристик базалар, меҳмонхоналар, кемпинглар, пансионатлар олдидаги ўрмонни тиклаш ишларида қатнашиш.

Туристик сарбоғлар ва ўрмонлар, яшил коридорлар ва чизикли боғлар, йўл атрофидаги ўрмон минтақаси ва буферли яшил

доиралар, дарё қирғоклари ва сув ҳавзалари бўйида яшил майдонлар яратиш ишида қатнашиш.

Аралаш дарахтлардан иборат мустаҳкам рекреация ўрмонлар яратиш, яшил дарахтзорли йўл олди доиралари яратишда иштирок этиш.

Сайёҳлар тунаш жойлари атрофидаги мевали, ёнғоқли дарахтзорлар ичида, ўрмон кучи заифлашган жойларда кўчат экиш йўли билан уни мустаҳкамлашда қатнашиш.

Ландшафтни эстетик жиҳозлаш

Мақсади – амалий таклифга оид: ландшафтни рекреация қийматини кучайтириш, унинг жозибасини ошириш ва айни вақтда табиий муҳофазасида бадий воситалар ва кичик меъморчилик шакллари билан фойдаланиш.

Туристик хўжаликлар, жамоа фаолларининг вазифаси машҳур туристик маршрутларнинг дам олиш ва кузатув нуқталарини эстетик безаш.

Унга манзарали ўрмон ҳайкалторошлигини тош ва ёғоч композицияларни, эскартув устунларини тахталар, медальонлар ўрнатув қиради. Ўрмон мебели қисмларини бадий жиҳозлаш, гулхан ўринларини, яшириниш жойларини, кичик архитектура шакллари билан безатиш, унда табиий келиб чиқишга эга қўлоти жиҳозларини ишлатиш диққатга лойиқдир.

Тез бузиладиган ва алоҳида аҳамиятга эга нодир табиий иншоотларидан туристларнинг эътиборини тортиш ва уни муҳофаза қилиш учун унинг олдидаги бошқа майдонлар эстетик жозибаси кучайтирилади.

Маршрутларда эътиборни чалғитувчи, соғломлаштирувчи ва билим берувчи жозибадор объектлар қуриш

Мақсад – амалий таклиф ва ташкилотчилик: сайёҳлар томонидан табиий йиғиндиларига рекреация босимни камайтириш йўли билан табиатни муҳофаза этиш ва тиклашни ташкил этиш.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари олдидаги буфер доираларда, дам олиш доиралари, соғломлаштириш майдонлари, гимнастика шаҳарчалари, ўйин ҳамда ёш болалар майдончалари, туристик тўсиқ минтақалари, соғломлик йўлаклари ва бошқа содда спорт соғломлаштириш иншоотлари қуриб, туристларни жалб этиш ҳамда табиатга хавфсиз жойда уларни йиғишдан иборат.

Ҳар хил аттракцион (жозибали) ва билим берадиган иншоотлар қуриш, декоратив ўсимликлар экиш йўли билан сайёҳлар эътиборини алоҳида муҳофаза этиладиган жойлардаги тез нобуд бўладиган ёки бошқа сабабларга кўра, сайёҳлар бориши керак бўлмаган жойларга эътиборини жалб этиш.

Тўсиқлар яшаш

Мақсади – амалий таклиф: алоҳида майдонлар ва иншоотларнинг муҳофазасини кучайтириш; техник воситаларни туристик оқимларни йўналтиришга ҳамда табиатни ва маршрутларни моторли транспортдан ҳимоя этишга қаратилган.

Туристтик ташкилотлар ва хўжаликларни енгил бузиладиган майдон ва табиат иншоотлари атрофини деворлар, тўсиқлар, тўрлар билан ўраб олишда қатнашишини таъминлаш. Ландшафтнинг нодир қисмларига табиатга зарар етказмасдан ўтиш учун йўлакчалар қуриш. Дам олиш учун туристларни ўтказиш, унинг учун табиатга таъсир этмайдиган жойларни топиш.

Туристтик маршрутларга кириш ва чиқиш қисмида сунъий тўсиқлар – шлагбаумлар, зовурлар, ғовлар ўрнатиш (керакли ҳолда улардан махсус ёнғин синдирувчи ва санитар автотранспортлар осон ўта олиши керак). Тор ва қиялиги юқори бўлган тор йўлларнинг атрофига табиий тош плиталар ётқизиш (ҳисоб бўйича автотранспорт ўта олмаслиги керак).

Ўрмон хавфсизлигини таъминлаш

Мақсад – амалий таклифли, ташкилотчи ва тарбияловчи: ўрмон ёнғини муҳофазасида кўриладиган тадбирлар бўйича

туристик маршрутларда ёнғиндан, оловдан хавфсиз фойдаланишни ўргатиш, сайёҳларни ўрмонда ёнғинга қарши чоралар кўриш вақтида меҳнат билан экологик тарбия қилиш.

Туристик хўжаликлар ва трассалар ёнидаги ўрмонларда ёнғин хавфсизлигини ошириш учун туристик ташкилотлар ва фаоллар ўрмонларда ёнғинга қарши тозалаш ишлари олиб боришлари, қуруқ шох-шаббалар, игнабаргли ўрмонлардаги қуриган шохлар, қуруқ чўпларни алоҳида хавфсиз жойга йиғиб қўйиш ишлари олиб боришлари керак.

Рекреацион ўрмонларда игнабаргли қоматли ва тез ёнувчи ўрмонлар атрофида ёнғинга чидамли кенг баргли дарахтлар айлантирилиб экиб чиқилади, улар билан қимматли ёнғинга чидамсиз ўрмонлар ўраб олинади.

Туристлар тунаш жойлари атрофларида ёнғин хавфи мавсумларда қуриган ўтлар, мохлар, игнабаргли дарахтларнинг смола билан тўйинган бўлаклари йиғиб олинади. Маршрутлар ўтадиган жойларда олдиндан ёнғин хавфи кам гулхан жойлари ва ёниш ўчоқлари қурилади.

Ўрмонга қараш

Мақсади — амалий таклиф ва тарбияловчи: ўрмонни соғломлаштириш ва эстетик қийматини ошириш, мустаҳкам ўрмон кўчатларини шакллантириш, сайёҳларда меҳнатга муҳаббатни шакллантириш.

Туристларнинг ва туристик ташкилотларнинг ўрмон хўжалиги ва ландшафт архитектураси мутахассислари назорати остида туризмда фойдаланиладиган ўрмон майдонларига қарашни ташкил этиш, ҳалок бўлган ва зарар кўрган дарахтларни олиб ташлаш, ўрмонни кераксиз шох-шаббадан, микроклим ва санитар-гигиеналик шароитини яхшилаш учун ўрмон ичидан ҳаво кирадиган йўлақлар очиш, дам олишга шароит яратиш, рекреация учун қулай бўлган чидамли ҳар хил ёшдаги ва ҳар хил қаватли аралаш ўрмон участкаларини ташкил этиш, композицион гуруҳлар, химоя тўплари, баланд жойлар ва кузатиш майдончаларини тозалаш, доира шаклидаги кузатишга қулай бўлган чиройли жойларни танлаш, алоҳида эътиборга лойиқ бўлган.

Дарахтларни ажратиб кўрсатиш (баланд, кекса, нодир турлари) ва бошқа табиий меъморлик, тарихий ва кўришга лойик бўлган иншоотларига сайёҳлар ва экскурсия аъзоларининг келиши учун қулай шароит яратиш.

Ёнбағир эрозияси билан кураш

Мақсади — амалий таклиф: туристик ташкилотлар ва сайёҳларнинг табиат муҳофазаси бўйича ҳаракатларини ёнбағир эрозияси кўриладиган тадбирига қаратиш. Сайёҳлар ва спортчилар томонидан фойдаланиладиган буфер доираларига тик ёнбағирларни мустаҳкамлаш ва тиклаш.

Чанғи сайрида фойдаланиладиган ёнбағирларда ўз вақтида ва тўғри йўлакларни кўрсатиб бериш. Чанғичилар, сайёҳлар, дам олувчилар томонидан фойдаланиладиган ёнбағирларда ёз ойларида ўт-ўланлар экиш ва уларга қараш.

Туристлар оммавий йиғиладиган сув омборлари қирғоқларига ва қумли ёнбағирларда, тўсиқлар, тош деворлар, ёғочлардан тўсиқлар, тез ўсадиган яшил ўсимликлар кўчатларидан деворлар ясаб уларни муҳофазалаш.

Грунт ва тупроқларнинг ювилиб кетиши, сирғаниши ва бўлакланиб кетишининг олдини олиш, кўл ва дарё қирғоқларига тушадиган хавфсиз сўқмоқларни очиш, борларини мустаҳкамлаш, тушиш жойлари, кўприк ва кўприкчалар қуриш.

“Жар” операцияси

Мақсади — амалий таклиф: жарларни биотехник мустаҳкамлаш ва уларни одамлар томонидан кам ўзгартирилган табиат бўлаги сифатида муҳофаза қилиш, жарлар тизимини рекреация мақсадида ободонлаштириш.

Туристик ташкилотлар ва жамоат фаолларини жарлар, балкалар ва шунга ўхшаш қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш учун ноқулай бўлган ерларни ободонлаштиришга қатнашиш. Туристик хўжаликлар, маршрутлар олдида жойлашган жарларни

рекультивация қилиб, уларни дам олиш жойлари ва спорт билан шуғулланадиган жойга айлантириш.

Жарларни мустаҳкамлаш бўйича ишларга ёрдам бериш: тарновлар ўтказув ва сув кўпайган вақтида ўтказиб юборувчи тармоқлар ўрнатиш, жар бошланиши ва тамом бўлиш қисмида шох-шаббадан тўғон яратиш, тагида шохлардан тур ўрнатув, ёнбағирларни террасалаш, ўсимлик қоплами яратиш, ўт экиш, дарахт билан қоплаш. Ўсимликларни саклаб қолиш учун имконият яратиш, жониворларни кўпайтириш, “микроқўриқхоналар”ни шакллантириш. Жарлар устидан ўтувчи зинапоялар, кўприклар, имкони бор жойларда чанғи учадиган жойлар яратиш, тупрок емирилиши ривожланмаган жойларда “соғлиқ йўлаклар” барпо этиш, туристик тўсиқлар қатламини яратиш, спорт ва туристик машғулотлар ўтказувчи майдонлар яратиш.

Микроқўриқхоналар яратиш

Мақсади – амалий таклиф, ўқув-тарбия: айрим тур ўсимликлар, жониворларни, майдони бўйича кичик экотизимларни муҳофаза қилиш, турист ва экскурсия аъзоларини экологик ўқитиш ва тарбия этиш.

Туристлик хўжаликнинг айрим қисмларида (ёки келишилган ҳолда бошқа хўжаликлардаги) қўшни майдонларда қўриқхона ёки заказник режимини яратиш. Ўқув-экологик сўқмоқ ва унинг қисмлари сифатида микроқўриқхоналар яратиш.

Қўриқхона режимини геологик ялонғочланган жойлар, сув манбалари, алоҳида ландшафтларда сақлаш, микроқўриқхоналарни ёввойи ўсимликлар ва жониворлардан ҳимоя қилишда ишлатилади.

Туристларни микроқўриқхонада табиат устидан, шу жумладан, метеорологик ва фенологик кузатишлар ўтказишга ўргатиш. Табиатни ўргатувчи экскурсиялар, тарбия ишлари фаолллари навбатчилигини ўтказиш.

Рекультивация

Мақсади – амалий таклиф: илгари ҳолдан тойган табиий муҳитни қайта тиклаш ва ўзгартириш, ишлатилган майдонларни ободонлаштириш, рекреация манба негизини кенгайтириш.

Туристик хўжаликларни илгари ифлосланган, шикастланган, ориқлаган ва вайрон бўлган ерларни қайта тиклаб, кейинги туристик-экскурсия ишларида фойдаланиш.

Ишлатилиб бўлган карьерлар, очик қазилган жойлар, терриконлар ўрнига дам олиш доиралари, сунъий сув ҳавзалари, чанғида учувчи ёнбағирлар, складромлар, турадромлар ва бошқа туристик иншоотлар яратиш ишига ёрдам бериш. Ўрмон қопламаларини, шикастланган жойларни тиклашда фаоллик кўрсатиш. Қирғоқ ва чўмилиш ҳавзаларини мустаҳкамлаш, сел ва кўчкининг олдини олиш ишлари туристик хўжалик ёки кўриқхоналар ва буюртмачилар ёнида кетаётган бўлса, иштирок этиш.

Туристик фаолларни саноат ландшафти ва рекреация иншоотлардаги оммавий фойдали ишларга жалб этиш.

Миллий боғларда маршрутларни барпо этиш ва жиҳозлаш

Мақсади – амалий таклиф: табиатни муҳофаза этувчи ташкилотлар ва туристик ташкилотлар умумий кучи билан намунали таянч экологик-туристик маршрутлар турини яратиш.

Миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари майдонларида ўтадиган маршрут трассаларини режалаш, ётқизиш, белгилаш ва ободонлаштириш ишларида иштирок этиш.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари буфер доираларида ва сайёҳ-экскурсия маршрутларда сайёҳ туновлари, туриш ва яшириниш жойлари, кузатиш майдончалари, ҳар хил туристик иншоотлар қуриш ва жиҳозлаш ишларига қатнашиш.

Биргаликда алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларига кириш, ундаги маршрутлардан ўтиш бўйича таклиф этилаётган дастурни ишлаб чиқариш, сайёҳ-экскурсия гуруҳлар учун услубий кўрсатмали маълумот – ахборот матнларини, ҳудудлар қонун-қондасига мос келадиганларини ишлаб чиқариш ва уларни сақлаб

туриш. Маршрутлар кўргазмали ташвиқот жиҳозлари билан таъминланиб, уларга экологик таснифдаги чамаланган маълумот берилади.

Маршрутларни режалаш

Мақсади – ташкилотчилик: туризмнинг экологик самардорлигини режалаш усуллари билан таъминлаш.

Бўлажак ва ҳозирги режалашда табиат муҳофазаси масалаларини ҳисобга олиш – маршрутларининг жадвалларини ишлаб чиқаётганда, уларни техник, иқтисодий ва туристик асослаш, иш лойиҳалари тузиш учун изланиш ҳамда илмий-текшириш ишлари олиб бориш, янги маршрутлар учун техник-жиҳозлар, услубий, ахборот ва кадр билан таъминлашни режалаштириш.

Табиатнинг муҳофазаланувчи майдонларини режалашга алоҳида эътибор бериш (экологик сўқмоқлар, табиат боғлари, табиат ёдгорликлари) ва ўқув-тарбия, ташкилотчилик чоралари маршрутларнинг ҳар бир қисмлари учун алоҳида режаланади.

Ҳар бир туризмга боғлиқ турли ташкилотлар билан трассалар ҳамда туристик маршрутлар туризм вақтида уларнинг ишга боғлиқ равишда келишиб иш олиб боради (ўрмон хўжалиги ходимлари билан, ўтиш учун сўқмоқ танлаш, дам олиш жойлари, гулхан ёқиш, тунаш жойларини танлаш, балиқчиликни кўриқлаш ходимлари билан балиқ тутиш жойлари, сув ҳавзалари бўйидаги оммавий дам олиш жойларини танлаш, табиатни муҳофаза этиш кўмитаси билан – табиат ёдгорликларини бориб кўриш тартибини назорат қилади). Бу ишлар кўриқхоналар ташқарисида бажарилади. Табиатни муҳофаза этиш ва ердан фойдаланиш ташкилотлари билан маршрутларда жойлашган рекреацион манбалардан фойдаланиш режими, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотлар билан режалаштирилаётган маршрутлар ва сайёҳларнинг тунаш жойларини режалаштириш. Аниқ туристик ташкилотлар ва хўжаликларга сайёҳлар тунаш жойлари, сафар трассалари ёки алоҳида майдонлар табиатини муҳофаза этишни режалаштириш.

Маршрутларда рекреация босим кўпайиб кетишининг олдини олиш учун, илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари, олий ўқув юртлари илмий бўлимлари ва кафедралари кучи билан маҳаллий

табиат йиғиндилари ва экологик ҳолатни эътиборга оладиган алоҳида туристик маршрутлар тизимини ишлаб чиқариш.

Табиат муҳофазасига йўл-йўлакай ёрдам

Мақсади – ташкилотчилик, амалий таклиф ва тарбия: сайёҳларнинг ва экскурсия аъзоларининг кенг оммани табиатга гуруҳ бўлиб ёки яқин ҳолда ёрдам беришнинг содда усуллари йўл-йўлакай, меҳнат, маънавий ва экологик тарбияни шакллантириш.

Туристлар ва экскурсия аъзолари туристик маршрутлар вақтида махсус режалаштирилмаган табиат муҳофазаси бўйича йўл-йўлакай ёрдам беришни ўргатиш, туристик дам олиш жойларини тартибга солиш, ўчмай қолган гулхан қолдиқларини ўчириш, маршрутнинг айрим қисмларидаги қолдиқларни тозалаш ва ҳоказолар.

Керак бўлган тақдирда маршрутда учраб қолган браконьерларнинг ов қуролларини зарарсизлантириш, ўрмонга зарар етказувчиларни огоҳлантириш ишларини олиб бориш.

“Тез ёрдам” ва қутқариш ишлари

Мақсади – амалий таклиф ва ташкилотчилик: мураккаб экологик шароитда жониворлар ва ўсимлик оламига тез ёрдам, табиат офатлари, узоқ қурғокчилик, қаттиқ совуқлар, музликлар, қор босиш, кишки қаттиқ совуқлар, сув тошқини, кечки совуқлар вақтида табиат муҳофазасини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Туристлик фаоллар, туристик хўжалик ишчилари, жамоат ташкилотлари, ҳаваскор ва режали гуруҳларнинг очликдан нобуд бўлиши хавфи бўлган жониворларга озиқ-овқат етказиш, сув ҳавзаларида майда балиқларга ёрдам бериш, музлаб қолган дарё, кўл, сув ҳавзаларининг музини тешиш. Туристлик хўжаликлар ва маршрутлар ёнларида қимматли дарахтлар экиш, уларни қаттиқ совуқ-иссиқдан сақлаш, қор босган вақтда дарахтлардан уларни қоқиб тушириш, улардаги сув чиқиб турган яраларни даволаш (“тирик кумуш”, “Оққайин шарбаати”) каби жараёнлар.

Ўрмон ёнгинлари вақтида фаол ёрдам, ўрмонда сайёҳлар кўрган ёнгин тўғрисида ўрмон хўжалигига тез хабар бериш, ёнгинларни мустақил ўчириш фаолиятлари киради.

Назорат-қутқарув хизматининг фаолияти

Мақсади – ташкилотчилик: назорат қутқарув хизмати, унинг бўлимларини, отрядларини ва жамоат фаолларини сайёҳлар томонидан табиатда ўзини тутиш талабини назорат қилиш, кўриқхоналардаги ёнгин хавфи чиқиши, сафар трассалари ҳолатини назорат қилиш.

Туристларнинг трассалардаги ҳаракат жадвалини бажариш, ўрмонда ва тўхташ жойларида, сув ҳавзаларида, ёнгин хавфсизлиги, санитария қонунларига ва табиатни муҳофаза этиш қонунларига бўйсиниши устидан доимий назорат ишларини бажариш.

Маршрутлардаги энг қимматли жойларда (табиий ёдгорликлари, доvonлар, кузатув чўққилари, табиий сўлим жойларда) туристик оқимлар устидан назоратни қўллаш, уларнинг ўзини тутиш маданиятини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш. “Сайёҳ китобида”ги табиат муҳофазаси асосий қонунлари ёдга олиниб, сайёҳлар маршрут – қоғозлари муҳрлар ёрдамида туширилади.

Милиция патруль гуруҳлари, ўрмон хўжалиги назоратчилари, кўриқхона ходимларининг биргаликдаги назорат акцияларини ўтказиш. Қоида бузувчиларга жарима санкцияларини қўллаш, улардаги жиҳозларни олиб қуйиш, иш ёки ўқув жойларига хабар бериш.

Ўз ичига туристлар контрол-назорат хизмати, ўрмон хўжалиги, санитар-эпидеомология хизмати ва табиатни муҳофаза этиш ходимларидан иборат махсус комиссия тузилиб, улар томонидан ҳар мавсумдан олдин маршрутлардаги трассалар ва сайёҳлар тунаш жойларини ҳар томонлама (шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш) назоратини ўтказиш, керакли ҳужжатлар ва актлар тузиш, камчиликлар топилган ҳолда уларнинг тўғрилаш муддатларини кўрсатиш ёки ўша маршрутга туристларни қўйишни таъқиқлаш.

Туристик хўжаликларда санитария-гигиена талабларини бажариш устидан назорат

Мақсади — ташкилотчилик, назорат: туристик хўжалик фаолияти хизмати устидан (биринчи навбатда техник), атроф-муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолишни таъминлаш ишлари устидан доимий назорат.

Маъмурий ва жамоат фаоллари томонидан асбоб-ускуналарнинг, ҳар турли тизим ва воситалари тупроқни, ҳаво бассейни акваторийсини ифлослантиришга қарши кўриладиган чора ва назорат ишлари олиб борилиши.

Атроф-муҳитдаги товуш “ифлосланиш” га қарши кураш бажарилиши устидан назорат. Туристик хўжаликлардаги юқорига ўрнатилган радио тизимларининг санатория ва табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва тавсиялар орқиб қуйиш тартиби устидан назоратни ўрнатиш.

Табиат муҳофазаси чораларининг амалиёти устидан назорат

Мақсади — илмий изланиш ва назорат: ўтказилаётган табиатни муҳофаза этиш чораларининг, туристларнинг, экскурсия аъзоларининг, туристик экскурсия тизимида ишловчи ходимларнинг экологик билими даражасининг ўзгариши самарадорлиги устидан назорат.

Туристларни дам олиш ва яшаш жойларида, маҳаллий аҳоли, туристик фаоллар ва туристик экскурсия хўжалик мутахассислари ичида, мавзуга оид сўроқлар, анкеталар ёрдамида социологик изланишлар олиб бориш.

Табиат муҳофазаси бўйича викториналар, кўрик-танловлар, туристик гуруҳларнинг кузатиш камчиликлари ва қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотлари, таклифлари, патруллар, рейдлар, туристик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаётган табиатни муҳофаза этиш ташкилотларининг маълумотларидан назорат мақсадида фойдаланиш.

Бор натижалар ташҳиси асосида табиатни муҳофаза этиш ишларига мос келадиган ўзгаришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритиш.

Туристик жиҳозларни конструкция ва модернизация қилиш

Мақсади – ташкилотчилик, амалий таклиф: туристик гуруҳлар-нинг жиҳозларига экологик технологияларни киритиш, сифатли янги туристик жиҳозларни қўллаш ёрдамида табиатни муҳофаза этишни кўпайтириш.

Туристик фаоллар, илмий-текшириш ва лойиҳа ташкилотларининг кучи ёрдамида жиҳозларнинг “экологик” намуналарини ишлаб чиқариш, атроф-муҳитга таъсир етмайдиган янги тунаш жойи асбоб-ускуналари, букланиб, кичик ҳолга келадиган ўчоқлар сунъий ёқилғида ишлайдиган ошхона плиталари, ёнғин хавфи таратмайдиган гулхан турлари ва жиҳозлари, моторсиз ҳаракат қиладиган транспорт турларини амалда қўллаш.

Туристик жамоат амалий таклифлар бюрolari (ЖКБ) атрофида саноат қўламида ишлаб чиқарилаётган жиҳозларни замонавийлаштириш, янги ва асил жиҳозлар ишлаб чиқараётган ихтирочиларни тўплаш. Туристик қўл жиҳозлари, ихтирочилар слётлари чақириш, уларнинг жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг синовида уларнинг қатнашишини таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулоса чиқаришда улар фикрини инобатга олиш.

Маҳаллий савдо тармоғига, корхоналарга табиатни муҳофаза этишга таъсир қилувчи жиҳозлар ишлаб чиқариш ва савдо қилишни кучайтириш тўғрисида таклифлар киритиш.

Туристик саёҳатларнинг ривожини ва келажакини режалаштириш

Мақсади — ташкилотчилик: маълум ҳудудларда экологик асосланган туристик-экскурсия ишларини режалаштириш, манба негизлари ва технологияни бошқаришни мукаммаллаш.

Янги туристик хўжаликлар ва маршрутларни жойлаштиришга таклиф ва асосланган тавсиялар рекреация ерларни захира этиш, кўриладиган чора-тадбирларда табиатни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқариш. Ер кадастри ва рекреация кўриқхона фонди (таянч туристик ҳудудлар, табиий туристик боғлар ва буюртмачиларни қўшган ҳолда) ташкил этишда иштирок этиш.

Экологик чегаралаш, санитар-гигиеник талаблар қўйишнинг имконияти бор усуллари синаб кўриш йўли билан кўриқхоналар ва бошқа ётиқ ҳудудларни ривожлантириш.

Туристик мақсадлар учун янги доираларини ўзлаштириш чораларини кўриш ва кучли антропоген босим остида қолган доиралардаги туристик оқимларни бўлиб юбориш билан режалаштириш.

Муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларини ташкил этишга ёрдамлашиш

Мақсади — ташкилотчилик: туристик экскурсия ташкилотларнинг муҳофаза этиладиган ҳудудлари сони ва турларининг кўпайишига ва рекреацион мақсадларда унумли фойдаланишнинг кўпайишига ёрдамлашиш.

Туристик-экскурсия ташкилотлар томонидан айрим ҳудудларни рекреация учун қимматли билимни ошириш ёки фан мақсадларида фойдаланиш учун асосли таклифлар ишлаб чиқариш.

Йўл бўйидаги ёки қирғоқ ёқасидаги туристик маршрутларда табиат муҳофазасида фаол иштирок этиш, мақсадни бузиб кўрсатиш ёки ишдан чиқариш, жуда чиройли ва кўзга ташланадиган манзараларни саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа мақсадларда ифлослантиришга қарши курашиш.

Машхур туристик маршрутлар ёки энг кўп саёҳат қиладиган жойларнинг атрофларида муҳофаза этиладиган доиралар ташкил этиш ва Ўзбекистон табиатини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларига тўғри келадиган заказниклар очиш тўғрисида фойдаланиш учун қўлланиладиган асослар тўплаш. Шаҳар атрофидаги дам олиш доиралари, шаҳаролди яшил доиралари, ўрмон боғ доиралари, сув ҳавзаси ўсимликлари яратиш, табиатни ўргатувчи сўқмоқлар очиш таклифлари билан чиқиш.

Табиатни муҳофаза этувчи ва бошқа ташкилотларга ландшафт ва бошқа заказниклар очиш, миллий табиат ва тарихий табиат боғлари очиш, табиат ёдгорликлари иншоотларининг машхурлигини тан олиш ишларига ёрдам бериш.

Табиатни муҳофаза этиш корхоналари билан ҳамкорлик

Мақсади – ташкилотчилик: туристик-экскурсия ва табиатни муҳофаза этиш ташкилотларининг режалаштириш ва ташкилотчилик, умумий фаоллари ишида қатнашиш.

Туристтик экскурсия корхоналари ва табиатни муҳофаза этувчи ташкилотлар ўртасида иш юзасидан ҳамкорлик. Коллегиялар, президиумлар, комиссия ва бошқа раҳбар ишчи органларга ҳамкор ташкилотлар вакиллари кириштириш.

Умумий режали ишларни боғлиқ олиб бориш, доимий ўзаро контракт ва ёрдам, умумий ўқув, ташвиқот, оммавий ишларни олиб бориш.

Туристтик экскурсия ташкилотлари ва табиатни муҳофаза ташкилотларининг, сайёҳларнинг оммабоп ишларига ўрмон хўжалиги, ов ва балиқ ови инспекциялари, илмий текшириш ва лойиҳалаш ташкилотларининг таклифлари, илтимослари ва кўрсатмалари асосида қатнашишларини келишилган ҳолда олиб бориш.

Ихтисослаштирилган илмий-амалий йиғилишлар ташкил этиш

Мақсади – ташкилотчилик, услубий: “Экологик туризм” муаммоси бўйича илмий-текшириш, услубий, ўқув-тарбия ва бошқа ишлар бўйича тажриба алмашиш ва координациялаш.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари (АМЭТХ) ташкилотлари ва туристик ташкилотлар томонидан, табиатни муҳофаза этувчи, ташкилотлар илмий-текшириш институтлари билан биргаликда изланиш ва амалий ишларни координациялаш, туристик табиатдан фойдаланиш, туристик-экскурсия ташкилотларининг табиатни муҳофаза этиш ва бошқа муаммоларда иштирок этиши бўйича илмий-услубий йиғилишлар ва конференциялар ўтказиш.

Уларни ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва таклифлар киритиш. Туристик табиатдан фойдаланиш бўйича барча ишларда қатнашиш.

Йиғилган манбаларни чоп этиш

Мақсади – ташкилотчилик: сайёҳлар ва туристик тизим ичида табиат муҳофазаси билимини ва ғояларини тарқатиш, ахборот ва услубий негиз йиғиш.

Туристик ташкилотлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари (АМЭТХ) ходимлари томонидан (ёки уларнинг иштирокида услубий, ўқув қўлланмалари, маълумот-ахборот) ва материаллар (ёдгорлик, мурожаатнома, варақалар) сайёҳлар ўзини тутиш қоидалари, табиат муҳофазаси “кодекслари”, вазифа ва топшириқлар, илғор тажрибани жорий этиш бўйича ва табиатни муҳофаза этиш мавзуи бўйича ишларни чоп этиш.

Тозалаш сафарлари

Мақсади – ташкилотчи-амалий таклиф ва тарбиявий: ландшафтни рекреация ифлосланиши оқибатида йўқотиш, маршрутларда санитар-гигиеник шароитни сақлаш, йўл-йўлакай табиат иншоотларини тиклаш, ландшафтларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш, сафар иштирокчиларида меҳнат, экологик тарбия ишларини олиб бориш.

Туристик хўжалик инструктор таркиби кучи, инструкторлар семинарлари тингловчилари, назорат қутқарув хизмати кучи билан ҳар йили икки-уч марта, айниқса, мавсум бошланиши ва тугаши олдидан режали ва ҳаваскор туристик маршрутлари трассаларида тозалаш ишлари олиб бориш.

Ҳаваскор турист гуруҳларга экспедиция, олдидан маршрутларида табиат ёдгорликлари ва муҳофаза этиладиган майдонлардаги эътиборга молик иншоотлар ва ҳудудлар топиш, ундаги:

кўп йиллик дарахтлар, тарихий-мемориал аҳамиятга эга бўлган дарахт ва ўрмонлар, йўлаклар, қимматли, нодир йўқолиб бораётган ва алоҳида қийматли ўсимликлар;

Ғорлар, камарлар, карст ўйиқлари ва воронкалари, гейзерлар, қояли шакллар, геологик ялонғочланган ерлар, нурашнинг қизик шакллари йирик валунлар, дюналар, барханлар ва ҳоказолар;

Минерал булоқлар, дарёлар, реликт қўллар, дарё ва сув хавзаларидаги режими алоҳида маданий-эстетик, соғломлантирувчи майдонлари;

Ландшафт йиғиндилари, ландшафтга таъсир этувчи омиллар, алоҳида сўлим майдончалар;

Арихитектура ёдгорлиги атрофидаги ландшафтлар, тарихий-мемориал аҳамиятга эга касрлар топиш.

Туристик гуруҳларга мутахассислар маслаҳатини ўтказиш. Эътиборга молик табиат ёдгорликлари тўғрисида маълумот йиғиш, сайёҳларни услубий қўлланмалардан ёдгорликларни излаш, топиш ва ёзиб олиш ҳужжатлари билан таъминлаш. Табиий ёдгорлиги статуси олиши мумкин бўлган иншоотларни ҳужжатлаш-тириш.

Табиий ёдгорликлари ёки янгидан топилган тарихий ва маданий мерос бўладиган иншоотларни давлат рўйхатига тиркаш тўғрисида бундан ташқари бепарво эгалардан бузилиши мумкин бўлган ёдгорликларни тартиб олиш таклифини киритиш (13,46-99).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Ю.Александрова. Международный туризм. Учебник. М.Аспект пресс, 2002 г, 470 с.
2. Н.Ахмедова, М.Хошимов, Т.Шаймуратов. Китоб геологик кўриқхонаси, Самарқанд, “Зарафшон”, 1997 й.
3. А.Т. Банников. По заповедникам Советского Союза. Москва, 1974 г.
4. М.Б. Биржаков. Введение в туризм. Издательство «Герда», 2000 г, 192 с.
5. З.М.Бобур.«Бобурнома». Тошкент, 1982 й.
6. Н.П.Бородин.Охрана памятников природы. Санкт Петербург. 1914 г, 97 с.
7. А.Л.Бродский.Охрана природы в Туркестане. Тошкент, 1913 г.
8. Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов, Б.В. Клименко. Менеджмент в иностранном и внутреннем туризме. Краснодар, Кубанский университет, 1977 г.
9. В.И. Данилов – Данильян, В.Г.Горшков и др. Окружающая среда между прошлым и будущим: Мир и Россия. Москва, ВИНТИ, 1994 г.
10. С.Р. Ердавлетов. Казахстан туристический. Алма-Ата, Кайнар, 1989 г.
11. С.Р. Ердавлетов. География туризма Казахстана. Алма-Ата, Ылым, 1989 г.
12. Заповедники СССР. Заповедники средней Азии и Казахстана. Москва, 1990 г.
13. И.В.Зорин, Ю.А.Штюмер. Туризм и охрана окружающей среды. Москва, 1996 г.
14. К изучению животного и растительного мира Узбекистана. Ташкент, 1984 г.

15. Кашкадарьинская область. 1-том. Природа. Ташкент, 1959 г.
16. Китабский государственный геологический заповедник. Рукопис, 1989 г.
17. Красная книга Узбекской ССР. Ташкент, 1938 г.
18. А.Б.Курмангалиева. Труды заповедника Аксу-Джабаглы. Алма-Ата, 1973 г.
19. М.Маматкулов, И.Отажанов, М.Хошимов. Табиат - архитектор. Тошкент, “Фан”, 1974 й, 54 б.
20. А.Г.Николаевский. Национальные парки. Москва, Агропромиздат, 1985 г.
21. Проблемы природоохранного просвещения. Новосибирск, Наука, 1975 г.
22. Н.Ф.Реймерс, Ф.Р.Штильмарк. Особо охраняемые природные территории. Москва, Мысль, 1978 г.
23. С.А.Солиев, М.Р.Усмонов. Туризм географияси. Самарқанд, 2005 г.
24. М.Хошимов, В.И.Кучерявых. Табиатнинг нодир сайргоҳлари. Тошкент, “Меҳнат”, 1991 г.
25. М.Хошимов, Ж.Хошимов. Ҳисор бағрига саёҳат. Тошкент, “Фан”, 1979 г.
26. В.В.Храбовченко. Экологический туризм. Москва, Финансы и статистика, 2003 г.
27. А.Худойбердиев. Охрана природы в Узбекистане. Ташкент, 1989 г.
28. Чаткальская заповедник. Ташкент, 1983 г.
29. Т.Д.Шамшилова организация туризма в государственном заповеднике Аксу-Джабаглы. Туркестан, 2001 г.
30. А.С.Шестаков. Намерение проблемы российского законодательство об особо охраняемых природных территориях: видение всемирного фонда дикой природы – Охрана дикой природы. №3 (14), 1994 г.
31. Экологический туризм на пути в Россию; принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула, Гриф и К, 2000 г.

32. Ўзбекистон ССРда табиатни қўриқлаш ҳақида қонун. Тошкент, 1974 г.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
.....	8
ЭКОТУРИЗМ МАЪНОСИНИ АНИҚЛАШ.....	8
ЭКОТУРИЗМ ТУРЛАРИ.....	10
ЭКОТУРИЗМНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	11
ЭКОТУРИЗМ МАҚСАДИ.....	12
Экотуризм мақсадли гуруҳлари.....	13
ЭКОТУРИЗМНИНГ ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУРЛАРИ.....	14
ЭКОТУРИЗМНИНГ АЛОҲИДА МУҲОҒАЗА.....	16
ЭТИЛАДИГАН ТАБИАТ ХУДУДЛАРИ.....	16
КИТОБ ГЕОЛОГИК ҚЎРИҚХОНАСИНИНГ ЭКОСАЙЁҲИК РЕСУРСЛАРИ.....	19
.....	23
Китоб қўриқхонасининг геологик – туристик ресурслари.....	23
Қўриқхона экосайёҳик ресурсларини.....	28
аниқлаш тарихи.....	28
Қўриқхонанинг экотуризм ресурслари.....	30
Ўсимликлари.....	34
Хайвонот олами.....	37
Қўриқхонада нима ишлар.....	42
бажарилади?.....	42
Қўриқхона этнографик тарихи – археологик.....	58
изланишлар учун манба.....	58
Қўриқхона майдонидаги сайёҳлар учун хавфли.....	63
табиий жараёнлар.....	63
Қўриқхона вазифалари.....	66
МИЛЛИЙ БОҒЛАР.....	69

ЗОМИН МИЛЛИЙ БОҒИ.....	72
КИЧИК ҚҶРИҚХОНАЛАР.....	73
ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	74
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ТАБИАТ.....	75
ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	75
ТАБИИЙ ТАРИХИЙ ДАРАЛАР.....	75
Темур дарвозасидан Темир дарвозагача.....	75
Тош қотган излар тарихи.....	81
Уч ўчок.....	86
Чортанги.....	87
Мик.....	88
НОДИР ЛАНДШАФТЛАР.....	89
Етти тепалик устида.....	89
Денгиз тўлқинланган жойда.....	89
Хазина ғаладони.....	91
Қайта тикланаётган тепаликлар.....	93
Оҳалик.....	94
Омонқўтон.....	98
(фарахбахш дара ва тарихий довон хақидаги ўйлар).....	98
Ер ости сув омбори (Қирқтоғ).....	103
Тоғлар қабристони.....	106
Қўқсарой.....	108
ТОҒ ЗОНАЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ЭКОСАЙЁХЛИК ОЛАМИ.....	110
Ургут.....	110
Ойкор.....	113
Баҳмал.....	115
Кетмон чопди ва Кампир қўл.....	119
“Қирқ кизлар”.....	121
Қўйтошдаги “тош қўйлар”.....	122
“Муқаддас” тош.....	123
ТЕКИСЛИК ЛАНДШАФТЛАРИДАГИ ЭКОСАЙЁХЛИК МАНБАЛАРИ.....	124
Қуруқликдаги орол.....	124
Сахро медальони.....	126
Тим.....	129
Кизил туз.....	131
ЭКОСПЕЛЕОТУРИСТИК МАНБАЛАР.....	133
(ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҒОРЛАРИ).....	133
Амир Темур I ғори.....	135
Ажинакамар ғори.....	143
Амир Темур II ғори.....	144
Тош туяли ғор.....	147
ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ.....	151
Ижтимоий жихатлар.....	151
Иқтисодий жихатлар.....	153
Экологик жихатлар.....	155

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМДАГИ ТАБИАТИ АЛОХИДА МУХОФАЗА	
ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ.....	161
ЭКОСАЙЁҲИК ИМКОНияТЛАРНИ БАҲОЛАШ.....	162
ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ЭТИШ ТАРТИБИНИ.....	167
САҚЛАШ.....	167
ЭКОЛОГИК ВА ТЕХНИК МУАММОЛАРНИ.....	171
ЎРГАНИШ.....	171
РЕКРЕАЦИОН БОСИМ ҲИСОБИ.....	173
ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ.....	174
ТУРИЗМДА ТАБИАТНИ КЎРИҚЛАШ ТУРКУМЛАРИ	175
ТУРИЗМДА ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.....	180
НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	180
Кириш вақтидаги суҳбат.....	180
Қўлланма.....	181
Ўлкашунослик сайёҳлиги.....	182
Табиатшунослик сайёҳлиги.....	183
Музей сайёҳлиги.....	183
Табиатни ўрганувчи саёҳат.....	184
Табиатни муҳофаза қилиш.....	184
табiiй ва илмiiй мавзудаги суҳбатлар.....	184
Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари тўғрисида суҳбат.....	185
Табиатни муҳофаза этишдаги эстетик ва этик.....	185
мавзу бўйича суҳбатлар.....	185
Амалий дарслар.....	186
Ўқув-машқ қилиш жараёни.....	187
Йўл маълумоти.....	187
.....	187
Дам олишдаги учрашувлар.....	187
Тўғараклардаги бажариладиган вазифалар.....	188
“Сен табиатни биласанми?” номли экологик ўйин.....	189
Табиат музейини ташкил этиш.....	189
Сайёҳ сўкмоқларини аниқлаш ва.....	190
жихозлаш.....	190
Маршрутларни белгилаш.....	191
Ўқув экологик сўкмоқларни шакллантириш.....	192
Туристлар жойлашадиган жойда табиатни.....	193
муҳофаза этиш бўйича тайёргарлик.....	193
Тунаш жойлари, гулхан ўринлари ва.....	194
ўчоқларни жихозлаш.....	194
Туристлар томонидан ўрмондаги экиш ишлари.....	194
Ландшафтни эстетик жихозлаш.....	195
Маршрутларда эътиборни жалғитувчи, соғломлаштирувчи ва билим берувчи	
жозибадор объектлар қуриш.....	195
Тўсиклар ясаш.....	196

Ўрмон хавфсизлигини таъминлаш.....	196
Ўрмонга қараш.....	197
Ёнбағир эрозияси билан қураш.....	198
“Жар” операцияси.....	198
Микроқўриқхоналар яратиш.....	199
Рекультивация.....	199
Миллий боғларда маршрутларни.....	200
барпо этиш ва жихозлаш.....	200
Маршрутларни режалаш.....	201
Табиат муҳофазасига йўл-йўлақай.....	202
ёрдам.....	202
“Тез ёрдам” ва қутқариш ишлари.....	202
Назорат-қутқарув хизматининг фаолияти.....	203
Туристик хўжаликларда санитария-гигиена талабларини бажариш ўстидан назорат.....	204
Табиат муҳофазаси чораларининг	204
амалиёти ўстидан назорат.....	204
Туристик жихозларни конструкция ва	205
модернизация қилиш.....	205
Туристик саёҳатларнинг ривожини ва келажакини режалаштириш.....	206
Муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларини ташкил этишга ёрдамлашиш.....	206
Табиатни муҳофаза этиш қорхоналари билан ҳамкорлик.....	207
Ихтисослаштирилган илмий-амалий.....	207
йиғилишлар ташкил этиш.....	207
Йиғилган манбаларни қоп этиш.....	208
Тозалаш сафарлари.....	208
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	210

Монография

Муродхон ҲОШИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ТУРИЗМИ

«Zarafshon» nashriyoti ДК, Самарқанд, 2009, 220 бет.

Мухаррир: Аскар Эшаев
Мусаххих: Хусен Ашуров
Саҳифаловчи: Шахноза Қамбарова

Босишга рухсат этилди 21.10.2009 й. Бичими 60x84_{1/16}.
Офсет қоғози. Таймс гарнитурасида терилди. Шартли б. т. 13,75 .
Нашиёт ҳ. т. 6,1. Адади нусха 200. Буюртма ____.
Баҳоси келишилган нархда.

«Zarafshon» nashriyoti ДК, 140100,
Самарқанд ш., Амур Темур кўчаси, 12-уй.

Оригинал макет «Zarafshon» nashriyoti ДК да саҳифаланиб, тайёрланди.

ТИПОГРАФИЯ НОМИ

ISBN 978-9943-379-01-5